


АБДУНАБИ ҲАМРО

# ВАҚТ ДАРЁСИ

*Ҳикоялар*



ТОШКЕНТ  
«О‘ЗБЕКISTON»  
2009

84(5Ў)6  
Х. 25

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Абдунаби Ҳамро-нинг бир неча назмий ва насрий тўпламлари китобхонларга яхши таниш. «Вақт дарёси» тўплами адибнинг сара ҳикояларидан ташкил топган. Тарихий ҳикояларда эрк ва озодлик учун курашган боболаримиз хотираси улуғланса, замонавий мавзудаги ҳикояларда инсон руҳиятининг турли товланишлари акс эттирилган. Бир неча ҳикоялар янгича услубларда ёзилганлиги ва сюжет ўткирлиги билан диққатга сазовордир. Уларда қаҳрамонлар тақдирининг бурилиш паллалари ўзига хос тарзда тасвирланган.

ISBN 978-9943-01-464-0

© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2009

---

## БОВАСИНИНГ БОЛАСИ

*(Ушбуни миллат фидойиси,  
Халқ ёзувчиси Тоғай Мурод  
хотирасига атаб битдим)*

«Муножот»ни учинчи бор айтмасак, давра тарқамади. Айтдик, ўзимизга-да, эшитганга-да ёқар-ёқмас қилиб айтдик. Ароқхўрлар бирин-кетин туришди, лўппи юзли қизлар лаб буришди, даврабошининг манглайи тиришди. «Ажаб бўлди, хўп бўлди! — дея тўрсиллади ўйинчи қиз, — тонг отай деб қолди, қачон тугайди бу тўй ўзи?!» Чеккачеккадаги битта-яримта маст-аластан бошқа ҳамма туриб кетди, ашуланиям юмалоқ-ёстиқ қилдик.

— Уф-ф! — деди дойрачи жўрамирз, — суф сенга-ей, суф! Намунча чўздинг!

— То, что надо! — дея тиржайди микрофончи Ҳиммат дойи, — айни вақтида айтилди!

Оқсоқол наридан-бери «омин» қилди, тўй тарқади. Элнинг оёғи сал тингач, чоллар бир уйга йиғилдилар. Бизниям чақирдишди, кирдик. Бобойлар ўтиришибди кўр тўкиб. Чолларки, ҳар бири бир колхозга раис бўлгудек! Дуойи-фотиҳадан сўнг овқат келди, «олинг-олинг» қилиб ўтирдик. Бир пайт тўрда ўтирган бароқ қошли, юзи рапидадай келадиган чол томоқ қириб қолди.

— Их-ҳм! Хо-о-ш, ҳопиз бола, гапдан олинг энди!

— Гап ёшуллидан-да, бова... — хокисор илжайдик.

— Значит, Олотданман денг?

— Ҳовва, Олотдан.

— Кимнинг авлодидан бўласиз? — чол бароқ қошларини чимирди, шундоғам қарийб юмуқ кўзлари тагинда қисилиб, Чингизхоннинг ўзи бўлди-қолди.

— Бовамизни Ҳамро Ражаб дердилар, ўтиб кетганлар...

— И-и, босмачининг неварасимисиз? — бобой жонланди.

— Ҳовва... — даврага қўрқа-писа қўз ташладик, худо қўрсатмасин, биронта мелиса-пелиса ўтирган бўлсам, «гражданский» кийиниб!

— Э-э, олдинроқ айтмайсанми шуни! — Чингизхон гурзидай мушти билан нақ болордай келадиган сонига урди. — Тур, ёнимдан келиб ўтир!

Ўтирганлар сал-пал сурилишган бўлиб, жой бўшатишди, чолнинг ёнига бориб ўтирдик.

— Қўлни ташла! — бобой куракдай кафтини узатди, бизнинг тор пардасини босишдан бошқа нарсага ярамайдиган бармоқчаларимиз чолнинг қўли ичида кўринмай, йитиб кетди.

— Ниёзупман! Холли Ниёз десанг, Олоту Қоракўлда лубой одам танийди. Лаббай?! — У даврага син солди.

— Шундай, полвон бова, танийди! — одамлар маъқуллашди.

— Умримда бир мартагина йиқилганман. Ундаям, бовангдан... Ҳо-ҳо-ҳо! — чолнинг завқи баланд экан, гумбурлатиб бир кулдики, шипдаги қандил зириллаб кетди! Давра аҳлидан тўрт-беш киши ҳам иримига кулган бўлди, қолганлар тиржайиб қўйишди. Афтидан, полвон бованинг феъли баҳор ҳавосидай турланиб турса керак, беҳосдан қош чимириб «Кимники очилибди, нега ҳиринглайсанлар?!» деб қолишиям ҳеч гап эмас чоғи. Одамлар юрак олдириб қўйишганми, ё чолни уялтирмаслик учунми, ишқилиб, одоб сақлашди. Бизам хиёл жилмайдик, сўнг лаб тишлаб ўтиравердик. Холли бова бўлса даврадагиларга гап маъқуллайверди:

— Бовасини Ҳамро босмачи дейишарди. Ўзиям юз саксон килодан кам эмасди, занғар! Бўйин деганингиз араванинг гупчагидай келади. Кўзлари шокосадай, мўйловини кўрсангиз, Будённийми деб ўйлайсиз...

Бизни хаёл опқочди. Бовамиз раҳматли манови Холли бова таърифлаганидай унақа қўрқинчли бўлмаса-да, йирик одам эди. От минарди, эшак чидамасди. Кўҳна мироб эмасми, уйда ўтиролмасди. Бир қарасанг ўрда, бир қарасанг қирда дегандай, кезиб юрарди. Одамлар «келинг-

келинг, мироб бова» деб ҳурматлашар, бова ҳам от устида ўтириб, улар узатган бир товоқ айронни бир кўтаришда бўшатиб, соқол-муртини артиб кетаверарди. Афсона, ривоят, чўпчагу нақл дегани ичидан қайнаб чиқар, савод ҳаминқадар бўлса-да, сиёсати бир жаҳон, дағдағаси тош ёрарди. Овозгаку умуман гап йўқ эди! Товуш деганингиз салкам икки юз килолик гавда ичидан гумбурлаб чиқар, агар ихлос билан «ўв-в фалончи-и!» деб бир ҳайқирса, икки қишлоқ нарида яшовчи фалончи «Эби, Ҳамро дойим чақирдилар!» деб югургилаб етиб келарди.

— Ҳай ҳопиз, эшитиб ўтирибсанми? — Холли бова елкамизга кўл ташлади.

— Эшитиб ўтирибмиз, бова, айтаверинг.

— Гап шу, бованг мени йиқитган, шу бугун қулай келди, бовангнинг қасдини сендан оламан!

«Эби, бу ёғи неча пулдан тушди?» деган ўй хаёлдан ўтди, сўнг қуллуқ қилдик:

— Майлику-я, бова, аммо, бир узримиз бор эди...

— Хо-о-ш?

— Энди-и, қизиққонлик қилиб, ёшулли одамни йиқитиб қўйсақ, эл-юрт изза қилар дейман.

— Воҳ-воҳ-воҳ! Муни кўринглар, бовасининг ўзи! — Холли бова бизни бағрига тортди, сўнг даврага юзланди. — Ҳамробой ҳам гапга тўн кийгизарди, буям чакки эмас. Болам, сен билан кураш тушмаймиз, сен ашула айтиб берсанг бўлди.

— Тўғри-тўғри! — бир-икки одам маъқуллади, — олинг, хофиз, яхши-яхшиларидан олинг! Би-и-р «шоғолбазм» қилайлик.

— Қистанманглар! — уларни тўхтатиб, Холли бовага қарадик, аввал ўша воқеани бир эшитайлик, полвон бова.

— Қайси воқеани?

— Ўша-да, бовамдан йиқилганингизни...

Даврага тағин таҳликали жимлик чўкди. Тилимиз ботирлиги бор-да, доим панд еб юрамиз. Ҳозир ҳам, агар полвон бованинг орияти қўзғаб қолса борми...

— Э-э, уми? Ҳа-а, майли, айтсак-айтаверамиз! — Холли бова айёрона кулимсиради, — аммо, ёмон ёпиш-қоқ бола экансан! Ишқилиб, қирқ бешинчими, қирқ

олтинчими йил эди-да, аниқ ёдимда йўқ. Урушдан кейинги йиллар, аҳвол оғир. У пайтлар сув тақчил, Зарафшон Қорақўлдан ўтиб, Олотгача етиб бормай, қуриб қоларди. Қиш кунлари эди чамаси, райқўмлар икки мироб бошчилигида ўн беш кишини Жондорга юборишди. Бизам бўз йигитмиз у пайтлар, уларга қўшилиб кетдик. Дарё боғланган, биз тарафга сув ўтмайди. Районларнинг катталари ўзаро келишолмаганми, ишқилиб, бизга шундай топшириқ бўлди: бориб зўрлик билан бўлса ҳам сувни очасизлар-да, то икки район аҳли ерларини суғориб олгунча, беш кунми, ўн кунми, ўша даҳанани қўриқлаб ётасизлар!

Нонни белга тугиб, кетдик. Эртасига Олотдан ҳам ўн киши етиб келди. Ҳамрой уларга бошлиқ эди. Лекин, вилоятдан келган беш-олтита қуроли мелиса сувни қўриқлаб ётибди денг, яқин йўлаб бўлмайди. Кўп айтдик, оз эшитдик, гапга кўнадиган эмас ҳеч бири. «Ҳой мусулмонлар, халқ сувга ташна, ерларни суғориш керак, бу қандай гап?! Ҳеч бўлмаса уч-тўрт кун оқсин, сўнг, майли, боғлаб берамиз» дедик, кўнишмади. Кечга яқин Ҳамрой бир амал ўйлаб топди. Бор-будимизни сарфлаб, овқатни зўр қилиб, мелисаларни роса ичирдик! Ярим тунга бориб ҳаммаси тарракдай қотди! «Очинглар сувни!» деди Ҳамрой. Катта даҳанани «қўлда кўмак» қилиб, бир соатга қолмай очиб юбордик, сув ҳайқириб оқаверди. Икки-уч жойга гулхан ёққанмиз, атроф ёришиб кетган. Йигитлар шўхлашиб, бир-бирига осилиб, кураш тушаётибди. Бир пайт бизам ароқнинг боди билан катталик қилибмиз: «Қани, ким зўр бўлса, чиқсин!» Ҳеч ким чиқмади, билишади-да, биз унча-мунча одамга олдирмаймиз. Одамлар Ҳамройни сургалаб опчиқишди, у бўлса, оёқ тирайди, «Кўйинглар, бизга тўғри келмайди» деб. «Ҳа-а, оға, келаверинг, қаттиқ йиқитмайман» дебмиз-да шайтоннинг гапига кириб. У тўхтаб, ортига бурилди, кўзларини хиёл қисиб, кулимсиради. Сўнг чопонини ечиб, енгини шимарди. Бир пушаймон қилдим-ей айтган гапимга, бир пушаймон қилдим-м... Йўқ, унинг тоғдай гавдасидан қўрққаним йўқ, кўнглини оғритиб қўйдимми деб қўрқдим. Хуллас, одамлар вағир-вуғир қилишди, бод беришди, ичганимиз икки пиёла ароқ, уям бурнимиздан чиқди. Шунча

йил кураш тушиб, бунақа тошбадан одамни кўрганим йўқ. Ҳарчанд чирандим, қилт этмайди! Биласизлар, полвонларнинг «ростқулайи» бор, «чапқулайи» бор. Агар икки рақиб ҳам бир қулайда олишса, баҳарнав, лекин бири «чапқулай» бўлса, худо урди! Терс келади-да, ҳеч сермаб ололмайсан. Ишқилиб, Ҳамробой ё «чапқулай» экан, ё икки ёғида ҳам бирдай олиша оладиган тоифадан. Нима бўлсаям, ёнини бермайди. Қўл деганингиз қаламадай, букилай демайди, таталайверинг, парвойига келмайди. Бир пайт қандайдир бир усул ишлатди, бунақасини кўрганим, шу ёшга кириб, ҳалиям учратганим йўқ. Рўпарамда турган одам, бирдан ... орқа томонимда пайдо бўлди! Бошим устидан бир эпкин эсгандек бўлди, энди ўйласам, ўшанда ҳатлаб ўтган экан! У пайтлар ҳозирги карате-парателар йўқ эди, лекин Ҳамробой ўша япўнчалар сакрагандай учиб ўтди-ёв! Ишқилиб, кўз очиб-юмгунча вақт ўтгани йўқ, гарданим билан белбоғимдан ушлаб, «ё пирим!» деб тим-тик кўтарди! «Воҳ энажон, энди ўлдим! Ҳозир ташлайди...» деб ўйладим, йўқ, ташламади, лекин ҳавода бир чирпирак қилди-и! Шамолпаррақдай айландим, тўртта гулхан қирқта бўлиб кўринди кўзимга. Бир пайт қарасам, ерда ётибман, осмонга қара-а-б... Ҳеч қаерим оғримайди, оёқ-қўлим бус-бутун, Ҳамробой тепадан қўл чўзди: қани, тур! Қўлини олиб, турдим. У «янами?» дегандай қаради, «йўқ» дея бош чайқадим, сўнг қизариб-бўзариб, пичирладим:

— Оға, бизни кечиринг...

У индамай бориб чопонини кийди, сўнг нарироқдаги гулхан ёнига чўнқайди.

... Холли бова жим бўлди, юраклар сим-сим бўлди, дийдаларга ёш тўлди. Кекса полвон оғир хўрсинди, нафаси гўё аланга пуркади! Бир оз букчайган гавдасини тиклади, кўзларимга суқланди:

— Ана шундай одам эди бованг! — овозида дардми-соғинчми тўлғанди.

Кимдир томоқ қирди, полвон бова унга саволомуз тикилиб деди:

— Ҳа-а, давоминими?

— Иҳ-м...

— Майли, айтаман. Хуллас, кимдир хабар берганми, ишқилиб, тонгга яқин, атроф ёришиб қолганда ёнига икки кишини олиб, Корейс етиб келди Бухородан....

— Корейс?

— Ҳа, сув бўйича бир каттакон бор эди, ўзи корейс, оти Цойми, Кимми, ишқилиб, бир бало эди. Бирпасда дунёни бузди, занғар! Мелисаларни тегиб турғазди, ҳаммага бақириб-чақириб, пўписа қилаверди: халқ душманисизлар, қаматаман, оттираман! Ҳамробой кўп ялинди: ака, уч кунгина оқсин, сўнг ўзимиз боғлаб берамиз деб. «Йўқ, ҳозир боғлайсизлар!» деб дўқ урди. Бир мелисани тилпон қилишга юборди: обқўмга тилпон қил, аскар жўнатсин, қорақўлликлар билан олотликлар Шўрога қарши кўзғолон кўтарди! Ҳамробой имо қилувди, икки йигит бояги мелисанинг қўлини қайириб, ерга таппа босди: қимирлама! Корейс ҳаддидан ошавергач, Ҳамробой уни бир қўли билан кўтариб, кўпириб оқаётган сувга отиб юборди! «Ҳе сенинг ўша қисик кўзли энангни..!» — деди сўнг пичирлаб. Корейс хўпиқиб, жон талвасасида бақира бошлади. Қарасак, ўладиган! Юрак бетлаб, сувга тушадиган, уни олиб чиқадиган марди-майдон қани? Охири бўлмади, одамлардан садо чиқмагач Ҳамробой ўзини сувга отди, бечора корейсни яна ўзи судраб чиқди. Олиб келиб, гулхан ёнига ўтиргизди, оловни тезлаб, хуржундан бир шиша ароқ чиқарди. Очиб, тишлари тақиллаётган корейснинг оғзига қуйди: ичмасанг, ҳозир яна сувга ташлайман. Занғар, боягина осмонни бошимизга ташламоқчи бўлиб турган қисиккўз мўмингина бўлди-қолди. Кўзларидан милт-милт ёш оқиб, йўтала-йўтала ароқнинг ярмини ичди. Ўтириб, кийимларини қуритгач, «билганларингни қилинглар» деб қўл силтаганча жўнаб кетди. Ҳамробой мелиса болаларнинг қуроолларини йиғиб олди. Сув уч кун оқди, тўртинчи кун боғладик. Ҳамробой мелисаларнинг қуроолларини қайтариб берди. Ҳаммамиз хурсанд бўлиб уйга қайтдик.

... Даврадагилар нафас ютишди, гапнинг давомини кутишди. Жон ҳовучлаб кутишди, кўзларни ёшлаб кутишди. Овқат — овқат жойида, ароқ — ароқ жойида қолди.



Полвон бова белбоғининг учи билан дийдасини артди, ёшини аритди, сўнг бизни қучиб, ўзига қаратди:

— Ана шундай одам эди бованг...

Боваси тушмагур, сеҳргарми дейсиз, гипноз қилди! Биров гинг демайди, бир тишлам нон емайди, чолнинг оғзига боқади, у бўлса тагин бош чайқади.

— Бовангни нимага «босмачи» дейишган, биласанми? — дея аста сўради сўнг.

— Биламиз, Фойиб Сардор билан жўра бўлган, бирга юрган...

— Хо-о-ш, унда нимага ҳукумат уни қамамаган? — чол айёрона кулимсиради.

— ...

— Ана, билмайсан! Сабаб шуки, Ҳамробой райондаги НКВДнинг каттаси билан ҳам жўра бўлган!

— Йўғ-ей?

— Ҳа-да! Кў-ў-п муғамбир эди бованг, ҳа! «Қама-қама» бошланганда ўша Сакалўп уни «от олиб келасан» деган баҳона билан Чоржўйгами, Маригами юборган. Ҳамма ёқ тинчигач, Ҳамробой қўй оғзидан чўп олмагандай бўлиб, қайтиб келиб, яшайверган.

Бизам бўш келмадик, ҳарқалай тарихни унча-мунча ўқиганмиз. Қани, полвон бовани гапда тутиб бўларми-кан?

— Унда, эллигинчи йилларда-чи? Иккинчи қатағонни айтаман-да.

— Аҳ-ҳа, ҳопиз бола, бовангни мот қилмоқчимисан?! — Чол хохолади. — Ахборотинг учун, урушдан «брон» билан қолган бўлсаям, Ҳамробой «рабочий баталён»га бориб ишлаб келган. Ҳукумат олдидаги айбини ювган. Тем боле, унга ўхшаган кадрлар давлатга керак эди, ҳа!

— Гап йўқ, бова... — мулзам бўлиб, қуллуқ қилдик. Даврадаги чоллардан бири гап қистирди:

— Ниёзуп! Бу гаплар яхши, канешни, лекин «созу суҳбат» дегандай...

— Тўғри! — деди пойгакда ўтирган, боя даврани бошқарган муаллим бит кўзларини йилтиратиб, — «шо-голбазм» ҳам эсдан чиқиб, лекцияга ўтиб кетдик!

Полвон бованинг кўзлари қисилиб, мурти диккайди, яноқлари пир-пир учаверди.

— «Шоғолбазм» дейсанми? — у даврабошига ёмон қаради. — Малим одам, болаларни ўқитасан, энди отанг тенги бобойлар олдида ўйинчи ўйнатмоқчимисан?! А-а?!

Муаллим қизарди, бўзарди, томоқ қирди, ютинди, охири бўлмади: туриб, чиқиб кетди. Англадимки, энди ким гапирсаям, мисоли совуқ темирга чўкич ургандай бефойда. Кўнгилга бир ният солдик, торни ғилофдан олдик, ўнг қўлни юрак устига қўйиб, Холли бовага юзландик:

— Бова, майли, элнинг сазаси ўлмасин, бир нарса айтиб берамиз. Янги шеърни эски куйга солганмиз. Тўғриси, «Сувора» йўлида, эшитиб кўринглар.

Дойрачига кўз ташладик, икков бирга бошладик:

Кўринг, аҳли жаҳонда бир ажиб инсон эрур ўзбек,  
Ҳалол, танги, миришкор, заршунос деҳқон эрур ўзбек,  
Мислсиз боғу роғ этган азиз боғбон эрур ўзбек,  
Забардаст, Алпомишдек паҳлавон, полвон эрур ўзбек,  
Шарафли меҳнатидан бахтиёр, шодмон эрур ўзбек.

Саксонинчи йилларнинг ўрталари эди, замона қалқиб турарди, лекин халқ рост сўзга ташна эди. Исёнкор юрак қўймади, дард чекиб тўймади, охир шеър тилида, соз тилида куйлади. Давра жимжит эди... Тор нола қилади, дойра аста эргашади...

... Чигал тарих тўфонида неча зўр ўғлони кетгандир,  
Қадрсиз ҳам қабрсиз Қодирий, Чўлпони кетгандир,  
Улуғ аллома Фитрат, Элбеғу Усмони кетгандир,  
Жафокаш эл яросига шифо, дармони кетгандир,  
Буюк қисмат китобида ғаму армон эрур ўзбек.

Айтдик, айтавердик, оҳанг оғушида, сўз қанотида мозийларга бориб қайтавердик. Бир кўринг энди: давра тебранди, гувранди, қалқиди! Юраклар тубидаги ғурур кўз очди, нигоҳлар ўткирлашиб, шуъла сочди. Одамлар бизнинг қўшиқни эмас, ўз қалбларини тингладилар, бир нималарни англадилар...

Айтим охирлади, сасимиз ер бағирлади, куй сеҳридан қутилиб, кўз очдик: боя чиқиб кетган муаллим сездирмай келиб, чўккалабди. Боши қуйи эгилган, нигоҳлари

ер чизади. Тор сўнгги бор ингради, дойра охирги зарбани урди, қўшиқ поёнига етди.

Ажабки, боя «яхши-яхшиларидан» сўраган одамлар энди уф тортиб ўтиришибди...

— Бу кунлар узоққа бормайди, болам... — деди полвон бова бизни кузатар чоғда, дуодан сўнг хайрлашаркан, — ўзингни эҳтиёт қил. Бовангга ўхшаб полвон бўлибсан. Танинг эмас, юрагинг полвон экан... Бизни йўқлаб тур, ўғлим. Боринглар, Худо ёр бўлсин.

Биз ҳам хайр-хўшни айтдик, машинага ўтириб, Олотга қайтдик. Кўнгилда бир ҳадик, бир севинч: бир ишни бошлаб кетдик, кўзларни ёшлаб кетдик, одамларга нимадир ташлаб кетдик. Йўл-йўлакай англадик: бу юртни, бу одамларни соғиниб яшаймиз энди, қалбимизнинг бир бўлаги Қоракўлда қолди...



## ВАТАНИМ — ИККИ КЎЗИМ...

*Устозим Тошпўлат Аҳмадга ва  
ўғлим Шаҳриёрга бағишладим*

«Бу ерда ҳамма нарса бошқача кўринар экан. Осмон ҳам яқинроқдай. Тиловат, атрофдан фақат тиловат эшитилади. Ҳаво ҳам қандайдир ўзгачароқ. Тозами-ей, беғуборми...»

Йигит ич-ичидан кулимсираб қўйди. Нимагадир китобий жумлалар, иборалар ишлатиб ўйлаётгани ўзига қизиқ туюлди. Атрофга боқди: зиёратчилар кўп эди. Одамлар улуғ ватандошлари, муҳаддислар султони қабрига интилишарди. Барчанинг тилида бир сўз, бир табаррук ном: Бухорий! Имом Исмоил Бухорий!

— Қаерликсиз, болам? — зиёратгоҳга кираверишдаги ёғоч курсида негадир ёз куниди ҳам кунушиб ўтирган етмиш ёшлардаги чол йигитга савол назари билан боқди.

- Олотдан...
- Олот? Қаерда у? Бухородами?
- Ҳа, Қорақўлдан кейин. Туркменистон чегарасида, — деди йигит дастрўмоли билан елпиниб.
- Қорақўл?! — чол жонланди, — Пойкент ўша ердами? Қорақўлга қарайдими у? Борми ҳозир ҳам?
- Бор, — йигит чолга ажабланиб қаради, — эски шаҳар, харобалар қолган. Музей ҳам бор.
- Пойкент! — чол оғир сўлиш олди. — Улуғ шаҳар бўлган у! Юртнинг бир кўзи эди у, уйғоқ кўзи!
- Йигит чолнинг мақсадини тушунмай, туришга чоғланди, аста қўзғалди.
- Тўхтанг! — деди чол узун оппоқ соқолини тутамлаб, — қулоқ солинг, бир нарса айтиб бераман... вақтингиз борми?
- Бор. Ярим соатча.
- Стади, қулоқ солинг...

\* \* \*

Ҳаво айний бошлади. Шамол қутурган шоқолдай увуллар, қумларни кўкка совуриб, икки четини саксовуллар қўриқлаб турган йўлдан имиллаб бораётган карвоннинг бошидан қуярди. Бола эшакни тезроқ юришга қистар, бошини чопони билан ўраб, юз-кўзига урилаётган қумдан ҳимояланишга уринарди. Туя устида бораётган аёл эса гоҳ отни қистаб ҳайдаётган тўнғичига, гоҳ эшакни йўрттириб бораётган кенжасига тикилар, хаёллари фалак ва замин аро чарх урарди...

... Ўшанда суюкли ўғли Исмоилнинг кўзлари ногоҳ кўрмай қолганда, аёлнинг дарди-дунёси қоронғи бўлиб, зор қақшаб Яратганга илтижолар қилганида у гаройиб туш кўрганди. Олдиниға ҳеч нарсани тушунолмай бир оз кўрқди, сўнг ҳайрон бўлди. Рост-да, одамларнинг тушиға ё Хўжайи Хизир, ё аллақандай фаришта, ҳеч бўлмаса оппоқ соқолли нуроний чол кириб, бир нималардан башорат беради. Унинг тушиға бўлса... соқов лўли хотин кирганди! Қоп-қора, кўзлари шокосадай, юзларида кўкимтир игна излари билиниб турган семиз жўғи аёл унга иккита яшил

тош берди тушида. Тошлар қуёш нурида товланиб яшил аланга сочарди. У лўлининг қўлидан тошларни қўрқа-писа олди. Каптар тухумидек келадиган тошчалар гўё ўзидан илиқ ҳарорат таратаётгандек эди.

— Бибижон, нима қилай буларни? — дея зорланди у. Лўли аёл унга гинали ўқрайди, тошларни икки қўлига олиб, юмуқ кўзларига, шишинқираган қабоқларига босди. Бир лаҳзага у яшил кўзлари аланга сочаётган жодугарга айлангандек бўлди. Сўнг тошларнинг бирини оёқ остига, ҳовли саҳнига кўмди, иккинчисини эса шаҳарнинг жануб тарафига, Қоракўл дарвозаси сари иргитди. Тош яшил юлдуздай чақнаб, осмону фалакда ғойиб бўлди. Лўли унга синиқ жилмайди, етти бармоғини очиб кўрсатди ва бурилиб, ҳовлидан чиқиб кетди.

«Яшил кўзлар... Яшил ранг... Кўзлар... Чақнаган кўзлар... Етти... Нимани билдиради булар? Нимага бир тошни ерга кўмди? Бухорога, юртга ишорами бу? Унда иккинчи, отилган тош-чи? Эй тангрим, бу не тилсим? Парвардигор, ўғлимнинг дардига шифо бер!»

Аёл шу хаёллар билан бир ҳафтани ўтказди. Раҳматли эрини эслади, шундай олатасир замонда оиласини ташлаб, боқий дунёга риҳлат қилгани учун ундан бир оз ўпкалади ҳам. Лўли аёлни аста-секин унута бошлади. Аммо ўша тушдан сўнг нақ етти кун ўтгач Исмоилнинг кўзлари чарақлаб очилиб кетди!

Ҳаж тўғрисидаги фикр эндигина ўн бирга кирган боланинг кўнглига баногоҳ келиб ўрнашдими, ёхуд ёғий лашкарларининг дамо-дам такрорланиб тургувчи босқинлари боис аста-секин етилдими, ишқилиб, мўъжаз оила шаҳардан чиқаётган карвонга қўшилганини биров билди, биров эса йўқ.

— Отамнинг юртини кўриб, сўнг кетаман! — деди бола қатъий. — Тангри билади, шу билан қачон келаман энди...

... Кум бўрони тинди. Кичик карвон Пойкент қалъасига яқинлашди. Қош қорайиб, осмонда йирик юлдузлар порлай бошлади. Баланд деворлар шинаклари узра машғалалар ёғду сочар, тунга ҳозирлик кўраётган шаҳар сафар олдидан бир тун қўниб ўтмоққа ижозат сўраган карвонни оғринмай ўз бағрига олди.

— Хуш галибсизлар. Бухорои шарип жойиндами? — тавозе билан қуллуқ қилди карвонсарой эгаси. Ўрта ёшлардаги бақалоқ бу кишининг истараси иссиқ эди. У меҳмонларга тунаш учун жой ҳозирлади.

— Қуллуқ, оға... — деди аёл паст овозда, — худо раҳматлик хўжайинимиз шу юртдан эдилар. «Каъбатуллоҳдан аввал ота юртимни тавоф қиламан» деб қўймади манави жиянчангиз...

— Воҳ-воҳ-воҳ! Гўзингдан айлансин бованг! Илоё кам бўлма, ўғлоним!

— Эртага, куюш чиққач қалъани кўрса бўлармикан? — сўради бола қимтиниб.

— Ҳовва! Ўзим гўрсатаман. Нера дийсанг опораман, жияним. Янгажон, ўтириб дурунглар, ман егулик гатирайин...

Кечки овқатдан сўнг, ётиш олдидан аёл ўғлига ўша тушини ҳикоя қилиб берганида Исмоил нимқоронғуликда аста бош ирғади.

— Ҳа, онажон, жўги момо иккинчи тошни шу атрофга, ота юртим томонга отган. Менинг Пойкентга келишимни билган у! Кўзларим очилишини ҳам сезган!

— Болам, тошлар нимага яшил эди, шуни ҳалиям тушуна олмадим...

— Онажоним-ей, ахир Пайғамбаримизнинг муқаддас туғи яшил рангдаку! Дини Ислом рамзи бу.

— А-а?! Тўғри, болам. Энди ухлайқол, эртага ишинг кўп...

\* \* \*

Бола юртига сўнг бор қаради. Бир пайтлар не-не босқинчиларга тўшини очиб, халқига қалқон бўлган Пойкент қалъаси Бухорои Шариф Аркига рўбарў қурилганини ногоҳ англади. Кўксини ифтихорми, ғурурми, аллақандай нотаниш туйғулар тўлдирди, мижжаларига ёш қалқиди. Боланинг мурғак кўнгли Ватан туйғусини савқи-табиий билан илк бора ҳис этди. «Ё қудратингдан! Боболарим шунчалар донишманд бўлишганми!? Бир-бирининг дийдорига интиқ, бир-бирининг истиқболига кучоқ очиб бораётган икки қалъа — икки биродар! Сирлар,

тилсимлар кўмилиб ётган бу замин — бобокалонларим мангу ором топган тупроқ! Энди мен қачон кўраман бу диёрни? Дийдор тагин насиб этармикан? Валлоҳу аълам... Онагинамнинг тушлари... Икки яшил тош — менинг дунёга очилган икки кўзим! Икки қалб кўзим эса Бухоро ва Пойкент! Отажоним, қуллуқ сизга! Иншооллоҳ, маҳшар куни ёруғ юз ила учрашурмиз. Мен энди икки яшил тошни қалбим дафинасига беркитиб, Расулulloҳ дийдори сари кетурман. Ўша яшил рангни, яхшиликка бурканган Пайғамбар каломини олам узра ёяжакман. Хуш қол, ота юртим! Хуш қолинг, азизларим...»

Карвон олислаб борар, мўйсафид Пойкент қалъаси эса жигарбандини олис сафарга жўнатган бузруквор падар янглиғ хомуш тортиб қолганди. Йўл бўйидаги саксовуллар жуда узоқ йиллик айрилиқни бўйнига олган, дийдорини қиёматга боғлаган ўғлонни дуо қилиб, қўл силкитиб қолаётгандек эди...

... Автобус Қорақўл сарҳадига кирди. Кўҳна Пойкент харобалари тўғрисида келганда йигит ҳайдовчидан илтимос қилди:

— Амаки, шу ерда бир тўхтаб ўтинг.

— Нима гап, Олотга бормайсизми? — сўради кепкасини қия қўндирган қушбурун ҳайдовчи тормозни босаркан.

— Бораман. Кейинроқ, — йигит сакраб пастга тушди, — олдин боболаримнинг юртини бир кўрай...

Шундай деб офтоб қиздирган асфальт йўлдан кўҳна Пойкент сари илдам юриб кетди.



## БАХШИНИНГ СЎНГГИ ҚЎШИҒИ

Нурбек бахши ҳибсхона эшигини муштлаб, бақира бошлади:

— Очинглр! Очинглр дейман! Катталаринг билан гаплашмоқчиман!

Туйнукдан мўралаган соқчи йигитнинг мовий кўзларида ғазаб учкунлари кўринди:

— Заткнис, сволоч!

— Чулдирама-ей, энағарнинг ўғли! — деди Нурбек бахши ғазаб билан, — каттангни чақир дейман!

— Молчи! А то... — соқчи темир эшикни қарсиллатиб ёпди.

Нурбек бахши бу иши фойдасиз эканини билса-да, эшикни тагин икки-уч бор муштлади, даҳлиз тарафдан садо келмагач, судралиб бориб тахта катга чўзилди. Икки кўли билан зирқираётган тиззаларини уқалади, жони сал ором олгандек бўлди. Бу зах хонада минг хил дард орттириш мумкин. Хаёлини бир ерга тўплаш учун бир оз тек қотди. Сўнгги бир-икки ойда борган-кўрган ерларини хаёлидан ўтказа бошлади, аммо қанча тиришмасин, ҳибс этишга арзигулик гуноҳини эслолмади. Мана, уч кун бўлди ана шу зах ва бадбўй ҳид анқиб турадиган хонага келтириб ташлаганларига. Уч кун бурун кечки пайт икки отлиқ уйига кириб борди-да, уни олдига солиб келаверди. Гапсўз йўқ, милтиқнинг учи билан турткилаб келтиришди. Яхшиямки, қош қорайиб қолувди, бўлмаса Нурбек бахшидай бир одамнинг отлиқлар олдида бош эгиб бораётганига бутун қишлоқ гувоҳ бўларди. Ярим тунга яқин шаҳар четидаги мана шу қамоқхонага етиб келишди. То ўзини ўнглаб, бировдан бир гап сўрашга улгурмай, опкелиб ҳибсхонага тиқиб кўйишди. На биров ҳолинг не деб сўрайди ва на қўйворишади. Онда-сонда соқчи туйнукни очиб, ювиндига ўхшаган овқат билан бир стакан қайнатилган сув қўяди, вассалом!

Тушдан кейин соқчи эшикни очиб, имо қилди: «Чиқ!»

Нурбек бахши қотиб қолган белини ушлаб, ўрнидан турди. Хайрият-эй, бу азоблар тугади, шекилли, энди қўйворишса керак. Ҳа-да, қўйвормай нима, у бир оддий бахши бўлса, эл-юртнинг яхши-ёмон кунда кўлидан келганча одамларни хурсанд қилиб юрган бўлса-ю, бечорани ким биландир адаштириб, бу ерга қамаб қўйишса! Бу ерда бир тушунмовчилик бор-ов, бўлмаса ҳозир соқчи келиб, олиб чиқармиди?! Бахши бова, мана дўмбиран-



гиз, биздан ўтибди, кечирасиз-да, сизни фалончи билан адаштирибмиз, деб қолишса-я! Ҳай занғарлар-эй, бекордан-бекорга уч кун азоб беришди-да. Бахши мийиғида кулиб кўйди, шу пайт соқчи милтиғи билан туртиб қолди: «Юр!»

Узун йўлакнинг охиридаги хонага олиб киришди. Хона кенг, темир панжара тугилган деразадан олам-жаҳон нур ёпирилиб кириб турибди. Тўрдаги стол ортида қотмадан келган, зиёлинамо киши тамаки тутатиб ўтирибди. Силлиқ сочлари чап томонга таралган, ингичка мўйловининг учлари тамаки тутунидан сарғайган бу одамнинг юзлари худди ўн йил офтоб кўрмагандек оппоқ эди. «Нима бало, ичида бир дарди бор, шекилли» дея хаёлидан ўтказди бахши...

— Ўтиринг, — деди заҳил юзли киши хирилдоқ товушда.

Нурбек бахши темир курсига омонатгина ўтирди, соқчи эшикда тек қотди. «Ҳозир кечирим сўрашни бошлайди, — деб ўйлади бахши, — майли, ука, зарари йўқ, дейман. Хижолат бўлманг, адашмаган банда борми, дейман. Шу бечораям уятдан қизариб ўтирмасин...»

— Нимага қамалганингизни биласизми? — қўққисдан берилган бу савол бахшининг кўксига ўқдек санчилди.

— А?! Йўқ...

— Сабаб шуки, сиз Шўро ҳукуматига қарши фаол тарғибот ишларини олиб боргансиз! Тўй-ҳашамларда босмачиларни, халқ душманларини мақтаб, қўшиқ айтгансиз!

— Ука, мен... — бахши дудуқланди.

— Мен сизнинг укангиз эмасман! Мен махсус бўлим бошлиғи Қориевман! Хўш, аксилшўровий қўшиқлар айтиб, одамларни ҳукуматга қарши гиж-гижлаганингизни бўйнингизга оласизми?!

— Йўқ! Мен ундай қўшиқларни билмайман! — Нурбек бахши ўзининг ширин хаёллари пуч эканини ниҳоят тушуниб етди.

— Биласиз! — Қориев жаҳл билан столга муштлади. Жуда кўпини биласиз! Унутган бўлсангиз, эслатиб қўйи-

шимиз мумкин! Мана... — у олдидаги бир тўп қоғоздан икки-учтасини ажратиб олди. — Хўш-ш, Туркман қишлоғидаги Назар батракнинг тўйида айтган қўшиғингиздан:

От ўйнатиб келар ботир Равшанбек,  
Шиддатидан тоғлар ларзага келди.  
Золимлардан зулм кўрган ҳар ўзбек,  
Равшанбекка йиғлаб, арзага келди...

— Нима, бу Равшан қўрбошини мақташ эмасми?! Ёки бўлмаса мана бу сатрларни олайлик:

Тун тугаб, чиқар қуёш,  
Кўзлардан арийди ёш.  
Ҳой камбағал, кўтар бош,  
Шамшир олар кун келди.

— Бу исёнга чорлаш бўлмай, нима, сизнингча?! Ўнлаб мисол келтиришим мумкин. Сиз ҳақиқий контра, сиёсий душмансиз!

— Э-э, ахир булар... — бахши ўрнидан турди.

— Ўтир! — деди Қориев кўзлари олайиб қичқираар экан, — сенинг тилинг узайиб қолибди!

— Шўрога қарши курашиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман! — Сўнг ўзини сал босиб олди-да, овозига расмий тус берди. — Айбланувчи Нурбек Элбек ўғли! Сиз Шўро ҳукуматига қарши онгли равишда курашганингиз учун «учлик комиссия» қарори билан олий жазога ҳукм қилинасиз! Комиссия раиси — махсус бўлим бошлиғи Қориев, аъзолари — Сталин қишлоқ Шўроси раиси Парпиев, Сталин номли жамоа хўжалиги раиси Муллажонов. Ҳукм минг тўққиз юз ўттиз еттинчи йилнинг ўнинчи март куни, яъни эртага ижро этилади. Саволлар борми?

Бахши индамади. Саволнинг нима фойдаси бор, ҳаммаси келишилган, ҳукм чиқарилган... Ё, алҳазар, одамзоднинг чивинчалик ҳам қадри қолмади! Хоҳлаган вақтида хоҳлаган кишисини отиб ташлайверар экан-да.

Қориев бахшининг сас чиқармаганини кўриб, соқчи-га имо қилди:

— Олиб чиқ!

Бахши оғир қўзғалди. Қориев ўтирғичга ястаниб, яна тамаки тутатди.

— Дарвоқе, айбланувчи, охирги илтимосингиз бўлса, айтинг, биз бажо келтирамиз.

Эшик олдига етган бахши тўхтаб, ортига бурилди. Деразадан ҳовлига маҳзун термулди-да, ерга қараб пичирлади:

— Баҳор кечикапти... Дўмбирамни қайтариб беришин...

— Бўпти, беришади. Соқчи, олиб чиқ!— гудранди Қориев. — Тавба, баҳор кечикариши...

Қош қорайгач, бахши ётган хонадан мунгли оҳанг тарала бошлади. Куй гоҳ жўшқин дарёдек авжланар, гоҳ хаста юракдек оғир хўрсинарди. Кўп ўтмай куйга бахшининг дардли овози ҳам жўр бўлди. У кўзларини юмганча куйлар, овози олис мозий қаъридан келаётган чорловдек шиддатли ва умидбахш эди. Туйнукдан мўралаб турган мовий кўзли соқчи йигит дийдасига қалққан ёшни енги билан артди-да, оғир хўрсиниб, ерга ўтирди. Нафақат бу йил, балки тагин ярим асрдан зиёдроқ муддат кечикишга маҳкум баҳор эса шошилмасди.

Бахши тонгга қадар тўхтамай куйлади. Қўлидаги дўмбиранинг дард зўридан қилдай ингичка тортиб қолган тори ҳам шиддаткор оҳанглар зарбига дош беролмай, охири чирт этиб узилди. Саҳарги салқиндан жунжикиб уйғонган соқчи туйнукдан ичкарига қаради-ю, даҳшатдан қотиб қолди: бахшининг бутун аъзойи-баданидан зангори аланга чиқарди! Бахши эса олов ичида ўтириб, кўзларини юмганча силкиниб-силкиниб куйларди. Бир оздан сўнг ўткир тилли олов ўлжасига ташланган қоплондек лоп этиб, туйнук сари сапчиди-да, соқчи йигитнинг юзларини жазиллатиб куйдирди. Бахши ўтирган ерда эса бир ҳовуч кул қолди, холос...



## ОҚ АЛВАСТИ

У режани аниқ тузганди ... Амалга оширмоқчи бўлган ишини барча икир-чикирларигача қайта-қайта хомчўт қилиб чиққан, омади келишига ишончи комил эди. Бир бора муваффақиятсизликка учрагач, эндиги сафар пухтароқ тайёргарлик кўриши лозимлигини, душман ҳам анойи эмаслигини тушунди. Уч кунлик ҳордиқдан сўнг ҳозир унинг вужудидаги ғайрат ғалаён қилар, томирларидаги қон алангайи оташ бўлиб борлигини куйдирар, жисми тизгинсиз куч-қудрат оғушида титрарди. Тизза бўйи ўтлар ичида серюлдуз осмонга термулиб ётаркан, вақтнинг бу қадар имиллашидан асабийлашар, ғафлат босган хўрозларни тинимсиз лаънатларди. Ана, ниҳоят, қишлоқ хўрозлари бирин-кетин қичқира бошладилар. Демак, қоқ ярим тун ҳозир. Чирилдоқлар товуши, нарироқдаги сойнинг сирли шилдираши ва хўрозлар қичқириви кўшилиб, ажиб бир кўшиққа айланди. У бир лаҳза бўшашди: бундай фараҳбахш тунда кўнгилга ёмонликни солиш гуноҳи азим эмасми?! Бундай оқшомлар муҳаббат учун, висол учун яратилган. «Милтиғу тўппончангни ташла, ханжарингни сойга ирғит, ўзинг тавба қил-да, онадан қайта туғилгандай пок бўлиб, бу ерлардан бош олиб кет! Навқирон умринг бекорга ўтиб кетяпти ахир, тезроқ бахтингни ахтариб топ! Кет бу ерлардан, бошинг оққан томонга кет!» Қалбининг аллақайси бир бурчидан чиққан овоз унга шундай дея уқтирарди. Аммо, шу лаҳза иккинчи бир ваҳимали овоз дилидаги барча шубҳаю гумонларни босиб, гулдиради: «Тўхта, қаерга кетмоқчисан, лафзингдан қайтдингми!? Отангининг арвоҳи чирқиллаб айланиб юрибди, туғилган юртинг тупроғи ёғий отларининг туёқлари остида топталмоқда, не-не сулув қизлару гўзал жувонларнинг номуси поймол бўлди, гўдаклар етим қолдилар! Сен шуларни унутдингми?! Қани сенинг ор-номусинг, қани йигитлик ғуруринг?! Агар шу оқшом орқага қайтсанг, бундан сўнг умрбод ёғийга рўпара бўлолмайсан! Ким билсин, умрингдан неча кун қолди... Тўхтама, қасос олишинг керак!» «Ахир улар кўпчилик, мен бир ўзимман... — зорланди биринчи овоз. — Бунинг устига ҳозир

тун...» «У чиқади! — дея қатъий таъкидлади иккинчи овоз. — Чиқиши аниқ! Сен унинг қалбига ўтган сафар чўғ ташладинг, энди ўша олов унинг борлигини куйдираётир. У оромини йўқотди, сени кутяпти. Боравер!»

Унинг кўнглидаги шубҳаю гумонлар тумандай тарқалди, қўллари ханжар дастасини маҳкам қисди. Боради, нима бўлганда ҳам бориши шарт! Чиқса, бир зарб билан тинчитиб қўя қолади, борди-ю, чиқмаса, қароргоҳни ёндириб, кулини кўкка совуриб қайтади!

У мушукдай шарпасиз эмаклаб кетди. Қамишзор ичидан чиқиб, улкан қари тутнинг панасига ўтди. Бу ердан қароргоҳ кафтдагидай кўринади, орадаги масофа икки юз қадамча. Ана, соқчи йигит араванинг ғилдирагига суяниб ўтирганча хуррак тортмоқда. Пахса уйларнинг деразасида «йилт» этган шуъла кўринмайди. Демак, ҳамма маст уйқуда. Ишқилиб, итлар сезиб қолишмасин, агар сезиб қолишса, ҳаммаси тамом! Сўнг бу ерлардан бош олиб кетишдан ўзга илож йўқ. Илло, бу — сўнгги уриниш..У отасининг ўлим олдидан айтган сўзларини яна бир бор эслади. Ўшанда чол оғриқнинг зўридан тиришиб, нур сўниб бораётган кўзларини зўрға очганди:

— Ўғлим... Мен энди кетдим... Қасос ол! Сўнг... кет... Сени булар тинч қўйишмайди барибир... Мендан рози бўл... Ўч ол!..

Ўшанда отаси беш-ўнта ҳамроҳлари билан хорижга ўтиб кетмоқ илинжида чегарагача борган, бироқ у ерда чегарачиларнинг ўқиға дуч келишганди. Ўққа учраганларнинг жасадларини олишга ям улгурмай, орқага қайтишди. У яраланиб, кўп қон йўқотган отасининг бошида анча ўтирди, чол омонатини топширгач эса уни нотаниш бир қишлоқ четидаги кўҳна қабристонга дафн этди. Тунда, яширинча... Ўз юртида ўғридай биқиниб юрди. Ўҳ-ҳў, ўшанда унинг кўнглидан не гаплар ўтмади, не долғали пўртаналар кўтарилмади дил баҳрида! У барча хўрланганлар, зўрланганлар, топталганлар, отилганлару осилганлар учун қасос олишга онт ичди. Қуръони каримни ўпиб, қасамёд қилди. Ҳамроҳларидан тўрт йигит у билан бирга кетишга изн сўрашди, бироқ у рад этди.

— Биз бу урушда ютқаздик, — деди у алам билан, — ютқазганимиз аниқ. Энди талатўпдан фойда йўқ. Сизлар бораверинглар, менинг йўлим бошқа...

У бир ой жим юрди. Тоғдаги кўздан пана горни жиҳозлаб, одам яшаса бўладиган аҳволга келтирди. Озиқ-овқат, кийим-кечак тўплади, ўқ-дорини ғамлади. Бозор-ўчарда юриб, маълумот йиғди. Ниҳоят, бу атрофдаги ёғийларнинг каттаси Макаров деган ўтгиз беш ёшлардаги йигит эканлигини аниқлади. «Яхши, — дея кўнглидан ўтказди у, — кўп яхши! Бу ўриснинг куни битди ҳисоби. Сўнг ундан каттароғини, кейин эса энг каттасини топиб, жаҳаннамга жўнатаман! Энди мен шарпага, сояга айланаман! Сояни отиб ҳам, чопиб ҳам бўлмайди. Бу тупроқдан энг сўнгги ёғийнинг изи қуримагунча ўладиган аҳмоқ йўқ!».

У яна бир ҳафта кутди, ниҳоят, Макаровнинг гуруҳи икки қоя оралиғидаги тор йўлдан ўтишини эшитиб, тошлар орасига пистирма қўйди. Бешотарни ҳам, тўппончасини ҳам ўқлаб, баланд қоя устидаги улкан харсанг панасида кута бошлади. Ана, сон-саноқсиз отлиқлар изма-из келишаётир. Ёғий маҳаллий қасоскорларнинг кутилмаган ҳамлаларидан юрак олдириб қўйган, олдинроқда ҳушёр илғорлар гуруҳи атрофни синчиклаб кузатиб келаётир. «Аланглайверинглар, итлар, барибир сенларнинг сўқир кўзларинг мени кўролмайди!» — дея ўйлади у. Отлиқлар шошмай, бамайлихотир келишмоқда. Сарғиш сочлару қош-киприклар кун тиғида ялтирайди, милтиқларнинг найзаси кўкка ўқталиб турибди. Ўзига ишонч, мағрурлик ва шафқатсизлик барқ уриб турибди бу чехраларда. Навбатдаги қишлоқни ер билан яксон қилиб, юзлаб умрларни бевақт сўндирмоқ учун бораётир бу қўшин. Отиш, ёндириш, қириш унинг кундалик эрмагига айланган! Асосий қўшин ўзининг тўғрисида келганда у милтиғининг учини икки тош орасидан секингина чиқарди, ўткир кўзлари ғаним сафлари аро пайпаслана бошлади. Буларнинг қайси бири Макаров бўлди экан? Ҳойнаҳой, ҳув анови мўйловли, яғриндор йигит бўлса керак. Энг олдинда гердайганча боряпти. «Ҳозир кафанингни бичаман, — деди у тишларини ғижирлатиб, — ана ундан сўнг

бурнингни кўтармайдиган бўласан!» Бармоқлар тепкини босди, бешотарнинг гумбурлаган товуши тоғларни ваҳимага тўлдирди, мўйловли йигит гуппа қулади. Ёғий қўшини саросимага тушиб, тўзғиб кетди. Ўқнинг қайси тарафдан келганини ҳеч ким билмасди...

У уч кунгача ўзининг биринчи ғалабасидан маст бўлиб, ғорда дам олиб ётди. Тўртинчи кун тонг қоронғусида қишлоққа тушиб, бозор оралади. Ва билдики, унинг ўқидан ўлган йигит ўша мўйловдор ўрис Макаров эмас экан. Макаровнинг ҳали тириклигини эшитиб, ич-ичидан ўзини сўқди, сўнг аламига чидай олмай отга қамчи босди.

Кейинги сафар у қулай фурсатни кўп кутмади. Наврўз арафаси эди, халқ ур-йиқитларни вақтинча бўлсада унутиб, тоғ ёнбағрига сайилга чиқди. Наврўз тинчлик келтирди, қирғинбарот жанглар бир неча кунга тўхтади. Ёғий ерли халқнинг кўнглини овлаш учун унга қўшилиб-қорилиб, байрам қилди. Дорбозлар дор тикдилар, кураш, улоқ бошланди.

У баланд ғорда туриб барини кўрди, кўнглида бир лаҳза ғазаб илони бош кўтарди: бу халқ қайси кунига байрам қилаётир, қулликка тушгани, юртнинг топталгани учунми?! Булар қачон бир мушт бўлиб тугилади, қачон бу сўқир кўзлар каттароқ очилади?! Туриб-туриб, қони қизиди, пастга тушиб, бир сакраб Юлдузқўз отининг белига минди, «Ҳайт!» деб ҳайқирганча оломон ичига ўзини урди. Улоқ қизиган, чавандозлар орасида қорақўз йигитлар кўринмас, аксарияти ғаним аскарлари эди. Ёғий суворийлари бу ўйиннинг ҳадисини олмаган, унча эплай олмасди, шу боис у қийналмай улоқни олиб, баковулнинг олдига келтириб ташлади. Ва шу лаҳза нуроний баковул чолнинг олдида турган келишган йигитга кўзи тушди. Йигит анча қорувли ва бақувват кўринар, кўзларида ҳайрат акс этарди. «Ўзимга муносиб рақиб экан, — дея ўйлади у, — Макаров шу бўлиши керак! Бундай йигитни пистирмадан туриб отиш гуноҳ... Қанийди юзма-юз туриб олишсам!.. Ҳей йигит, — дея хаёлан ҳайқирди у яна, — сенинг жонинг менинг қўлимда! Уч кундан сўнг ярим тунда келаман. Чиқсанг, юзма-юз олишамиз! Албатта чиқ, келаман!» У йигитнинг ҳам ўзини тушунганини сездди. Туйқус

нарироқда турган олтин сочли аёлга кўзи тушди. Аёлнинг кўзлари осмондай тиниқ, юзлари офтоб кўрмагандай оппоқ эди. Нигоҳларида бир интиқлик, ғалати бир чорлов нурланиб турибди. Йигитнингку Макаров эканлиги аниқ, кўзларидан кибру ҳаво, бутун борлигидан ҳукмронлик уфуриб турибди, аммо бу аёл ким бўлди? Хотинимикан? Ҳа, унинг аёли бўлса керак, ана, унинг ёнига келиб, елкасига суянди. Сулув экан...

У ўзининг чалгиганини, беихтиёр аёлнинг сеҳрига берилганини ҳис этди-ю, шаҳд билан от бошини орқага бурди. Сўнгги бор Макаровга қаради. Унинг қўли тўппонча ғилофи сари чўзилганини, атрофдаги ёғий аскарлари ўзини ҳалқадай ўраб келишаётганини сезди. Юлдузкўз қаттиқ кишнаб, осмонга сапчиди, қаршисида турган ғаним отини ўмрови билан уриб, устидаги суворийси билан қўшиб суриб ташлади-да, камондан зарб билан отилган ўқдек олдинга интилди. Лаҳза ўтмай отнинг бағрига сингиб, паналаб бораётган чавандоз сарҳадсиз дашт қўйнида кўздан йўқолди...

У қари тутнинг панасидан чиқиб, шарпасизгина олдинга юрди. Соябонли тошқудуқ олдиғача етиб олса бас, паҳса уйғача ўн қадамча қолади. Макаров шу ерда, кўнгли сезиб турибди. Уни ички бир ҳиссиёт, ғалати бир чорлов бу ерга бошлаб келди. Бўлмаса қишлоқда уй камми? Макаров истаган жойида тунаши мумкин-ку! Лекин оёқлари уни шу томонга тортди, демак, ғаним шу ерда! Ана, соқчининг борлиги ҳам буни тасдиқлаб турибди. Чиқ энди, Макаров, мард бўлсанг чиқ, яккама-якка олишамиз! — деди у ичида. — Сени ўша куни ҳам ўлдиришим мумкин эди, лекин менинг сенга айтадиган гапларим бор, ўлинг олдидан эшитиб олишинг керак! Чиқ тезроқ!

Уй эшиги ғийқиллаб очилди. «Эй худойим, ниҳоят чиқди-я! Ўзингга шукр, тангрим, ноумид қилмаганингга шукр!» Уйдан чиққан кимса бир лаҳза нима қиларини, қай тарафга юришини билмай, тўхтаб қолди. «Аҳ-ҳа, қидиряптилар! Ҳозир, ўртоқ Макаров!..»

У сассиз олдинга юрди, орадаги масофа икки қадам қолганда сакради, бир қўли билан ғанимининг оғзини беркитди. Ва шу он димоғига бошни айлантирувчи ажиб



ҳид урилди. Рақибининг тўппончасини олмоқ учун унинг ёнбошини пайпаслаётган қўли ҳам иссиқ ва юмшоқ бир нарсага тегиб кетди. Фанимининг оғзидан қўлини олмай, уни шартта ўзига қаратди. Елкага тушиб турган олтинранг сочлар ой нурида ялтиради, шишадай мовий кўзлар даҳшатдан олайиб, сутга чайилгандек оқ юзлар қирмизланди. Бу АЁЛ эди!

У аёлни ғоргача аранг судраб чиқди. Харсанглар ғорга элтадиган йўлни содиқ қўриқчидай ҳимоя қилиб турар, бундай баландликда ғор борлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Ёлғиз унинг ўзигина биладиган сўқмоқ ғоят тор, икки киши ёнма-ён юрса, бири пастга қулаб тушиши аниқ эди. Шунинг учун у аёлни гоҳ кўтариб, гоҳ судраб ғоргача етиб келди. Ғор оғзини тўсиб турган улкан тошни бир уриниш билан четга сурди-да, аёлни ичкарига бошлади.

Деворга ўрнатилган машғалалар ёқилгач, ғор ичи ёришиб кетди. Йигит шундагина аёлга синчиклаб разм солди. Ва унинг кўзларида негадир қўрқув ва нафрат эмас, балки синчковлик, ҳайрат ва ҳатто меҳр учқунлари чақнаётганини кўриб, анграйиб қолди. Аста бориб унинг қўллари ечди. Аёл увушиб қолган қўллари уқалаб, атрофга разм солди. Ғор ичи чинакам уйга ўхшайди. Ерга гилам тўшалган, устида кўрпача ва ёстиклар, бир чеккада дастурхон ва чойнак-пиёла. Бурчакда тўрт-бешта милтиқ, деворга иккита қилич осиб қўйилган.

— Мен сени танидим, — деди аёл кўрпачага ўтираркан. У ўзбекчани бузиб гапирсада, фикрини бир амаллаб тушунтирди.

— Менам сени танийман, — йигит шундай деб унинг рўпарасига ўтирганча этигини еча бошлади, сен Макаровнинг хотинисан.

— Ҳа... — аёл бош ирғади, — мени нега бу ерга олиб келдинг?

— Сени олиб келиш ниятим йўқ эди, аслида мен эрингни ўлдирмоқчи эдим, — йигит шундай деб чойнакдаги совуқ чойни симирди.

— Нега? Айт ахир, нега ўлдирмоқчийдинг!? Сен ўзи кимсан?

— Менинг отим Саид Муҳаммад, Соҳиб Муҳаммад деган бойнинг ўғлиман. Биз хорижга ўтиб кетмоқчи эдик, отамни чегарада ўлдиришди. Сўнг мен қасос олишга онт ичдим. Шу...

Аёл унинг рўпарасига келиб ўтирди. Мовий кўзлари алангаланди, нафасидан ўт чиқиб, йигитнинг юзларини куйдирди. Титраётган қўллари билан йигитнинг юзларини сийпалай бошлади. Деворга ўрнатилган машғалалар лопиллар, ғор ичи сеҳрли бир шуъла билан тўлган эди. Аёл тобора унинг пинжига тиқилар, жисмидан таралаётган жодугар ҳарорат йигитни мумдай эритиб борарди. «Тўхта, нима қиляпсан?! — деди ичида бир овоз тўсатдан, — ахир, бу ёғий-ку! Қаттол душманингни хотини! Бунинг устига у кофир, сен мусулмонсан-ку! Қолаверса, у бировнинг жуфти ҳалол, сенга номаҳрам! Торт қўлингни!»

«Йўқ-қ!... — дея шивирлади иккинчи овоз титраб-қақшаб, — мен йигирмага кирдим! Йигирма ёшли йигитман! Мен ҳали аёл баданини кўрганим йўқ... Мен тунлари ўғри мушукдай писиб юришдан чарчадим. Менга ором керак, мен ҳаловат истаяпман... Аёлни истаяпман! Бу аёлнинг оташи мени ёндириб юборди, мен кўйиб кул бўлдим! Мен ҳам тирик жонман, ахир, мен ҳам эркакман! Менга ҳаловат керак, ҳеч бўлмаса бир тун, ақалли бир лаҳза...»

— Жоним... — дея пичирлади аёл уни маҳкам қучиб, — ечинақол...

Аёл пишиллаб ухлаб қолган йигитни яна бир ўпдида, ўзи ҳам уйқуга кетди.

Улар тушга яқин уйғонишди. Йигит кўзини очганда аёл аллақачон туриб кетган, чой қайнатиб, дастурхон тузаётган эди. Йигит ювиниб келиб, дастурхон бошига ўтирди. Аёл унга қараб жилмайди:

— Раҳмат, Саид...

— Нимага раҳмат айтаяпсан, ўғирлаб келганимгами?

— Ишинг бўлмасин, нимагалигини ўзим биламан, — аёл яна жилмайди.

Нонуштадан сўнг йигит пастга тушиб, чоғроқ дарада қолдириб келган отидан хабар олди, суғориб, нарироққа арқонлади. Сўнг ғорга қайтиб чиқди-да, кўрпачага ён-бошлади. У аёлнинг кўзларига қарашга уялар, ичида икки

ҳис талашарди. Нима қилсин бу аёлни: ўлдирсинми ё қишлоққа элтиб қўйсинми? Йўғ-ей, шундай парипайкарни ўлдириб бўладими? Аммо... У — душманининг хотини, эрига қўшилиб, бу юртларга келган. Бойлик орттираман, халқни қул қиламан деб келган! Демак, ўлимга лойиқ у! Лекин... У беихтиёр кечаги тунни, машғал ёруғида сирли ялтираётган аёл баданини эслади. Вужудига титроқ кирди, безовталана бошлади. Йўқ, бу хилқатни ўлдириб бўлмайди! У ўлим учун яратилмаган. Бир эркакка бахт бераман деб туғилган. Ўзининг илоҳий сеҳри, ноз-караш-малари, кумушдай бадани, тизгинсиз эҳтиросу ҳаяжонлари билан бир ўлик жисмга жон ато қиламан деб яралган у! Зеро аёлнинг олий бурчи ҳам шу эмасми? Маҳбубалик, ёрлик қилиш, она бўлиш... Уни шу ерда олиб қолсинми? Қачонгача чидар экан бундай ҳаётга, умуман, эртага нима бўлишини ким билади ҳали. Балки, ҳозир унинг эри қишлоқни титкилаб, аёлни излаётгандир, эҳтимол, қаҳрга тўлиб, қишлоқдагиларни қийноққа солаётгандир. Ким билади, балки эрта-бир кун ёғий бу тоғ-тошларниям қадам-бақадам титкилаб чиқар, унга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолар... Манглайига нималар битилганини у қаердан билсин? Йўқ, уни бу ерда қолдириб бўлмайди.

— Бери кел, — деди у нарироқда чўнқайиб ўтирган аёлга.

Аёл яқин келди, ундан таралаётган ёқимли бўй йигитнинг ҳисларини яна жунбушга келтирди. У аёлни қучоғига тортиб, ютоққанча ўпа бошлади...

Қош қорайгач, йигит йўл тадоригини кўра бошлади, аёл унга саволомуз тикилди.

— Ҳа, қаерга бормоқчисан?

— Қишлоққа. Мен сенинг эрингни ўлдираман деб қасам ичганман. Сўзимнинг устидан чиқишим керак. Тур, сениям қишлоққа элтиб қўяман.

— Мен ҳеч қаерга кетмайман, — деди аёл хотиржам товушда.

— Эсингни ебсан! — деди йигит жаҳл билан, — бу ерда узоқ қолиб бўлмайди, эринг сени қидириб қолиши мумкин.

— Менинг эрим йўқ,— аёл шундай деб унинг кўзларига тикилди, — тўғрироғи, менинг эрим — сенсан!

— Бекор айтибсан! Умуман, кўп гапирма! Агар кетмайман десанг, майли, ўзинг биласан, мени шу ерда кут. Мен Макаровни асфаласофилинга жўнатиб, қайтиб келаман. Тоғ-тошда яшаш қийин бўлади, билиб қўй, кейин пушаймон қилиб юрма.

— Пушаймон қилмайман. Менга шу ер яхши.

— Майли, мен кетдим, тез қайтаман. Айтганча, мендан хафа бўлма, мен эрингни ўлдирмасам бўлмайди, қасам ичганман дедим-ку. Кейин ундан каттароғини топиб ўлдираман, сўнг энг каттасини! Ишқилиб, ўлдиравераман, тирик эканман, уларни ўлдиравераман!

— Барибир ҳаммасини ўлдириб тугатолмайсан, — деди аёл хаёлчан, — улар кўп. Жудаям кўп, бири ўлса, ўрнига бошқаси келади...

— Биламан, — йигитнинг мушталари тугилиб, кўзлари чақнай бошлади, — аммо мен ўлдиравераман! Бу юрт менинг юртим, уларга бу ерда жой йўқ!

— Менга-чи? — сўради аёл унга синовчан тикилиб.

— Сенга? Билмадим... — гўлдиради йигит, — бўлса керак... Бор. Мана бу ерда, — у шундай деб чап кўксига қўлини қўйди.

— Раҳмат, Саид, — деди аёл меҳри товланиб, — раҳмат...

— Дарвоқе, сенинг отинг нима?

— Мария.

— Мария... Чиройли исм экан. Эрингни ўлдирмоқчи бўлаётганимга хафа эмасмисан?

— Йўқ, хафа эмасман, — деди аёл ўрнидан туриб, — чунки сен уни ўлдиролмайсан. Ўлдиролмайсан!!!

— Нима?! — йигитнинг кўзлари катта очилиб, қўллари ханжар дастасини чангаллади, — нега ўлдиролмас эканман?! Шундай ўлдирайки!... Жонини суғуриб оламан! Мен унга ўхшаганларнинг нечтасини жаҳаннамга жўнатганман!

— Ўлдиролмайсан... — дея такрорлади аёл.

— Кўрамир! Мени кутиб тур шу ерда! — йигит шундай деб шартга ортига бурилиб, ғор оғзини тўсиб турган тошни четга сура бошлади. Бир оз уриниб, тошни четлатди-да,

ташқарига бир қадам қўйди. Шу пайт орқадан аёлнинг хотиржам ва айни чоқда кескин овози янгради:

— Саид!

Йигит елкаси оша қаради: аёлнинг қўлидаги бешотарнинг оғзи тўғри ўзига қараб турибди.

Йигит орқага қайтди, аёл тарафга икки қадам қўйди-да, хокисор жилмайди:

— Ҳазиллашма... Милтиқ ўқланган, Мария. Тушир дарров!

— Ҳазиллашаётганим йўқ, — деди аёл кўзлари оловланиб, — айтдим-ку сенга, эримни ўлдиролмайсан деб! Сен кеч қолдинг, Саид, энди фурсат ўтди!

— Тўхта! — йигит қўлини чўзиб, олдинга юрди, аммо шу лаҳза аёлнинг титраётган бармоқлари тепкини босди. Гумбурлаган товуш тоғ-тошда акс-садо берди. Йигитнинг чап кўксидан қон булоқдай отилиб чиқа бошлади, у гурсиллаб ерга қулади...



## БИР БОШГА ИККИ ЎЛИМ

Уни тушга яқин ҳибсхонадан олиб чиқишди. Эрта баҳор қуёши ожизгина ҳарорат таратар, аммо қиш бўйи нурни соғинган ўт-ўланлар заминдан дадил бош кўтармоқда эди. У атрофга суқланиб тикилди. Бу ёруғ оламини сўнгги бор кўраётганлигини, ҳадемай уни манови икки аскар отиб ташлашини ҳеч ақлига сигдирилмасди. «Нима айбим бор менинг? Гуноҳим — юртимни ҳимоя қилганимми? Агар элни кўриқлаш айб саналса... Астаффируллоҳ! Наҳотки, яратган эгам бу бадкирдорликларни кўрабила туриб, индамаса?! Нега бу босқинчиларни ер ютмайди, нега осмондан уларнинг бошига тош ёғилмайди?! Нега?!» У ана шундай алам ва изтироб тўла ўйлар билан бир лаҳза туриб қолди, фақат кекса қизил аскар елкасидан милтиғининг учи билан енгилгина туртгач, ўзига келди:

— Ну, давай, парень!

Қишлоқ этагидаги чакалакзоргача бир чақирим ҳам келмасди. Кўчада одам зоти кўринмас, барча эшик ва дарвозалар тақа-тақ бекилган эди. Одамлар гўё содир бўлиши кутилаётган қонли томошани кўрмасликка онт ичишгандай ўз кулбаларига бекиниб олишганди. Фақат угина, куни-кеча атрофида содиқ йигитлари билан шўро аскарларига даҳшат солган кўрбоши, бугун эса ғанимининг ёлгон ваъдаларига учиб, қуролини топширган содда фидойи, ўз ажали сари индамай бораётир. Ортидан милтиқ ўқталиб келаётган икки қизил аскар ўз тилида алланималарни ғўнғиллар, уни эса ночорлик ва алам ҳислари исканжага олмоқда эди. «Нега таслим бўлдим?! Буларнинг алдовларига нечун ишондим? Хўп, йигитларим қирилган, Фарғона томонларда жанг қилаётган ислом лашкарлари сари элтадиган йўллар боғлиқ экан, нимага Афғонга ўтиб кетмадим? Ахир, бир амаллаб Термизгача борсам, нариёғи бир қадам эди-ку! Нега буларга ишондим!?» «Гуноҳингни кечирамиз, агар таслим бўлсанг ўз уйингда тинчгина яшайверасан» деган ваъдаларига лаққа тушдим-а! Босқинчи қачон лафзида турган? Агар унда субут, ор-номус бўлса, ўзга юртга босиб келармиди? Қани менинг уй-жойим, ота-онам, ёр-дўстларим... Бари қирилиб кетди, ёлғиз ўзим қолдим. Тўхта, одамлар-чи, одамлар? Йўқ, булар одамлар эмас, ўз инига бекиниб олган кўрсичқонлар! Шошма, бойвачча, бировни айблаш осон. Хўш, сенингча улар нима қилишлари керак эди? Қурол-яроқсиз беш-ўнта бева-бечоранинг қўлидан нимаям келарди? Қуруқ қўл билан майдонга чиқиб, зум ўтмай ўққа учсинми?! Йўқ, бу Шўро деганига худонинг ўзи бас келмаса, бандаси бас келолмайди. Мўр-малахдай кўп бу зангарлар, тагин тўпу тўпхонаси ҳам бисёр. Биз-чи, биз? Фафлатда эканмиз, гумроҳ эканмиз! Амиримизнинг сохта шону шавкатига ишониб юраверган эканмиз-да». У аста ортига ўтирилди. Кекса аскар унга маъюс тикилди.

— Стой! — деб қолди сариқ сочли ёш аскар. У тўхтаб бош чайқади.

Орқадан сойнинг шарқираши эшитилади. Ўн қадамча наридан оқиб ўтаётган сой ўз тилида қўшиқ айтмоқда.

Ўн қадамлик масофа... Икки сакраса етади... Аммо, ўқ ундан кўра учқурроқ. У эса орқадан ўқ еб ўлишни истамайди. Йўқ! Фақат мўъжизагина уни қутқариб қолиши мумкин. Айтайлик, ёғий аскарларининг бошига чақмоқ келиб урилса ёки бирдан уларнинг милтиқлари отилмай қолса!

— Давай закончим... — ёш аскар шарақлатиб милтигини ўқлади.

— Подожди! — деди кекса аскар, сўнг йигитга юзланди. — Скажи чтонибудь... Ну, последний раз. Понимаешь?

— Тушундим, — дея пичирлади йигит, — менинг исмим Муслим. Ҳеч кимин қолмади, ҳеч кимим, Аллоҳдан ўзга... Тангрим, мўъжизангни кўрсат, жонимни омон сақла! Ҳали орзуларим кўп, худойим!

У овозининг борича ҳайқира бошлади. Ёш аскар хавотирланиб милтигини унга тўғрилади, қари аскар ҳам алланималар деб тўнғиллади. Йигит қўлларини осмонга кўтариб пичирлай бошлади:

— Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ...

Кўзларини юмди. Хаёлот олами юз очди. Умид ва орзу қуши Озодлик деб аталган маъво сари талпинди. Вақт туйғуси йўқолгандек эди гўё. Кучли истак зўридан вужуди титрай бошлади. Орқада милтиқлар шарақлади, ёт тилдаги ҳаяжонли гўлдирашлар кучайди. Бир жуфт кўрсаткич бармоқ бир жуфт тепкини бирданига босди.

Бироқ... О-о, чинакам мўъжиза эди бу! Милтиқлар отилмади! Енгилгина пихиллашга ўхшаган товушлар чиқди, холос. Икки аскар шошганча, бўралаб сўкинганча милтиқларни қайта ўқлай бошлашди. Йигитга эса тангри таоло томонидан қарзга берилган ана шу ганимат лаҳзалар кифоя эди. У қоплондек сакради, икки ҳатлашда сой лабига етиб келиб, ҳайқирганча ўзини сувга отди.

— Ўзингга шукр, тангрим! Ўзингга шукр!

Шиддат билан оқаётган совуқ ва бўтана сув уни бирпасда ўз гирдобига олди. У гоҳ чўмиб, гоҳ сув юзига чиқиб, қатлгоҳдан тобора узоқлашиб борарди. Изма-из милтиқлар варанглади. Бироқ, у оқим таъсирида нариги қирғоққа борган сари яқинлашиб бормоқда эди. Мана,

қамишларга осилиб, соҳилга чиқиб олди ва жон ҳолатда чоғиб кетди. Қўшни қишлоққача бир амаллаб етиб олса бас, кейин уни ҳеч ким тутолмайди. Биронта от топади-да, бу ердан олис-олисларга кетади. Ҳозирча эса...

У ортига ўгирилиб, нариги соҳилга қаради. Икки аскар чопганича қишлоқ томон кетишар, афтидан, командирларига хабар беришмоқчи шекилли. Майли, то улар эсхушларини йиғиб олгунларича у борадиган жойига бориб олади. Ўтириб, этигини ечди, ичига сув тўлиб, шўлқиллаётган этик югуришга халақит берарди. У почасини тиззасигача шимариб, ялангоёқ чопа кетди. Чакалакзор қалин эди, оёқлари шилиниб, қонай бошлади. Лекин у оғриқни сезмас, фикри-хаёли бу хавфли ерлардан олисроққа кетиш билан банд эди. Чакалакзор тугаб, қишлоқ кўринди. Энди у қишлоққа кириш фикридан қайтганди. Ким билсин, нечта айғоқчиси бор ёғийнинг?! Ундан кўра чакалакзордан чиқмай, сой ёқалаб кетаверади. Биронта овлоқроқ қишлоққа кириб, нон-сув, кийим-кечак топар. Агар Чоржўйга етиб олса, сўнг хавф-хатар камаяди. У ёқларда ҳали туркман қўрбошилари бор деб эшитган, ўшалардан биронтасига қўшилиб олади. Сафларига олишса биргаликда ғанимга қарши курашади. Бордию қабул қилишмаса... Унда пешонасидан кўради. Ким билади, балки Афғон томонларга ўтиб кетишнинг иложи топилар...

Қош қорайди, бу орада сой ҳам майда ариқларга бўлиниб кетди, чакалакзор ҳам тугади ҳисоби. Ҳадемай яйдоқ чўл бошланади. У чакалакзорда тунашга қарор қилди. Ҳарна, бежавотирда. Ҳўл кийимлари аллақачон қуриб, буга ва тиканакларга илашавериб пора-пора бўлган, баданининг тилинмаган жойи қолмаганди. Аъзойи бадани қақшаётган бўлса-да, у бир оз текисроқ ер топиб, чўзилди. Вужуди зирқирар, шилинган ерларидан гўё аланга чиқарди. Барибир чарчоқ кучини кўрсатди, у кўп ўтмай уйқуга кетди.

Қушларнинг чуғурлашидан уйғониб кетганида ҳали атроф бутунлай ёришиб улгурмаганди. У қорни очганини, сувсираганини ҳис қилди. Илож қанча, чидайди. Одамлар яшайдиган манзилларгача чидашга мажбур.



У йўлга тушди. У ер-бу ерда саксовуллар кекса вужуддай букчайиб турган чўлнинг адоғи кўринмасди. Кун қизий бошлади. У ташналик ва очликдан силласи қуриганча судралиб борарди. Қуёш тиккага келганда буткул мадори қуриб, сулайиб қолди. Шишиб кетган тили оғзига сиғмас, лаблари тарс-тарс ёрилганди. Кўп ўтмай у қум устига юз тубан йиқилди...

Кўзини очганида аллақандай ўтовда ётганини, тепасида сулув бир жувон энгашиб турганини кўрди. «Қа-ердаман, сен кимсан?» деб сўрамоқчи бўлди, аммо бўғзидан бўғиқ хирқираш чиқди, холос.

— Турдингба? Вай-бўйов, саған не бўлди? Сув ишасенба? Ма, ишиб ал.

«Қозоқ эканда бу... Хушрўй экан...» дея хаёлидан ўтказди у жувон узатган заранг косадан ютоқиб сув ичаркан.

— Бўлди, кўп ишсенг зиян қилади. Тур, тамақ жеб ал. Турсанши! — жувон уни суяб турғазди. Олдига дастурхон ёзди. Нон, пишган гўшт келтириб қўйди. У шошапиша емоққа тутинди, жувон эса катта пиёлада чой қуйиб узатди.

— Шашмай жейбер.

Бир оз нафси ором олган йигит жилмайди.

— Раҳмат, тўйдим... — деди у кафти билан оғзини артиб.

— Шайдан иш, чанқағингди басади, — аёл яна чой узатди.

— Хўп. Мен... қандай кепқолдим бу ерга?

— Мен апкелдим. Чўлнинг ўртасинда жатиб экенсан, тапиб, бу жерге судреп апкелдим.

— Сен-а? — у ҳайрат билан аёлга қаради.

— Ҳий-йа, мен...

— Кечирасан, ишонини қийин-да. Нима бўлгандаям, раҳмат сенга. Эринг қаерда?

— Байим авулга кетганиге кўп бўлди... — деди аёл ерга қараб, — Келмади... Ўлгенма, тирикма, қудай биледи...

— Ҳа-я... — у бош чайқади, келмаган бўлса, бир гап бўлган. Ҳозир қишлоқлар тўс-тўполон, яқин бориб бўлмайди.

— Шулай-шулай... Шўра деген бир хил одамлар келген экен алистан, бу жарге-де келиб, мал-қўйларди санап, жазип кетишди. «Энде бу маллар давлетники!» дейишди.

— Олдин кимники эди?

— Ҳов, кимники бўлуви керак, ўзимиздики-де! — жувон унга ҳайрон бўлиб тикилди, сўнг уф тортди:

— Тур энди, қўл-бетингди бир жувиб ал.

— Майли, — у ўрнидан турди-да, ўтовдан чиқди. Кун уфққа оға бошлаганди. Ечиниб аёлга елкасини тутди, жувон сув қуйди. Илиқ сув баданига хуш ёқди, вужуди енгиллашгандай бўлди. Ўтириб, оёқларини ҳам ювди, тилинган, шилинган елкалари тагин жизиллай бошлади.

— Бир аз шидап тур, казир байлап қўям, — деди аёл унинг оғриқдан афтини буриштирганини кўриб. Йигит артиниб, кийинди. Жувон аллақандай дорини яраларига суртиб, тоза латта билан боғлади. У ўрнига ёнбошлади.

— Отинг нима? — деди у қирқ кокилларининг учларидаги кумуш тангаларни шилдиратганча куйманаётган аёлнинг нозик қоматидан кўз узмай.

— Зауреш. Ўзингдики-чи?

— Муслим.

— Сартмисен?

— Ўзбекман, — деди у қовоғини уйиб.

— Иккави-да бир, — аёл кулиб, ўзига ўрин сола бошлади.

— Менга яқинроқ солавер жойингни, иссиқроқ бўлади, — деди у айёрона жилмайиб.

— Ай, салсам-салаберемен, ниме, жеб қўярмидинг! — аёл шундай деб тўшагини кўчирди. Бу орада қоронғи тушди. Зауреш ўтовдан чиқди:

— Малларге бир қараб келем, сен жатабер.

Йигит ўринга чўзилди. Қақшаган вужуди ором оғушида дам олар, фақат хаёллари пароканда эди. Қизиллар бу ергаям келиб-кетишибди, демак, хоҳлаган пайтларида тагин қайтиб келишлари мумкин. Эртагаёқ, тонг ёришмай кетиш керак бу ердан!

Аёл шарпасиз юриб келди-да, ечиниб, тўшакка кирди...

У Заурешнинг аччиқ фарёдидан уйғониб кетди. Кўзини очганда тонгги ғира-ширада ўтов ичи тўс-тўполон бўлиб

ётганини кўрди. Туркманча чўгирма телпак кийган икки барзанги аёлни ушлаб турар, учинчиси уни зўрламоқда эди. У жони ҳалқумига келиб, сакраб турди, аммо бошига келиб теккан милтиқ қўндоғи зарбидан гурсиллаб қулади...

Хушига келганда ўтовдан ташқарида, қум устида ётарди. Аёлнинг чавақланган жасади ўн қадамча нарида чўзилганини, қароқчиларнинг ўтовни шип-шийдам қилиб, ўлжаларни отга ортаётганларини, яна икки йигит эса моллар ва қўйларни бир ерга тўплаб, ҳайдаб кетишга ҳозирланаётганини кўрди.

— Тур ерингден! — дея ўшқирди ўрта ёшлардаги, бароқ қошли барзанги. — Адинг нама?

— Муслим... — деди у минг азобда ўрнидан тураркан.

— Сен Шўранинг адამисан! — деди қароқчи милтигини ўқталиб.

— Йўқ, мен улардан қочиб келдим.

— Алдама, ит ўғли! Дўғрисини сўзла, нама учун гелдинг?

Йигит индамади. Зеро, гап-сўздан фойда йўқлигини, бу қароқчилар уни барибир тирик қўймасликларини англаб етганди.

— Намага дурупсан, ат! — деди ўтовдан чиқиб келган серсоқол, юзи чандиқли қароқчи бароқ қошлининг ёнига келиб ва ўзи ҳам милтигини кўтарди. «Энди мўъжизадан умид қилмасам ҳам бўлади, — ўкинч билан ўйлади йигит, — парвардигор бир бор имкон берувди, ўзим фойдалана олмадим... Майли, шунисигаям шукр...»

— Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ... — Энди отавер, от! — деди у бароқ қошли қароқчининг кўзларига тик қараб. Бир жуфт кўрсаткич бармоқ бир жуфт тепкини бараварига босди. Икки милтиқ бирданига вараанглади...

Ҳа, мўъжиза содир бўладиган замонлар ўтмишда қолиб кетганди. Ёлғон ваъдаларга ишониб таслим бўлган Муслимбек қўрбошининг яланғоч кўкрагини икки ўқ тешиб ўтган, у қонга ғарқ бўлганча сой бўйидаги чакалакзорда ётарди. Қаттол икки ўқнинг бири унинг Жон Қушини, иккинчиси эса Хаёл Қушини маҳв этганди. Умрининг сўнгги лаҳзаларида у тақдирдан қочиб қутулолмаслигини,

бир амаллаб жон сақлагани билан, қазойи муаллақ пешонасига аниқ қилиб битилганини, ниҳоят, тушуниб етди. Озодлик хаёл эди, холос.

Ёш қизил аскар унинг тепасига келиб, жонсиз жа-садини этигининг учи билан тепиб кўрди.

— Ну, зачем ты так, не надо! — деди кекса аскар уни четга суриб.

— Давай, пошли.

— Ладно, пойдём.

Икки аскар милтиқларини елкаларига илиб, қароргоҳ томон қайтишди. Баҳор қуёши ожизгина ҳарорат таратар, бироқ, қиш бўйи нурни соғинган майсалар заминдан дадил бош кўтаришмоқда эди. Кимсасиз қишлоқ кўчалари эса гўё жон ҳовучлаб кимнидир, ниманидир кутарди...



## ЁЛФИЗ БЎРИ

Қизил аскарлар «ур-ра, ур-ра!» дея қийқирганча келишарди. Кимдир Отамуродбойнинг кўрғонига машъ-ала улоқтирди. Ташқари ҳовлидаги хас-хашаклар аланга олди, атроф кундузгидай ёришди. Бир аскар кўрғондан қочиб чиқаётган сайиснинг бошини қилич билан учириб юборди, бошсиз тана тагин беш-олти қадам гандираклаб борди-да, суви қуриган ариққа қулади. Яна бир аскар тўппончасини кўрғон дарвозасидан учиб чиққан отликқа тўғрилади, аммо отишга улгурмади: суворийнинг кўли-даги узун қамчи бир силтандию қизил аскарнинг тўппон-часини илиб кетди.

— Стой! Стой, сволоч! — дея ҳайқирди аскар елка-сидан милтиғини олишга уринаркан. Бироқ, тун зулмати аллақачон чавандозни ўз қаърига ютган эди.

Қўмондон барчани кўрғон олдига тўплашни буюрди. Аскарлар қишлоқ аҳлини уйларида чикариб, ҳайдаб келдилар. Қўмондон аскарлардан бирини чақириб, тўп-ланган оломон тарафга имо қилди:

— Қараб кўр-чи, шу ердамикан?

Аскар одамларга бир қур назар солиб чиқдида қўмондон олдига қайтди:

— Йўқ, Захаруп ака, у кўринмайди.

— Сўраб кўр, балки улар билишар?

Аскар тўпланганлар томон ўгирилиб, бақирди:

— Ҳой, мусулмонлар, Амирқулни кўрган борми ораларингда? Бизга фақат ўша керак, агар шу ерда бўлса, олдинга чиқсин, каттамитиз у билан гаплашмоқчи... Унга ҳеч ким ёмонлик қилмайди. Қани, ҳой, Амирқул, шу ердამисан?!

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Сўраган аскар яна одамларни оралаб, уларнинг юзларига разм сола бошлади. Кўрғон бостирмасидаги янтоқлар ёниб тугагач, атрофни яна қоронғулик ўрай бошлади.

— Биродарлар, Шўро ҳукумати сизларга ёмонлик соғинмайди. Бизга фақат Амирқул керак.

— Акиллама-эй, ит! — деди биров оломон орасидан. Аскарнинг нафаси ичига тушди, хўмрайиб турган оломонга қараб хезланмоқчи бўлди-ю, яна орқага, қўмондон олдига қайтди.

— Нима гап, нима дейишяпти? — деди Захаров.

— Ҳеч гап... — бўшашиб хўрсинди аскар, — у бу ерда йўқ...

Қизил аскарлар тонг отгунча қишлоқдаги барча тешик-туйнукни титкилаб чиқишди. Отамуродбойнинг ўғли Амирқул ҳеч қаерда йўқ эди... «Яна қочириб юборишибди, лапашанглар! Ўзим борсам бўларкан... Бу йигит бало экан-ей, ҳеч олдирмайди. Бу атрофда ундан хавфлиси йўқ. Маҳаллий аҳоли уни яширади, шекилли. Отамуродбойни отиб ташламасак бўларкан, энди Амирқул тўнини тескари кийди. Отасининг хунини олмай қўймайди. Лаънати юрт! Ёввойилар! Биз уларга озодлик берамиз деб... Эҳ!»

Захаров кўзойнагини дастрўмоли билан артиб, оғир хўрсинди... Бухорога келганидан бери тўйиб ухлаганини билмайди. Иссиқни айтмайсизми, нақ жаҳаннамнинг ўзи! Бу ердагилар ўрганиб кетишган, балоям урмайди. Саратондаям пахталик чопон кийиб юраверишади. Амирқулни тезроқ тутиш керак, бўлмаса қолганларни ҳам йўлдан уради. Қаердан ҳам излайсан шу жазирамада... Гоҳ Кун-

далида, гоҳ Сайётда пайдо бўлади. Отасини отмаслик керак экан... Бошқача йўл тутиш керак бу ерда, бошқача...

— Нормурод!

Баланд бўйли, қошлари туташ, хушрўй йигит кирди.

— Шамсиддин эшонни олиб кел!

Қизил аскар етмиш ёшлардаги чолни турткилаганча олиб кирди. Чол бошлиққа синовчан тикилди-да, оппоқ соқолини тутамлади.

— Ўтиринг, тақсир, — Захаров тепакал бошини силкиб, девордаги Лениннинг суратига тикилди.

— Нормурод, ҳазрат тушунмасалар, таржима қилиб тур, сизни ортиқ ушлаб турмаймиз, ҳазрат, бугун қўйворамиз. Фақат битта шартимиз бор, Амирқулга мактуб ёзиб берасиз. У сизни ҳурмат қилар экан, сўзингизни қайтармайди. Келсин, гаплашамиз, муносабатларни ойдинлаштирамиз. Биз унга ёмонлик қилмаймиз, бемалол келаверсин. Шундай деб ёзинг. Розимисиз?

Эшон пешма-пешма таржима қилаётган Нормуроднинг сўзларини сукут ичра тинглади. Йигит гапини тугатди ҳамки, фиринг демади. Асабийлаша бошлаган Захаров тамаки тутатди.

— Ну?! — деди у папиросни чайнаб.

— Хўп, ёзиб бераман, — чол ниҳоят бошини кўтарди, — лекин, энди хунрезликни тўхтатинглар, бегуноҳ одамларнинг қони тўкилмасин. Қоғоз-қалам келтиринглар...

... Нормурод «икки қизил» аскарни ёнига олиб, Амирқулни изларди. У бойваччага Шамсиддин эшоннинг номасини топшириши керак. Ҳали ким биледи, қаерларда изгиб юрибди бу Амирқул. Агар Нормурод уни топиб, мактубни топшира олмаса, Захаров эшонни бўшатмайди. Шуюм кун бўлдими, итдай дарбадар бўлиб, қишлоқмақишлоқ юриш... Қаерданам илашди шу касофатларга, яхшиси Амирқул билан бирга... Ундай деса, бу қизиллар мўр-малахдай кўп, бунинг устига олам-жаҳон ваъдалар беряпти. Амирнинг зиндонида ётган пайтларида ўрис маҳбусдан тил ўргангани энди асқотди. Дарвоқе, ўша банди ҳам хаёлпарастроқ эди шекилли, эркин ҳаёт, мустақиллик, тенглик деб бошни қотирарди. Бош айланиб

кетади бу олди-қочдилардан... Масжидларга ўт қўйсалар, аёлларни хўрласалар, ҳазратга ўхшаган фозил кишиларни қамоққа олсалар! Ё сўз бошқа-ю, иш бошқами?!

— Тўхта, қимирлама!

Амирона янграган бу товуш уч отлиқни жойига михлаб қўйди. Изма-из гумбурлаган икки ўқ икки аскарни кулатди, Нормурод ўзини ўнглаб олгунча бўлмади, қамишзор ичидан чиқиб келган Амирқул қўшотарни унинг кўксига тўғрилади.

— Мана, Нормурод қизил, ниҳоят дийдор кўришдик! — йигитнинг кўзлари оловланди, тишларини ғижирлатиб, кўрсаткич бармоғини милтиқ тепкисига қўйди.

— Қистанма, Амирқул, — деди ўзини хиёл босиб олган Нормурод, — сенга мактуб келтирдим.

У қўйнидан хатни чиқариб, Амирқулга узатди. Бойвачча хатга кўз югуртира бошлади. Нормуроднинг ўнг қўли тўппонча ғилофига чўзилди. Аммо шу лаҳза Амирқулнинг қўлида пайдо бўлган узун қамчин бир тарсиллади-ю, Нормуроднинг тўппончаси қамишлар ичига учиб кетди. Қамчи иккинчи бор тарсиллаганда аскарнинг юзида кўндалангига ўтган қизил чизиқ пайдо бўлди.

— Ана шундоқ, жўра, — дея заҳарханда қилди Амирқул, — сенинг қўлингдан кўра менинг қамчиним югурроқ. Бу ҳали хамир учидан патир! Қани, бошла энди қизилларингнинг олдига!

Олдинда кетаётган Нормуроднинг боши гоҳ-гоҳ эгилиб кетади. Уйқу элитади, шекилли. Ё ўзини анойи кўрсатиб келяптими? Нимадан умидвор ўзи бу бола, кимга ишонади? Қизиллар бошини айлантирибди-да. Ҳарқалай, нома келтиргани яхши бўлди. Пирни қутқариш керак, бечора, охир ёшида бундай абгор бўлиб юрса... Шундай донишманд одамни банди қилишибди! «Буларнинг ваъдаларига учма, болам, кела кўрма бу ерга. Бу иймонсизлар на худодан кўрқишади, на дўзахдан. Менинг умрим поёнига етай деб қолди, менга кўпам куйма, ўғлим. Келсанг, икковимизни қўшиб отишади. Отангнинг арвоҳи чирқиллаб айланиб юрибди, унутма! Ёмоннинг жазосини яратган эгамнинг ўзи берсин. Агар менга чинакам шогирд бўлсанг, қилган панду насиҳатларим қулоғингда бўлсин,

бу ерга қадам боса кўрма! Топталган қишлоқлар, ёндирилган масжидлар, хўрланган қиз-жувонлар, кесилган бошлар — бари кўз олдинда бўлсин! Хайр, ўғлим».

Шундай деб ёзибди ҳазрат. Унинг нуруний чеҳраси, аллаловчи овози, маънодор қарашларини эслаб, Амирқулнинг ҳаяжони ортди. Боради, жонини гаровга қўйиб бўлса-да, уни қутқаради! Аммо, тўғри бўлармикан шу қадами? Ахир, ҳазратнинг интиқомга ундовчи сўзларичи?! Хўп, ана, борди ҳам дейлик, қизиллар манглайдан шартта отишади, вассалом! Кейин нима бўлади, кейин? Бу талатўплар, қирғинлар давом этаверадими?! Отасининг арвоҳи тунлар қишлоқ узра чарх уриб айланмайдими, соқоли кўксига тушганда ўзини келгиндиларга хўрлатган ўғлини у дунёю бу дунё қаргаб ўтмайдими!? Қайтса-чи... йўғ-эй, унда шу ялоқхўрнинг олдида ўзини ерга урган бўлмайдими?! Лафзидан қайтган йигит ҳам йигитми?! Боради!

Нормуроднинг букилган қадди отнинг юришига монанд силкинар, Амирқул ундан кўз узмай борарди. Мана, қизилларнинг ширин сўзига, қоп-қоп ваъдаларига, бежирим кийим-бошию тўппончасига учган бир бадбахт бораётир. Бунинг йўқотарлик нарсаси йўқ. На ота-онаси, на қариндош-уруғи, на имон-эътиқодию ва на ор-номуси бор. Вақти-замонида олампаҳо амиримиз бунини бекорга зиндонбанд қилдирмаган, эски от ўғриси-да бу. Бир маротаба бировнинг молига, аёлига, қизига қўл чўзган кимса ўнганмайди. Қизиллар ана шунақалардан фойдаланишади-да. Аммо, бу бетавфиқ уларга эл бўлмайди, бир кун бориб панд беради. Имонини сотган нокасан қачон яхшилик чиққан?.. Якка отнинг чанги чиқмас. Амирқул ўзига содиқ йигитларни тўплаши керак, от ва қурол-яроғ топиш даркор. Қутуриб келган сел яккачўпни бир зарб билан қўпориб ташлайди, унга қарши турадиган мустақкам тўғон керак...

Икки отлик қизиллар қароргоҳига тобора яқинлашар, қуёш уфқ ортига чекиниб, қош қораймоқда эди. Нормуроднинг кўпригига етгач, Амирқул Нормуродни тўхтатди.



— Қулоқ сол, қизил. Каттанга бориб айт, ҳазратни бўшатиб, уйига жўнатсин. Агар устознинг соқолидан бир мўйи тўкилса, каттанг ҳам соғ қолмайди, сен ҳам! Ҳазрат уйларига етганликларини тасдиқловчи бир нишона бериб юборсинлар, сен уни менга келтириб кўрсатасан. Ана шундан сўнг мен қароргоҳга сен билан бораман. Тўсатдан келиб босаман деб хаёл қилмасин, менинг қулоғим динг, кўзим ўткир, отим эса учқур. Қўлга тушадиган аҳмоқ йўқ. Бор энди!

Нормурод қизил илдамлаб кетди. Норхасой қирғоқлариде қурбақалар қуриллаб, ором лаҳзалари бошланаётганидан огоҳ этди. Аммо Амирқул бу кеча кўз юмайди.

Эртаси кун тушга яқин Олот томондан икки отлиқ кўринди. Соҳилдаги қамишлар орасида ҳушёр ётган Амирқул яқинлашаётган суворийларга қаттиқ тикилди. Ким бўлди экан булар? Бири Нормурод эканлиги аниқ, иккинчиси... Ё раббий, ахир бу ҳазрат-ку! У нечун келаётир?! Уйга бормабди-да...

— Пирим, омонмисиз, — йигит шошиб ҳазратнинг истиқболига чиқди.

— Амирқул, болам... — чолнинг кўзларига ёш тўлиб, отдан туша бошлади. Йигит чаққон бориб, уни қўлтиқлади, устоз шогирдини бағрига босди. Амирқул ҳазратнинг ориқлаб, қоқ суяк бўлиб қолган гавдасини беозоргина қисди. Пирнинг чуқур ботган кўзлари киртайиб, яноқ суяклари бўртиб қолибди.

— Пирим, бу не ҳол, нечун бу ерларга келдингиз қишлоққа бормасдан? — йигит чолни суяб, каттароқ тош устига ўтқазди-да, ҳануз от устида қаққайиб турган Нормуродга қараб деди:

— Бери кел, ўтир сенам!

Нормурод қамчи изидан кўкариб турган юзини силаб қўйди, сўнг ноилож чолнинг ёнига келиб ўтирди.

— Сенга келмагин деб ёзувдим-ку, нега келдинг! — ҳазрат Амирқулга зарда қилди.

— Устоз, булар мени бунча таъқиб қилишади? — йигит жавобдан ўзини олиб қочди.

— Вақти-соати етгач, ўзинг тушуниб оласан. Бас, ҳозироқ ортингга қайт, улар сени...

— Энди кеч, пирим, кетар йўллар тўсилган. Бу оқшом улар қўл қовуштириб ўтиришмагандир. Қолаверса, мен бир ўзим келдим, энди сизга тегишмас, дарҳол қишлоққа жўнанг.

— Амирқул, эсингни йиғ, ўғлим! — чолнинг товуши титради.

— Қўйинг, отажон...

Эшон Амирқулнинг қарори қатъий эканлигини сезди, уни бағрига босиб манглайдан ўпди.

— Омон бўл, болам, бошинг тошдан бўлсин илойим! Аммо, бормасанг бўларди, кўнглим бир ёмон нарсани сезгандай...

— Хавотирланманг, устоз. Худо хоҳласа, яхши кунларда учрашамиз. Соғ бўлинг. Нормурод, кечаги гапим — гап, ҳазратни уйларига олиб бориб қўй, зиён-заҳмат етмасин. Бор!

— Хўп бўлади, бойвачча! — дея қулимсиради Нормурод. Сўнг кўзларининг туб-тубида ёвуз шуъла йилт этди-ю, сўнди.

Уларни кузатгач, Амирқул тош устига ўтирди. Хаёлини бир ерга тўплаб улгурмай қамишлар орасидан чиқиб келган бир талай қизил аскар унга ёпирилди...

Милтиқли аскар Амирқулни олиб кирди. Бойвачча курсида ялпайиб ўтирган Захаровга бир қаради-да, юзини четга бурди.

— Хўш, Амирқул бойвачча, қалайсан энди?! — дея голибона ишшайди Захаров. — Нормурод, таржима қил!

— Таржиманинг ҳожати йўқ, миҳдайман — деди Амирқул хотиржам.

— Сиз... Бизнинг тилимизни қаердан биласиз? Соф гапираёпсиз-а!

— Нима, сизларда тил билиш камчилик саналадимиз? — дея заҳарханда қилди Амирқул.

— Йўқ, аммо... Шундай чекка бир қишлоқда яшаб, рус тилини...

— Мен Петербургда, Москвада, Оренбургда бўлганман, савдо иши билан у ёқларга қарийб беш йил қат-

наганман. Ўрислардан оғайниларим кўп. Лекин улар сизларга ўхшамайди!

— Хўш, менга нима демоқчи эдинг, тезроқ гапир! — дағдағага ўтди Захаров, — соқчини безор қилибсанку, бошлиқ билан гаплашаман деб!

— Мен сизни охирги марта огоҳлантирмоқчиман: янги фикрни қон тўкиш билан, зўрлаб тиқиштириб бўлмайди! Бу элнинг турмуш тарзи сизлар тарғиб қилаётган ғояларни кўтармайди ҳам. Кетинглар бу ердан!

Захаров ўрнидан турди. Ўҳ-ҳў, бу йигит анча пишиқ кўринади.

— Хўп, кетдик ҳам дейлик. Яна ўша пахса уйларда, саводсизларча, ёввойиларча яшайверасизларми!? Биз сизларни одам қилмоқчимиз!

— Бизни Ҳазрат Навоий, Ибн Сино, Беруний, Машраб ва Бобурлар одам қилиб кетишган, — дея кулимсиради бойвачча. — Сиз бориб мужикларингизни тарбияланг!

— Оғзингни юм, контра! — қизариб қичқирди Захаров. — Сен қишлоқларни талагансан, одамларни ўлдиргансан! Сен ҳақиқий босмачисан!

— Э-э, сизларда тескариси экан-да, жаноби бошлиқ, яна хотиржам жилмайди йигит, «тиллоларни ҳукуматдан яширди» деб отамни оттирган, мачитларни отхонага айлантирган, аёлларимизнинг иффатини булғаган, Шамсиддин эшондай табаррук зотларни хўрлаганлар — сизлар! Энди сизлар қаҳрамону, юртимни, динимни, эркимни ҳимоя қилсам, мен босмачи бўлдимми!?

— Бас!!!

— Нега изимга тушганингизни ўзим айтайми? Мен — кўзи очиқ одамман, сизларнинг тилингизни, мақсадингизни биламан. Сизлар мендан кўрқасиз, шунинг учун мени ёмон кўрасизлар!

— Бас дейман! Ўчир овозингни!!!

— Биламан, барибир мени ўлдирасизлар, бироқ биз кўпчиликмиз...

— Соқчи! — дея ҳайқирди Захаров. — Олиб чиқ бу ёввойини! Одамларни тўпла, ҳамманинг кўзи олдида пешонасидан отамиз. Йўқ, дарахтга осамиз, кўриб қўйишин, исёнчиларнинг ҳоли қандай бўлишини!..

Оломон гувиллаб бўйнига сиртмоқ илинган йигит сари интилар, аммо милтиқ ўқталган аскарлар сафи уларни силжитмасди. Ана, бир аскар сиртмоқнинг учини торта бошлади.

— Мусулмонлар, буларга ишонманглар, булар одам эмас! Булар босмачилар! — Амирқулнинг овози хириллаб чиқди, сиртмоқ томоғини тобора маҳкамроқ бўға бошлади. — Одамлар, кўзингизни очинг! Ҳали яхши кунлар келади. Мусулмонлар, Аллоҳга ишонинглар, буларга эмас! Булар...

Ердан узилган оёқлар бир оз типирлади-да, жимиб қолди. Оломон гувиллаб, дарёдек чайқалар, лекин қирғоқни бузиб чиқа олмасди. Метиндек мустаҳкам соҳил ўз ўрнида устувор турар, далли дарё эса беҳудага осмонга сапчир, бундай жонҳалаклик ўзининг қора манглайига узоқ йилларгача битилганидан беҳабар эди...

Эртаси куни «Шамсиддин эшоннинг бошини кесиб кетишибди» деган хунук хабар тарқалди. Халқ ўзининг икки фарзандига бирдан аза очди...



## НОМАЪЛУМ АСКАР

Ҳайкал жуда маҳобатли эди. У хиёбондаги улкан дарахтлардан-да баландроқ, ўжар бир ғурур порлаган кўзларини олисларга тикканча юксалиб турибди. Темир қалпоқнинг, автоматнинг ва кенг елкаларнинг усти икки энлик қор. Ҳайкал пойидаги улкан, беш қиррали юлдуз ичидан қизғиш аланга отилиб чиқар, оловнинг кескир тиллари гоҳ илондай тўлғонар, гоҳ шиддат билан осмонга сапчимоқчи бўларди. Мармар юлдуз атрофидаги ерларнинг қори оловнинг тафтидан эрий бошлаган, қош қорайган маҳали каттакон юлдуз атрофи олачалпоқ бўлиб кўринарди.

Қоронғулик маккор ёвдай билинтирмасдан босиб келди. Чол ёғоч оёғини дўқиллатганча зиналарни бир-бир босиб юқорига чиқди. Ҳайкалнинг икки тарафидаги мрамар тахталарни титроқ қўллари билан сийпалай бошлади. Номлар... Улар жуда кўп. Бир тарафда шаҳидларнинг муборак номлари, нариги ёқда эса урушдан эсон-омон қайтиб келганларнинг исми шарифлари. Чолнинг чап кўкси қаттиқ санчди. Ёғочдан ясалган ўнг оёғи музлай бошлаган қор устида қалтис сирпанди, қалтираган бармоқлар жонҳолатда тоштахтага ёпишди. Чол ўзини бир оз ўнглаб, оёғини ерга маҳкамроқ тиради. Гўё мўъжиза содир бўладигандек, изма-из чўзилган номлар рўйхатига тагин кўзларини оғритиб тикилди. Йўқ, мўъжиза рўй берадиган замонлар ўтганди, чолнинг номи бу рўйхатда ҳам, наригисидаям йўқ эди.

Совуқ забтига ола бошлади, у гандираклаганча ўрта-сида Мангу Олов ёниб турган улкан юлдузга яқинлашди. Юлдузнинг бир қиррасига ўтириб, музлаб бораётган бармоқларини оловга чўзди. Вужудига бир оз ҳарорат югургандек бўлди. Қирқ ямоқ чопонини ечиб, қуруқроқ жойга тўшади-да, беҳол ўтирди. Телбавор рақсга тушаётган аёлдай жилпанглаётган аланга беҳос эсанг шамол таъсирида чол тарафга сапчиди, у букчайган қаддини бир оз кўтариб, ўзини орқароққа олди. Жисми бир оз ором олдию... очлиги эсига тушди. Сўнгги бор қачон иссиқ овқат еганди ўзи? Эсида йўқ. Назарида бир йил бўлгандек. Қуруқ нонни охириги марта қачон егани эса ёдида: кеча эрталаб еганди. Бу йўқчиликдан эмас, у бир бурда нонни истаган маҳали топиши мумкин. Қолаверса, уни ҳамма танийди, исталган ошхона ёки чойхонага кирса текинга қорнини тўйғазишади. Фақат... Сўраш керак-да. Чолни шу нарса қийнайди. У бировдан бир нарса сўрашни ёқтирмайди. Ўзи асли камгап, ҳар нарса тиланиб сўрайвериш унинг табиатига ёт. Ким билсин, балки ана шу ўжарлик ва ғурур уни хароб қилгандир. Ўшанда, бундан кў-ў-п йиллар бурун, худди ҳозиргидай қиш кечасида тилининг учига келган, бўғзини куйдирган СЎНГГИ саволни Ойсанамдан сўраганида нима бўларди? Асло! Бу саволга

жавобнинг кераги йўқ, зеро, ҳамма нарса кундай равшан эди ўшанда...

... У янги, 1946 йилни ўз уйида кутиб олишни ният қилганди. Бироқ, бундай бахт унга насиб қилмаган экан. Жангу жадаллар, асирлик азоблари, қочилар, партизан ертўллари, ёмғирдек ёғилган бомбалар ва ниҳоят госпиталь — буларнинг бари йигирма беш яшар навқирон йигитнинг афт-ангорини, қалбию руҳини ва ҳатто тақдирини ҳам остин-устун қилиб ташлади. Ў-ў, қандоқ ўртанувди ўшанда! Кесилган ўнг оёғининг тиззадан пастига протез қилиб беришди, у дўқиллаб юришни ўрганди. Эртаиндин уйга кетаман деб ўйлаб, севиниб юрган одам, худо уриб бир куни кўзгуга қаради-ю... Оҳ-ҳ, даҳшат эди бу! Ўшанда у ўзини танимади. Қани у қалин қошлар, бургут қарашлар, келишган қирра бурун?! Кўзгудан мўлтираб турган бу бедаво ким ўзи? Ким бу мунғайган тасқара? Куя еган кигиздек олачалпоқ қош, пачоқ бурун, куйган, илма-тешик бўлган юзни ўнгдан чапга қараб кесиб ўтган улкан чандиқ... «Йиғлама, йигит, тўйгача тузалиб кетсан» деганди ўшанда ўрис дўхтир кулиб. У эса кўз ёшларини яшириш учун тескари қараганди. Сўнг юзидаги ямоқларни бир оз бўлса-да бекитиш учун... мўйлов қўйди. Қалин, энли қилиб ўстирди. «Эҳ-ҳе, Будённий бўпкетэй!» дейишарди ярадорлар кулишиб.

Ишқилиб, у барча азобларни ортда қолдириб, ўзи туғилиб ўсган қишлоққа кириб келганда қиш ҳозиргидай қиличини қайраб турганди. Ота-онаси омонмикан, Ойсанам уни танирмикан? Шу ўйлар билан қизил вагондан тушдию сафархалтасини орқалаб яёв жўнайверди. Туман марказидан қишлоққа етиб келгунча эл ётар пайт бўпқолди ўзиям.

У пастак пахса девордан бир амаллаб ошди. Дарчани тақиллатиб, барчанинг оромини бузгиси келмади. Ана, ўзининг уйи деразасидан хира ёғду таралапти. Демак, чол-кампир аллақачон ухлаб қолишган бўлса-да, Ойсанам ҳали уйғоқ! Ўҳ-ҳў, қанчалар соғинди уни! Ахир, беш йил ўтди, беш йил! Эндигина уйланган, ҳали чимилдиғи йиғилмаган куёв эди-да кетганида. Қизил вагонга босишдию обкетишди. У ёғи олатасир жанглар... Майли, бари

ортда қолди. Мана, пешонасида бор экан, қайтиб келди. Бўёғи яхши бўлади энди.

У оёқ учида юриб деразага яқинлашди. Қани, секин бир қарасин-чи, унинг сулув Ойсанами нималар қила-япти экан? Балки уни соғиниб, кўзига уйқу келмай тўлғониб ётгандир?! Ҳозир қарайди!

— Бўлди, кетақолинг энди, Мавлон ака, кеч бўпқолди... — ичкаридан аёл кишининг эрка товуши эшитилди.

— Хўп, мана, кийиняпмизку, Санамжон, — деди унга жавобан хирилдоқ эркак товуши.

Эшик ичкаридан бекитилган экан, аммо залворли елканинг бир силтови зулфинни учириб юборди. Фижимланган тўшак устида ўтирган ярим яланғоч аёл, эгилиб бир пой этигини оёғига суқаётган басавлат эркак...

Уларнинг иккови ҳам кўкдан тушгандек бехос останада пайдо бўлган бу бадбашара кимсадан қўрқишга ҳам, ҳайратланишга ҳам улгуришмади. Йигит қўлини кескин бир силтади, қўлбола партизанча ханжар Мавлон раиснинг бўғзига сопигача кириб кетди. У хириллаб йигитнинг оёғи остига қулади. Сўнг бақувват қўллар даҳшатдан кўзлари олайиб бораётган аёлнинг паришон сочларини нозик бўйнига ўради. Йигит сўнгги бор аёлнинг кўзларига қаради:

— Ойсанам, мана, мен келдим...

Аёл жон талвасасида алланима демоқчи бўлиб хириллади, аммо бомбалар портлашидан том битган қулоққа энди гап кирмасди. Аёлнинг шаҳло кўзларидан маржондек ёшлар шашқатор оқа бошлади, бироқ юзлаб, минглаб ўлимларни, тасвирига тил ожиз бўлган балою офатларни кўравериб қотиб кетган кўзлар бу ёшларни кўрмайди ҳозир. Йигитнинг чангакдай қўллари чилвир сочларни ниҳоят бўшатди. Қорачиқлари узра ажал кўланкаси қотиб қолган аёл шилқ этиб пастга, қонга беланиб ётган эркак ёнига қулади. Йигит ханжарини жонсиз гавданинг бўғзидан суғуриб олди, уни тўшакнинг бир четига артмоқ учун эгилдию тўхтаб қолди. Йўқ, қадрдон ханжарини ҳаром бўлган тўшакка теккизмайди! Чўнтагидан дастрўмолини чиқариб, ханжарини яхшилаб тозалади, сўнг қон юққан, четларига чиройли кашталар тикилган, кувёв бўлиб чи-

милдиққа кирган куни бахтдан кўзлари чарақлаган келин-чак совға қилган рўмолчани оёғи остида жонсиз ётган аёлнинг юзига аста ёпти-да, сафархалтасини олиб, ўзининг ёлғиз ҳамдарди бўлган Туннинг оғушига сингиб кетди...

Ўшанда у тонггача жадал юриб, туман марказига етиб келди. Вокзалда бир оз ором олди. Тўғри келган поездга ўтириб, боши оққан томонга кетишиниям, уч-тўрт кун шу ерда юриб, сўнг қишлоғига қайтиб боришиниям билмасди. Бир қарорга келолмай, тушга яқин бозор ёнбошидаги чойхонага кирди.

— Келинг, меҳмон, — деди чойхоначи чол уни кўриб, — узоқдан келган кўринасиз. Қани, ўтиринг.

— Ҳа, узоқдан, — деди у, — Бештут қишлоғига бормоқчи эдим. Шу ерлик Сирож ота деган кишининг ўғли... билан бирга жанг қилганмиз. Уям яқинда кепқолади. Сирож отага шу хабарни айтай деб...

— Э-э, аттанг-эй, иним..! Жойлари жаннатда бўлгур Сирож ота ҳам, кампирлари Бибигул момо ҳам бултур бандаликни бажо келтирганлар, — чойхоначи надомат билан бош чайқади, — ҳай афсус, ўғлининг хабари йўқ экан-да...

— Йўқ... мен... Биз иккаламиз асирликда эдик, сўнг партизанлар орасида... — Йигит дийдаларига қуйилиб келган ёшни кўрсатмаслик учун ерга қаради.

— Тақдир эканда, меҳмон, нимаям келарди кўлимиздан. Аммо, ошнангизга жабр бўпти-да, иним... — чол товушини пасайтирди, — энг муҳими шуки, Сирож отанинг келинини кимдир биров шу оқшом ўлдириб кетибди! Ўша ерлик Мавлон раисниям! Боя бозорга келганлардан эшитдим. Ошнангизнинг хотини раис билан анчадан бери... ҳалигидақа экан-да. Ия, тўхтанг, меҳмон, бир пиёла чой...

... Мана, бу воқеаларгаям қирқ йилдан ошди. Умр деганлари дарёдай оқаверар эканда. Ўша мудҳиш тунда у Ойсанамдан сўнгги саволни сўрамади. «ШУМИ МЕНИ КУТГАНИНГ?!» дея сўрамоқчи эди, аммо унинг покиза тўшагини булғаган БЕГОНА аёл билан гаплашишни ўзига эп кўрмади. Саволга ҳожат йўқ эди.



Ўшанда у биринчи дуч келган поездга ўтирдию бир бурчакда бошини ҳам қилганча келаверди. Энди уни бу юрт билан боғлаб турган ришталар узилганди. Қанча юрганини билмайди, ишқилиб, тақдир шамоли уни шу заминга, туғилиб ўсган элидан олисларга келтириб ташлади. Эҳ-ҳе, ўшандан бери замона неча бор эврилди, не не подшолар келиб-кетмади! У бўлса ҳамон ризқини териб юрибди. Соч-соқолини ўстирди, юзи сал эпақага келгандай бўлди. Қирқ оғиз гапга бир оғиз жавоб берар, ўтмиши тўғрисида бировга чурқ этмасди. Бағрикенгроқ бир раҳбар шаҳар чеккасидан унга бир хужрача тиклатиб берди. Бири-биридан бефайз тунлар ана шу хужрада ўтар, кундузлари у гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда ишлаб, ризқини терарди. У одамлардан мумкин қадар йироқроқ юрди, аёл зотини эса бир чақирим наридан айланиб ўтди. Қора қозони баъзан қайнар, баъзан ойлаб тўнқарилганча турарди. Чол ўз умрида ҳеч нарсага зориқмади ҳисоби. Бу элда тўй-ҳашамлар кўп бўлади, одамлар мурувватли. Аммо, замонанинг ўзгариб бораётганиям рост. Ҳозир у ёқишга бир тутам ўтин тополмаяпти. Ҳамма нарса, ҳатто йўл четида ўсган юлғунлар ҳам эгалик бўп кетди. У мана шу ҳайкал қошига ҳам ҳарорат излаб келди аслида. Иккинчи ёқдан эса... У сўнгги пайтларда тез-тез болалигини туш кўрадиган бўпқолди. Хивич от миниб юрганлари, сертупроқ кўчалар... Унинг назарида бу — Сўнгги Куннинг яқинлигидан нишона эди. У ҳаётдан ўз улушини олди, энди бошқаларга жой бўшатиши керак. Гарчанд байрамларда уни бошқа фахрийлар каби йўқлаб, гуллар беришмаган бўлишса-да, у ўтган умридан нолимайди. Мана бу қор босган тоштахтада ҳам унинг номи йўқ. Майли, бўлмаса-бўлмасин, иззат-ҳурматни, қадр-қимматни сотиб олиб бўлмайди. Аммо у СЎНГГИ КУННИ шу ерда кутиб олади. Умр бўйи кўп ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум бўлган эса-да, бунга унинг ҳаққи бор!

Эртасига, байрам куни Номаълум Аскарни зиёрат қилмоққа келишган одамлар улкан мрамор тахтага суняниб ўтирганча музлаб қолган чолнинг жасадига дуч келишди. Мангу Олов ярим тундан сўнг ўчиб қолган, афтидан, чолга унинг кераги ҳам бўлмай қолганди. Эски чопон

остидаги ювилавериб ранги ўчиб кетган гимнастёркасининг кўкрагига иккита «Жанговар Қизил Байроқ» нишони ва бир неча медаллар қадаб қўйилганди. Ички чўнтагидан эса газета парчасига ўралган, ҳали янгидай турган ҳарбий аскарлик билети, сулув бир қизнинг суврати ва тиғи олмосдай ўткир қўлбола ханжар топилди...



## ОРҚАГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Ана улар, харсангтошлар оралаб ўргимчакдай ўрмалаб келишяпти. Гарчанд улар ҳали анча пастда бўлишса-да, бирпасда бу ерга чиқиб олишади. Ҳа, булар бари тоғтошларда юриб чиниққан, махсус тайёргарликни ўтаган йигитлар, кўз очиб-юмгунча етиб келишади. Аммо, менинг шошиладиган ерим йўқ. Ёнгинамга етиб келгунларига қадар ўрнимдан жилмайман. Тепамда қуёш нур сочиб турибди, қорним тўқ, устим бут, тагин нима керак? «Беъманилик, — деган фикр ўтди хаёлимдан, — қуёш эмиш! Ўн беш дақиқадан сўнг қуёш ҳам бўлмайди, очлик ва яланғочлик ҳам. Шундай экан, бунақа ноўрин юпанчининг кимга кераги бор? Худди ёш боладай...»

Ўрнимдан туриб, пастга қарадим. Ҳа, келишяпти собиқ дўстларим. Толиқмай, тўхтамай, ишонч билан ўрмалаб келишяпти. Менинг энди қочиб қутулолмаслигимни яхши билишади-да! Кун чошгоҳдан оғибди, ҳаво исий бошлади. Жар лабига яқин келдим. Тикка тушган тош девор, қўлга иладиган, оёқ қўядиган биронта кавак йўқ. Олдинда жарлик, орқада таъқибчилар. Шундай, аҳвол мақтанарли эмас.

Тахминан ўн дақиқадан сўнг улар мен турган тош супага етиб келишади. Бу жой ҳам гўё атайлаб тайёрлаб қўйилгандай. Худди сўнгги манзил сари йўлга чиқишдан олдин озроқ нафас ростлаб олиш учун яратилгандай. Балки, ростдан ҳам шундайдир. Ҳарқалай, бу осмонўпар баланд-

ликка чиққунимча бўларим бўлди ўзиям. Лекин, барибир чиқиб олдим. Бошқа қаергайм борардим? Қароргоҳнинг уч тарафидаги ҳудуд эгалланган, у томондан чиқиб кетишнинг иложи йўқ. Фақатгина мана шу тоғли тарафда соқчи йўқ. Иккиланиб ўтирмасдан шу йўналишни танладим. Бошқа чорам йўқ эди. Тўғри, мўъжиза содир бўлишига жиндайгина умид ҳам бор эди юрагимда. Қароргоҳдан икки-уч чақирим узоқлашгач, соқчилар турган постларни айланиб ўтиб, пастдаги водий орқали кетишни мўлжаллагандим. Бироқ, соқчилар аллақачон огоҳлантирилган экан, тун билан йўл босиб, тонгга яқин биринчи постга яқинлашганимдаёқ буни сездим. Тошларни паналаб, шарпадай юриб келардим. Ғўнғир-ғўнғир товушларни эшитиб, биринчи дуч келган кавакка ўзимни урдим:

— Хўп бўлади! Тириклайин ушлаймиз! Йўқ, ҳали ўтганича йўқ. Хўп бўлади!

Ҳа-а, огоҳлантирилган соқчилар энди мени ўтказишмайди. Сардор қароргоҳни остин-устун қилган, албатта. Ясовулнинг мурдасиниям аллақачон топишгандир. Топишлари табиий, чунки мен уни яширганим йўқ. Ширин уйқуда ётган ерида бўғзига тиф тортдим-да устини ёпиб қўйдим. Ўша машъум кун, қочишга уринган етти нафар йигит қўлга олиниб, шафқатсиз қатл этилган кундан бошлаб Ясовулни кўрарга кўзим йўқ!

— Кўриб қўйинглар! Кимки қасамга хиёнат қилса, лафзидан қайтса, тақдири ана шундай бўлади! — дея қичқирди у оғзидан кўпик сачратиб.

Сафдагилар тошдай қотишди. Кўплари янги, менга ўхшаб сохта ваъдалару даъватларга учиб келганлар. Тўғри, профессионал қотиллар, ҳақиқий жаллодлар ҳам бор эди улар орасида, аммо Ясовулнинг қонсираган, чақчайган кўзлари ҳар қандай доворакни ҳам шошилтириб қўйиши мумкин. Тагин етти йигитни киприк қоқмай отиб ташласа, сўнг бир-бир бошини кесса! У Самарнинг жонсиз, бироқ ҳали совумаган жасадини бир тепиб, бўйнига тиф урганда кўзимни юмдим. Ичимдаги бир томир «чирт» этиб узилгандай бўлди. Дўстим ўжар эди, шошқалоқ эди. Йўлдан қайтаришга кўп уриндим, унамади.

— Ҳали вақти соати келгани йўқ, шошма, қулай пайт келади, бирга кетамиз, ошна!

— Йўқ! — деди у. — Мен бу аҳволда яшай олмайман. Ватанимга, ота-онамга хиёнат қилдим, бошим эгик. Лекин... умид қиламан, мени кечиришади. Юр, бирга кетайлик, оғайни. Сен билан саккизта бўламиз. Бугун тунда...

— Йўқ, — дедим бош чайқаб, — Сардор энди бизни қўйвормайди. Агар ушлаб олса тирик ҳам қўймайди. Биз кўп сирларни биламиз. Ҳозир ҳаво анча салқин, тоғда қор кўп, узоққа кетолмайсизлар. Ёзгача сабр қилиш керак...

Кетди, кетишди. Ва қўлга тушишди. Сардор бунақа ишларни, одатда, Ясовулга топширади. У эса ўз қурбонларини лаззатланиб-лаззатланиб ўлдиради. Ўша воқеадан кейин кўнглимдаги қочиш истаги янада кучайди. Аммо, қулай пайтни кутишим керак эди. Сардор ва Ясовулнинг ишончини қозониш учун жон-жаҳдим билан ҳаракат қилдим. Машқларни аъло даражада бажарар, ҳар қандай буйруққа ҳозир у нозир эдим. Ҳатто бир сафар пастдаги қишлоққа тушиб, беш-олтита қорамол ҳам ҳайдаб чиққанман. Йил — ўн икки ой консерва ейиш жонга тегди, бирор нарса топиб кел, деди Сардор. Ясовул эса изимдан ишонқирамайроқ тикилиб қолганини сездим. Топшириқни бажариб келгач эса, унинг ҳам шубҳалари тарқагандай бўлди.

Соқчиларнинг нарироқ кетишини кутиб, тошлар орасида ётарканман, қароргоҳда ўтган икки йиллик умримда бошимдан ўтганларни бир-бир хотирладим. Икки йил... Азоби йигирма йилга етадиган икки йил! Аввал хориждаги тайёрлов мактабида, сўнг мана шу тоғлар орасидаги, баландликдаги қароргоҳда неларни кўрмади кўзим! Ўзларини «устозлар» деб атайдиган инструкторлар менга ўхшаган ғўр болалардан манқуртлар, биороботлар тайёрлар эдилар. Биз ҳар қандай шароитда ҳам жанг қила оладиган, замонавий қурол-яроғларни бекаму кўст биладиган, лозим бўлганда бир қарич чўп билан, ҳатто қуруқ қўл билан ҳам одам ўлдира оладиган профессионаллар бўлиб чиқишимиз керак эди. Талаб битта: буйруққа сўзсиз итоат эт! Қўпоровчиликнинг турли усуллари: миналаштириш, граната улоқтириш, ёқиш, портлатиш, одамларни ўғир-

лаш, гаровга олиш, хуллас, ҳаммасини билишимиз керак эди. Буларнинг ҳаммасини оқлашга уринадиган, мендайлар учун мўлжалланган ташвиқот ҳам битта эди: «Биз — Ислом лашкарларимиз! Ота-боболаримиз ерини мусулмонобод қилиб, халифалик қураимиз!»

Бу чўпчакка ишонганлар ҳам бор эди. Бироқ, кўпчилиги бойлик, қорадори, маишат, қонундан ташқари яшаш каби иштиёқларини қондириш учун келишганди бу ерга.

Сардорга ўхшаганлар эса уларни кўғирчоқдай ўйнатишар, улар орқали ўз мақсадлари — ҳокимият сари, ҳукмронликка интилишарди. Боз устига, ёш йигитларнинг энг нозик туйғуларини қитиқлайдилар: ёшларнинг қалблари Оллоҳ нурига, тоза иймонга, эътиқодга ташна эканлигини англаб, ўзларининг сохта ғоялари йўлида ана шу муқаддас тушунчалардан фойдаланишга уринишади. Ў-ҳў, булар жуда зўр психологлар! Пихини ёрган айёр булар! Сара уруғни кутиб ётган кўриқ ер каби ташна юракларга мутаассиблик уруғларини сепадилар, сўнг ўша заминдан «Ислом лашкарлари» деб аталадиган ҳосил кўтарадилар. Ҳукмронлик, бойлик васвасаси чулғаган дилларининг эса моғор босаётганидан хабарлари йўқ.

Соқчилар узоқлашишди. Шарпасизгина чиқиб, харсанглар панасидан чўққи томон интилдим. Ҳа, бошқа тарафга йўл йўқ эди. Бу сафар худо бир асради: соқчилар мени эмас, мен уларни биринчи бўлиб кўрдим. Кейинги постда бунинг акси бўлса-чи? Унда қутулишнинг иложи қолмайди. Улар мени ҳар қандай шароитда ҳам тирик ушлаб, Сардорнинг қўлига топширишади. Сардорга менинг ўлигим эмас, тиригим керак. Чунки, мен кўп нарсаларни биламан: унинг юқори мартабали шериклари билан қилган суҳбатларига бир неча бор гувоҳ бўлганман. Ҳатто, улар Доҳий деб атайдиган анови мўғулбашара йигит билан тортишиб қолганлариниям кўрганман. Чунки, мен Сардорнинг тўртта танқўриқчисидан бириман, ўша даҳанаки жанг бўлган куни мен уларнинг ёнида, чодирда эдим. Ўшанда Доҳий Сардорни анча койиди, уни баднафсликда, даҳрийликда айблади. Аммо, Сардор ҳам анойи эмасди, ётиғи билан, мулойимгина, бироқ қатъий қилиб айтдики, «Сен бўлмасанг, Санамжон» дейдилар, уни хизматга

оладиган, мўмайгина тўлайдиган сахий хўжайинлар жуда кўп. Шунинг учун Доҳий ҳам уни қадрлаши, хизматини муносиб баҳолаши керак. Хуллас, ўша куни Доҳий анча асабийлашган ҳолда жўнаб кетди...

Тошдан-тошга тирмашиб, юқорига ўрмалаган сари, фикрим қатъийлашиб бораверади: мен осонликча таслим бўлмайман! Бу тоғдан ҳар қандай қилиб бўлса-да, ошиб ўтаман. Аввал чўққига чиқиб олай, сўнг бир амаллаб пастга тушарман. Нариги ёнбағирда дарахт бордир, бутаю чакалакзор бордир. Ахир, қуп-қуруқ, теп-текис қоя эмасдир! Барибир тушаман. Судралиб бўлса ҳам, юмалаб бўлса ҳам водийга етиб оламан. Сўраб-суриштириб, қишлоқлардан ўтиб, оч-наҳор бўлса-да, ўз юртимга, ўз қишлоғимга бораман. Ў-ў, қишлоғим! Жоним бўғзимга тикилиб, кўзларимга ёш тўлди. Меҳрибон онам, камгап отам, укаларим! Сизларни қандоқ соғиндим! Эсон-омон уйга етиб олсам, аввал ота-онамнинг оёқларига йиқилиб кечирим сўрайман, сўнг укажонларимни бағримга босаман. Кейин эса Моҳинурни излаб топаман. Моҳинур! Фариштагинам менинг! «Моҳижон, мен аҳмоқни кечир, энди сени сира ташлаб кетмайман, энди ҳамиша бирга бўламиз!» дейман унга. Мен унга ишонаман, мени кечиради. Худди боғча болақайлари каби беғубор ва содда. Сўнг вақти келиб тўй қиламиз. Йўқ, аввал милицияга бораман, анови газандалар уясининг қаерда жойлашганлигини, кимлар борлиги, нималар қилишаётгани — барини айтиб бераман! Қарорим қатъий! Токи мен каби ёш йигитлар энди алданишмасин, буларнинг кимлигини, ёвуз ниятларини элу юрт билсин! Лекин, аввал манзилга етиб олиш керак. Ана шундай хаёллар оғушида, ғоят эҳтиётлик билан, тошларга тирмашиб, чўққига интилардим.

Тушга яқин пастда изма-из келаётган таъқибчиларни кўриб қолдим. Эҳ-ҳе, шоввозлар, вақтни ўтказишмабди! Сардор жуда айёр-да, менинг қай томонга кетишим мумкинлигини бехато сезган. Майли, келаверишсин. Мен хув анови қоя остида уларни яхшилаб кутиб оламан!

Бироқ уларни «кутиб олиш» менга насиб қилмаган экан, улар мендан бесабрроқ чиқишди: кўп ўтмай автоматнинг тариллаши тоғларда акс-садо берди, атрофимда ўқлар

визиллай бошлади. «Ия, азаматлар, бошлаб юборишди-ку, — дея жилмайиб қўйдим ўзимча, — демак, Сардор менинг таслим бўлмаслигимни, тириклайин қўлга тушмаслигимни англаган. Ҳа-а, айтдим-ку, бундай устомон ҳали онасидан туғилмаган. Бироқ, қарздор бўлиб қолишни бизам истамаймиз».

— Қарз қиёматга қолмасин, йигитлар! — дея ҳайқирдим пастга қараб ва автоматдан пастга қараб ўқ ёғдирдим. Қийқириқ, бақир-чақир бошланди, кўпчилиги ўзини тешик-гуйнукка урди, айрим безбетроғи эса ҳатто ўзини панага ҳам олмай, отишмани давом эттирди. Менинг аҳволим уларникидан яхшироқ, чунки мен тепадаман, пастдагилар кафтдагидай кўриниб туришибди. Шунинг учун улкан харсанг тош панасида ётиб, онда-сонда бошимни чиқариб қарайман, нишонга олиб ўқ узаман. Ана, икки-таси дод-вой қилиб, пастга думалади.

«Мени кечиринглар, йигитлар... — дедим пичирлаб. — Кечиринглар... Айб менда эмас. Отишни мен эмас, сизлар бошладинглар. Мен ҳеч кимни ўлдирмоқчи эмасдим. Фақат уйимга қайтмоқчиман, холос...»

Отиша-отиша юқорига ўрмалайвердим. Фанимлар, менинг собиқ шерикларим ҳам ниятларидан воз кечишгани йўқ. Пана-паналаб, аста-секин тепага кўтарилишяпти. Майли, келаверишсин, ҳозир яна бир сидра... Автоматим сайради, йигитлардан яна бири пастга юмалади. Мен эса тепага тирмашдим. Яна бир зўр берсам, хув анови кенг тошсупага чиқиб оламан, нарёғига эса худо пошшо! Мана шундай қиялик бўлса бир амаллаб тушаман. Агар бир оз тикроқ бўлса... Унда, нари борса юмалаб тушарман. Хўп, боринг, ана, у ер-бу ерим сидирилар, тирналар, шилинар. Борингки, синсин ҳам! Барибир тушаман. Агар сой ёки дарё бўлса янаям яхши, ўзимни сувга отаман.

Ўқим соб бўлди, лекин тошсупага чиқиб олдим. Худди атайлаб йўниб ясалгандай, чор тарафи ўн метрдан ошмайдиган, қарийб тўртбурчак саҳн. Шошилиб, нариги томонга, супанинг четига интилдим... Ва... юрагим орқамга тортиб кетди. Жарлик! Тикка тушган жарлик! Улкан пичоқ билан кесилгандек сип-силлиқ тош девор! Чуқурлиги эса... Ўҳ-ҳў, кўз илғамайди! Ўртачароқ қовундай

келадиган бир тошни олиб, пастга ташладим. То у пастга етиб, тарақлаб овоз чиқаргунча орадан бир аср ўтди-ёв! Ҳа-а, бирон километрдан кам эмас. Бу ердан тушиш жуда осон, фақат бир жуфтгина қанот бўлса бас...

Ўтирдим, тамаки тутатдим. Қутида яна уч-тўрт дона сигарета бор эди, қутини авайлаб нарироқдаги тош устига қўйдим. Майли, увол бўлмасин, ановиларга насиб қилган экан. Тамакини чуқур тортдим, бирдан хаёлим тиниқлашиб, руҳимни ажиб бир сокинлик эгаллади. Беихтиёр осмонга қарадим, гўё ҳозир қоқ пешин эмас, ярим тун пайтидай, кўзимга порлаган офтоб эмас, бодроқдай очилган юлдузлар кўринди. Сўнг юлдузлар орасидан тикилиб турган меҳрибон бир нигоҳни илғагандек бўлдим. Қанийди, қанотим бўлсаю, унинг ҳузурига парвоз қилсам! Беихтиёр болалигимдаги энг тансиқ орзуйим ёдимга тушди. Мен учувчи бўлишни ният қилардим. «Албатта учувчи бўламан!» дердим сўраганларга. Шу лаҳза парвоз истаги бутун жисму жонимни қамраб олди. Мана, орзуйим эшиги очилмоқда!

Ўрнимдан турдим. Ёниб битаётган тамакини четга улоқтирдим. Пастдан ғала-ғовур эшитилди. Таъқибчиларим етиб келишганди. «Тўхта! Шошма!» деди бирови қичқириб. «Тентак! — дея жилмайдим аста. — Сенларни кутиб ўтирадиган аҳмоқ йўқ!» Ҳа, мен уларни кутиб ўтирмайман. Қўлларимни қанотдай ёзаман-у, анови чақноқ юлдузлар сари, ўзига чорлаётган Меҳрибон Нигоҳ томон парвоз қиламан! Осмонда, юлдузлар орасида яшаш қандай бахт!

Супа лабига келиб тўхтадим. Ана, орқадан собиқ дўстларим етиб келишди. Уларга жилмайиб қўл силкитдим-да, олдинга сакрадим. Шамол қулоқларим остида хуштак чала бошлади. Учиш жуда завқли эди...





## ДУНЁНИНГ БИР ЧЕККАСИ

Тонг отишига ҳали бир оз вақт бор. Қишлоқ туннинг оромбахш кучоғида мудрар, фақат онда-сонда итларнинг акиллаши эшитиларди. Ана, улар ҳам жимиб қолишди. Борлиқ тун билан кун оралиғидаги сеҳрга тўлиқ бир паллада чайқалар, айна лаҳзаларда ҳаво ҳам, ўй-хаёллар ҳам, ҳатто тушлар ҳам шабнамдай тоза эди. Кўз илғамас ҳудудларда сукунатнинг сирли кўшиғи янграб, шитир этган бегона товуш ҳам ушбу тантанавор куйни бузиб, атрофни қоплаган ҳарир пардани йиртиб юбориши аниқ эди. Аммо, бу паллада бедор бўлган сал зийракроқ одам бу сукунат ортида мавҳум бир таҳлика яширинганини дарҳол англади. Зеро, бу алдамчи, жодугар туннинг сўнгги нафаслари, ўз қурбонини сеҳрлаб, домига тортувчи аждаҳонинг охириги талвасаси эди. Бундай дақиқаларда ирода букилади, эҳтирос ва ҳаяжонлар тошади, тун бўйи томирларда сокингина оққан қон оловланиб, кўпиради. Шу тилсимли лаҳзалар ўтиб кетгач, ҳамма нарса ўз ўрнига тушади: қонлар совийди, юракларнинг уриши маромига келиб, киприklar яна бир-бирига ёпишади. Тун уйқуси борлиққа ўзининг энг сўнгги, тирик жонзот учун энг ширин ва лаззатли бўлган ҳамласини бошлайди.

— А-а-а!..

Жон аччиғида янграган бу фарёд туннинг сеҳрли пардасига зарб билан ханжар урди. Юраклар зириллаб, тиззаларга қалтироқ кирди. Иссиқ ўринларда ойдек балқиб ётган аёллар даҳшатдан кўзлари олайиб, эрларига ёпишдилар. Эркаклар сакраб турдилар, саҳархез чоллар қўрқувнинг зўридан калима келтирдилар. Машғалалар ёқилиб, кўча эшиклари ғийқиллаб очилди. Ботирроқ йигитлар кўча айланиб, таниш-билишларидан «омонликми?» дея суриштира бошладилар. Ҳеч ким ҳеч нарсани билмасди, ҳамманинг уйида тинчлик эди. Одамлар тарқалдилар, машғалалар ўчди, кўча эшиклари ғийқиллаб ёпилди. Эркаклар яна иссиқ тўшакларга, қалтираб ётган аёллар оғушига кирдилар. Аёллар уларга яна-да маҳкамроқ ёпишдилар. Аста-секин қалтироқлар босилди, юракларнинг гурсиллаб уриши пасайди. Атрофга сукунатнинг

қора қанотлари ёйилди. Тонг отишига ҳали бир оз вақт бор эди...

Оқсоқол нонушта қилиб бўлиб, ҳовлига чиқди. Қуёш Олтинтоғ ортидан эндигина мўралаётган, илк нурлар ҳовли ўртасидаги улкан чинорнинг сарғайган япроқларида жилваланаётган пайт. Чол кўча эшиги томон юрди: қишлоқни айланиб чиқиши керак, ҳамманинг оиласи тинчмикан, ишқилиб. Тунда қишлоқни уйғотган аянчли қичқириқ чолнинг қулоқларида яна бир бор акс-садо бергандай бўлди. У ҳовлидан чиқишга улгурмади: дарвоза очилиб, қишлоқ подачиси ҳаллослаганча кириб келди. Чол унинг даҳшат тўла кўзларига боқиб, фавқулодда бир воқеа содир бўлганини ички бир туйғу билан англади. Йигитнинг юз терилари пир-пир учар, тили калимага келмай гўлдирарди.

— Гапир! — деди Оқсоқол амирона товушда.

Йигит култ этиб ютинди.

— Мен...мен уйма-уй юриб, подани тўплаётувдим. Охирида Зум... Зумрад кампирникига кирдим. Эчкисини подага қўшай деб... Кирсам, ўлиб ётибди!..

— Нима, эчкими?! — чол тоқатсизланди.

— Кам...кампир ўлиб ётибди! Ҳовлидаги гул экилган чуқурчада... Бошсиз ётибди!

— Кетдик! — деди Оқсоқол ва илдам юриб кўчага чиқди. Ранги бўздек оқарган подачи йигит қоқилиб-суқилиб унга эргашди.

Зумрад кампирнинг қийшиқ кулбаси қишлоқ четидаги чакалакзорга туташ эди. Чоли оламдан ўтгач, кампир қўшнилари билан чиқишолмай қолди. Одам қариганда инжикроқ бўлиб қоладими, ё кампирнинг дарддош бир суянчиги йўқлигиданми, ишқилиб, қўшнилари билан айтишмаган кун ийўқ эди. Охири у Оқсоқолнинг маслаҳати билан мачит ёнбошидаги ҳовлисини Эшнӣёз қас-собга сотди. Ҳамқишлоқлари Оқсоқол раҳбарлигида чакалакзор этагидан унга бир кулба тиклаб беришди. Кампир ёлғиз овунчоғи бўлмиш эчкиси билан ўша ерда яшар, зарурат бўлсагина қишлоққа тушарди. Аммо, эл уни инжитмади: қадимгидай тўй-маъракаларга айтишар, эчкисини қишлоқ подасига қўшиб боқишарди.

Одамлар тўпланишди. Кампирнинг бошсиз жасади гул экилган чуқурчада ётар, эгнидаги ранги униқиб қолган кўйлаги пора-пора бўлган, жасад қонга беланган эди. Нарироқда ётган оқсоч бош атрофида ҳам қон халқоб бўлиб тўпланган, атрофида пашшалар ғужғон ўйнашарди.

Оқсоқол бу даҳшатли манзарани бир муддат сукут ичра кузатди. Тўпланганлар ҳам жим эдилар. Улар кампирнинг очиқ қолган кўзларида қотган унсиз фарёд таъсирида нафасларини ичларига ютишди. Ниҳоят, Оқсоқол тилга кирди.

— Ибрай овчини чақириб келинглр!

— Мен шу ердаман, — деган овоз эшитилди орқадан ва олтмиш ёшлардаги, қоп-қора башараси чўзинчоқ, кўзлари чақчайган бир киши одамлар орасини ёриб, олдинга чиқди. Оқсоқол кампирнинг жасадига ишора қилди. Овчи вазмин юриб олдин жасад ёнига, сўнг сочлари тўзғиб ётган бош тепасига келди. Эгилиб бирпас қараб турдида, сўнг Оқсоқол тарафга ўгирилиб деди:

— Йўлбарс...

Қишлоққа анчадан бери йўлбарс ораламаганди. Тоғлар орасидаги бу қишлоқ назардан четда, карвон йўлларидан олисда эди. Олтинтоғнинг нариги томонида жуда кўп одамлар яшайдиган манзиллар борлиги ҳақидаги ривоятларни кексалар болаларга ҳикоя қилиб беришар, унга элтадиган йўлларни ҳозир қор босиб қолганлигини афсус ва надомат билан эслашарди. Ўша олис юртларга бахт излаб кетган тўрт-бешта йигитлар қайтиб келишмагач, Оқсоқол ёшларга қишлоқдан чиқишни тақиқлаб қўйди. Онда сонда тоққа овга бориб келиш эса Ибрай қора ва Маткарим қирғий зиммасида эди. Қишлоқ аҳли баҳоли қудрат деҳқончилик, косиблик, ҳунармандлик қилишар, ҳар ким ўз тирикчилиги билан овора эди. Зумрад кампирнинг ўлимидан бир ой олдин қишлоққа чарм камзул ва шапка кийган икки йигитнинг келишигина кўп йиллик осуда ҳаёт маромини сал бузгандек бўлди. Улар Оқсоқолнинг уйи олдидаги тепалик этагига халқни тўплаб, қандайдир янги ҳукумат ҳақида узоқ гапирдилар. Ҳукумат деган нарсанинг қандай бўлишини аллақачон унутиб юборган қишлоқ аҳли эса уларнинг гапларини анграйганча тинглаш-

ди, зеро, улар учун ҳукумат ҳам, қонун ҳам фақат Оқсоқол эди. Келгиндиларнинг ниятлари бузуқлигини англаган Оқсоқол гап ташлади:

— Йўллар берк эдику, сизлар қандай ўтиб келдинглар?

— Қизил аскарларнинг оти учқур бўлади, Оқсоқол бува, учиб келдик! — деди улардан бири.

Иккинчиси газаб билан тўнғиллади:

— Хватит болтать!

Унинг бу гапини шеригидан бошқа ҳеч ким тушунмади, албатта. Сўнг улар қишлоқ ёшларини «шавкатли Қизил Қўшин сафига киришга» даъват этдилар. Ёшлар орасида бесаранжом ҳаракатлар бошланаётганини кўрган Оқсоқол гапни шарт кесди:

— Қишлоқ ёшлари ҳеч қаёққа боришмайди! Улар ўзимизга керак!

Чарм камзуллилар асабийлашиб, қуролга қўл узатдилар, бироқ Ибрай қоранинг дарғазаб чақчайган кўзи, Маткарим қирғийнинг милтиқ тепкисидан турган бармоғи уларни шаштидан туширди. Келгиндилар яна қайтиб келишларини айтиб, жўнаб қолишди. Сездирмай измаиз кетган Ибрай қора уч кундан сўнг бир жуфт от, тўппонча ва аскарча этик билан қайтиб келди...

Зумрад кампирнинг ўлими қизил аскарлар ташрифидан сўнг рўй берган иккинчи фавқулодда ҳодиса эди. Одамларнинг тинчланаётган асаблари яна жунбушга келди. Улар барвақт уйкуга ётадиган, умрида танба кўрмаган дарвозаларини ичкаридан маҳкам бекитадиган бўлдилар. Ўйинқароқ болалар ҳам сипо чоллар каби камгап бўлиб қолдилар. Номаълум, шаклу шамойилсиз бир хавф юракларни васвасага тўлдирар, қишлоқ узра ажалнинг сирли кўланкаси кезарди. Оқсоқол қишлоқ чеккасига, икки туп қайрағоч ўсган тепаликка соқчи қўйишга қарор қилди.

Тун... Кўройдин... Этни жунжиктирувчи шабада яқинлашиб келаётган қаҳратон қишдан дарак бераётир. Ёнмаён ўсган икки туп қайрағоч барглари шитирлаб тўкилади. Ойдинда бу икки сарвқомат дарахт гўё қишлоқни ёвлар ҳужумидан асраш учун қад ростлаган паҳлавонларга ўхшайди. Иссиқ пахталик чопонларга ўралган икки киши

атрофни кузатиб ётишибди. Уларнинг бири новчадан келган, сийрак соқолли, елкалари кенг, бақувват қария — овчи Маткарим қирғий, иккинчиси — ўн беш ёшлардаги кўзлари чақнаб турган ўспирин — унинг невараси Шерали. Улар бугун қишлоқ оромини қўриқлашади.

Маткарим қирғий эсини танигандан буён дўсти Ибрай қора билан тоғда жониворлар изидан юради. У тенги овчиларнинг кўпчилиги аллақачон ё ўз ажаллари билан, ё йиртқичлар чангалида омонатларини топширишган, айримлари эса ҳафталаб чўзиладиган ов машаққатларига ярамай қолишганди. Кўп йиллар қирғий билан ов қилганиданми ёки нишонга беҳато уриб, умрида овдан сира қуруқ қўл билан қайтмаганиданми, ишқилиб, ҳамқишлоқлари уни «қирғий» деб аташар, чол ҳам бу лақабга кўникиб қолганди. Икки дўст — Маткарим билан Ибрай ҳамон қишлоқнинг яхши-ёмон кунига яраб туришар, Оқсоқол ҳам уларнинг ҳурматини жойига қўярди.

— Бобо, Ибрай овчи қачон соқчилик қилади? — дея сўради ўспирин.

— Эртага кечаси, — деди чол атрофга кўз ташлаб.

У неварасини сира ёнидан жилдирмас, фақат тоққа овга чиққанида ноилож уйда қолдирарди. Нимаям қилсин, боланинг отаси Эрали ўн йилча бурун Ибрайнинг ўғли Исмоилни ёнига олиб, тунда қишлоқдан яширинча чиқиб кетди. Олис юртлар жилваси, саргузашт иштиёқи икки ошнани бу гадейтопмас қишлоқ бағридан суғуриб олди. Хуллас, икки дўст дом-дараксиз кетишди. Ким билсин, балки ўғли тирикдир, балки ўша узоқ ўлкаларда бахтини топгандир. Эҳтимол, қор босган довон йўлида ҳалок бўлгандир... Нима бўлгандаям чол энди кўникди. Исмоилнинг хотини Шерали тенги қизиниям олиб, бошқа эрга тегиб кетди. Аммо, Маткарим қирғийнинг келини чол билан ёлғиз ўғлига умрини бағишлади. Чол ундан миннатдор эди.

— Бобо, қишлоққа олдин ҳам йўлбарс келганми? — Шерали юмилиб бораётган кўзларини ишқалаб, уйқусини қочирди.

— Ҳа... — хўрсинди чол, — охирги марта бундан йигирма йилча аввал оралаганди. Ўша йилиям қиш қаттиқ келиб,

тоғни қалин қор босган, жониворлар очликдан қишлоққа тушиб келишганди. Бўрон увлаган бир тунда қишлоққа йўлбарс оралади. Раҳматли Эгамберди чўлоқнинг бир бузоғини бўғизлаб, олиб кетаётганда, Ибрай кўриб қолибди. Милтиқнинг гумбурашини эшитиб, менам уйдан чошиб чиқдим. Қарасам, йўлбарс қорда қонли из қолдириб, тоққа чиқиб кетаётган экан... Э-э, болам, асли буям қишнинг забтига олганидан-да. Тоғда бир қулоч қор, жониворлар оч. Яна ким билсин... Отам раҳматлик айтардиларки, йўлбарснинг париси бўлармиш. Ҳар йигирма йилда ўша пари бир айланиб келиб, йўлбарсни васвасага солармиш, шунда у одам қонини қўмсаб қоларкан...

Боланинг эти жунжикди, кўз ўнгида Зумрад кампирнинг осмонга термулганча қотиб қолган, даҳшат тўла нигоҳи пайдо бўлди. Баданига титроқ кириб, чопонига маҳкамроқ ўранди.

— Ибрай овчи жуда ботир одам-да, бобо, — деди у ваҳимали хаёлларни қувиш учун, — ҳеч нарсадан қўрқмайди!

— Авваллари сал-пал қўрқарди, — хаёлчан пичирлади чол, — бир воқеадан сўнг...

— Қайси воқеадан сўнг, бобо! Айтиб беринг!

— Қўрқасан-да, болам, — дея унинг бошини силади чол, — кўп қўрқинчли воқеа у...

— Мен-а?! — деди бола қоматини ростлаб, — мен қўрқаманми? Ҳечам-да! Айтиб беринг!

— А-а, майли, қўймадинг-да... Бунга кўп йиллар бўлган, ўх-хў! Ўшанда менам, Ибрай ҳам йигирма беш ёшли бўз йигит эдик. Бир куни Турсун овчиниям олиб, учовимиз тоққа, айиқ овига жўнадик. Ўша йили баҳор илиқ келиб, доvon йўли бир неча кунга очилганди. Йироқ жойлардан савдогарлар келишди. Уларнинг айтишларича, айиқ ёғи билан териси ўша ёқларда жуда қиммат экан. Ибрай айиқ овига шу мақсадда чиқаётган экан. Бизниям қистаб қўймади, хуллас, жўнадик. Уч-тўрт кунлик озиқ-овқат олволдик, ким билади, тоғда қанча юрамиз. Ишқилиб, Айиқғорни топиб, битта айиқ отдик. Бечора Турсун овчи айиқлар думалатган тош остида қолиб, ҳалок бўлди. Биз унинг жасадини олиб, икки кун деганда Чортош да-

расига етиб келдик. Озиқамиз тугаб, силламиз қуриган эди. Кичикроқ бир ғор топиб, гулхан ёқдик, шу ерда тунайдиган бўлдик. Сўнгги нон ушоқларини териб еб, сўнаётган гулхан ёнига чўзилдик. Яна икки кунлик йўл қолган, қор қалин, тунда юриш хатарли эди. Турсуннинг жасадини ғорнинг бир четига қўйиб, устига чакмонини ёпдик. Хуллас, ўйлаб ёта-ёта, кўзим илинибди. Бир пайт қандайдир шитир-шитирдан уйғониб кетдим. Қарасам, Ибрай ўтириб олиб, алланима кавшаяпти! «Ў-ў номард! — дедим ичимда, — яшириб қўйган нони бор экан-да! Мени ухлатиб, ўзи туширяпти! Мен бўлсам очликдан силлам қуриб ётибман!»

— Ибрай ошна, бизгаям чўзиб қўйинг жиндай, — дедим иложи борича ўзимни босиб. У менга мўлтираб қаради-да, оғзидагини шоша-пиша юта бошлади.

— Бер деяпман! — дея ирғиб турдим. — Э, сенга ўхшаган ошнани!..

— Беролмайман, ошна... — деди у кўзлари олайиб, ялинчоқ товушда, — сенга мумкин эмас...

— Ия, сенга мумкину менга мумкин эмас эканми?! — қоним қайнаб, беихтиёр милтиққа қўл узатдим, — бер дейман, бўлмаса ҳозир!..

— Ахир, мен... мен... — Ибрай дудуқланиб, орқага тисарила бошлади.

— Нима «ахир сен?!» Гапир!

— Одам еяпман!..

Тахтадай қотиб қолдим. Бир оздан сўнг ўзимга келиб, тузукроқ разм солдиму, ҳаммасини тушундим. Мен ухлагач, Ибрай очликка чидолмай Турсуннинг жасадидан бир-икки тилим кесиб олган-да, кўрга кўмган. Наридан-бери пишириб, энди ейишга бошлаганида, уйғониб кетибман. Ҳарқалай, қорни тўйган шекилли, бирпасдан кейин менга бир ўкрайди-да, чўзилиб, уйқуга кетди. Мен Турсуннинг жасадини ғордан олиб чиқиб, бир чеккага, қорга кўмдим... Шу-шу бўлдию, Ибрай ўзгариб қолди. Кўзлари одамга ёмон чақчайиб қарайдиган, гаплари кескин, асабий бўлиб қолди. Аста-секин у ҳеч нарсдан тап тортмайдиган бўлиб кетди. Ҳар қандай йиртқич билан тиккасига олишади, ажал уни четлаб ўтади...

Бола анграйиб қолди. «Э-э, товба, Ибрай қора... одамхўр экан-да!» Оғзини тўлдириб гўшт... одам гўштини чайнаётган, лабларининг икки четидан қон сизиб оқаётган, қоп-қора, хунук башарали кимса рўпарасида тургандек, сесканиб, бобосининг пинжига тиқилди...

... Ибрай қора дўсти Маткарим қирғий билан йўлбарс овига ҳозирлик кўра бошлади, Оқсоқол уни йўлдан қайтармоқчи бўлиб кўп уринди, лекин Ибрай гапида маҳкам туриб олди:

— Бир марта келиб ўрганган йиртқич яна келади, Оқсоқол! Тухумини қуритаман унинг, бўлмаса қишлоққа тинчлик бермайди, — деди у ғазаб билан. Икки ошна ўқ-дори ва озиқ-овқатни ғамлаб, тоққа чиқиб кетишди. Қишлоқ аҳли Ибрай билан фахрланар, унинг йўлбарсни ўлдириб қайтишига ишонарди. Чунки, шу пайтга қадар Ибрай ҳеч қачон овдан ўлжасиз қайтмаган эди. Қишлоқ осойишталикни қўмсар, борлиқни ўраб ётган ваҳима пардасининг тезроқ кўтарилишини истарди. Тунлари тинч ухлашнинг ягона чораси эса йўлбарсни топиб, ўлдириш эди. Шу боис Ибрайнинг қарорини Оқсоқол ва Маткарим қирғийдан бошқа ҳамма маъқуллади. Маткарим қирғий, оёғи тортмаса-да, ошнасининг сазаси ўлмасин учун бирга кетди. Оқсоқол эса ўсиқ қошлари остидан довон йўли тарафга хаёлчан тикилди-да, оғир хўрсинди. Донишманд қариянинг кўнгли безовта, қишлоққа йўлбарсдан-да хавфлироқ бир бало билинтирмай ёпирилиб келаётганини ич-ичидан ҳис қилар, аммо ўша балонинг на номини, на шаклу шамоийилини билмаганидан, дарди ичида эди...

... Бир ҳафтадан кейин Маткарим қирғий йўлбарс терисини елкасига ташлаганча қишлоққа бир ўзи кириб келди. У йиртқич ғажиб ташлаган дўстини Чортош дарасига, марҳум Турсун овчининг ёнига дафн қилиб келган эди. «Мени Турсуннинг ёнига қўм, ошна, — дебди у сўнги нафасида, — ундан кечирим сўрамоқчиман...»

Кўп ўтмай тоққа ўтин теришга кетган икки йигит қишлоққа йигирма кишилиқ Қизил Қўшин бостириб келаётгани ҳақида хабар келтирди. Тузукроқ дам олишга



ҳам улгурмаган Маткарим қирғий қишлоқнинг қурол кўтаришга ярайдиган барча эркагини қаватига олиб, босқинчиларни қаршилаш учун яна тоққа жўнади.



## ЁРИБ ЎТИШ

Чол уйғонди. Терга ботиб кетибди. Юраги гурсиллайди, кўллари гўё жонсиздай. Шу туш уни қирқ беш йилдан бери қийнайди. Чори жўрасининг ўша сўнгги қараши ҳали-ҳануз кўз ўнгида. Туш кейинги йилларда бот-бот такрорланадиган бўлди. Ҳар сафар янги-янги тафсилотлар кўшилади. Чол ҳар гал жўрасининг қарашидан ўзгача бир маъно топгандай бўлади. Чорининг овози тобора қатъият билан, қаҳр-ғазаб ва ишонч билан янграйди. Чол ҳар оқшом то ярим тунгача тўшакда тўлғонади, кўзи илинди дегунча шафқатсиз, айни чоғда нимаси биландир қадрдон бўлиб қолган туш қаттол ёвдай уйқусига бостириб киради.

У ўрnidан турди-да, аста юриб ҳовлига чиқди. Тахта катнинг бир четига омонатгина чўкди. Аллақандай куч қайта уй тарафга тортди, аммо, у қайсарлик билан сўрига ўрнашиброқ ўтирди. Бу оқшом ҳамма нарса аниқ бўлиши керак. Кўп йиллардан бери ўзини қийнаб, уйқудан айирган мавҳум бир сирнинг юзидаги парда шу кеча кўтарилиши керак. Кўнгли сезиб турибди. Ҳа, худди шу тун уни барча қийноқлардан халос қилади. Юрагини эзиб ётган тошни ҳозир олиб ташлай олса, онадан қайта туғилгандай бўлади. «Эй худойим, ўзинг Қодир Раҳмонсан! Шунча йил сабру тоқат бердинг, энди озроқ мардлик бер, жиндеккина қатъият ва ирода бер, эгам! Ўн йил тўшакда ётдим, омонатингни олмадинг, яна бирпасгина умр бер, енгиллашиб олай, сўнг майли...» Мана, ҳозир бир бошдан кўз олдига келтириб, воқеани ипидан-игнасигача хаёлида тиклайди. Чол авваллариям бунга кўп уринган, лекин нимадир йўл бермасди. Энди эслайди, барини эслайди. Илло, бу — сўнгги оқшом. Худонинг ўзи

кўнглига мардликни, тантиликни солди, энди у иккиланмайди...

... Қиш забтига олган эди. Фашистларнинг ҳалқаси тобора торайиб келар, умид ипларининг сўнги толалари ҳам чирт-чирт узилиб бормоқда эди. Батальоннинг қолган-қутган аскарлари окопларда ғужанак бўлиб ётишар, фақат командиргина ҳали бардам кўринарди. Ўқ-дори, емиш тугади ҳисоби. Очлик, совуқ ва асирлик даҳшати аскарларга баробар ёпирилди. Куршовнинг учинчи куни немислар тарафдан радиокарнай қитирлаб қолди, бир оздан сўнг аввал ўрисча, кейин украинча... ва ниҳоят ўзбекча забонда гапира бошлади. Ўзбеклардан биров сўкинди, яна бири қўл силтади. Кимдир оғир хўрсинди. Карнай овози эса ўрмон ва ботқоқлик оша етиб келиб, юракларни васвасага тўлдирмоқда эди:

— Мусулмон биродарлар, қулоқ берингиз! Буюк фюрернинг марҳамати кенг, биз тарафга ўтинг! Бекорга ўлиб кетманг, сизни эркин ҳаёт кутаётир. Токайгача қул бўлиб юрасиз!? Рейхнинг музаффар байроғи остида Туркистонни қутқарайлик!

Карнай ғат-ғат қилади, сўнг ажиб бир мусиқа таралади. Гижжакнинг ҳазин ноласи қалбларга оқиб киради, кўзларда ёш ҳалқаланиб, қадрдон қишлоқ, сертупроқ кўчалар ва файзли оқшомларни ёдга солади. Командирнинг ҳам боши қуйи эгилади, оғир хўрсиниб пичирлайди: «Хорошо играет...» Сўнг сесканиб бош кўтаради, фашистнинг онасини бўралаб-бўралаб сўкиб, ҳужумга тайёрланишни буюради: «Ярим тунда ёриб ўтамыз! Пока отбой!»

У бировнинг турткисидан уйғонди. Кўзини очса, Чори жўраси.

— Э-э, ҳужумгами?

— Тур, жўра кетамиз! Бўл тезроқ! — деди Чори ҳансираб. Кўзлари ёмон чақнаб, юз териси пир-пир учарди.

— Қаёққа? — ҳайрон бўлди у, сўнг уйқусини қочириб учун кўзларини ишқалади.

— Э-э, бўлсанг-чи? — Чори уни тортқилай бошлади, суяб ўрнидан турғазди. Окоплар оралаб кетишди. У ербу ерда жангчилар ухлашаяпти. Ҳали замон командир ҳаммани уйғотади, сўнг бир- икки қултумдан арақ беради.

Дадиллик учун-да. Кейин... олға! Ҳозир-чи, Чори уни қаерга судраяпти ўзи? Олдинги маррага етай деб қолишди.

— Кўрдингми, соқчи ухляяпти, — деди Чори автомадини кучоқлаганча мизғиб ётган аскарга ишора қилиб, — ёнидан астагина ўтамиз-да...

У жўрасининг мақсадини тушунгандай бўлди. Шуурининг туб-тубларига қийинчилик билан етиб борган ҳақиқат уни сескантириб юборди: «Чори эсини еб кўйибди! Душман томонга ўтмоқчи! Ё Аллоҳ, унга ўзинг иймон бер, дилидаги шайтонни қув!»

— Чори!

— Бўлақол, жўражон, бу ерда ўлиб кетамиз, барибир! — Чори унинг елкасидан тутиб силкита бошлади.

— ...

— Карнайни эшитдинг-ку боя, Советлар тамом энди! Масков қўлдан кетибди! Қани, бўл тезроқ!

— Чори!!! — дея тишларини гижирлатди у.

— Э-э, сен бола гап уқмас экансан ўзи! Кетасанми ё йўқми?!

У Чорининг гапидан қайтмаслигини англади. Англади-ю, шу баробарида бутун вужудини уят ва ғазаб алангаси ёндириб юборди. Чори бўлса унинг кўзларига тикилди. Сўнгги бор... Шундоқ тикилдики, бу қарашда тепкилашиб ўсган жўрасига гина-кудурат, нариги томондаги умридан хавотир, она юртига, яқинларига қаратилган дил изҳори ва алвидо мужассам эди. Сўнг ухлаётган соқчининг ёнгинасидан сассизгина ўтиб, яйдоқ даладан илдам юриб кетди.

— Чори, жўражон!!! — дея илтижоли пичирлади у. Назарида, овози гулдираб, ўрмонлар узра акс-садо бергандек, бутун батальонни оёққа турғизгандек эди. Бироқ, кўрдики, уч қадам нарида ётган соқчи ҳам уйғонмабди. Демак, ўз-ўзига шивирлабди-да. Чори эса узоқлашиб бораётир. Кўнглида ғазаб илони вишиллаб бош кўтарди. Юртини, тупроғини, ёру жўраларини ёмон кунда ташлаб кетган кимсани ким дейдилар?! Сотқин! Сотқиннинг манглайига эса азалу абад ёзиғлиқ жазо...

— Чори!..

Бу сафарги ҳайқирӣ ва унга қўшилган автоматнинг тариллаши батальонни ҳам, душманни ҳам уйғотди. Чори жўраси қорга юзтубан қулаган маҳал у автоматини улоқтирди-да, ҳўнграб йиғлаб юборди...

... Чол ёғоч катнинг суянчиғини чангаллади. Нимадан-дир хавотирлангандек атрофга аланглади, сўнг безовта қўтарилиб-тушаётган чап қўксига қўлини қўйди. Мана, бори шу... Агар ўшанда отмаганда нима бўларди? Ўтиб кетарди ёв тарафга, бу аниқ. Хўп, бор ана, ўтди дейлик, унда нима бўларди? Бунисини энди худо билади. Аммо, тирик қолиши мумкин эди. Хор-зор бўлсаям, мусофир бўлсаям бир кунини кўрарди. Демак, у ўз дўстини ўлдирди! «Қотилман! Қотил» дея пичирлади лаблари. «Йўқ, сен сотқинни ўлдирдинг. Савоб бу, қаҳрамонлик бу!» деди ичида бир овоз. Рост-да, мана, ўзи ўлмади-ку. Командири билан, аскар жўралари билан ёриб ўтди. Қурбон бериб бўлса-да, ёриб ўтишди. Агар Чори ўша ёмон ниятни дилига тугмаганида, балки у ҳам эсон-омон қуршовдан чиқармиди...

Яна ўзини оқлаяпти. Йиллар давомида ўзи ўйлаб топган, атрофини кўринмас девордай ўраб олган баҳонаю сабаблар қуршовидан чиқолмаяпти. Ўн йил тўшакда ётган одам, шу оқшом ғойибдан куч олиб ҳовлига чиққанида шуни ният қилувдими? Яратган олдида, ошнасининг арвоҳи олдида гуноҳини тан олиб, покланмоқчи эди-ку!..

— Қотилман! — Бу сўзлар қуруқшаган лаблари орасидан зўрға сирғалиб чиқди. «Қотилсан! Қотил!» дея ҳайқирди ичидаги биров ҳам. Шу сўзни икки-уч бор такрорлагач, енгил тортди. Рост, агар жўраси ўлмаганида, насибаси тортган бўлса, юртга қайтиб келарди. Уйланиб, бола-чақа, ҳовли- жой қиларди. У билан бирга-бирга тўймаъракаларга борарди. Шундай йигитни...

— Қотилман!!!

«Қотил!» дея қичқирди ичидаги биров ҳам. У тетиклашди, вужудига қудрат инди, ўрнидан турди. Кўнглининг туб-тубларида бир ҳаловат, хотиржамлик туйди. Мана, ниҳоят ёриб ўтди! Умида иккинчи марта... Энди уйга киради-да, ётиб ухлайди.

Кампири уйғонмади. У секин бориб ўрнига чўзилди. Эрталаб шартта туриб, ҳовлига чиқади. Хўп қизиқ бўлади-да! Кетмонни олиб, томорқага ўтади. Кампири севиhib, эсидан оғиб қолса керак! Ҳазилми, ўн йил бўлди-я!

Туннинг қолган қисми осойишта ўтди. У туш-пуш кўрмай, мириқиб ухлади. Эрталаб уйғонганда руҳи тетик, кайфи чоғ эди. Ўз-ўзидан жилмайиб, ҳовлида ивирсиб юрган кампирини чақирди. Сўнг, то у уйга келгунча ўрнидан туриб, ўзи чиқмоқчи бўлди. Аммо оёқлар яна эгасига бўйсунмади. Кампири уйга кирганда у ҳазин жилмайди.

— Нима қилиб юрибсан, кампир?

— Шу, мол-ҳолга қараб... Туфалам, кўз тегмасин, бугун рангингиз очиқ, боваси, — кампир сўнгги йилларда биринчи бор жилмайди. — Бирон нима ейсизми?

— Йўқ, ўзим... Сени бир кўрай дедим... Мен... яна бир оз ухласамми дегандим, — чол тагин кўзларини юмди. Ва... қайтиб уйғонмади...



## ОХИРГИ ТАНК

Кампирининг ўлими Ҳайдар чолни анча букиб қўйди. Қариганида ҳеч кимни танмахраמידан айирмасин экан. Тўртта одамнинг орасида бировга гапини бермайдиган чол бир ойда яшин урган чинордай қуриди-қолди. Кунора, уч кунда Олотда яшайдиган ўғли билан келини хабар олишади, бўлмаса, қўшнининг қизи қайнатиб берадиган бир қошиқ оби-ёвғонга қаноат қилиб ётаберади. Ўлмаган қул барига чидар экан, чол ёлғизликка ўргана бошлади. Аммо, мана бу падарлаънат оғриқ... Қирқ учинчи йилдан бери унинг чап кўкраги бот-бот санчиб қўяди...

... Танк бало-қазодай ёпирилиб келаётир. Гусеничаси окопларни ўпириб, ўлик-тирикни мажақлаб, ёввойи бир қайсарлик билан илгарилаётир. Ҳайдар нарироқда ётиб

тинмай отаётган Фроловга сўнгги марта қаради-да, граната боғламини қўлига олди. Тўсатдан миясига кўпдан бери тутқич бермаётган фикр келди: шу Фролов унинг акасига ўхшамайдими? Ҳақ рост, ўхшайди! Қирқ биринчи йилда ўққа учган Арслон акасининг баайни ўзи! Фақат бунинг қош-кўзлари сал сарғишроқ... Лейтенант Фролов — жўмард йигит, балоданам қўрқмайди. Балки, ҳозир уям танкнинг олдига чиқмоқчи бўлаётгандир? Эби, ана тўртта гранатани бир қилиб боғлаётир! Шундай йигит, икки нафар гулдай боланинг отаси ўлиб кетаверадими? Йўқ, лейтенант, сен ҳали яшашинг керак! Ҳайдар ҳали бўйдоқ, ортда қоладигани йўқ. Шошма, Зумрад-чи? Сўнгги кеча... жийда гулининг бир ширин, бир хушбўй ҳидлари... Зумрадининг бир иссиқ, бир хуштаъм ўпичлари...

Ҳайдар олдинга эмаклаб кетди. Қизиган, ўйдим-чуқур ер оғир ҳарсиллайди. Орқадан Фроловнинг қичқириви эшитилди:

— Ҳайдар, қайт! Сержант Алиев, буюраман, қайт!

Оғир танк филдай ўкириб, навбатдаги траншеяни текислаб ўтди. Ҳайдар қаддини кўтарди-да, граната боғламини ирғитди. Шу лаҳза чап кўкси жизиллаб куйди, тиззалари бўшашиб, гурсиллаганча қулади. Илиқ тупроққа лабини босаркан, олис-олислардан Фроловнинг «Ватан учун, Сталин учун!» деган ҳайқириви қулоқларига етиб келди.

У бир дақиқагина ўзига келди. Тепасида таниш чеҳра. Ким бўлди бу ? Э-э, Фролов-ку! Йўқ, акаси шекилли, акаси!

— Ўртоқ лей-те-нант... Арс-лон-а-ка.

У яна хушидан кетди...

... Чолнинг ёлғиз эрмаги — ётиб хаёл суриш. Бошқа нимаям қилсин, мол-қолнинг барини сотди. Қарашгаям одам керак, кампири тирик бўлгандаям бошқа гап. Зумрад момо рўзғорнинг жони эди, у кетгач, иш — иш жойида, мол эса мол жойида қолди.

Эртага — байрам. Тўхтавойникига борсамикан? Икки қуролдош жўра шу кеча бир эзи-ли-б, дардлашиб ётсалар... Аммо, мана бу оғриқ қурғур... Эрталабдан бери эговлайди, зўрайса зўрайдики, пастламади. Дам-бадам

боши айланиб, дармони қурийди. Кўзига нуқул Болта пасоннинг ўша охирги, аламли қараши кўринаверади...

... Болта Ҳайдарнинг тепкилашиб ўсган жўраси эди. Икки жўра баравар бўй етдилар. Зумрадга ҳам баравар қўнгил қўйдилар. Қиз Ҳайдарни танлагач, Болта ўзгарди. Аламига чидаёлмай шаҳарга ўқишга жўнади. «Ўв тараша, қараб тур, шаҳардан шунақанги бир зўрини топиб келайки, анави пахмоқбош алвастинг ҳасаддан сочларини юлсин! Яна биччи сабр қил, жўра, яна биччигина». Болта ўқишга кетаётиб Ҳайдарга ана шундай деди. Аммо шаҳардан «бир зўри»ни эргаштириб келиш унинг манглайига битмаган экан. Икки ойча сангиб, бир кўни қоқ пешин маҳали Қурбон калнинг итидай сўппайиб кириб келди. Лекин бу олдинги Болта эмасди: сочлар «паратка» қилинган, пўрим кийинган, папироснинг бирини тугатмай иккинчисини ёқади. Бир ҳафта ўтар-ўтмас чойхоначи Жумми чўтирнинг оғзидан чиққан «пасон» деган сўз «Болта» сўзининг орқасига айрилмас бўлиб тиркалди. Иккита одам тўпланган ерда Болтаям ҳозир бўлар, оғзидан ароқ билан тамакининг қўланса исини анқитиб, шаҳардаги ажойиботлар ҳақида вайсарди. Ҳайдарнинг энаси оламдан ўтган кўни Болта қабристонга маст бўлиб борди. Дарди дунёси қоронғи бўлиб турган Ҳайдар беихтиёр «пасон»нинг оғзи-бурни аралаштириб бир мушт туширди. Болта ўрнидан туролмай, уч-тўрт қадам эмаклаб бордида, сўнг дўппайиб турган сағаналарга қоқила-қоқила, чўкиб қолган эски гўрларга оёқлари бота-бота ғўлдираганча қабристондан чиқиб кетди. Эртасига Жумми чўтирнинг чойхонасидаги қора карнайдан Левитан уруш бошланганлиги ҳақидаги машъум хабарни ўқиди...

Ҳайдар урушдан ярадор бўлиб қишлоққа келса, Болта омборчилик қилиб ўтирибди. Девдай эркак-а! Не-не йигитлар у ёқда жон талашиб ётибди, бу бўлса... Ҳайдарни Шўрога раис қилишди, у эртасигаёқ Болтани урушга жўнатди. Ўшанда кетиш олдидан «пасон» унга бирки тикилди, бирки тикилди... «Энағарнинг кўзлариям бойқушнинг кўзига ўхшайди» дея қўнглидан ўтказувди ўшанда Ҳайдар. Пешонасида бор экан, Болта ўлмай қайтиб келди. Ҳайдарни сўроқлади, кўрдик, Ҳайдар ўзини тутиб кетган,

номиям — Ҳайдар ҳукумат! Пасон аламини ичига ютди, мошин минишни ўрганди. Ўшандан бери ҳайдайди, пенсияга чиқдиям, ҳайдайди, Ҳайдарни кўрганда жилмайган бўлади, кўзларининг туб-тубларида эса ёвуз бир учқун «йилт» этиб кетади. Бироқ, сездирмайди.

... Чол кечга яқин яёв йўлга тушди. Қуввати камроқ, аммо, етиб олади, ўзи озроқ йўл-ку. Қайтага, Тўхтавой кўп хурсанд бўлади. «Маладес, жўра! Келганинг соз бўлди-да!» дейди. Икки жўра бир оз кайфчоғлиқ қилиб олишади, сўнг Гитлернинг энасини ёдлаб сўкишади. Ҳайдар жўрасиникида этиб қолсаям бўлаверади, эрталаб у шалоқ «Запорожец»ида ташлаб қайтади.

Қош қорайди. Чол чарчай бошлади. Ҳарсиллаб нафас олар, кўкси баланд кўтарилиб тушар, кўз олдини туман босарди. У гандираклаб, йўлнинг ўртароғига чиқди. Бирдан кўкраги қаттиқ санчди, асфальт йўлга ёнбоши билан йиқилди. Худди шу лаҳза қаршисида кўш чироқ пайдо бўлди, машина қаттиқ вағиллади. Чироқ ёруғида чол беихтиёр унинг номерига қаради. Ия, 17—42 ку! Болта пасон! Йўл ўртасида ётган одамни узоқдан кўриши билан Болта пасон секинлади. Яқинроқ келгач, қўли эшик тутқичини пайпаслай бошлади. Шу пайт ҳалиги ётган одам бошини кўтариб қаради. Ўҳ-ҳў, Ҳайдар ҳукумат-ку! «Ҳа, даюс! Мана, ниҳоят, ҳисоб-китоб қиладиган вақт келди. Қасосли дунё-да бу, жўражон, кўрдингми, охири менгаям навбат келди. Мен шу лаҳзаларни қанча кутдим, қанча кутдим... Ўҳ-ҳў! Ёдингдами биринчи танишувимиз? Ўша ойдин, мен учун сим-сиёҳ кеча ёдингдами, жўражон? Жийдазор ёнидан ўтиб кетаётсам, биров «Ҳайдар оға, мен бу ердан...» дея шивирлади. Қиз боланинг саси эди бу, мен интиқ бўлиб юрган қизнинг саси! Лекин, бу сас мени чорламаётган эди. Дангал бордим. Ой булут ортига гизланган бир пайт эди. Зумрад учиб келиб ўзини кўксимга ташлади. «Ҳайдар оға, шунча куттирдингиз-а» дея нозли пичирлади у. Аллақандай ўзгариб, бир хил бўлиб кетдим. Шу лаҳза омбурдай бир қўл ансамдан қисди-да, бир силташда мени Зумраддан узиб олди. Ўша кеча мени ёмон урдинг, жўражон, тос ўлгандим. Сен зўрсан, жўра, қайтариб сололмадим. Э-э, йўқ, «зўр эдинг» демоқчийдим... Ҳозир



эса мен зўрман! Ёдингдами, мени урушга жўнатганинг? Дўхтирдан испарапка олгандим, урушга яроқсиз деб. Сен келиб, ўша мени кўп вақтлар бало-қазодан сақлаб юрган қоғозни йиртиб, бетимга отдинг. Ўша куни милиса мени олдига солиб олиб кетди. «Қистанма, — дедим ичимда, — қайтиб келарманам, энангни кўзингга кўрсатарманам! Қистанма...» Унда сен зўр эдинг, жўра. Мана, ётибсан-ку, чувалчангдай буралиб. Ҳозир куртдай эзиб, ерга ёпиштириб кетаман! Мен ҳозир зўрман, жўра, зўрман!» Болта пасон газни босди.

... Машина зўриқиб гувуллаганча ўзига қараб келаётганини чол ички бир туйғу билан сизди. Турмоққа дармони етмай, жуда секинлик билан судрала бошлади. Бирдан яна туйғулари хиралашиб, қўлига илинган каттароқ тошни чангаллади. Олис-олисдан «Сержант Алиев, қайт орқангга!» деган қичқариқ эшитилди. Ер-осмон чархпалак бўлиб айланди, у кўзини очди. Аллақандай бало ўқирганча тўғри устига бостириб келаётибди. «Биттагина танк экан-ку ўзи... Атиги битта. Ҳози-и-ир». У кулимсиради, қўлидаги «граната»ни маҳкамроқ сиқди. Яна йироқлардан лейтенант Фроловнинг «Ватан учун, Сталин учун!» деган ҳайқариғи қулоқларига етиб келди. Томирларига қудрат оқиб кела бошлади, қўзлари чарақлаб очилди, шаҳд билан бошини кўтарди. «Танк» бор жонзотни босиб-янчиб келаётир. Собиқ сержант Алиев қадини ростлади...



## ОТАСИНИНГ ЎҒЛИ

Мақтаб ҳовлиси бўшаб қолди. Мардон стол устида ётган дафтарларини олиб, эшикка йўналди. Шу лаҳза эшик очилиб, Наргиза билан Сабоҳат кўринди. Ўзининг ўқувчилари, бўй етган қизлар... Эртадан пахтага чиқишади, мана шу гардсиз юзлар қорайиб, нозик бармоқлар тарс-тарс ёрилади...

— Кечирасиз, малим... ўтинг, — қизлар ерга қараб, четланишди.

— Ҳа, нега қайтиб келдинглар, бирор нарсани унутиб-сизларми? — йигит кулимсираб, уларга йўл бўшатди.

— Йўқ, малим, биз навбатчимиз. Синфни тозалаб кетмоқчийдик, — деди Сабоҳат хиёл қизариб.

— Ҳа-а. Майли эса...

— Малим, эртадан пахтага экан, «тўққиз»лар айтишди. Сиз боя гапирмадингиз-ку?

— Мен унутибман, Наргиз... Йўқ, унутганим йўқ, лекин... эртага дарсга келинглари!

Мардон шундай дея чиқиб кетди, қизлар бир-бирларига қараб қолишди.

— Малимга бир гап бўлган, — деди Наргиза ташвишланиб, хаёли жойида эмас.

— Қизик одам ўзи шу, — деди Сабоҳат парталарни бир четга сураккан, қарашлари бир хил... Кўзлари одамни аллалаётгандек худди. Сени доим Наргиз деб чақиради-а?

— Тўғри... Билмадим, нега шунақа... У яхши одам, Сабо. Яхши у... — Наргизанинг товуши титраб кетди, сўнг дераза олдига борди-да, мактаб ҳовлисини кесиб ўтаётган Мардонга тикилди. Йигитнинг ҳамшиаги ўқтам овози, шаҳду шиддати йўқлигини қизнинг зийрак кўнгли сезди: «Бир гап бўлган... Мардон акам бунақа эмас эдилар...»

Қабулхонада Санобар сатанг машинкасини чиқиллатиб ўтирган экан, Мардонни кўриб чимирилди. «Намунча?... Раис Герой бовами ё буми?! Димоқ-фироқни қаранг! Сўлибди сатанг...Қарилик ана шундай аста-секин, билинтирмай келар экан-да. Умрининг гулдай пайтлари шу ерда, қабулхонада ўтди. Дарвоқе, фақат шу ердамикан? Раиснинг дарё бўйидаги сирли оромгоҳида, унинг машинасида...

— Кириш, кутяптилар! — дея зарда қилди сатанг. Мардон унга яна бир қараб олди-да, раиснинг эшигини тортди.

— Саломалейкум.

— Валейк... Кел, қани бачам, ўтир, — раиснинг кўзлари одамга мулойим боқарди, овозиям майингина. Мардон ғалати бўлиб кетди. Дилидаги ғазаб қайгадир чекиниб, ўрнини бир ҳазинлик эгаллай бошлади.

— Чақиртирсам, келмадинг, охири уйинга мошин юборишга мажбур бўлдим. Мундай беадаб бўлмада, бачам. Катталар бир нарса дейишса, қилиш керак. Тем боле, отанг раҳматлик билан жўра эдик. Шундоқ қиёматлик оғайнимнинг ўғли мактабда хор бўлиб юрибди деб эшитдим-да, жўрамизнинг арвоғи шод бўлар, шу болани одам қилиш биздан лозим деб ўйладим...

«Э-э, раис бова бошқа мақсадда чақиртирибди! Демак, директор билан жанжаллашганимиздан хабари йўқ экан-да».

— Кўп гап эшакка юк, бачам, мақсадга ўтайлик. Кўй шу мактабингни, арзимаган маош деб кун бўйи жагингни чарчатиб юрма. Ана, фермани ол, қаддинги тут. Энанг бечораям қариганда бир келин кўриб, оёғини узатиб ётсин. Уям энди ғанимат бўпқолди, бачам, — раис деразага хаёлчан тикилди. — Ўҳ-ҳў, қандоқ аёл эди-я! Жўравой ошнамиз билан баравар от чопишарди! Умр дегани ўтаверар экан-да ... Бу, ака-укалардан борми, бачам?

— Йўқ. Оилада энам иккаламиз, — Мардон ўзининг бўшашиб бораётганини сезди, томоғига нимадир тиқилиб, димоғи ачиша бошлади. Ҳозир раисга «хўп» деб юбораман, дея қўрқиб, лабларини маҳкам тишлади.

— Ай-й, дунёйи кўтир!.. Эса, сен боравер, ўйлаб кўр, яна маслаҳатлашармиз.

Мардон эшикка йўналди. Нимадир демоқчи эди, аммо тили айланмай, эшик тутқичига қўл чўзди.

— Ҳа-а, айтганча, эртага болаларингни пахтага олиб чиқ. Каттанг билан унақа тортишиб юрагин, ёш нарса, уят бўлади... Боравер!

«Аҳ-ҳа, ахийри ёрилди-ку! Директор барибир чақибди-да! Роса айлангирди-да ўзиям, қари тулки! Фермани ол, эмиш! Сал бўлмаса...»

— Раис бова, ҳимматингиз учун раҳмат, лекин... менга мактаб яхши. Болаларга ўрганиб қолдим. Аммо, пахтага... олиб чиқмайман уларни. Юқорининг қарори бор, ўқувчиларга пахта тердирмаслик ҳақида, — Мардон ярим бурилиб, раиснинг кўзларига қаради.

— Ҳай майли, бачам, майли. Демак, биз шунча йилдан бери бу ерда лайлак ҳайдаб юрган эканмиз-да, гапимиз

соқолимиздан нарига ўтмайдиган бўлқолибди ... — раис оғзини катта очиб эснади, — Жўравойнинг ўзгинаси бўлибсан, бачам. Отанг ҳам шундоқ бўйни йўғон эди, шу ўрлиги бошига етди. Болаларингни олиб чиқасан бачам, биз ҳали ўлганимиз йўқ. Латтакесмас директоринг ҳам энасини Учқўрғондан кўради эрта-бир кун. Хўп, сен боравер, бачам, сенда айб йўқ.

Мардоннинг бошида бир нарса ғувиллай бошлади, қулоғида раиснинг ҳозиргина айтган гапи яна бир жангланади: «Қайсарлиги отангнинг бошига етди...» Демак, отасининг трактори сойга ўз-ўзидан ағанаб кетмаган! Демак, раис!..

— Ифлос! — Мардон тишларини ғижирлатиб, раис томонга икки қадам юрди. Раис бова пиёладаги чойдан хотиржам ҳўплаб, бош чайқади:

— Ай-йай, уят-а, уят! Оғирроқ бўл, бачам, қизишма. Райимқул мелиса нариги хонада ўтирибди, иш топмай. Бор уйингга, дамингни ол!

Кун уфққа оғиб, қизара бошлаган, қишлоқ кўчалари узра чанг булути сузади. Колхоз гаражининг ёнбошидаги ҳовлидан пиёздоғ ҳиди анқийди. Мардон тўхтаб, бирпас қараб, разм солди: ёшгина жувон ўчоққа ўт ёқаяпти. Йигит бу хипчабел жувонни қаерда кўрганини эшлашга уринди. Аёлнинг икки ўрим сочи тақимини ўпади, эгилганда нозик белига ўралиб, нозли тўлғанади. Кимнинг уйи эди бу? А-ҳа! Тракторчи Сафарбойнинг! Мардон бирдан ҳаммасини хотирлади...

... Иккови Тошкентдан буёғига бир вагонда келишди. Гарчи, ҳар қайсиси ҳар ерда хизматни ўтаган бўлишсада, икки собиқ аскарнинг суҳбати тез қовушди.

— Жўражон, мана юртгаям келдик, энди нима қилмоқчисан, — дея сўради Сафарбой.

— Ўқийман, — деди Мардон, — муаллим бўлмоқчиман.

— Мен уйланаман, — деди Сафарбой жилмайиб, — Сарвигул билан қачонлардан бери хат ёзишамиз. Энам армияга кетмасимдан олдин уйлантирмоқчи эдилар, зўрға қулулгандим. Энди борган заҳотим ёпишиб оладилар.

— Сарвигулинг қалай ўзи, бинойигинами? — сўради Мардон кулиб.

— Во! — деди Сафарбой бош бармоғини кўрсатиб, — узумнинг сувидай, жўражон, гап йўқ!

— Майли, оғайни, тўйга айтиш эсингдан чиқмасин-а!

Тонг қоронғисида поезддан олдинма-кетин тушдилар. Вагон зинасидаёқ кўрди: раиснинг сутранг «Волга»си Сафарбойни кутиб турган экан. У икки ёнида икки йигит билан машинага ўтирди, эшиклар қарсиллаб ёпилди. Машина қишлоқ тарафгамас, негадир район маркази томонга физиллади. Мардон анграйганча қолаверди.

«Раис бова билан қариндошлиги бор экан-да, хумпарнинг, борган захотим уйланаман, деб турибди! Майли, омадини берсин. Бир оғиз «юр, олиб кетай» демади лекин... Ҳай майли, етиб оларман...» Гапнинг каттасини Мардон уч ойдан сўнг, Тошкентдан талаба бўлиб қайтгач эшитди. Аллақайси бир тўйда кайфи ошиб қолган Сафарбой уни чеккароққа тортиб, дардланиб қолди: «Бундоқ яшаб бўлмайди, Мардон жўра, ўлдираман ўзимни!»

Ўшанда «Волга» уни вокзалдан тўғри раиснинг дала ҳовлисига олиб борибди. Раис бова чорвоқдаги кат устида ёнбошлаб ётган экан.

— Кимнинг тўлисан?! — дебди у илжайиб.

— Қиммат холанинг ўғлиман, отамни Ҳазрат ҳўкки дердилар, ўлиб кетганлар, — дебди ҳайрон бўлиб Сафарбой.

— Э-э, шундайми, кўп яхши, бачам, отанг ўлиб кетган бўлса, сени ўзим уйлантириб қўяман, — дея тагин тиржайибди раис бова. Сўнг оғзини очиб турган Сафарбойни ичкарига бошлабди. Хосхонага кирсалар, икки кишилиқ каравотнинг четида ўн беш-ўн олти ёшлардаги бир сулув йиғлаб ўтирибди. Юлдуз кўзли, олма юзли, сочлари паришон, қаймоқдай томоқларининг ости кўкарган...

— Мана шу қиз сеники, хоҳласанг ҳозироқ ёнига ётақол, — дебди раис Сафарбойга.

Йигитнинг қони қайнаб, унинг ёқасига ёпишган экан, шотирлар ўласи қилиб тепкилашибди уни.

— Агар мана шу қизни олмасанг, энангни қайтиб кўролмайсан, — дебди раис мулойимгина.

Сафарбой бош чайқабди, уни яна уриб-уриб, бир ертўлага ташлашибди. Ертўла ўша хосхонанинг остида экан... Хуллас, бир ҳафтадан кейин Сафарбой тўй-томоша билан ўша сулуга уйланибди охири. Тўйдан икки кун олдин раиснинг одамлари тунда, икки мошинда тўйлик нарсаларни Қиммат холаникига тушириб кетишибди...

— Барибир мундоқ яшамайман, жўражон! Олдин анови энағар раисни, сўнг ўзимни ўлдираман! — деди йигламсираб Сафарбой. Бир пайт хотини, ўша хипчабел жувон келиб қолди уни излаб.

— Юринг, Сафарбой оға, кетайлик энди. Во-ей, роса тўйибсиз-да... Юрақолинг... — овозлари найнинг ноласидай, юришлари кийикнинг боласидай, эрининг қўлтигидан кириб, олиб кетди...

Ўша жувон, раис бованинг шотирлари аллақайси вилоятдан ўғирлаб келтиришган бадбахт, мана — бутун қишлоққа пиёздоғ ҳидини таратиб, эрига овқат пишираётир. Ҳадемай тракторини тириллатиб эриям ишдан қайтади. Ювиниб, ҳовлига тўшалган шолчага ёнбошлайди, Қиммат хола ҳам мол-ҳолини тинчлаб келиб, ўтиради. Келин овқат сузади. Сўнг учови бир-бирининг кўзига қарамасликка тиришиб, овқатга қўл узатишади. Қиммат хола вазиятни юмшатиш учун об-ҳаводанми, нарх-наводанми гап очади, бу иккиси сас чиқазмай бош қимирлатишади. Тунлари келин ер муштлаб раисни ва эрини қарғайди, олисларда қолган ота-онасини, элу хешларини йўқлайди, эр бўлса бошини қуйи солиб ўтиради. Сўнг аёлнинг меҳри ийиб, эрига ёпишади, буям ялаб-юлқаган бўлади, ҳамма нарса изига тушади. Ой ўтади, йил кечади, умр дарёдай оқиб ўтаверади. Герой бованинг одамлари бўлса сутранг «Волга»да вокзалга қатнаганлари қатнаган...

Уйига томон бораркан, Мардоннинг хаёлига бир ваҳима оралади: «Агар ўшанда поезддан биринчи бўлиб Сафарбой эмас, мен тушганимдами... Ў-ў, даҳшат! Унда анови сарвқомат сулуг менинг хотиним бўлармиди?.. Ярамас Герой бова! Сенгаям боққан бало бордир!»

Энаси йўлга қараб ўтирган экан. Ёнида... Наргиза! Қўшниси Одил аканинг кенжа қизи, Мардоннинг ўқувчиси.

Буларникига кўп чиқади, кампир билан гапи қовушса керак-да. Мардон ҳовлида бирпас куйманган бўлди. Эна-сига кўрпа қавишаётган Наргиза дам-бадам бармоғига игнани санчиб ола бошлади, қизни уялтирмаслик учун Мардон кўчага чиқди. Қизнинг ғалати аҳволини кўриб, кўнглига бир илиқлик югурди, беихтиёр Норхасой тарафга юрди. Қирғоқ тинч-да, бирпас хаёл суриб ўтирсаям бўлади. Мардон сойга шундоққина эниб турган кичик тепаликка етгач тўхтади. Қишлоқ томондан икки мотоцикл шамолдай учиб келарди. Икки «Ява»нинг ҳар қайсисида икки одам. Орадаги масофа дақиқа сайин қисқариб бораётир. Йигит икки-уч қадам орқага тисарилди. Тамом, энди чекиниб бўлмайди, орқада пишқириб оқаётган сой, олдинда тепаликка ўрлаб келаётган мотоцикллар! Мардоннинг қулоғи остида раиснинг овози жаранглади: «Қайсарлиги отангнинг бошига етган эди...» Биринчи мотоциклнинг олдинги филдираги ўзига келиб урилишига оний бир лаҳза қолганда қишлоқ тарафдан еру кўкни титратган фарёд янгради:

— Мардон а-к-а-аа!..

Йўқлик ва борлик оралиғидаги лаҳзанинг мингдан бир улушичалик фурсатда йигит ўгирилиб қарашга улгурди: Наргиза, оппоқ қўйлакли фаришта, сочлари байроқдай ҳилпираб, бўзлаганча учиб келаётир...



## ҚАЙТАР ДУНЁ

*Ҳар ким экканини ўради  
(Халқ мақоли)*

У қўллари билан қулоғини бекитди. Лекин, овоз кучли эди, бармоқлар орасидан илондай сирғалиб ўтиб, қулоққа кирди, сўнг мияга ўрмалади. Ўткир тиф бўлиб, асаб томирларини шарт-шарт кеса бошлади: «Отажон, сиздан

улуғ дунёда ким бордур менга...» У бошини ёстиқ остига тиқиб, устига кўрпани тортди. Аммо, ҳофизнинг дардли овози чилдирманинг зарбию торнинг ноласига қўшилиб, ҳар қандай тўсиқни-да парчалаб, юрагининг туб-тубига оқиб келаверади. У тўшакда тўлғанди, нафаси қисиб, кўрпани отиб юборди. Олдин тўй қилаётган қўшниси Қобил қорини, сўнг ўзини бўралаб сўқди. Манглайи оловдай қизиб, вужудига қалтироқ кирди. Бошини олиб узоқ-узоқларга, одамсиз ерларга кетгиси келди. Уятми, номусми, хижолатми — аллақандай номсиз туйғулар ичидан ўт бўлиб чиқиб, бўғзини куйдира бошлади, беихтиёр раҳматлик отасининг гапини эслади: «Этмагайсан — чекмагайсан, дейдилар, болам. Менга қилаётганларинг бир кун ўзингга қайтади».

Худо раҳматли Нормурод сур шу гапни кўп такрорларди. Бешим маст бўлиб келиб, отасига илк бор қўл кўтарганда ҳам чол шу гапни айтувди. Ота зор қақшаб тавалло қилар, шафқат тилар, бироқ ўғилнинг тош қалби юшмасди. Аммо, бир сафар чол индамади. Ўшанда Бешим Салим қассобнинг тўйида арақдан тўйиб, тонгга яқин судрала-судрала уйига келди. Аввалига йўқ ердан баҳона топиб, хотинини урди, сўнг отаси ётган катта уйга ўтди. Наврўз момо ўғлининг бундаин юриш-туришини, ҳад-ҳисобсиз жанжалларию калтакларини ичига юта-юта, омонатини топширгандан бери чол қушуйқу бўлиб қолди. Тунлари Яратганга муножот қилиб, тезроқ даргоҳига чақиришини сўрар, аммо унинг жони кераксиз эканми, тепадагидан ҳеч элчи келай демасди. Бу оқшом ҳам Нормурод чол чархи кажрафторнинг бу хил бешафқат ўйинларини ақлига сиғдираолмай бедор ётувди, эшик тарақлаб очилганда бошини ёстиқдан узиб, пичирлади:

— Бешимжон, ўғлим...

Ўғилнинг қони қайнади, қўллари мушт бўлиб тугилди. Бу сассиқ чолнинг мақсади нима ўзи?! Токайгача ўз пуштикамаридан бўлган ўғлини алдаб юради?! Ражаббой кўрбошидан тортиб олинган тиллоларда Бешимнинг ҳақи йўқми?! Отаси уларни қачонгача гадой топмас ерларга бекитиб, босиб ётади? Ахир, унинг Нормурод қизил деб ном чиқаргани, Қизилқалъадаги жангларида Ражаббой



ясовулдан анча-мунча тиллони тортиб олгани ҳақида ҳамма гапиради-ку! Хўш, чол нега бунча тихирлик қилади, рост гапни бўйнига олмайди, «бари чўпчак» деб, Бешимни ишонтирмоқчи бўлади? Нима, Бешим бировдан камми-ди, отасининг давлати соясида катта шаҳарларга бориб ўқиса, машина минса, катта ишларда ишласа, унга ярашмас-миди? Қачонгача тўрт қулоч ходани сойга тиқиб, сув ўлчаб юради? Йўқ, бу чол илоннинг ёғини ялаган. Эркасига — Чорига асраяпти ҳаммасини. Катта ўғил барибир ширин-да, тилидан қўймайди. Эрта-бир кун ўлса, кўрармиз, қани, ўша арзандаси келиб гўрига бир сиқим тупроқ ташлар-микан?! Йўқ, бунақаси кетмайди, ё тиллоларни берсин ё даф бўлсин ўша Чорисиникига!

Бешим тишларини ғижирлатиб, хириллади:

— Ҳе, текинхўр! Қани тиллолар?! — у қоронғида ўзига жовдираб қараб турган чолнинг биқинига ўхшатиб тепди. Нормурод сур «иҳ-ҳ!..» деди-да, бошини ёстиққа ташлади. Ўғил газаб отига минди: индамайди-я, қари эшшак! Бекорга муни Нормурод сур дейишмаган, бўйни йўғонлигини қаранг! Мана бўлмаса! Мана!

... Ўшанда отаси индамади, ҳамишагидай йиғлаб-сиқ-таб мурувват сўрамади. Умуман, ўша воқеадан сўнг чол унга гапирмай қўйди. Бирон нарса керак бўлса, келинига айтар, эшитилар-эшитилмас қилиб гапирарди. Бунинг сабабини Бешим кейинроқ англади: чол ўғлининг инсофга келишини узоқ кутган, ўша машъум хатолик рўй бергач, бутунлай умидини узган...

Чол баъзан ярим тунда уйғониб кетар, чопонини елкасига олиб, амаллаб ҳовлига чиқар, кунчиқар тарафдаги қари тут остидаги курсида узоқ ўтирарди. Тутнинг танаси ҳам чолникидай қариб-чириган, томирлари бўртиб чиққан улкан бир меҳнаткаш қўлдай ғадир-будир эди. Икки-уч қадам нарида ўсган ёш ниҳол эса йилдан-йилга гуркираб, қари тутни тобора қисиб келаётир. Кекса дарахт ўсишдан қолди, бир-икки йилдан бери устки шохлари қурий бошлади. Чол унинг тиф излари қолган танасини қалтироқ қўллари билан оҳиста сийпалайди. «Ҳай, бечора, сенам маррага етай деб қолдинг... Шу экан-да, ошна, нимаям қилардик, Яратганнинг иродаси-да бу. Ҳаёт ўзи

шундоқ экан: йўқдан бор қиласан, кўз нурунгни, куч-қувватингни, меҳрингни берасан, ўзинг бунёд қилган вужуд эса қисиб келаверади, ўрин талашади. Бундан кўп йиллар бурун сен гуркираб япроқ ёзганингда қандоқ қувонган эдим, энди икковимиз ҳам қаридик... Бешимбойнинг тути, ана, ўсиб ётибди, аммо, уям бир кун қарийди, ошна, навбатли дунё бу...»

Чол тутни сийпалаб, шуларни кўнглидан ўтказди. Сўнг юлдузларга қарайди, уларнинг абадийлигини, умрининг эса ўткинчилигини ўйлаб хўрсинади. Бирдан кўнглига ҳарорат иниб, ўтган умридан бир қониқиш туяди. Қизилқалъада Ражаббой ясовулни асир олганини, сўнг немис билан отишган йилларини эслайди. Кўкси бир қалқиб тушиб, томоғи тўлишади. Раҳматли кампири Наврўз момонинг ҳазиллари ёдига тушади: «Шунча балоларни кўрибам ўлмабсиз, отаси, энди юзга кирасиз. Мени Сафар пирсиёндан тартиб олганингиз эсингиздами? Ўр эдингиз-ей! Сизни бекорга Нормурод сур дейишмаган, сиз Азроилгаям бўйин бермайсиз...»

Чол қоронғида жилмаяди, худди кампири қаршисида тургандай, аста сўзланади: «ўша гапинг тўғрига ўхшайди, кампир. Азройлам менга қолганда йўлни чапга солиб кетади шекилли, ҳеч дараги йўқ. Бўлмаса, биз дойрани чалиб бўлганимиз қачон эди, ўҳ-хў!.. Бешимбойнинг бу тепкилари... Майли, бир кун кўзи очилар, лекин унда отасини топмас. Қўй қани, ўзи билади... Ёш-да, қирққаям киргани йўқ ҳали. Қайтар дунё бу, кампир, унгаям болаларидан қайтади бир кун. Этмагайсан — чекмагайсан, дейишган қадимгилар. Асли, менга бу кўргуликлар ҳам оз, кампир, бўйнимда тоғдай оғир бир гуноҳ бор. Ўша қилмишимнинг жавоби булар. Шунча йил яшаб, сенга айтмовдим, майли, энди қулоқ бер: бўз йигит пайтимда бир маротаба отамни сенсирганман... Раҳматли, кўзимга бир муддат тикилиб турди-да, индамай бурилиб кетди. Аммо, ўша қараши ичимни куйдирган экан, бир умр унутолмадим. Бешимбой ҳар сафар тепганида, мушт туширганида ичимдан: «Тавба қилдим, отажон» деб пичирлайман. Ана шундоқ гаплар, кампир. Ёмонга ўлим йўқ дейдилар, мен ёмонман-да...»

Тонг оқара бошлайди, чол туртиниб-суртиниб уйга киради. Бир оз тўшакда тўлғаниб, сўнг пинакка кетади.

Бир йили баҳор серёмғир келди. Уч кун челақлаб қуйгандай қуйди, сўнг бир шамол турдики, асти қўйинг. Ўша хосиятсиз тунда Бешим Ҳамдам жўрасиникида қарта ўйнади, уч киши тўрт шишани бўшатдилар. Ўлим азобида уйга етиб келганда шамол ҳамон жазавага тушиб увлаётган эди. У эшикни зўрға очиб, ичкарига кирди-ю, остонадан сал нарироққа қулади. Қанча ухлади, бир соатми, билмайди. Бир пайт ҳовлида алланима қарсиллаб кетди. Хотини қўрқувдан додлади, ўғилчаси чириллаб йиғлади, кайфи сал-пал тарқаган Бешим ҳовлига чиқди. Кўрдики, қари тут ҳовлининг нақ ярмини қоплаб, ағанаб ётибди. Оёқ остидаги лойни пилч-пилч босиб, аста тутга яқинлашди. Дарахт эртақдаги ухлаётган девдай ястанган. Тарвақайлаган қуруқ шохлар қоронғида улкан панжаларга ўхшайди, улар шамолда ваҳимали қисирлайди. Кекса, ҳилвираган вужуд тақдирнинг навбатдаги зарбасига дош беролмабди. Бешим ўқ еб қулаган паҳлавондай ерпарчин бўлиб ётган тутга тикиларкан, ичидан аллақайси бир томири «чирт» этиб узилгандай бўлди. Шу аснода аёлининг чинқириви тун бағрини тилиб юборди.

— Нега... нимага чириллайсан, энағар, илон-пилон чақдими?! — икки ҳатлаб ичкарига кираркан, дағ-дағ титраётган аёлига қараб чақчайди, у эса бир қўли билан оғзини бекитиб, бир қўлини чол ётган уй тарафга силтади. Бешим унинг даҳшат тўла кўзларига бир лаҳза тикилиб қолди, сўнг гандирақлаб нариги уйга ўтди. Қоронғида аллаким шивирлади, кейин хириллашга айланди.

— Эби, бобойми дейман! — ўғил машаққатли умрининг хотимасини бошидан кечираётган отанинг тепасига келди. Чол уни кўриб бир оз тинчланди, нурсизланиб бораётган кўзлари ҳозиргина ёқилган чироқдан қамашиб, қисилди. Бешим кўпдан бери ўзи тилга олмай қўйган сўзни пичирлади, аммо, ҳақоратга ўрганган тилнинг бу сўзга айланиши анчайин қийин бўлди:

— Ота-а...

Чолнинг кўзлари чарақлаб очилди, устига энгашиб турган шу йигит ўз зурриёди, ўз пуштикамаридан пайдо

бўлган фарзанди ноқобили эканлигига ишонгач, аста шивирлади:

— Бешимбой, мендан... рози бўлинг, ўғлим...

— Ота! — Ўғилнинг товуши бу сафар дадилроқ чиқди, аммо ҳозир нимадир юз беражагини сезгандай титради.

— Бешимбой... тиллолар... — чол яна хириллай бошлади. Ўғилнинг кўзлари оловланди, чойнакдаги совуқ чойни пиёлага шартта ағдариб, чолнинг оғзига тутди:

— Ота, гапиринг!

— Тиллолар ҳақидаги гап ёлғон, ўғлим... Сафар пирсиён... тўқиб чиқарган... у мени... ёмон кўрарди... Онангиз раҳматли... қиз пайтлари... Сафар унга... ишқивоз бўлган. Лекин уни мен... олдим... Шунинг аламига у... Бошимга не кунлар келмади... шу уйдирмадан... Мен... мен сиздан розиман, ўғлим... сизам... рози бўлинг...

Чол жимиб қолди. Тиллолар ҳақида гап очилиши билан жонланган ўғил яна бўшашди, шу баробарида юрагининг олис бурчагида норозиликми, пешгирликми, бир нарса гимиради. Отасиданми ё ўзининг соддалигиданми? Бу пешгирлик — ҳам уриб, ҳам йиғламоқ нечун? Сўзига ишонтира олмагани чолнинг айбими? Ё шунча йил бир ифлоснинг гапига ишониб, бечора отасини тириклайин егани — унинг айбими?! Эби, бўлмасамчи, ҳа-да! Воҳ қораманглай, кўр бўларсан-а, кўр! Сени йўқдан бор қилиб, ёруғ оламда яшашдай бахтга мушарраф қилган инсоннинг бошига ит кунини солдинг-а? Оёқларини ўпмайсанми, оқпадар!

Бешим отасининг қўлини ушладию сесканиб дарров кўйворди. Қўл музлаб бораётир. Қуриб, тўрт дона суяк бўлиб қолган гавдага боқиб, ногоҳ сездики, ҳозиргина кўнглини тўлдириб турган ёруғ ҳислар ҳам ўткинчи. Тўғрида, бундай шошилинч хулосаламоқ нечун? Ахир, чол сўнги нафасидаям алдаши мумкин-ку! Ким билсин, эрка ўғлига аллақачон айтгандир, балки Чорибой тиллони кўмилган еридан қазибам олгандир. Ҳозир, шу кунларда терисига сиғмай юргандир, бобойнинг ўлимини кутиб. Кутмасинми, «отам Бешимбойга тиллолар ҳақида гапирмасин тагин» деб қўрқади-да. Ҳаҳ, бевафо дунё-я! Бешим тўнғич фарзанд бўлиб туғилганда, осмон узилиб ерга

тушармиди! Ё Чорибой ҳам очлик йилларида ўлиб кетган икки опасию бир акасига ўхшаб...

У сесканиб кетди, ўз акасига ўлим тилаганини отаси сезиб ётгандай, унга гуноҳкорона жовдиради. Кўнглига яна илиқ бир нур тўлгандай бўлди, отасининг муздай манглайига лаб босди:

— Ота, рози бўлинг...

... Ўшандан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Гўрида ўмба-лоқ ошгур Сафарнинг гапи уйдирма эканлигини вақт кўрсатди. Чунки, Чори акаси сира ўзгаргани йўқ: на машин олиб минди, на тузукроқ иморат қурди ва на каттароқ бир тўй қилди. Ўша-ўша трактор, тўққиз бола, сигирбузоқ, тўртта тирриқ қўй. Икки ўғли ўзига ўхшаб тракторчи, ота-ўғил учови бир ерга тўпланса, қорамойнинг ҳидидан ўтириб бўлмайди. Ишқилиб, Чорибой ўғил уйлантирди, қиз чиқарди, эл қатори маъракалар қилди. Юртнинг яхши-ёмон кунига аралашди, елиб-югурди, иззат-ҳурмати жойида. Болалариям қўйдеккина, ўтир деган ерингда уч кун сасини чиқазмай ўтиради...

У ўрнидан турди, катнинг лабигача келди ва оёғини пастга осилтириб ўтирди. Эти жунжикди, бош учида ётган чопонини олиб ўранди. Чап биқинига оғриқ ўрмалади. Анови куни Рўзимбой ёмонроқ тепган экан-да, ҳароми! Шу тўнғичи одам бўлмайди, шекилли. Армиядан келганига олти ой бўлдиям, бирон ишнинг бошини тутгани йўқ. Гапирсанг, «успеем, пахан», дейди сигаретини чайнаб. Бир ҳафта бурун туғилган кунини нишонлади. Бешим қўй сўйди, тўрт-беш шиша ароқ топди, ҳамсоя-қорани айтди. Рўзимбой жўраларини, қизларни чақирди. Қўшнилари чиқишмади, чунки Бешимни радди маърака қилишганига анча бўлган. Хайрият беш-ўнта ёш-яланг келди, еб-ичишди, ўйин-кулги қилишди. Рўзимбойнинг кайфи ошиб, отасини четга имлади.

— Анови қизни ...кўраяпсанми, пахан? Кўк қўйлакли қиз?

— ҲМ-м...

— Ўшани ... бизга олиб берасиз! — деди йигит сигаретини чуқур тортиб.

— Эби, ўғлим, дабдурустдан, гап йўқ, сўз йўқ... — ота безрайиб турган ўғлига қараб ҳайронлиги ошди, — олдин ишга кириб, бир-икки йил ишла...

— Иш бўлса қочмас, пахан, гапни кўпайтирманг! — ўғил овозини кўтарди.

Отанинг қони қайнади: «вой энағарнинг ўғли, мушт-дек бошинг билан сенга ким қўйибди хотинни!»

— Менга қара, бола, мен сенинг отангман, тушундингми?!

— Ну и что?! — деди Рўзимбой қўлини белига тираб ва шу он ўнг бети тарсаки зарбидан ловуллаб кетди.

— Эби, вой сенинг!.. — у хезланиб келиб, отасининг биқинига яхшигина тепди, сўнг букчайиб қолган отасига бирпас қараб турди-да, дунёдан беҳабар ўйин тушаётган ошноларни томон чайқалиб юриб кетди.

Бешимнинг жони ҳиқилдоғига тиқилди: нима қилса бўлади буни? Ўзингдан бўлган зурриёт ўзингни бунақа қилиб турса. Ҳарбийга кетмасидан олдинам унга бир-икки хезланган эди. Умуман Рўзимбой қони қайноқ йигит, гап-пани икки қилган кишини отам экан, онам экан деб, аяб ўтирмайди. Ўзининг калласи балодай ишлайди, мактабдаям яхши ўқиган, фақат бунга бериладиган олтин нишонни совхоз директорининг қизига берганларидан сўнг тўнини тескари кийди. Асов отдай, олддан борсанг тишлайди, орқадан яқинлашсанг тепади.

...Бешим тепки зарбидан зўрға ўзига келди. Ўрнидан туриб уст-бошини қоқди-да, ҳамон жазавага тушиб ирғиш-лаётган йигит-қизларга қаради. Ана, ўғли чайқалиб ўйна-япти, нарироқда ўша кўк кўйлакли қиз, ўша Рўзимбойга аталган нишонни олиб, ўқишга кирган қиз. Таътилга келибди, шекилли. Рўзимбойга қараб зимдан қош учиради, буям шерланиб қийқиради. Ароқнинг, мусиқанинг зўридан бошлар қизиган, баданлар алангаи-оташ, икки дунё бир пул...

... Қобил қорининг тўйи чўзилгандан чўзилди лекин! Вақтам бир ерга бориб қолгандир. Бешимнинг кўнглига ваҳима оралади: шундоқ кетаверса, эрта — бир кун, умр поёнига етган чоғ уни тепкилаб кўмадиган мардуми мусулмон топилармикан? Биров маъракасига айтмаса, ҳолинг не-

чук деб биров сўраб келмаса бу қандай бедодлик?! Нега уни мундай яккалаб қўйдилар, қайси гуноҳлари учун, ахир? Қазо етган куни тобути тепасида «вой отам»лаб, «вой жигарим»лаб ким йиғлайди? Мана, Қобил қори — кўздай қўшни, тўйига айтмади-ку! Йўқ, айтди-ю, шу кичик неварасининг «бизникига тўйга чиқаркансизлар» деб кетгани айтди ҳисобга кирадими? Элнинг удумига кўра, тўйдан олдин юрт ёшуллиларини чақириб, маслаҳат қилганда Бешимни эсламади. Униям кўп қатори чақириб, олдига бир чойнак чой қўйиб, Бешимбой, мана, Сотти Қурбон билан қуда бўлмоқчимиз, сиз шунга нима дейсиз, деб иримига бир оғиз сўраса, Бешимнинг боши осмонгау қўйлари мингга етмасмиди? Қори мундай қилмади... Ана, қарс-бадабанг тўй, кенжасини уйлантираяпти. Эртага чимилдиқдан эндигина чиққан келинни чақириб, ақл бўлади. Айтадики, келин, манави томон қўшнимиз Бешим сур, у бўлмайдиган одам, тагин саломпалом бериб юрма, дейди. У ота-онасининг ўлимига сабабчи бўлган, уни элдан чиқарганмиз, дейди. Сўнг ўша ойдеккина, тўрт кунлик келинчак Бешимни кўрган чоғ ерга қараб жимгина ўтиб кетаверади. Бешим одамгарчилик учун, қандайсизлар, келин, яхши ўтирибсизларми, десаям у сасини чиқазмай жўнайверади. Унда Бешим пичоқсиз сўйилмайдими, ундан кўра ўлиб қўяқолгани авло эмасми?!

Ҳовлининг дарчаси ғийқиллаб очилди, қоронғиликда олдин папирос чўғи милтиллади, сўнг қиз боланинг нозли товуши эшитилди. Бешим ўрnidан турди, қаршисига келиб тўхтаган йигит билан қизга анграйиб тикилди.

— Рўзимбой, тинчликми, ўғлим?

— Пахан... мана шу қиз... ҳиқ! Бугундан бошлаб ... сизга келин... ҳиқ!

Рўзимбой ёнида типирчилаётган қизнинг қўлидан маҳкам тортиди. Қиз яна «Кўйворинг дедим, кетаман!» дея нозли бир зарда қилди. «Намунча буралади бу, кетса кетавермайдими ҳозироқ?! Ўзига керак шекилли, бўлмаса маст бола мунга зўрлаб келтира олармиди, бир силтаб қўлидан чиқиб кетаверади-да. Ўзидан бир имо бўлгандирки, Рўзимбой ҳам ...ўша қиз бу, директорнинг қизи ...

ўқишга кетмабди-да ҳали». Бешим шуларни кўнгилдан ўтказди, бу орада Рўзимбой иримига қаршилик кўрсатаётган қизни ичкари уйга судради. Қиз бир-икки силтанди, сўнг йигитга итоаткорона эргашди. Бешим кўз ўнгида содир бўлаётган бу томошани ақлига сиғдиролмай, ўзича гўлдиради. Ўғилнинг сурлиги, соддалиги, кўрлиги жонини чиқарди, юр деса зипиллаб кетаётган бу қизнинг қилигидан миясига қон тепди: «Ўғлим, тўхта, нима қилмоқчисан, ахир?! Ўзингча, ўша нишонни қизига олиб бергани учун директордан аламингни олмоқчидирсан. Ай-й, болам-а, ёшсан-да ... Кўй, ўзингга балони сотиб олма, емаган сомсанг пул тўлаб юрасан сўнг. Ўзи суйкалаётган бу мочағардан кўрқ! Ўйлайсанки, ҳозир чириллатиб додини бераман, кўнглимни совутаман деб... Йўқ, болам, бу ўша ёқларда роса қичқариб, ашуласини айтиб бўлган кўринади, энди ўша мақомларига сени ўйнатмоқчи, ўғлим, қайт!» Бешимнинг шундай деб ҳайқиргиси келди, жисми-жонига ўт туташиб, эшикка етай деб қолган йигит-қизнинг ортидан чопди.

— Рўзимбой!!!

Ўғил ортига ўгирилди, оғзининг бир четида асабий чайнаётган сигаретини четга туфлаб, хириллади:

— Пахан, халақит берманг!

— Ўғлим, шошма!.. Эй, қани даф бўл ҳозир! Қандай бешарм қизсан ўзи?!

— Ота дейман! — ўғилнинг кўзлари ваҳшиёна порлади, тишларини қисиб, отаси томон икки қадам босди. Рўпарасида турган кимса ўзининг падари эмас, хундор душманидай, итариб юборди. Боши ток сўрисига қаттиқ урилган Бешим бир лаҳза ҳушини йўқотди, кўзини очганда ўғли ундан икки қадам нарида чайқалиб турарди.

— Ўл-ди-ра-ма-ан-н!!! — дея пишқирди Рўзимбой отаси устига бостириб келаркан.

Бешим кўрқиб, орқага тисарилди, нарироққа бориб, эски тоғорага қоқилиб йиқилди. Аъзои бадани бўшашиб, қуввати кетиб борарди. Бу орада уйнинг эшиги тарақлаб ёпилди, лаҳза ўтмай деразадан ҳовлига бир кучоқ нур тўкилди. Бешим минг азобда бошини кўтариб қаради: парда ортида иккита соя кўринди, ана, улар бирлашди, сўнг



бири иккинчисини кўтариб, кўздан йўқолди. Бешимнинг туришга қуввати келмай, эмаклаб деразага яқинлашди. Ойнани муштламоқ ниятида қўл чўзиб, деворни тимдалай бошлади. Жисмига ғойибдан сеҳрли бир куч қуйилгандай, Бешим титраб-қақшаб ўрнидан турди, аммо чап кўксини куйдирган оғриққа чидолмай, яна ерга йиқилди. Лаблари титраб, пичирлади: «Энағарнинг ўғли ... гулини ким-кимлар ҳидлаб кетган ... энди сен ... поясини ғажимоқчимисан...» Бошини ерга қўйди, қўллари тупроқни ғижимлади. Тўйхонадан эса ҳофизнинг дардли овози таралар эди:

Одам ўғли, бир галарсан  
Бу дунёнинг ғамин ерсан,  
Пар тўшакни қаттиқ дерсан  
Ерда ётмали дунё бу...

Сўнг қаердандир келган отасининг саси ҳофизнинг авж пардага чиққан овозини-да босиб кетди: «Манглайга муштламанг, Бешимбой, айтувдим-ку сизга, этмагайсан — чекмагайсан деб...»



## ЎФИЛ

Бола тобора узоқлашиб бораётган «Жигули»нинг изидан маъюс қараб қолди. Икки-уч дақиқадан сўнг машина кўздан йўқолди. Сўнг бола кўмир уюмига яқинлашди. Челақ катта, тўлдириб ташиса, тез чарчайди, аввал йирик-роқ бўлақларини қўлда ташигани маъқул. Ишқилиб, бугун тугатса бўлди. Ким билади, онаси қачон келади ҳали, ярим тундами, тонгга яқинми. Тўй кўп бўлади-да. Умуман, шу август ёмон ой ўзи, онаси ҳеч уйда бўлмайди. Тонгга яқин гоҳ маст, гоҳ ширакайф, баъзан ёлғиз, баъзан қандайдир амакилар билан келади. Вағир-вуғур қилганча уйга киришиб, ялпайиб ўтириб олишади. Ярим тунгача бир ўзи телевизор қаршисида ичиб ўтириб, сўнг таррак-

дай қотиб қолган дадасиниям уйғотмоқчи бўлишади. Уям туришга ҳафсаласи келса туради, бўлмаса йўқ. Баъзан амакилардан бири онасини нариги уйга судраб қолади, онаси ҳиринглаб, ёлғондакам қаршилиқ қилади, сўнг кириб, эшикни ичкаридан ёпади... Бола буларни гоҳ кўради, баъзан эса уйқу зўрлик қилиб, ухлаб қолади.

У кун ёйилганда уйғонади, бу пайтда дадаси велосипедини ғийқиллатиб ишга кетган, онаси эса усти очилганча ухлаётган бўлади. Уйнинг бузуқ ҳавоси боланинг кўнглини айнитади, у чала-чулпа кийиниб, ҳовлига чиқади. Онаси тушга яқин туриб, шишган қовоқларини ишқалаганча эснайди, наридан-бери ювиниб, чой дамлайди. Кеча тўйдан олиб келган тугунчадан иккита нон, бир сиқим қанд, бир шиша арақ чиқаради. Бу орада дадаси тушликка келади. Эр-хотин чой устида бир пиёладан арақ ичишади, кейин дадаси уйга кириб ухлайди. Бирор соат ўтгач, онаси уни уйғотиб, ишга жўнатади, ўзи то амакилар келгунча у-бу ишга уринган бўлади. Кечга яқин амакилар энгил машинада келишиб, онасини яна тўйга олиб кетишади. Августда қарийб ҳар куни аҳвол шу. Чунки, август — тўйлар мавсуми. Анови ашула айтадиган амаки «сезон» дейди. Қайси куни онасига «Муаззамхон, мана, сезон ҳам бошланди, энди бу йил бирга юрайлик, хўп денг. Бизнинг кампанияни биласиз, яхши йигитлар. Хафа қилмаймиз, ҳақингизни берамиз», деб турувди. Яна бола тушунмайдиган қандайдир гапларни гапирди. Бола энди унча кичик эмас, учинчида ўқийди, кўп нарсанинг фаҳмига етади. Аммо, «договор», «закалат», «шоғолбазм» деган гапларни тушунмайди. Бир марта онасидан сўраган эди, қулоғининг тагига шапалоқ тортиб юборди.

Амакилар боланинг дадасини одам ўрнида кўришмайди. У исқирт кийинади, доим соқол-мўйловини ўстириб, онаси тўйдан келтирган ароқни ичиб юради. Баъзан ишга боради, баъзан эса ҳафталаб уйда ётиб ичади. Онаси уни қарғагани-қарғаган: «Оғзингдан қонинг келсин, пиёниста! Сенинг бир ойлигингни мен бир кечада топиб келаман!» Дадаси «финг» деб сасини чиқазмайди, онаси гапириб чарчагач, ўрнидан туриб керишадида, чиқиб кетади.

Мана, бугун ҳам дадаси тушгача ағанаб ётди, сўнг бўйнидан судрагандек бўлиб ишга кетди. Онаси бирор соатча ойна олдида ўтирди, бир пайт машинада учта амаки келиб қолди. Онаси «Вой ўлай, кеч қолмайлик тагин» деб дарров машинага чиқди. Кетаётиб, болага ўшқирди:

— Кўмирни ташиб қўй, жувонмарг! Лаллайиб юрма, нақ терингни шиламан-а!

Машина «ғув» этди-ю, бола чангда қолди. Кўмирни ташиб қўйиш керак, бўлмаса эртага онаси ёмон азоблайди. Онасининг қўли қаттиқ, тегса қулоқнинг остидан олов чиқиб кетади. Қаҳри келса, кўзлари катта-катта бўлиб, қизаради. Бўлмаса онасининг ўзиям, кўзлариям чиройли, айниқса, тўйга борса чиройли бўлиб кетади. Бир марта у ҳам онасига қўшилиб тўйга борган. Ўшанда дадаси кўшнининг қизига ёмон гап айтган, сўнг қизил шапкали одамлар келиб уни бир жойга олиб кетишганди. Дадаси ўн беш кунча уйга келмади. У кетгач, эртаси куни онаси уни тўйга бирга олиб борди.

— Кимга ташлаб кетаман бу дардисарни! — деди у мўйловли амакига.

— Ничево, биз билан бораверсин, — деди амаки.

Машинада кў-ўп юрдилар, бола ухлаб қолди. Кўзини очганда, машина нотаниш уй ёнида турар, ёнида ҳеч ким йўқ эди. Бола йиғламади, умуман, у йиғлашни эсидан чиқариб юборган эди. Бир-икки йиғлаб кўрган, овута-диган одам топилмагач ўзи тинган, сўнг йиғламай қўйганди. Ҳозир ҳам машинадан тушди-да, нарироқдаги улкан чироқлар ёруғида ғужгон ўйнаётган одамлар сари юрди. Катта карнайдан таралаётган қўшиқ эшитилди. Онаси бир куни магнитофон олиб келиб қўйиб берган эди, ҳозир-гиям ўша товуш. Бола мўйловли амакининг овозини таниди. У одамлар орасидан уриниб-суришиб ўтди-да, ашулачилар учун махсус қўйилган сўрига яқинлашди. Сўрида иккита бегона киши ароқ ичиб ўтирар, онаси мўйловнинг ашуласига ўйнамоқда эди. Доира гумбурлайди, аккордеон ғийқиллайди. Мўйлов хониш қилади, онаси буралади. Онаси чиройли эди, бола анграйиб қолди. Кўзни олгудай ялтироқ кўйлак, бошида ранг-баранг қуш пат-

лари, қўлларида жинғироқ — эртақлардаги парининг ўзгинаси! Ўшанда болани ҳайрон қолдирган яна бир нарса онасининг сочлари эди: уйда юрганида елкага зўрга тушадиган сочлар даврада қирқ ўрим бўлиб, белда тўлғанади. «Эби, онамнинг сочлари шунча узун экан-да, шу пайтгача кўрмабман...» Бола ўшанда шундай деб ўйлаганди...

... Кўмирнинг ярмидан озроғи қолди. У гандираклаганча бориб остонага ўтирди. Онаси урса-урар, ортиқ мадори қолмади. Ўнг елкаси узилиб тушмоқчи бўлиб оғриди, қўллари шилиниб, юз-қўзлари қорайиб кетди. Ариқчадан сув олиб наридан-бери ювинди-да, уйга кирди. Дадаси бугун келмайдиганга ўхшайди, келса шу пайтгача келарди. Ким-қаерларда юргандир сандироқлаб, маст бўлиб...

Кўкда яккам-дуккам юлдузлар кўрина бошлади. «Тўй бошлангандир ҳозир. Мўйловли амаки зўриқиб бақиршини, онам ўйинини бошлаган бўлса керак. Ўйнайверади, ўйнайверади... Сўнг унга кў-ўп пул беришади. Онам шунча пулни нима қилар экан-а? Бир талай: кўк, сариқ, қизил, шилдироқ,ғижимланган пуллар... Дадамга мотоцикл, менга велосипед олиб берсаку... Телевизор кўраман, уруш кино бўлиши мумкин».

Юаркан, бели оғриб, тиззалари букилиб кетди. Қорни очганини сезиб, устига телевизор қўйилган тумбочкани очди. Кеча онаси тўйдан олиб келган қатламадан шапалоқдай ушатиб олди. Хўрсиниб, охирги марта қачон иссиқ овқат еганини эслади. Икки ҳафтача бурун онаси уни Мунаввар холасиникига олиб борувди, ўшанда еганди, чамаси... Қайноқ, мазали шўрва, юмшоқ нон... Оғзи сув очиб, ютиниб қўйди. Телевизор кўришгаям эриниб, қуроқ кўрпачага чўзилди. Бир оздан сўнг уйку сездирмай бостириб келди...

... Тўй эмиш, одам кўп, ғалағовур. Мўйлов хириллаб қичқирармиш, онаси гоҳ унга, гоҳ одамларга қош қоқиб, айланармиш. Бола дадаси билан давра ўртасига дадил кириб бориб, онасининг қўлидан судрабди. У юлқина бошлаган экан, дадаси бир шапалоқ уриб: «Қонингни ича-

ман, манжалақи! Юр, бу ёққа!» дебди. Онаси индамай бош эгиб, даврадан чиқибди. Уйга қайтибдилар: отаси билан онаси ялтироқ мотоциклда, у эса ажойиб янги велосипедда! Уйга келгач, онаси шўрва пиширибди, учови дастурхон атрофида ўтириб овқатланишибди. Шўрва қайноққина, жуда мазали, нон эса юмшоққина экан. Онаси аллақадан бир шиша арақ чиқарган экан, дадаси газабланиб, шишани отиб юборибди. Шиша ҳув нарида ётган ёғочлар устига тарақлаб тушибди...

Бола чўчиб уйғонди. Эшик тарақлаб очилиб, биров кирди, сўнг чироқ «ярқ» этиб ёнди, онаси экан. Яна ширакайф, кўзлари қизарган. Унинг орқасида Мўйлов тиржайиб турибди. Бола бошини кўтариб англади: унинг нариги бурчагида дадаси хуррак отяпти. Қачон келди экан, бола билмай ҳам қолибди. Фирт мастга ўхшайди, сўлаги оқиб, ёстиқни ҳўл қилибди. Оёқ учида бўшаган шиша, сочлари ҳурпайган, ёқавайрон. Мўйлов оёғи билан дадасини туртди.

— Саидвой, ҳў Саидвой!

Дадаси гингшиб, нарёққа ўгирилиб ётди. Онаси кўлидаги тугунчани тумбочкага қўйди-да, болага қараб чақчайди:

— Ёт, нимага бақрайиб турибсан!?

Бола бошини ёстиққа ташлади. Олдин онаси, изидан Мўйлов нариги хонага кириб кетишди. Дадасининг хураги бир зўрайиб, бир пасаяди. Боланинг юрагида нимадир ғимирлади, эти жунжикди. У ўрнидан турди, сассиз юриб, ташқарига чиқди. Ой борлиқни хира ёритар, қаердадир итлар вовулларди. «Кетаман... Мунаввар холаминикига кетаман. Унинг ўғиллари бор, яхши-яхши болалар. Бирга-бирга ўйнайман... Холам шўрва пишириб берадилар, қайноқ, мазали шўрва... Ана уйи, сойнинг нарёғида. Яккачўпдан ўтсам, бир қадам. Кўприк, ўҳ-ҳў, узоқда...»

Шу ўй билан олдинга юрди, лекин уч-тўрт қадам юрмай, тўхтади. Ўгирилиб, уй тарафга қаради, қулоғига яна Мўйловнинг ҳарсиллаши, онасининг нозли нолишлари эшитилгандек бўлди. Аста бориб, ёғоч уюми устида ётган болтани олди, салмоқлаб кўрди: унча оғир эмас, бемалол

кўтаради. Ой нурида болтанинг ўткир тиғи ялтираб кетди. «Ҳоламникига... кейин бораман... кейин. Ҳозир эса...» Шарпасизгина уй томон юрди. Дадасининг хурраги кичик хонада ваҳимали эшитиларди. Бола унга бирпас қараб турди. Кейин диққатини катта уйга қаратди. Ичкаридан шивир-шивир келарди. Боланинг қўллари қалтиради, кўзлари оловланди. Болтани чап қўлига олиб, титраётган ўнг қўлини эшик тутқичига чўзди...



## ИККОВЛОН

... У гўзапоя уюмининг орасида нафасини ичига ютиб ўтирибди. Учта немис тўрт-беш қадам наридаги офилхона деворига суянганча гўнғиллаб сўзлашяпти. Ана, улар қишлоқ этаги томон йўл олишди. У ҳам гўзапоя уюми орасидан чиқиб, атрофга олазарак қаради. Сўнг қўйнидан чўзма камонини ола бошлади. Худди шу лаҳза немислардан бири орқасига қаради. Унинг башараси жудаям танишга ўхшайди, қаердадир кўргандай ... Немис масхараомуз тиржайганча унга автоматини, у эса рогаткани тўғрилади. Тишларини маҳкам қисиб, киприк қоқмай камоннинг ипини чўза бошлади. «Ҳозир отиб ташлайди... — хаёлидан ўтказди у, — ҳозир «та-та-та» этган овоз эшитилади-ю, мен гўзапоя уюмига йиқиламан. Нега отмаяпти? Тиржайишини қара, ярамас-ей... Кимга ўхшайди бу, қаерда кўрганман-а... Ҳозир отади, ҳозир... Ўқ қаеримга тегаркин, юрагимгами? Йўқ, немис юракка уролмайди, оёғимга тегса керак. Йиқилсам, гўзапоялар юзимни тилиб юборар дейман... От энди, аблаҳ, нега тиржаясан, отавермайсанми...»

«Та-ра-қ!» Бола ўрнидан сакраб турди, тиззалари қалтирарди, бирпас кўзларини ишқалаб турди-да, сўнг бўғиқ овозда қичқирди:

— Момо, қаердасиз?

Ҳовлидан момосининг саси келди:

— Хў-ўв! Турдингми, болам, бу ёққа чиқ, хўжак бўшаб кетибди, нарвонни ағдариб юборди, қирон келгур. Маҳ-маҳ, илоё эгасиз қолгур-а, маҳ-маҳ!

Бола ҳовлига чиқди. Кун найза бўйи кўтарилган, қишлоқ кўчаларидан сигир-бузоқларнинг маърашлари эшитилди. Момоси ҳай-ҳайлаганча бузоқни оғилга қамади, бола эса тут остидаги пачақ чой идишдан сув оқизиб, қўл-бетини наридан-бери ювди. Нонуштага ўтирдилар ҳамки, бояги тушнинг таъсири болани тарк этмасди.

— Ол, болам, катта-катта тишла. Бугун бозор, ҳадемай отанг билан онанг келиб қолар. Ромитан, ана, бир қадам, отанг матасекилини бир тариллатса келади. Чимхўр бўлма, болам, ичингаям бир нарса тушсин. Ол-ол...

Момоси уни ҳадеб ейишга қистар, ўзи эса фақат чой хўплар эди. Кампирнинг ажин босган юзи «қилт» этмас, ичига чуқур ботган, ёшланиб турадиган кўзларида сўниб бораётган умиднинг ҳорғин шарпаси акс этарди.

— Момо, тушимда қўрқдим...

— Ай болам-ей, нимадан қўрқдинг?

— Немислар отмоқчи бўлди мени... — бола нон чайнашдан тўхтаб, катта очилган кўзларини момосига тикди.

— Воҳ-ей, моманг айлансин бўйларингдан! Ёмон қўрқдингми, болам? Қирон келсин илоё, ўша немисларга! Кеча анови дилбузардаги кинони кўриб, ўйлаб ётибсан-да. Энди ўша жўрангникига борма, болам. Насиб қилса, отанг бизгаям дилбузар олиб беради, бизларники ёмон немисларни кўрсатмайди, тойчоғим. Ол, қани, қаймоқдан е!

— Момо, Авлиёкул дойимни немислар отган бўлса-я... Келмадилар-ку... — деди бола девордаги сарғайган суратга қараб.

— Йўқ, болам, дойинг бедарак кетган... Немислар отган бўлса, «қорахат» келарди. Авлиёкулдан келмади... У тирик...

Боланинг дойиси, яъни момосининг укаси Авлиёкул урушда бедарак йўқолган, уруш тугаганига қирқ йилдан

ошган бўлса-да, момоси ўжар бир умид билан уни ҳамон кутарди. Ҳар куни азонлаб туриб, ҳовли супурар, сигир соғиб, қаймоғидан бир пиёла олиб тоқчага қўярди. Боланинг отаси Ромитанда катта дўхтир бўлиб ишлайди. Тошкентда ўқишини битказгач, Ромитанга ишга юборишган. Отаси билан онаси кичкина Зилолани олиб ҳафтада бир марта Олотга келиб кетишар, момосиниям бирга кетишга кўндирмоқчи бўлишар, лекин момоси маъюс бош чайқарди: «Мени қўйинглар болам, — дерди узун енги билан кўзларини артиб, — ўзларинг ҳафта-ўн кунда бир келиб турсаларинг бўлди. Мен бу ҳовлини ташлаб қаерга бораман... Мен кетсам, «лоп» этиб дойинг келиб қолса! Уят бўлади-да, болам. Дойинг айтмайдими, «Опа, мана, қайтиб келдим, ўлмадим, ҳарқалай. Қирқ йил кутиб, энди мен келарга яқин Ромитанга кўчиб кетибсиз-да... Укам келди деб олдимга югуриб чиқмадингиз-а...» демайдими, ахир?! Авлиёқул кў-ўп инжиқ йигит, кўнгли нозик-да, сен билмайсан уни. Келиб қолса инжимасин, болам. Сен баҳузур ишлаб юравер, ўғлинг билан иккаламиз бир тирикчилик бўлса ўтказармиз...»

Отасининг ҳарбий комиссариатга учраб, сўнг аллақарерларга хат ёзганини, дойиси, оддий солдат Авлиёқул Ҳалимовнинг Югославиядаги партизанлар сафида жанг қилиб, ҳалок бўлгани ҳақида дарак топганини бола ҳам, момоси ҳам билишмасди...

— Момо, ундай бўлса, дойим эртага келиб қолишиям мумкин экан-да?

— Илоё айтганинг келсин, болам, тилларингдан момонг! Келади, албатта келади, — момоси унинг жингалак сочларини силаб, оғир хўрсинди...

Кечқурун бола дарс тайёрлагани, момоси эса ип йигиргани ўтиришди. Бола чархнинг бир маромда ғувуллашига қулоқ солиб, пичирлаганча шеър ёдларди.

Момоси бўлса бошини сарак-сарак қилганча, оҳишта пичирлайди: «Эй фалак, чархинг бузилсин, нечун қаритдинг мени...» Бола китобни ёпиб, шеърни икки марта ёддан ўқиди-да, сўнг аста момосининг ёнига чўзилди.



— Ҳаммасини ўқиб бўлдингми, болам? — деди кампир унинг хаёлчан кўзларига қараб.

— Ҳа, момо, яна айтиб беринг...

— Нимани айтиб берай, тойчоғим?

— Қорабахшини, кейин, анови ҳазрат Алини айтинг.

— Ай, болам-а, Қорабахшини ҳар оқшом эшитасан, тўймайсанми ҳеч. Майли, ҳазрат Алини айтақолай, эшитиб ёт. Ҳўв дарёнинг нариёғидаги ер бор-ку, ўшани Ялангкўл дейишади. Шўрлаб ётибди, кўргандирсан. Қадим замонда ўша ер кўм-кўм кўк ўтлар ўсиб ётган баҳаво бир жой экан. Ҳазрат Али чўлда кофирлар билан уришаётган эканлар. Кофирлар кўпчилик, у кишининг бир ўзлари. Бир пайт у киши отларини чақирибдилар: «Ҳў-ў тулпорим, қайдасан, тезроқ кел, ҳолим танг». Сасларидан ер-осмон гулдираб кетибди. От булутларни ёриб учиб келса, Ҳазрат қонларига бўялиб, қум устида беҳол ётганмишлар. От хўжасининг устида худди одамдай кўзёш тўкибди, ёшлари Ҳазратнинг юзларига томиб, у киши кўзларини очибдилар. «Нега чақирган заҳотим етиб келмадинг, эй махлуқ?!» дебдилар Ҳазрат дарғазаб бўлиб. «Мени кечир, хўжам, — дебди от бош эгиб, — жуда олисда ўтлаётган эдим. Сасингни эшитиб, шамолдай учдим. Аммо, орамиз йироқ эди, жуда дармоним қуриди. Йўлда бир оз тўхтадим, бир тутам ўт еб, бир қултум сув ичдим...»

«Омин, — дебдилар Ҳазрат қўлларини кўкка кўтариб, — илоё ўша сен тўхтаган мурдор ерда у дунё-бу дунё гиёҳ кўкармасин, Аллоҳу акбар!» Шундан сўнг от дам олган ўша ердаги қўлнинг суви бир кечада қуриб, шовуллаган қамишзор ҳам кўздан ғойиб бўлибди. Ўрнида оппоқ шўр босган бир майдон қолибди. Одамлар у ерга Ялангкўл деб ном қўйишибди. Гиёҳ кўкармайди, ана, Қодир биргат тўрт йилдан бери пахта экади — бефойда. У ерга қарғиш теккан-да!

Момоси Ҳазрат Алини гоҳ «сиз»лаб, гоҳ «сен»лаб, ҳикоясини тугатди. Бола анчагача момосининг томирлари кўкариб турган қўлларига тикилиб турди-да, сўнг сўради:

— Момо, Ҳазрат Али ким бўлган ўзи?

— У киши жуда катта одам бўлганлар, болам.  
— Дадамдан ҳам каттами?  
— Ҳм-м... Ҳовва, дадангдан ҳам катта бўлганлар.  
— Момо, кофирлар-чи, улар кимлар-а? — яна бижир-лади бола.

— Кофирлар жуда ёмон одамлар бўлган, болам. Улар мусулмон бўлишмаган, мисол учун, анови гўрини тўнғиз ковлагур Гитлер кофир бўлган. Бор энди, ухла, момонг айлансин. Кеч бўлди.

Бола истар-истамас бориб ўрнига чўзилди. Кўрпага ўранаркан, момосининг чарх товушига монанд хиргойиси эшитилди:

Бу дунё шундай зол, шундай маккора,  
Бир юзи оқ эрур, бир юзи қора...

Бир пасдан сўнг бола пишиллаб ухлаб қолди. Шу оқшом у тушида шўрлаган тақир далани, булутларни оралаб учаётган қанотли отни ва қонга беланиб ётган паҳлавон мўйсафидни кўрди...

Ибод муаллим юпқа папкасини «шап» эткизиб столга ташлади-да, лиқиллаб турган курсига ўтирди.

— Воҳ бошим-ей... Их-ҳм, хо-ош, ўтиринглар, тирмизаклар. Уф-ф, паниделник оғир кун-да, ўзи. Жўраев, оёғингни лиқиллатма! Хо-ош, ким навбатчи? Болтаева, сенми, ким йўқ?

— Солиев билан Раҳматова...

— Эби, бу Солиев яна йўқми? — Ибод муаллим кўзларини олайтирди, — хаҳ, эшшак, тагин қирга, исқирт отасининг олдига кетибди, шекилли. Ўлмаса, шу бола отасининг чўпон таёғини қўлидан олади. Ҳм-м, гаплашамиз... Хо-ош, Раҳматовани нима жин урди экан? Алиев, сенинг ҳамсоянг-ку, тур қани. Бурнингни шўлқиллатма, галварс, гапир!

— Билмадим, малим, — дея гўлдиради Алиев.

— Бугун бориб бил!.. Ўтир, ҳе сўтак! Хо-ош, болачалар, диктантларни текширдик. Ничево, ёмон эмас, лекин «иккича»ларам бор. Масалан, Шодиев! Қани, тур-

чи, аҳмоқ, сен нега «ишдан туширилди» деган жумлани «иштон туширилди» деб ёздинг-а?!

Синфнинг у ер-бу еридан пиқиллаган кулги эшитилди. Ибод муаллимнинг дарсида баралла куладиган боланинг жони ўнта бўлиши керак.

— Ўтир, кўрсавод! Ҳалимов, сен тур! Нега «Гитлер» сўзини кичик ҳарф билан ёздинг?! Неча марта айтганман, атоқли отлар бош ҳарф билан ёзилади деб! Кармисан, гапир?!

— «Гитлер» кичик ҳарф билан ёзилади, малим, — деди бола кўзларини пирпиратиб.

— Ўҳ-ҳў, ана, янгилик! — Ибод муаллим масхараомуз тиржайди. — Қани, доскага чиқ-чи!

Бола доска олдига келди. Синфга таҳликали жимлик чўкди: муаллимнинг тиржайиши яхшилиқдан дарак бермасди.

— Хо-ош, қани айт-чи, Гитлер бош ҳарф билан ёзиладими ёки кичик ҳарф биланми? — Ибод муаллим ўтирган жойида ярим бурилиб, болага қаради.

— Кичик ҳарф билан, — деди бола яна.

— Ўв, зумраша, сенга яна айтаман: Гитлер — одамнинг оти, нега уни кичик ҳарф билан ёздинг?! А?!

— Чунки, Гитлер — ёмон одам! У кофир!..

— А-а?!

Ибод муаллим секин ўрнидан туриб, боланинг олдига борди. Тепакал бошини кирлаган гижим дастрўмоли билан артди-да, боланинг устига эгилди:

— Хо-ош, ёмон бўлса нима қипти? За то, Гитлер — атоқли от. Нега унақа ёздинг?

— Қанақа?

— Мана бунақа, эшшак! — шарақлаган товуш синф деворларида акс-садо берди. Боланинг боши тарсаки зарбидан доскага тарақлаб урилди.

— Ҳе, молбош!

Бола ўзини ўнглаб, Ибод муаллимга қаттиқ тикилди. Олови чиқиб кетган чап юзини силадида, чақчайиб турган муаллимга қараб, тишларини гижирлатиб пичирлади:

— Эртага отам келади... Момом айтди, Ромитан бир қадам йўл, деди... Келади... Сиз...сиз... кофирсиз! Кофир... Гитлер!

У ичини кўйдириб, кўзларидан отилиб чиқмоқчи бўлаётган ёшларини синфдошларига, Ибод муаллимга кўрсатмаслик учун шартга орқасига бурилди ва чопганча синфдан чиқиб кетди. Орқасидан Ибод муаллимнинг ҳай-ҳайлагани эшитилди:

— Ҳалимов, тўхта! Ҳой бефаросат, тўхта дейман!

Бола мактаб ҳовлисидаги машина ва мотоциклларнинг ёнидан чопиб ўтаркан, беихтиёр Ибод муаллимнинг шалоқ «Москвич»ига қаради. Машинанинг чанг босган номерига кўзи тушиб, тўхтаб қолди. «Эби, шу вақтгача кўрмабман-а! Номери 22-41 ку! Йигирма иккинчи июнь, қирқ биринчи йил! Уруш бошланган кун! Вой сенинг... Гитлер!»

Момоси уйда йўқ экан. Бола уйга кирдию ўзини ямоқ кўрпачага ташлади. Томоғини бир нарса бўғар, отасини кўргиси келарди. Момоси қўшниникидан келганда у қалтираганча ғужанак бўлиб ётар, ёстиқ ҳўл бўлиб кетган эди...

Тонгга яқин унинг иссиғи кўтарилиб, алаҳлай бошлади. Момоси берган аллақандай тахир дорини зўрға ичди, унинг муздай қўли пешонасига хуш ёқиб, кўзларини хиёл очди.

— Момо, Авлиёқул дойим келмадиларми? — дея пичирлади у эшитилар-эшитилмас.

— Кўзингдан айланай, тойчоғим, келади дойинг, албатта келади, — момоси кўзлари ёшланиб, унинг оловдек юзидан ўпди.

— Моможон, дойим келсалар... айтаман... Ибод малимини... отиб ташласин... У ёмон одам, моможон, у немис... ўтган кеча тушимда мени отмоқчи бўлди... У Гитлер... Кофир у аслида, моможон... кофир! Мошинининг номериям ёмон... Ота, отажон... қаердасиз... Моможон, менам Ромитанга кетаман... сиз билан ...Авлиёқул дойим... келмадилар...

— Ухла, болам, ухлай қол. Эртага дойинг ҳам, отанг билан онанг ҳам келади. Зилола ҳам...

Момоси бир оз тинчиган боланинг устини ёпиб, ёнига чўзилди. Бола ухлаб қолгунча унинг бошини силаб ётди, сўнг кўрпани бошига тортаркан, алам билан пичирлади.

— Илоё қўлинг синсин, норасидани урган...

Ташқарида эса тонг оқариб, кампир билан набира-сини ҳеч ким йўқлаб келмайдиган янги кун бошланмоқ-да эди...



## КЎНГЛИ БЎШ ОДАМ

«Нимадан бошланди ўзи? Айб кимдан ўтди? Бир гап-дан қолсам ўлармидим... Воҳ-ей... Ҳарқалай, у мендан уч-тўрт кўйлакни ортиқ йиртган. Йўқ, агар индамасам бўй-нимга миниб олмоқчи, хумпар! Ҳовва, ҳали қараб тур, оёқ сал мундайроқ бўлсин... Ҳисобли дунё бу! Сенгаям боққан бало бордир. «Ўғлинг чангитиб ўтди» эмиш... Ҳа, ўтса-ўтар, йўл энангнинг маҳрига тушганми?! Ҳали кўрамиз, ҳовва! Ў-ў, художоним-ей, бу нима ётиш энди, мендан кимга бир ёмонлик ўтдики, бу кунларни бошим-га соласан...»

Ташқарида эшак ҳанграб, чўпоннинг хаёли бўлинди. Сўнг аёли Турсун опанинг қарғангани эшитилди: «Ило-йим сасинг қудуққа қочсин-а!» Чўпон ўрнидан қўзғал-моқчи бўлди, аммо вужудини зирқиратган оғриқ яна тў-шакка михлади. Манглайига муздай тер қалқди. Оғир хўр-синиб, кўзларини юмди. Кўз олдида нурли ҳалқачалар пайдо бўлди, сўнг улар катталашиб-катталашиб, йўқолиб кетди. Аллақаердан, туманга ўхшаган оқ парда орқасидан Хўжамқул чиқиб келди. У гужумдан йўнилган, йўгон-лиги билакдай чўпон таёғини ўйнатиб, Жобирнинг устига бостириб келаберди. Ахийри, унинг тепасига етиб келди-да, «ё пирим!» деганча таёғини боши узра кўтарди...

Жобир чўпон сесканиб кўзини очди, турмоққа қув-вати етмай, тўшакда тўлғанди. Жисму жонини бир титроқ қамраб, қўллари қалтираганча кўрпани чангаллади. Туши

экан-да, хайрият... бехосият туш. Нима бўлгандаям, туриш керак энди, мундай ётаверса...

— Мурод жўрангиз келдилар, — деди хотини кириб.

Унинг овози йироқ-йироқлардан эшитилгандай бўлди. Чўпон бошини ёстиқдан узиб қаради: тепасида аёли мунгайиб турибди. «Намунча... Нима, ўлаётиманми?! Эрта-индин туриб кетарман, ахир. Қисилма, кампир, қўй, аслида сўзингни синдирмай дўхтиргами, табибгами борсам бўларди-я...»

— А... а? Ким?

— Муродбой.

— Э-э, қани? Айт, келаберсин, — чўпоннинг овози хириллаб чиқди. Шу аснода эшикда Мурод чўпон кўринди.

— Эби, эби, ётаверар экан-да, энди, одам деган. Салом-алейкум, Жобир оға. Қандайсиз, оёқ яхшими?

— Келинг, Муродбой, валеюкум. Ай, оёғам бир нав... Кампир, чойга қара. Сиз ўтиринг, Муродбой, ўтиринг, — деди Жобир минг азобда ўнглиниб ва орқасини деворга тираб ўтирди.

«Ранги рўйи сомондай... Тамом бўлибди-ёв бу... Падарлаънатилар, ёмон урибдиларми дейман. Ичигаям урибдилар, энағарлар, жигарини тўкибдилар бунинг...»

— Ҳа-а, анча тузуксиз, Жобир оға. Ҳадемай отдай бўлиб кетасиз. Бу, бир оғиз айтмабсиз-да, ферма бова бор, мана биз бор эдик... Сўраб-суриштирардик, дунё беустун эмасдир, ахир.

Жобир оғир хўрсинди, юз терилари таранглашди... Кўзини гиламнинг кирланиб, ранги ўчган гулларига тикди. «Ай-й, Муродбой, дардимни қўзғама, ука. Сен-ку майли, эшитсанг борардинг, тарафимни олиб, улар билан муштлашардинг. Лекин, ферма бовангни қўй, ука. Жонимни ёқма кўп. Кеча келиб кетди, қизигар. Ахлатга тўйган хўрозга ўхшайди, икки юзи қип-қизил, оғзидан анови зорманданинг иси анқиб ётибди. Билиб турибман, Хўжамқулникидан келаётим кирган. Уникада ёғлиқ паловга тўйган, бир-икки шишани бўшатишган. Сўнг Хўжамқулга катталиқ қилган-да: «Жобирни менга қўйиб беринглар, ўзим тўғрилайман!» деган. Бир фурсат мингиллаб ўтирди: «Жобирқул, ўзинг тушунасан, ука, бир элатнинг

одамисизлар... Сен даъво қилиб юрма тагин, Хўжамқул оға қилган ишига пушаймон экан, «Жобирга айтинг, гуноҳимиздан ўтсин, унга бир яхшилик қилиш ниятим бор ҳали» деди. Нима қиласиз, бизам эшитайлик десам, йўйў, ўзига айтаман, бу секрет деди. Энди, ука, неча йиллик қадрдонсизлар, у ер-бу ерга бориб юрма тагин. Бизам ёрдам қилармиз. Ана, тўнғичинг армиядан келиб, ҳеч қаерда ишламай санғиб юрибди, айт, фермага бориб, кунда бир кўринса бўлди, буёғини биз тўғрилаймиз». Ферма бованг ана шундай гапларни гапирди, Муродбой. Мен мол эмасман-ку, қаёққа етакласа кетаверсам. Ўзи келди, ўзи гапирди, ўзи кетди. Сасимни чиқармадим. Шу одам менинг додimgа етармиди, ука? Камбағални туянинг устидаям ит қопар экан-да...»

— Қўйинг, Муродбой, бу кунларам ўтар-кетар. Тан яраси битар, дил яраси битмас... Хўжамқул акам тенги одам... Бўлмаса...

«Хўрлиги келди бечоранинг, камлик босди-ёв, фақирни... Ах-х дунёйи қўтир! Ёмон бўлди-ей, ёмон бўлди... Эшитган қулоққаям яхши эмас-да шу гап. Энди Опшоғу Қўнғирот, Чигатою Холбек нима дейди? Бир элнинг мардуми бир-бирини шундоқ...» Мурод чўпон Жобирнинг оғриқ зўридан оқара бошлаган юзига қараб шуларни кўнглидан ўтказди.

— Ётинг, оға, оёқни узатиб ётаверинг. Мен бир укангиз бўлсам... Қани, ўзи нима гап бўлганди, бир бошидан гапиринг энди.

Жобир чўпон оёғини узатиб, ёстиққа ёнбошлади. Жонига сал ором ингандай манглайи ёзилди. Эсламоқ оғир, сўзламоқ ундан ҳам оғир эди. Аммо, ошнасининг сазаси ўлмасин учун истар-истамас гапира бошлади...

... Кун тиккага келганда бедаси ўриб олинган бедапоя ўртасидаги қари тутнинг соясига икки чўпон келиб ёнбошладди. Хўжамқул тугунчасини ечиб, ичидан бўйни узун шишани олди. Яғири чиққан дўпписи билан ўзини елпиб ўтирган Жобир унга саволомуз тикилди.

— Ҳе-ҳе, ҳайрон бўлдингми, Жобирвой? Шу, хабаринг бор, катта ўғлимиз магазинчи. Шоввоз, кеча мошин олиб келибди. «Газ йигирма тўрт!» Шу, фермадагиларни

уйга чақириб, бир «ҳақ» бермоқчимиз. Бу, хамир учидан патир, ҳе-ҳе!

— Ҳа-а, кеча эшитувдим, муборак бўлсин, Хўжамқул оға.

— Қуллуқ, жигар.

— Эби, очдингизми дарров, биз ичмаймиз, оға. Ўзингиз бемалол, бобойнинг худойисини яқинда бердик, дарров ичсак, эл-улус гап қилар...

— Шундайми, майли эса, ўзинг биласан, — деди Хўжамқул. — Эби, пиёла олмамиз-да... Бошга кўтарамиз-да, энди.

У шишанинг бўғзидан қултиллашиб ичди, яримлатиб ерга қўйди-да, яхна гўштга қўл чўзди.

— Шу, катта ўғлинг сал бодироқ чиқди-да, Жобирвой, — деди сўнг оғзини тўлдириб гўшт чайнаган. Ёйилиб ўтлаётган сигирларни кузатиб ўтирган Жобир «ялт» этиб унга қаради.

— Нега боди бўлар экан? — деди орланиб.

— Боди дегандан кейин боди-да! Биз бир гапни билмасак айтмаймиз, жигар. Ана, ўтган куни шалақ матасекилини ёнимдан шамолдай елдириб ўтиб кетди. Юз-қўзим, — арақ ўз ишини қила бошлади, Хўжамқул алжирай бошлади, — оп-поқ чанг бўлди. Э, отанг Амир Олимохон бўлсаям мундайроқ ҳайдаб ўтмайсанми, қизигар! Итдан бўлган қурбонликка ярамас... Ҳиқ... Шу... қолганиниям кўтарайлик... Ана, бўлди... Ҳи-иқ... Отангга ўхшамай ўл, тир-ран-ча...

Хўжамқул бўшаган шишани бошидан ошириб отиб юборди, Жобирнинг қони қизиди. «Нима деб вайсаяпти бу ифлос, нималар деб сасияпти?!»

— Отасига тил теккизманг! Ўғлим ўтса-ўтибди, йўлга хўжайинмисиз ё? Ўзингизникилар тузукми, одамларнинг ҳақидан уриб қолиб, ҳаромдан келган пулга мошин олди! Уялинг, ўғлим неварангиз тенги бола ҳали!

Хўжамқул чайқалиб ўрnidан турди. Яна бир марта «ҳиқ» деб ўқчиди-да, гандираклаб Жобир томонга бировикки қадам босди. Кўзлари қонга тўлди, тишларини гижирлатиб пишқирди:



— Сасингни торт! Ҳозир миянгни қатигини чиқараман!

Жобирнинг баданини нотаниш, олдин сира тўймаган бир қалтироқ эгаллади. Бир зумда ер-осмон айланди, аччиқ ва аламли хотиралар қуюндай ёпирилиб келди: отасининг бевақт ўлими, ўзининг фермадаги йигирма йиллик ҳалол меҳнати, ҳануз беш-ўн сўм орттира олмагани, яқинда ҳарбийдан келган катта ўғлининг мундай бесару сомон юриши — ҳамма-ҳаммаси бўғзига тош бўлиб тиқилди. Бир пайтлар худди раҳматли отасидай, полвон келбатли бўлса-да, бугунга келиб шашти сезиларли камайгани, иликлари пучайиб, қадди бир оз букилгани, шунча йил ҳалол ишлаб, ўғлига янги мотоцикл олиб беролмагани, уни вақтида уйлантира олмагани учун — барча-барчаси учун Хўжамқул айбдордай, дилидаги бор қаҳру заҳрини, аламу изтиробини жамлаб, ҳайқирди:

— Ҳе энангни...

Қолган гаплар бир зумда содир бўлди: у урди-бу урди, у тепди-бу тепди, сўнг қаердандир Хўжамқулнинг икки ўғли пайдо бўлди...

... Мурод чўпон Турсун опа келтириб қўйган чойни уч бора қайтарди. Ўзига бир пиёла қўйиб, бир пиёлани Жобирга узатди. Ошнасининг қўллари қалтираётганини кўриб, юраги эзилди.

— Их-ҳм... Улар кўплашдилар-да, Муродбой. Бўлмаса, мен Хўжамқулга олдирмасдим, — деб қолди бир пайт Жобир.

— Эби, бўлмасам-чи, Жобир оға, — жонланди Мурод чўпон, — сиз уни еб ташлардингиз!..

Овқатдан сўнг Мурод чўпон қўзғалди.

— Эса биз кетдик. Жобир оға. Тезроқ яхши бўлинг. Айтганча, фермага чиқинг аста-аста, гурунг қиламиз.

Мурод чўпон кетди. Жобир оёғини бирпас силаб ётди, сўнг кўзи илинди.

... Ҳаммаёқ чанг эмиш, ҳаммаёқ! Тўрт қадам нарини кўриб бўлмасмиш. Аллақаердан Хўжамқулнинг хирилдоқ товуши эшитилармиш: «Энағарнинг боласи, яна «пат-пат» миниб ўтдими дейман!» Сигир-бузоқлар маърашармиш, буқалар тинмай бўкирармиш. Фермага раис-

нинг машинаси келибди. «Ҳа, синфдош, бу нима юриш, оёққа нима бўлди?» деб сўрабди раис Жобирдан. «Э-э, жўра, хор бўлдик. Шундай-шундай бўлди», дермиш у. «Ия, ярамасларни қамаш керак ундай бўлса!» дермиш раис синфдоши. «Кўйинг, жўра, унинг бола-чақаси чирқиллаб қолмасин» дермиш Жобир хўрсиниб. Бир пайт Хўжамқул пайдо бўлибди. У қўйнидан бўш шишани чиқариб: «Қаматманг, раис бова, мен эмас, мана бу айбдор!» деб шишани кўрсатармиш. Сўнг мотоциклини елдириб Рўзиқул келибди. У ғазаб билан қичқирибди: «Ота, рухсат беринг, мен улар билан яккама-якка чиқаман!» «Э-э, қўй, ўғлим, ўтган гап ўтди-кетди. Улар кўплашганда қаерда эдинг, зўр бўлсанг...» дермиш Жобир қўл силтаб. Шу вақт чанг орасидан Хўжамқулнинг магазинчи ўғли янги олган машинасини миниб чиқибди. Машина асов отдай гижинглаб, гоҳ ўннга, гоҳ чапга ташлаб, Жобир билан Рўзиқулнинг устига бостириб келаберибди. Чўпон жон аччиғида: «Ўғлим, қоч, босиб кетади! Буларнинг одамга раҳми йўқ!» деб қичқирибди...

У ўз овозидан ўзи уйғониб кетди. Қора терга тушиб кетибди. Ҳовлида машина сигнали эшитилди. Эшик очилиб, аёлнинг қотма гавдаси кўринди.

— Ановилар... келишди, — деди у. «Ановилар»нинг отини айтишгаям жирканди шекилли, энсаси қотиб, бир оз турди-да, сўнг чиқиб кетди. Хўжамқул катта ўғли билан кирди. Чўпон уларни кўриб оқариб кетди. Тўлғониб, ёнбошга ағдарилди.

— Қандайсиз, Жобирвой? — деди Хўжамқул уялинқираб. Ўғли ҳам бетакаллуф гиламга чўкди-да, эшитилар-эшитилмас «саломалейкум» деб қўйди. Жобир тескари қаради.

— Ука, бизни кечиринг, — деди Хўжамқул манглайини силаб, сўнг «иҳм» деб сўзида давом этди, — энди, беайб парвардигор, дейдилар ... Бир хатолик биздан ўтди. Адашмаган банда борми... Мана шуни олиб қўйинг, керак-яроғингизга ишлатарсиз.

Хўжамқул ўғлига имо қилди. Ўғли қўйнидан каттагина тугунча чиқарди.

Чўпоннинг тили калимага келмай бўзарди, бўйин томирлари ўқловдай ўйнаб чиқиб қўллари мушт бўлиб тугилди. «Сотиб олмоқчи мени, ифлос! Шу кунга қолдимми, ў-ў, ярамаслар?!»

— Кетинглар! — деди Жобир ғазаб билан шивирлаб.

— Ҳай-ҳай, ўзингизни босинг, жигар, ҳар қалай, бир қишлоқнинг одамимиз. Ўлик-тиригимиз ўртада. Мана, ўғлингиз бўй етиб қолди, армияниям тугатиб келди. Шу, Норбой тоғамизнинг кичик қизиди кўнгли бор деб эшитганман. Майли, ўзим ўртага тушай, тоғамиз кўп инжиқ одам, лекин менинг сўзимни синдирмайди. Келинг энди, икки ёшни қовуштириб, савобнинг тагида қолайлик, жигар. Тоғамизга айтамыз, сизга кўп зўрлик қилмайди. Тўйни културни қилиб ўтказамиз. Артистларни, мана, жиянингиз топади. Нима дединг, Райим, топасанми ашулачиларни?

«Жиян» бош ирғади. Жобир икки ўт орасида қолди. Нима қилсин? Ҳайдаб чиқарсинми буларни? Унда ўғлингизнинг бахтини боғлаган бўлади-ку! Анови куни уста Норбойнинг қизидан гап очилганда ўғли нима деди: «Ота, йигитнинг гапи битта бўлади, Ойхондан бошқаси бизга тўғри келмайди, тамом, чорт-морт!» Жобир бўғзига тикилиб келаётган фарёдини зўрға босганча, хириллади:

— Бўпти, менинг даъвоим йўқ, лекин... пулни олиб кетинглар...

Кўзи тиниб, қулоқлари ғувиллаш бошлади. Олисан Хўжамқулнинг «Йў-йў-йў, пулни олинг, жигар. Тўйга биздан тўёна» деган сўзлари элас-элас эшитилди.



## ТЕЛБАЛИК ФАЛСАФАСИ

— Мана, ниҳоят, ўзлик — ўзимиз қолдик! — деди мезбон қўлларини бир-бирига ишқалаб. — Энди «тор доирада» би-и-р ўтирайлик. Эзили-ши-иб!..

— Бизам қайта қолсак бўларди, — режиссёрнинг хотини безовта қимирлаб қўйди, — болалар кутиб ўтиришгандир.

— Вой кеннойжон, борасизлар-да, минг йилда бир кепсизлар, қандай бўлиб! — уй бекаси — йигирма олти ёшлардаги сулув жувон узун киприklarини пирпиратди. — Асрор акам бир йилдан бери айтардилар «Туғилган кунимда режиссёримиз билан рафиқаларини сенга албатта таништириб қўяман» деб.

— Ҳа, — Асрор қадаҳларни тўлдирди, — Ботир ака, қўйинглар энди, бир яйрайлик бугун. Нима дедингиз, Оқсоқол?!

Оқсоқол — эллик беш ёшлардаги ёзувчи хокисор жилмайди:

— Майли... Аслидаку мен турсам бўларди. Сиз ёшлар билан қўшилолмайд давраларингизни совутиб ўтираман...

— Асло! — деди режиссёр кескин қўл силтаб. — Аксинча, сиз даврамизнинг гулисиз! У ёғини сўрасангиз, сизни таклиф этиш фикри аслида каминадан чиққан. Мақсад — янги асарингиз ҳақида бемалолроқ фикрлашиб олиш. Мана, Асроржон айтганларидек, ўзлик — ўзимиз қолдик, энди отамлашсак бўлади. Мен асарингизни ўқиб чиқдим. Даҳшат! Албатта саҳнага қўямиз! Директоримиз билан ҳам маслаҳатни пишитганман. Эрта-индин уни йиллик режага киритамиз. Сўнг кўрибсизки...

— Бизам эшитайлик бундоқ, ўзи қа-на-қа а-сар, нима тўғрисида ... — иддао қилди режиссёрнинг хотини, — биззи хўжайин ўз ижодий режалари ҳақида уйда умуман гапирмайдилар.

— Оқсоқол бир драма ёзганлар, номи — «Телбалик фалсафаси». Ўқисанг, кечалари ухлолмайд чиқасан! — деди режиссёр ҳаяжон билан.

— Жа-а мақтавордингизку, Ботиржон... — Оқсоқол сийраклашиб қолган, қордай оқ сочларини силаб, тагин гуноҳқорона жилмайди. — Энди-и, мен бу ишдан бирон натижа чиқар деб умид ҳам қилмаганман. Турли вариантларини ёзиб кўрдим, ҳеч ўзимга маъқул бўлмади. Сўнг «Шуни драма қилсам қандай бўлар экан» деб ўйлаб қолдим.

— Яхши чиққан. Зўр чиққан! Асрор, сенам ўқиган-санку, даҳшат-а, нима дединг?!

— Гап йўқ, ака, ниҳоятда зўр! — Асрорнинг кўзлари порлаб кетди. Айниқса охири!..

— Бош қаҳрамонни ўзинг ўйнайсан! — дея ўрнидан туриб кетди режиссёр. Унинг ҳаяжони баланд, таъсирчан эканлигини яхши билган ҳамсуҳбатлари индамай қолишди. Режиссёрнинг бир оз букчайган қомати, оқ оралай бошлаган соқоли, ярмидан кўпи оқариб улгурган жингалик сочлари, ичига чуқур ботган кўзлари, учи бир оз қайрилган қирғий бурни — буларнинг бари унинг айнан санъатга дахлдор, ўз касбини севгувчи фидойи киши эканлигидан дарак берарди. У фижимланган қутидан бир дона тамаки олиб, лабига қистирди ва шу он шартта ўгирилиб, Оқсоқолга қаради:

— Стоп! Бу ерда бир гап бор. Бундай асар шунчаки, ўз-ўзидан ёзилмайди. Гапиринг, Оқсоқол! Нима мажбур қилди сизни?! Биламан, сиз инсон руҳиятини, унинг дарду изтиробларини қойилмақом тасвирлайсиз. Китобларингизни ўқиганман, барча асарларингиз менга ёқади. Аммо бу асар!.. Гапиринг, ака!

Ёзувчи титроқ кира бошлаган қўлларини стол остига яширди. Бир оз сукут сақлагач, оғир уф тортди.

— Асроржон, чойдан қуйинг...

— Аввал мана шу қадаҳларни олайлик, Оқсоқол. Ботир ака, ўтиринг энди, шуни олиб қўяйлик, сўнг майли...

— Ўтиринг, хўжайин, — деди режиссёрнинг хотини ҳам, — шу зормандани чекманг ҳозир. Ўзи боягина чекдингизку. Ўтиринг.

Режиссёр хотинига бирпас тикилиб қолди. Қирқ бешга кирса-да, ҳали қомати расо, сулув чеҳрали, қўнғир сочли бу жувоннинг бир оғиз гапи уни доим ҳовуридан тушириб қўйишга қодир. Баъзилар «Ботир хотинидан қўрқади» дея висир-висир гап қилишлариниям у яхши билади. Йўқ, бу қўрқув эмас. Умуман, бировдан қўрқиш деган гапни у ҳеч ҳазм қилолмайди. Хотини эса... Шундай хилқатнинг раъйини қайтариб бўладими! Балки муҳаббат деганлари шудир. Ким билсин... Ҳарқалай, у хотинининг гапини икки қилмайди, чунки Насиба ҳеч қачон ўринсиз гапирмайди.

— Бўпти, мана ўтирдим. Олсак олайлик шу қадаҳни, сўнг Оқсоқолдан эшитайлик. Қани, омонлик бўлсин! — у шундай деб хотинининг ёнига ўтирди-да, ароқ тўла қадаҳни кўтарди. Аёллар ёқутдай товланаётган коньякдан иримига хўплаб қўйишди. Оқсоқол эса чойи ярим пиёлани қўлида айлантитарди.

— Зилол, чой келтирмайсанми?! Иссиғидан опке Оқсоқолга! — Асрор бўшаган чойнакни хотинига узатди.

— Вой, бўшабдими? Мен ҳозир... — Зилола оҳудай сакраб ошхонага чиқиб кетди. Оқсоқол унинг келишган қоматига, юрганда нозик бураладиган хипча белию дуркун кўкракларига зимдан қараб олиб, яна кўзини олиб қочди. «Асрор хотиндан ёлчиган экан. Парипайкар бу! Ишқилиб бахтли бўлишсин...»

— Раҳмат, қизим, — у чой келтириб қўйган Зилолага меҳр билан тикилди.

— Қани, бошланг энди, Оқсоқол! — деди режиссёр курсига ястаниб, — бир чеккадан бошланг.

— Ниманиям гапирай... — Оқсоқол кўзларини девордаги гулларга тикди, — биласизлар, мен ёзишни бир оз кечроқ бошлаганман, асли касбим бошқа. Ҳозир ёшим эллик еттида, бор-йўғи учтагина китобим чиқди.

— Ҳечқиси йўқ, озгинаю созгина! — дея луқма ташлади мезбон.

— Их-м-м... Қисқаси, мен ҳозир сизларга бир воқеани айтиб бераман. «Телбалик фалсафаси»ни ёзишимга ана шу воқеа сабаб бўлган. Хуллас, олис вилоят театрларидан бирида Сухроб исмли актёр йигит ишларди. Ёш, ҳаракатчан ва қизиққон бу йигит уч-тўрт йилдан бери эл оғзига тушиб қолган, аксарият томошаларда бош роллар унга тегарди. Унинг яқин бир дўсти бўлиб, у руҳий касалликлар шифохонасида врач эди. Улар тез-тез учрашиб туришар, аксарият Сухроб дўстини уйига таклиф этарди. У хотини ва уч яшарли ўғли билан турар, сўққабош дўсти эса асли етимхонада тарбияланган, ҳеч кими йўқ эди. Ёлғиз эркакнинг ётиш-туриши ўзларингга маълум, уникага меҳмонга бориш ҳақида эса гапирмасаям бўлади. Шундай қилиб, кунларнинг бирида Сухроб яна дўстини уйига таклиф этди.

— Азиз, тез етиб кел, бугун бир дардлашайлик. Гулгун ош қияпти, дарров келақол! — деди у телефонда.

Азиз яримта арақни яримта газетага ўраб етиб келганида ош аллақачон дамига қўйилганди. Ўтиришди, ош билан қиттай-қиттай қилишди, сўнг Гулгун ўглини ухлатгани олиб кириб кетди. Икки дўстнинг суҳбати қизиди, гап мароми айланиб санъатга, театрга бориб тақалди. Асли санъат шайдоси бўлган Азиз ошнасини ҳадеб гапга солар, уям тўлиб-тошиб сўзларди.

— Яқинда «Қирол Лир»ни қўямиз! — деди у ҳаяжон билан. — Мен Қиролни ўйнайман. Биласан, мен Гамлетни, Ромеони ўйнаганман, аммо Қирол..! Ў-ў, даҳшат бу! Уни ўйнаш учун... Билмадим, эплай олармиқанман. Режиссёримиз ҳеч қўймапти-да, рости, ўзим чўчиб турибман. Биласан, Шекспир — жаҳон драматургиясининг гултожи! Унинг ҳар бир сўзи остида беш-олти хил маъно, ҳар бир ҳаракати замирида беш-олти мақсад бор. Уни тушуниш жуда қийин, ўйнаш эса ундан ҳам қийин.

— Шунчасини ўйнадинг-ку, буниям эплайсан! — далда берди ошнаси.

— Э-э, биронта ролимдан кўнглим тўлгани йўқ! — қўл силтади Суҳроб, — Қарсак чалишади, мақташади, менам ҳўп дейман, бироқ юрагим... Юрагим орзиқмайди-да, оғайни. Титрамайман, тушларимга кирмайди! Демакки, ҳали хом. Мана шу томонларини ўйлайман-да...

— Қайта-қайта ўқи, мушоҳада қил, бошқа ролларинг билан солиштир, охири бирор ечим топилар, ахир!

— Билмадим. Ишқилиб, қийин иш бу, Азиз. Ўқияпман, асар деярли ёд бўлди. Аммо Қиролни тасаввур қилолмапман. Қандай одам у, нима ўйлар билан яшайди, атрофидагилар унга дўстми ё душманми, улар билан қандай муомала қилиш керак?.. Олдинги ролларимдай юзаки чиқиб қолмасин деб қўрқаман.

Улар ярим тундан сўнг хайрлашишди. Тўрт ойдан сўнг рўзномалар Суҳробнинг Қирол Лир образини қойилмақом қилиб яратгани ҳақида жар солишди. Азиз дўстининг ютуғидан хурсанд эди, аммо ўша кунларнинг бирида Суҳроб ошнаси ҳузурига ранги қути ўчиб кириб келди. Унинг

кўзлари ғайритабий порлар, юз терилари пир-пир учарди.

— Азиз, ёрдам бер менга! — деди у ўзини ўтиргичга ташлаб. — Ёрдам бер...

— Нима бўлди ўзи, тинчликми? Уйингдагилар...

— Улар тинч ҳаммалари. Мен ўзим... Менга бир нима бўляпти шекилли...

— Ўзингни бос, — деди Азиз унга чой узатиб, — шошмай, ётиги билан тушунтир.

— Хўп, мана ўзимни босдим. Аммо... Азиз, сен арвоҳларга ишонасанми? Тўғрисини айт!

— Билмадим, — деди Азиз елка қисиб, — рости, ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман бу ҳақда. Шошма, сен...

— Арвоҳ кўринди менга! — деди Сухроб кўзлари олайиб.

— А-а?

— Ҳа! Қирол Лирнинг арвоҳи!

— Жиннимисан, нима бало! Э-э, кечирасан...

— Бунақада жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас! Тунов кун, ярим тунда содир бўлди бу воқеа. Биласан, ҳозир кечалар ойдин. Тунда уйқум қочиб, балконга чиқдим. Бир тарафдан шаҳар чироқлари, иккинчи ёқдан тўлин ой... Хуллас, чароғон кеча. Тамаки чекиб ўтирсам, рўпарамда бир чол пайдо бўлди. Тасаввур қиялсанми, бешинчи қаватда-я! У бўшлиқда, мендан беш-олти қадам нарида муаллақ осилиб турибди. Эгнида оппоқ, узун ридо, соч-соқолиям оппоқ. Сочлари бир оз сийраклашган, елкасига тушиб турибди, аммо соқоли бутун кўксини қоплаган. Қўлида бўйи баравар келадиган узун ҳасса. Тепа қисми думалоқ, қимматбаҳо тошлар билан безатилган, ялтираб турибди. Қироллик ҳассаси! Ўзимни йўқотиб қўйдим, тилим калимага келмай қолди. У эса қоқсуяк қўлини олдинга чўзди, узун, ингичка бармоғини мен томон нуқиб, таҳдид қилди: «Сен мени нега ҳақорат қилдинг!?» «Нима қилибман? Сен кимсан ўзи?» дедим зўрға. «Сенсирара, отанг тенги одамман! Кимлигимни эса билиб турибсан. Нега одамларни алдаб юрибсан? «Қирол ундай, қирол бундай» деб ҳукм чиқаришга ким ҳуқуқ берди сенга?! Умуман, бу масхарабозликнинг нима кераги бор? Қирол — ягона!



Иккинчи қиролга ҳожат йўқ! Тушундингми, гапир!» «Тушундим» дея олдим зўрға, товушим хириллаб.

— Суҳроб ака, ким билан гаплашаяпсиз? — деган овоз эшитилди ортимдан. Чўчиб ўгирилдим: хотиним кўзларини ишқалаганча балкон эшиги олдида турарди.

— Анови... — шундай деб қиролга қарадим, аммо у гойиб бўлган, нақ рўпарамда савдо маркази биносининг рангин чироқлари жилваланиб турарди, — ҳеч ким билан. Янги ролни ёдлаяпман. Юр, уйга қирамиз.

Ана шунақа гаплар. Эртасига кун бўйи гарангсираб юрдим. Кечкурун театрда яна «Қирол Лир» қўйилди. Томошадан сўнг, ярим тунда уйга қайтдим. Тунда яёв юришни яхши кўраман. Уйга яқинлашганимда ортимдан ҳассанинг дўқиллагани эшитилди. Юрагим шув этиб кетди. Шартта ўгирилдим. Нимқоронғи муюлишдан ҳассасини силкитганча Қирол чиқиб келарди! Жоним халқумимга келди, уй томонга қандай қочганимни кўрсанг эди, Азиз! Уйга етиб келиб эшикдан кирдим у нигоҳим деворга осиеғиқ турган кўзгуга тушди. Ундан ранги рўйи пахтадай оппоқ, кўзлари олайган, сочлари паришон бир кимса қараб турарди. Хотиним сезмасин деб унинг ёнигаям кирмай, меҳмонхонадаги диванга чўзилдим. Тонггача игна устида ётгандек ағанаб чиқдим...

У жимиб қолди. Уйқусизликдан қизарган кўзларини юмиб, оғир хўрсинди, сўнг бир нуқтага тикилиб қолган дўстига ўгирилди.

— Азиз, тўғриси айт, мен... ақлдан озяпманми?

— Қўйсанг-чи! — дея дўсти қўл силтади. — Асабларинг бир оз чарчаган, холос. Ростини, буям бир касаллик, аммо у ҳозир бошланғич босқичда. Олдини олиш керак. Ўрислар бу хасталикни «мания преследования» дейишади. Одамни ҳар хил руҳлар, арвоҳлар, жинлару ажиналар таъқиб қилишади.

— Даволаса бўладими ахир!? Сен шундан гапир! — деди Суҳроб титраб-қақшаб.

— Бўлади дедим-ку, намунча ҳовлиқмасанг. Беш-ўн кун дам ол, очиқ ҳавода юр, енгилроқ овқатлан, ичма. Ҳаяжонланмаслик, асабни асраш керак. Ўтиб кетади, ишонавер. Ҳозир мен сенга дори ёзиб бераман, шуларни

топиб ичасан. Фойдасини сезсанг қўнғироқ қил ёки тўғри уйгами, шу ергами келавер. Асосийси — яхши кайфият билан кўпчилик орасида юр.

Ушбу суҳбатдан сўнг ўн кунча ўтгач Азизнинг ўзи дўстини йўқлаб борди. Одатга кўра овқатдан сўнг икковлон ёлғиз қолишди. Суҳробнинг чеҳраси очиқ, кўзлари хотиржам боқарди.

— Кўз тегмасин, анча яхшисан, — деди Азиз унга қараб жилмаяркан. — Қирол келмай қўйдими?

— Келмаяпти, худога шукр. Раҳмат сенга, оғайни, бир умр қарздорман сендан. Тўғриси, роса қўрқувдим ўшанда. Хайриятки, ўтиб кетди.

— Менга қара, шу... Касбингни ўзгартирсанг қандай бўларкан-а? Бошқа бир маъқул иш топилиб қолар.

— Нималар деяпсан? Бунинг умуман иложи йўқ! Бу ҳақда гапириб ўтиришнинг ўзи кулгили. Мен театрсиз... Қўйсанг-чи, Азиз, наҳотки бу шунчалик хавfli дард бўлса? Ё мен чинданам...

— Оббо, намуноча энди... — қўл силтади Азиз, — айтдим-қўйдим-да, ошна. Майли, ишлайвергин. Лекин, барибир уч-тўрт ой сокинроқ яшаш керак. Асабни асрамасанг бўлмайди.

— Бўпти-бўпти, асрайман, — Суҳроб кулиб қўйди.

Бир ойдан сўнг Суҳроб ишлайдиган театрнинг режиссёри Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо» асарини сахналаштириш тараддудига тушди. Табиийки, Раскольников роли Суҳробга тегди. Дўстининг саломатлигидан хавотирга тушган Азиз у билан учрашиб, театрни вақтинчалик тарк этишини яна бир бор ўтинди. Бироқ, Достоевскийнинг жунунвор даҳоси йигитни ром этиб улгурганди. У энди туну кун шу руҳ билан яшар, тушларида ҳам ўзини Раскольников тимсолида кўрарди.

Премьерадан сўнг томошабинлар Суҳробни тик туриб олқишлашди. У қарсақлардан, шон-шуҳрат ва мақтовлардан маст бўлиб, тинимсиз жилмаярди. Аммо, Азизнинг шифокорга хос ўткир назари дўстининг қорачиқларидаги телбавор учқунни, гоҳ-гоҳида йилт этиб кетадиган саросима ва хавотир шарпасини илғаб улгурганди.

Кунлар ўтар, Суҳробнинг юриш-туриши, гап-сўзлари ва фикрлаш тарзи ўзгариб борарди. У худди Достоевский қаҳрамони каби ҳар бир кишига шубҳа ва нафрат билан боқар, қадам олишлари ҳам гўё қўлида ўткир ойболтани маҳкам тутиб, ўз қурбони сари писиб бораётган жиноятчиникидек сассизгина эди. Уйқусизлик уни яна қийнай бошлади. Узун тунларда тамаки тутатганча ўйга чўмар, ўзи билан ўзи гаплашарди. Назарида, бутун дунё ақлдан озган, фақат угина соғлом ва ҳушёр эди. Хотинининг хавотирли нигоҳларини пайқамас, театрда «Жиноят ва жазо» қўйилмаган кун бир нарсасини йўқотгандек ўзини бесаранжом сезарди. У фақат саҳнада тасалли топар, мудраб турган вулқон янглиғ портлар, руҳи ва жисмини қамраган ғайритабиий қудрат аламли сўз бўлиб, ўтли нигоҳ бўлиб, томошабинни ларзага соларди...

... Оқсоқол бирпас жимиб қолди. Ўтирганлар нафасларини ичларига ютишган, бу сирли сукут бузилса, ҳикоянинг давомидан марҳум бўлишадигандай, ҳеч ким чурқ этмасди.

— Зилола қизим, чойдан бир оз қуйгин... — деди Оқсоқол аста. Унинг товуши андак бўғилиб қолгани сезилиб турарди. Уй бекаси чинни пиёлага чой қуйиб узатди.

— Раҳмат ...— Оқсоқол бир хўплаб, пиёлани столга қўйди ва давом этди:

— Шундай қилиб, Суҳроб Достоевский оламига кирди. У ёзувчининг бошқа асарлариниям ютоққанча ўқиб чиқар, асарлардаги қаҳрамонлар руҳи ўзига нечоғлиқ яқинлигидан ҳайратга тушарди.

— Бир йўналишга бунчалик муккадан кетиш яхши эмас, — деди бир куни режисёр унга, — сен фақат трагик актёр бўлиб қолмаслигинг керак. Бунақада ўзингни хароб қиласан, ахир! Чеховни, Зошченкони, Қодирийни, Қаҳҳорни ўқи! Муҳитни ўзгартириш керак.

Аммо, Суҳроб тошқин дарёга тушиб улгурганди. Бу дарё унинг жисму жонини заминдан узиб, ўз бағрига олган, гоҳ етти қават кўкка ирғитар, гоҳ меҳрибон онадай эркаларди. У фақат ижод билан тирик эди. Вужудида кўпирган бетизгин куч, қалбида қайнаган илҳом уни янги-янги роллар ўйнашга ундар, у атрофидагилардан тобора

узоқлашиб борар, фақат ўз қаҳрамонлари руҳи билан яшарди. Ва ана шу ўжар, беором ғайрат билан режиссёрни тагин бир қалтис ишга кўндирди: театр жамоаси «Лайли ва Мажнун»га қўл урди.

— Сухроб, бу ниятингдан қайт! — деди Азиз дўстининг ғалати олайган, киртайиб қолган кўзларига қараб, — шу театр бир куни бориб сени адо қилади. Аҳволингга бир қара, кимларга ўхшаб қолдинг, ахир!

— Мажнун шундай бўлиши керак-да ўзи! — хитоб қилди Сухроб, — менга қара, сен шифокор сифатида нима дейсан: Мажнун ростданам телба бўлганмикан? Фикримча, у соғ, атрофидагилар, замоннинг ўзи телба эди! Нима дединг?!

— Билмадим. Бу масалада мен... — чайналди Азиз.

— Тўғри! — унинг гапини бўлди Сухроб. — Сен балки ўқимагандирсан Навоийни. Мен эса бу асарни қарийб ёд олдим. Ў-ў, Навоий — даҳо! Тенги йўқ унинг! Мана, қулоқ сол:

Деди: «Қайдин сен, эй Мажнуни гумроҳ?»

Деди: «Мажнун ватандин қайда огоҳ».

Деди: «Надур сенга оламда пеша?!»

Деди: «Ишқ ичра Мажнуниғ ҳамеша».

— Кўряпсанми, қанчалик гўзал, сермазмун бу сатрлар! Йўқ, мен бу ролни албатта ўйнайман!

Сухроб сўзининг устидан чиқди: у Мажнунни янгича талқинда, ўзига хос қилиб ўйнади. Унинг қаҳрамони Тангри жамолининг ошиғи, илоҳий ишқнинг фидойиси ва икки жаҳон овораси эди. Ҳатто Тошкентдан, вазирликдан келган вакиллар ҳам Сухробнинг фавқулудда истеъдодига қойил қолишди. «Лайли ва Мажнун» шу йилнинг энг яхши саҳна асари деб, Мажнун талқини эса йилнинг яхши роли деб топилди. Мукофотлар, олқишлар ва табрикларнинг чеки йўқ эди. Ана шундай серҳаяжон кунларнинг бирида Азизнинг ҳузурига Гулгун — Сухробнинг хотини кириб келди.

— Тинчликми, келин? — сўради Азиз салом-алиқдан сўнг. Гулгун эса индамай йиғлайверди. Унинг кўзёшлари тиниқ юзларидан пастга шашқатор оқар, аёл елкалари силкинганча хўрсинарди. Ниҳоят, у тилга кирди.

— Ошнангиз... ғалати бўпқолдилар...Билмадим, мен..  
қўрқяпман, Азиз ака...

— Ўзингизни босиб, бир чеккадан тушунтиринг-чи,  
нима бўлди ўзи? — Азиз гарчи дўстининг касали тагин  
кўзиб қолганлигини сезган бўлса-да, аёлни тинчланти-  
ришга уринди.

— Ўша роллари...Мажнун...Қуриб кетсин илоё! Худо-  
нинг зорини қилдим, бўлмаса! Йўқ, кўнмадилар. Туппа-  
тузук юрувдилар ишлаб, шу Мажнундан сўнг яна ... Олайиб  
қарашлари, истехзо ва киноя тўла нигоҳлари одамни  
ўлдиради! Ўзларича ғўлдираб қўядилар, баъзан кўчада  
кетаётиб ҳам бирдан йўл ўртасида ўтириб оладилар,  
кўзларини юмиб, алланималарни пичирлайдилар. Кун  
бўйи қаердадир дайдиб юрадилар, кечки пайт уст-бош-  
лари кир-чир, бир алпозда уйга кириб келадилар. Тунов  
куни «Қаерда эдингиз?» деб сўрасам, «Мажнуннинг олдидан  
келяпман» деб жавоб бердилар. Эсим оғиб қолай деди.  
«Қанақа Мажнун?» десам, «Э-э, анови шаҳар чеккаси-  
даги харобада яшайдиган Мажнун-да! Нима, шуниям  
билмайсанми?» деб уришиб бердилар. Кеча кечқурун эса  
менга бақириб-чақириб, овқат пиширтирдилар-да, даст-  
турхонга ўраб олиб чиқиб кетдилар. Ярим тунда уйга  
келдилар, бўш товоқ ва дастурхонни қўлтиқлаб... «Маж-  
нунга овқат обордим, — дедилар ҳаяжонланиб, — бечора  
умрида бир марта бўлсаям одамга ўхшаб овқатланди!»  
Бугун ҳам эрталаб чиқиб кетганлар, дараклари йўқ. Азиз  
ака, бирон маслаҳат беринг. Наҳотки ошнангиз... Шунақа  
бўпқолган бўлсалар?!

«Шунақа»нинг асл маъноси нималигини Азиз яхши  
тушунарди, шунинг учун Гулгунни юпатиб, кечқурун ўзи  
бориб дўсти билан гаплашажагини айтди. Аёл кетгач эса  
унинг гапларини узоқ мушоҳада қилди. Демак, Сухроб  
яна ўша ҳолга туша бошлабди. Кўринишидан, у кимни-  
дир топган, шаҳар чеккасида яшайдиган қандайдир дай-  
ди ёки девонани Мажнун дея ўйлаб, унга овқат ташиб  
юрибди.

Кечқурун Азиз кириб борганда Сухроб хотинини  
шошириб, овқатни тез ўраб беришга қистаб турган эди.

— Э-э, Азиз, кел оғайни! Ҳозир сени бир жойга олиб бораман, бир зўр одам билан таништириб қўяман. Гулгун, бўлақол тезроқ!

— Уф-ф, ўлар бўлсам-ўлиб бўлдим! — зарда қилди аёл жаҳл билан. — Токайгача аллақандай текинтомоқ чувриндини боқасиз?!

— Ним-ма? Мажнунни шундай деб аташга қандай тилинг борди?! Ахир...

— Бўлди қилинглар! — деди Азиз кескин. — Келин, бугунликча ҳам ўраб берақолинг овқатни. Мен ўзим бирга бораман. Кўрайлик-чи, қандай одам экан бу Мажнун деганлари. Кетдик, Суҳроб.

Мажнун деганлари собиқ адабиёт муаллими, ичкилик туфайли ишидан, оиласидан ва обрўсидан айрилган бир пиёниста эканлигини кўргач эса Азиз Гулгуннинг нечоғлиқ ҳақ эканлигига амин бўлди. Аммо, ҳайратланарлиси шуки, шоиртабиат арақхўрнинг хотираси ниҳоятда зўр эди. У Навоийдан минглаб сатрларни ёд билар, Суҳроб эса унинг ҳақиқий Мажнун эканлигига чиппа-чин ишонарди. Уч кундан сўнг милисалар келиб пиёнистани олиб кетганларида Суҳроб не ҳолга тушганини бир тасаввур қилиб кўринг-а. У икки-уч ҳафтагача ўзига келолмай, тунлари кўчаларда дайдиб юрди. Барча чойхоналардан, шаҳарнинг гадой топмас бурчакларидан Мажнунни қидирар, бироқ тополмай, хуноби ошганча уйга қайтарди. Бир ойлар ўтгач унинг руҳи бир оз тинчигандай бўлди. Гулгун ошнасини ёлғиз қўймай, қўлидан келганча унга кўмаклашаётган Азиздан миннатдор эди. У эрининг бутунлай соғайиб кетишига умид қилиб юрган ана шундай кунларнинг бирида театр режиссёри «Машраб» драмасини қўядиган бўлди. Азиз ва Гулгуннинг ялинишларидан сўнг у Машраб ролини Суҳробга эмас, бошқа бир актёрга топширадиган бўлди. Бироқ, бундан хабар топган Суҳроб театрни бошига кўтариб, тўполонни бошлади:

— Машраб — меники! — деди у жазаваси кўзиб, — фақатгина мен уни маромига етказиб ўйнай оламан! Тамом, гап-сўз бўлиши мумкин эмас, Машраб роли меники! Агар бермасангиз...

Тушунтиришлар, ялинишлар, ҳатто пўписалар ҳам таъсир қилмади унга. Жони ҳалқумига келган режиссёр қўл силтади: «Э-э, бор-е, ўйнасанг-ўйна шуни! Аммо, билиб қўй: агар кўнгилдагидай чиқаролмасанг, театр билан хайрлашавер!»

— Кўрамиз ҳали... — деди Суҳроб истехзо билан пичирлаб.

Бу хабарни эшитган Гулгун ўглини бағрига босганча йиғлаб юборди.

— Тамом... — дея шивирлади у ички бир титроқ билан. — Дадангдан айрилдик энди, болагинам...

Ўша кунни у ўглини етаклаб, бўғчасини қўлтиқлаб, ота уйига йўл олди. Суҳроб эса жон-жаҳди билан Машраб дунёсига шўнғиди. Шоирнинг ғазалларини тинмай ўқир, ҳар кунни уни янгидан кашф этарди...

... Оқсоқол нафас ростлади, Асрор дарҳол унга чой узатди. Даврадагилар жон ҳовучлаганча ҳикоянинг давомини кутишар, Оқсоқолнинг бир нуқтага қадалган кўзларига тикилишарди. Ниҳоят, уй бекасининг сабри чидамади:

— Кейин-чи, кейин нима бўлди?

— Машраб уларнинг иккаласиниям адои тамом қилди, — дея давом этди Оқсоқол, — Суҳробниям, Азизниям... Дўстининг хархашалари, беадад саволлари жонидан тўйдирган Азиз Машрабни ўқиб кўришга қарор қилди. Ўзи асли руҳшунос эмасми, Машраб шахси, асарларидаги «коса остидаги нимкоса» ишоралар, шоирнинг исёнкор руҳи уни ўзига батамом банд этди. Энди у бу борада дўстига бемалол маслаҳат бера оларди. Кутубхона ва китоб дўконларида Машрабга оид нимаики бўлса, икки дўст барини йиғишди. Улар соатлаб мутолаа қилишар, баҳслашишар, ҳар сафар улуғ шоирнинг янги бир қиррасини очишарди. Шаҳардаги қари-қартанглардан суриштириб, Машрабнинг бир неча номаълум қўлёмаларини топишди, сўнг эса аҳли илм орасидан тасаввуф таълимотини озми-кўпми биладиган бир олим билан танишишди. У билан бир неча бор суҳбатлашгач, «Шоир Аналҳақ» ҳақидаги тасаввурлари бутунлай ўзгариб кетди. Энди Машраб улар учун оддийгина бир шоир эмас, балки Ҳақиқат, Адолат ва Эзгулик рамзи эди. Улкан авлиё, Оллоҳ

ишқида бу дунёдан кечган дарвеш, келажак кунларни аён кўра оладиган валий, минглаб муридларга устозлик қилган пири комил эди Машраб! Изгирину қорда ҳам ялангтўшу ялангоёқ, елкасида созу қўлида асо билан юрадиган қаландар, жазирама иссиқда ҳам офтоб тигида ухлай оладиган мўъжизакор Шахс эди у! Катта амалдорлар, ҳатто номдор ҳукмдорлар ҳам тавозе билан истиқболига пешвоз чиқадиган, оёғи остига поёндозлар ёзадиган бир сиймо эди Машраб! Бу маккору жилвакор дунёнинг «кетига бир шатталаб» ўтган, барча нарсадан кечиб, ҚАЛБ ХОТИРЖАМЛИГИГА эриша олган бир фидойи эди у!

Суҳроб театрда режиссёр билан тинмай баҳслашар, унинг Машрабга муносабатидан норози, ўз нуқтаи-назарини исботлаш учун жон чекарди. Ниҳоят, унинг жаврашлари натижасида асар бутунлай ўзгарди. Энди кўпчилик ўзича тасаввур қилиб юрган Машраб, оддий одам бўлган Машраб етти қават кўкка қадар юксалди. Ва премьераси куни Суҳробнинг бутун зални ларзага солган овози, «Онқадар нурга тўлибман, осмона сифмадим!» дея гулдурасолган наъраси томошабинларни ўриндиқларга михлаб ташлади! Улар ҳўнграб йиғлашарди! Айниқса, Машраб дорга тортилган сўнгги саҳна барчани оёққа тургазди. Ҳатто Гулгун ҳам, одамлардан, Суҳробдан яширинча томошага келган Гулгун ҳам бўйнида сиртмоқ билан мағрур жилмайиб турган Машрабни кўриб додлаб юборди...

Театр директори, бош режиссёр ва ижодий жамоа бу телбавор руҳли йигит, бу ноёб истеъдод эгаси юртнинг фахри эканлигини, театр фақат шу йигит билангина доврўқ тарата олишини, ниҳоят, тушуниб етдилар. Аммо, энди кеч бўлганди. Энди Суҳроб йўқ эди. Театр йўлакларида ҳам, кўчада ҳам Машраб кезиб юрарди...

Гулгун қайтиб келмади. Зеро, ўз замонидан узилиб, фақат ўтмиш хаёлида яшайдиган одам билан умр кечириб бўлмаслиги аниқ эди. Уни қайтариш учун изидан борган Азизга эса маҳзун бош чайқади: «Йўқ, Азиз ака, уринманг бу ишга. Дўстингиз... Бу дунёнинг одами эмас. Биз... мен муносиб эмасман у кишига...» Ноилож қолган Азиз дўстининг уйига кўчиб келди. Суҳробни ёлғиз қолдириб



бўлмасди. У туну кун Машраб ёди билан яшар, уйқусида босинқираб, йиғлаб чиқарди. Театрдаги ишлари ҳам чаппасидан кета бошлади. Навбатдаги ролларини қандай талқин қилишга уринмасин, барибир яна Машраб чиқиб қолаверарди. Ниҳоят, у тушкунлик ботқоғига бутунлай ботиб қолди. «Тамом, — деди режиссёр унга, — сен қозонингда борини чўмичга чиқариб бўлдинг. Эҳтиросларинг, билиминг, илҳоминг, талантинг — бутун борлигингни кунма-кун, заррама-зарра Машрабга бердинг. Имкониятнинг ҳам чегараси бўлади, ахир. Бундан ортиғи энди сенга оғирлик қилади. Аслида бундан ортиғи бўлмасаям керак, мен шунча йил ишлаб, бундан ортиқ талқинни кўрганим йўқ. Ҳарқалай, сен бахтлисан, ука. Кўп актёрлар умр бўйи ўзлари орзу қилган ролга етиша олмай, уни тополмай, қийналиб ўтишади. Сен ўз ролингни топдинг, ўзингнинг шоҳ асарингни яратдинг. Имоним комилки, Машраб ҳар қандай Қиролу Гамлетлардан кўра кўп маротаба юқори экан. Сенга ҳавасим келади...»

Аммо, бу гаплар Сухробга таскин бўлолмасди. У тушкунлик тўрини йиртиб чиқишга жон-жаҳди билан уринар, бироқ, чарчаган асаб, толиққан юрак зиғирдек оғирликни ҳам кўтара олмасди энди. Унинг дарди-дунёси қоронғилашди, хотини ва ўғлини ҳам унутди, озиб-тўзиб, қуруқ устихонга айланди. Қўлига узун таёқдан асо йўниб олган, жингалак сочлари патила-патила бўлиб елкасига тушган, соқоли ўсиқ йигит кун бўйи кўчада дайдиб юрар, дунё ташвишлари бутунлай унутилган эди. Ярим тунда ҳориб-толиб уйга кириб келар, ухлаётган дўстини уйғотиб, дунёнинг бевафолиги, умрнинг омонатлиги, одамларнинг қаллобликлари ҳақида зорланиб сўйларди.

Бир куни ишдан қайтиб келган Азиз уни бўйнида сиртмоқ билан даҳлизда ётган ҳолда кўрди. Шипда арқоннинг узилган бўлаги осилиб турарди. Афтидан, Сухроб ўзини осмоқчи бўлгану арқон узилиб, ерга қулаган. Сухроб ҳали тирик эди, Азиз жон ҳолатда уни силкита бошлади. Бир оздан сўнг бу силташлар бефойдалигини тушуниб, ошнасининг бўғзини ҳамон бўғиб турган арқон бўлагини ечиб улоқтирди, сув сепиб, уни ўзига келтирди. Сухроб хириллар, оғзидан кўпик сачратиб, алланималарни сўз-

лашга уринарди. Бўйнининг арқон қийган жойи қизил чизиқ бўлиб турар, сидирилган тери остидан сизиб чиққан қон ирмоқдай пастга ўрмалар, бармоқлари чангакдай қоғиб қолганди. Азиз «Тез ёрдам» чақирди...

Сухроб руҳий касалликлар шифохонасида қарийб бир йил даволанди. Бу орада хотини унинг розилигини олиб, бошқа эр қилиб кетди. Бутунлай соғайиб, ўзини ўнглаб олган йигит театрни тарк этди. Ўз уйида бир оз яшадидан, ўтмишини, даҳшатли кунларини ёдга солувчи бу шаҳардан кўчиб кетишга аҳд қилди. Дўсти билан хайрлашиб, қилган барча яхшиликлари учун унга яна бир бор миннатдорчилик билдирдию баҳор кунларининг бирида қўлида енгилгина жомадон билан поездга чиқди. У энди касбини, фикрлаш тарзини, умуман, бутун ҳаётини ўзгартириш ниятида эди. Шундай қилиб, буюк актёр, улкан истеъдод соҳиби ана шу тариқа ўз умрининг биринчи ярмига якун ясади...

Оқсоқол оппоқ дастрўмоли билан пешонасига қалқиб чиққан терни аста артди. Ўтирганлар қилт этишмасди. Ниҳоят, мезбон оғир хўрсинди. Режиссёрнинг хотини эса аста пичирлади:

— Кош-ма-а-р..!

— Қойил, Оқсоқол! — деди режиссёр ҳайрат билан. — Сизни талантли ёзувчи десам, қойилмақом ҳикоячи ҳам экансиз! Жуда қизиқарли, гоят таъсирли ва китобий қилиб сўзладингиз! Гап йўқ!

— Раҳмат... — Оқсоқол яна маҳзун жилмайди, — ана шу воқеа сабаб бўлган «Телбалик фалсафаси»нинг ёзилишига. Эътибор қилган бўлсангиз, драма билан мен айтиб берган воқеа ўртасида унча катта фарқ йўқ. Драмани салпал ишлаб, бадийлаштирганман, холос... Энди-и, агар рухсат бўлса, мен турсам дегандим. Сизлар бемалол ўтираверинглар.

— Э-э, ўтирибмизда, Оқсоқол! — деди Асрор ранжиганнамо.

— Йўқ-йўқ, мен қари одамман, чарчаб қолдим, вақт ҳам алламаҳал бўпқолди. Раҳмат. Майли бўлмаса, қани, омин, ўтирган ўрнимиз йўқолмасин, Оллоху акбар!

— Бизам турамыз, — деди Насиба юзига фотиҳа тортаркан, — Ботир ака, турақолинг.

— Ҳа, кеч бўлди, борайлик энди... — режиссёр яна алланималарнидир гўлдираб, ўрнидан турди. У пастга тушиб, кўчада турган машинасини ўт олдириди, мезбонлар билан хайрлашгач, Насиба ёзувчига ўгирилди:

— Ўтиринг, Оқсоқол, йўлда ташлаб ўтамиз.

— Раҳмат, уйим яқин, бунинг устига тунда пиёда юришни яхши кўраман. Омон бўлинглар.

— Хайр, оқ йўл! — Зилола уларга қўл силкитди. «Жигули» физиллаб кетди, Оқсоқол шошилмай қадам ташлаб катта кўча сари йўналди.

— Дарвоқе, бу одамнинг ўз исми нима? — сўради Зилола уйга кираркан.

— Билмадим, — деди Асрор диванга ўтирганча, — ҳамма «Оқсоқол» деб чақиради. Ўрганиб кетганмиз шу номга... Бери кел!

У шундай деб ёнига келиб ўтирган хотинининг елкасидан қучиб, ўзига тортди.


— Бечора... — пичирлади аёл.

— Ким?

— Анови Сухроб-да. Одам ачинади, ахир. Ким экан-а у, ҳозир тирикмикан?

— Тирик-тирик, ишонавер! — дея пичирлади эри. — Оқсоқол шундай иссиқ ҳаводаям бўйини ёпиб турадиган «водолазка» кийиб юрганига эътибор бердингми?..

— А-а? — Зилоланинг кўзлари ҳайратдан чақнаб кетди. — Наҳотки?..



## ВАҚТ ДАРЁСИ ЁХУД ТАҚДИРИ АЗАЛ

Осмон гумбурлаб ёрилди. Кўкдан олов, тош ва тупроқ ёмғири қуйила бошлади. Кучли зарба уни аллақайга, олис-олисларга итқитиб юборди. У ўзининг учаётганини сезиб

турарди, зеро фалакдан ёғилган бало-қазо нечоғлиқ даҳшатли бўлмасин, унинг тўрт мучаси бутун эди. «Нега хушимни йўқотмаяпман?» деган ўй хаёлидан йилт этиб ўтди. Илиқ ва ёқимли шамол юз-қўзларини сийпалаб, сочларини байроқдай ҳилпиратарди. У икки тарафга қанотдай ёйилган қўлларини силкитиб кўрди, аммо мувозанатини йўқотиб, қулай бошлаганини англадию қўлларини тинч қўйди. Ва шу ондаёқ мувозанат тикланиб, у тагин эркин уча бошлади. «Қанийди осмон ёришақолса, — дея ўйлади у, — ён-атрофни, Ерни бир кўрсам...» Худди илтижоси Яратганга етгандек бирдан борлиқ нурга тўлди. У кўз қири билан аввал атрофга, сўнг пастга қаради. Боши устида улкан юлдузлар чарақлар, ҳув пастда эса юмалоқ тарвуздай бўлиб Ер кўринарди. Ногаҳон ортида улкан, кўрқинчли бир махлуқнинг изма-из учиб келаётганини кўриб қолди. Бошини буриб тузукроқ қаради: махлуқнинг қип-қизил кўзларидан аланга сочилар, очилган жағи ва темир тирноқли чангаллари юракка ваҳима соларди. «Нима бу? Аждаҳога ўхшайди! Агар етиб олса кўз очиб-юмгунча ямлаб ютади!» Шу фикр хаёлидан ўтар-ўтмас орқага чўзилган оёқларига махлуқнинг оловли нафаси урилди. У жон ўртовчи фарёд билан қичқириб юборди ва мисли кўрилмаган даҳшат исканжасида қолган шуури онгини тарк этди...

Кўзини очганида ям-яшил дарахтзор ўртасидаги ялангликда, гулхан ёнида ётганини кўрди. Борлиқ жим-жит, бағоят сулув бир қиз эса жимгина гулханга шох-шабба ташларди. Қизнинг ёйиқ сочлари елкасини қоплаган, кўзлари ўйчан ва маҳзун эди. «Қаердаман ўзи? Бу қиз ким бўлди? Бояги даҳшатли махлуқ қаёқда қолди?» Шу каби ўнлаб саволлар унинг уйғона бошлаган онгига бирваракай ҳужум бошлади. Қиз ўрнидан турди. Қизариб ботаётган қуёш нурларида унинг мармартошдан йўнилгандай келишган ва адл қомати гўё шуъла таратаётгандек эди. Бир оздан сўнг у ҳамон қўзғалмай ётган йигитга ўгирилди. «Чиройли экан, — хаёлидан ўтказди йигит, — сочлари худди шалолодай!»

— Ниҳоят сен келдинг! — деди қиз майин товуш билан. — Мени излаб келдинг. Мен — Аёлман, сен эса Эрқаксан.

Мен сени кўпдан бери кутаман. Ўрнингдан тур, оловга яқинроқ кел. Ҳозир сенга гўшт пишириб бераман.

Йигит ўрnidан турди. Қақшаб оғриётган оёқ-қўллари бир оз уқалаб, сўнг гулханга яқинроқ келиб ўтирди. Тошдан ясалган пичоқ билан аллақандай ҳайвон гўштини тилимлаб, қизиган тош устида пишираётган қизга термулди.

— Мен сени Маҳзуна деб атайман, — деди у аста, — шундай бир аёл бор, мен уни яхши танийман. Худди сувдаги аксингдек сенга жуда ўхшайди. Бутун жисминг, нигоҳларинг ҳам бу исмга жуда мос.

— Майли, — жилмайиб қўйди қиз, — чиройли исм экан, менга ёқди.

Йигит аллақайларда, олис-олисларда қолиб кетган хотини билан бу қиз ўртасидаги ғаройиб ўхшашлик ҳақида ўйламоқчи эди, аммо узуқ-юлуқ хотиралар аралашиб, бу фикрни кўмиб юборди...

... Ўшанда у бир оз айланиб келиш учун сой бўйига чиққанди. Кўп йиллар бурун бобоси қурган, бугунга келиб унинг — ёш мусаввирнинг устахонасига айланган эски кулба димиқтириб юборди. Атрофдаги барча уйлар бузилиб, тоғ этагидаги ялангликда яккамоховдай сўппайиб қолган бу уй ёз кунлари унинг оромгоҳига айланади. Шаҳардаги кўп қаватли уй исқанжасидан қутулган руҳи бу ерда эркин парвоз қилади. Ўй-хаёлларини, хатти-ҳаракатларини ҳеч ким назорат қилмайди. Бу ерда у олти ойлаб хизмат сафарларида юрадиган, ўзи онда-сонда кўриб турадиган гўзал хотини ҳақида, кўпдан интизорлик билан кутилаётган, бироқ тақдир амри билан ҳануз ёруғ оламга келишни лозим топмаётган қайсар фарзанди ҳақида бафуржа ўйлайди. Шаҳар шовқини, заҳарли тутун ва асабий чехралар бу ерга етиб келолмайди, у озодликка чиққан тутқундай тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб симиради. Баъзан кутилмаганда навбатдаги сафардан қайтган хотини келиб қолади, шунда улар уч-тўрт кун бор дунёни унутиб, муҳаббат уммонига шўнғийдилар. Ўз касбига мутлақо ярашмайдиган хокисор ва камсуқум, мўмин-қобил аёли бундай висол тунларида кўзлари ёшга тўлиб: «Эй, Танг-рим, бизга фарзанд бер!..» дея илтижоли шивирлайди.

У эса маъсума, маъзуна бу аёл олдида ўзини айбдор сезиб, бошини тошларга уриб ёргиси келади. Бир маротаба юрак ютиб, ажралишни таклиф қилганида хотини ерга боққанча пичирлаганди: «Сиздан бошқа билан яшагунча ўлганим яхши!» Баъзан унинг ўзи ҳам, гарчанд хотинини камроқ кўрса-да, бундан бошқа аёл билан яшай олмаслигини ич-ичидан тан олади. Унинг бу тахлит турмуш тарзига чидайдиган бошқа бир аёл бормикан ўзи оламда?..

У сой қирғоғидаги чириб битаёзган тўнка устида ўтириб, ана шулар тўғрисида ўйларди. Ҳа, эрта-индин, ҳатто бугун ҳам келиб қолиши мумкин унинг Маъзунаси. Охудай сассизгина юриб келадию бирдан ёш боладай қийқириб, қучоғига отилади. Уни соғиниб, истаб, ҳаяжону эҳтиросдан титраб келади. «Соғиниб-ла-а-р кетдим сизни..!» дейди пичирлаб. «Унда шу ишингни қўяқол» дейди эри кулиб, эркалаб. «Унақада сизни ким боқади? Қачон сиз машҳур рассом бўласиз деб кутиб ўтираверсак, иккаламиз ҳам очимиздан ўламизку! Бунинг устига, ишимни яхши кўраман. Тарих, ўтмиш — жону дилим!» дейди хотини ширин жилмайиб. Сўнг эрига олис мозий, тарихий обидалар, мадрасаю миноралар ҳақида гапириб беради. Узоқ гапирди. «Биласизми, ҳар сафар хорижлик меҳмонларни осори-атиқаларимиз билан таништираётиб ғалати бўлиб кетаман. Гўё ўша усталар, саркардалар, подшолару маликалар бари тирикдай! Ҳозир рўпарамдан чиқиб келадигандек туюлаверади!» «Тўғри англабсан, тирик улар, — дейди эри ўйчан, — улар етиб келишган шу кунларга...» «Қанақа қилиб?» дея айёрона кулимсирайди хотини. «Жудаям осон: Вақт дарёсида оқиб келишган» дея хотиржам тамаки тутатади у. Хотини эса унга чиппа-чин ишониб, ҳайратдан кўзларини пирпиратади. У эса хотинини боплаб лақиллатганидан хоҳолаб юборади...

... Сойнинг бетида алланималар жимирлайди. У бирпас тикилиб турди. Кун тиккага келаёзган пайт, ҳарорат ҳам тузуккина. Сув юзидан уч-тўрт қулоч юқорида жимирлаётган бир нималар элас-элас кўзга чалинади. Улуғвор тоғлар, қум барханлари, от елдириб бораётган суворийлару маҳобатли иморатлар гоҳ кўриниб, гоҳ йўқолади.

«Сароб бўлса керак, — хаёлидан ўтказди у, — бошқа нимаям бўлиши мумкин?..» Шу хаёл билан қўлида ўйнаб турган тошчани ўша ёққа ирғитди. Тош сирли жимирлаётган парда сиртига бориб тушди ва шу лаҳзада борлиқ даҳшатли портлашдан ларзага келди! Кўкдан олов ва тош ёғилди. Кучли зарб уни аллақаяёққа улоқтириб ташлади...

... Гўшт пишиб, хуш бўйлар таралди. Қиз пичоқнинг учи билан унга бир бўлак гўшт узатаркан, ширин жилмайиб қўйди.

— Узоқдан келган бўлсанг керак, қорнинг ҳам очгандир. Еб ол, сўнг ётамиз, — деди у ва ўзи ҳам бир бўлак гўштни пуф-пуфлай бошлади.

— Ҳа, узоқдан келдим, очиққаним ҳам рост. Худди бир йилдан бери ҳеч нарса емагандайман, — у қизнинг меҳрибончилигидан хурсанд бўлди.

— Сени мен чорлагандим, қиз чайнашдан тўхтаб, унинг кўзларига умид ва илтижо билан тикилди, — мен асираман. Бу ер — Ёлғизлик Водийси, мени шу ерда бир йил яшашга маҳкум этишган.

— Ким? Нима учун?!

— Мен қабиламиздаги биронта йигитга ҳам турмушга чиқишни истамадим. Ҳар йили баҳор ойида куёв танлаш маросими бўлади. Мен уч йил қаторасига барча йигитларни рад этдим, шундан сўнг оқсоқоллар мени бу ерга сургун қилишди. Одатимиз шунақа. Тўғри, биламан, ҳар бир қиз эрга тегиши, авлодни давом эттириши шарт, бўлмаса қабилада жангчилар сони камайиб кетади. Аммо, кўнглимга ёқадигани топилмаса нима қилай, ахир!

— Ўксинма, мана мен келдим, — деди у қизга нимадир деб тасалли бериш умидида.

— Ҳа, мен сени кўп кутдим. Кечаю кундуз кўкка илтижо қилдим, Халоскоримни юборгин деб. Ниҳоят, сен осмондан тушдинг!

— Осмондан?

— Бўлмасам-чи, осмондан! Худди қушдай келиб кўндинг. Лекин, қаттиқ чарчаган экансан, ухлаб қолдинг. Сен Буюк Сеҳргарсан, илтижоларимни эшитиб, мени қутқаргани келдинг. Мен энди тушундим, ёлғизлик — даҳшатли азоб экан. Бироқ, ўзинг истамаган одам билан яшаш

ундан ҳам оғирроқ бўлса керак. Мен энди сеникиман. Сен қалбим ҳукмдорисан. Барча истакларингни бажараман.

У қизга ҳайрат билан тикилар, хаёллари остин-устун бўлиб кетганди. Шу чоққача буларнинг барини чалкаш бир туш деб ўйлаётганди, ҳализамон уйғониб кетишига ишончи комил эди. Лекин, қизнинг гаплари... Демак, у ростданам бу ерга учиб келибди-да. Ёлғизлик Водийси... Қандай жой бу ўзи? Қайси юрт? Ҳозир қайси замон, қайси йил? Наҳотки буларнинг бари ҳақиқат бўлса?! Қиз эса ҳамон унга мутеларча тикилиб, тинмай гапирар, унинг гаплари йигитнинг хиралашган онгига қийинчилик билан етиб борарди.

— Эртага сургун муддати тугайди, мени олиб кетгани қабиламиз жангчилари келишади. Уч кундан сўнг яна куёв танлаш маросими бўлади. Агар мен бу сафар ҳам ҳеч кимни танламасам, шу ерга қайта сургун қилишади. Бир умрга... Мен энди қишлоққа қайтмайман. Чунки, сен келдинг! Мен сен билан шу ерда қоламан, иккимиз бу ерда бахтли бўламиз.

Йигит унинг сўзларини анграйганча тинглар, бу воқеалар ўнгида рўй бераётганига ишонгиси келмасди. «Йўқ, бу туш бўлиши керак! Нима бало, ўтмишга келиб қолдим шекилли. А-ҳа, ҳозир текшириб кўрамиз...»

— Менга қара, — деди у қизга, — бирпас тўхта, қулоқ сол. Их-м, хўш, сизларнинг қабилангизни нима деб аташади? Сен қаерликсан?

— Мен хуннлар уруғиданман! — деди қиз бошини мағ-рур кўтариб, — бизни Кўк хуннлар дейишади.

— Ўҳ-хў! — дея бошини чангаллади йигит, — ҳаммаси аён, раҳмат сенга.

Энди шубҳага ўрин қолмади: мозий, олис ўтмиш эди бу.

— Бўпти, энди ухласак ҳам бўлади, — у шундай деб ўрнидан турди. Нарироқдаги ходалар ва шох-шаббалардан тикланган чайлага изма-из киришди. Ерга тўшалган юмшоқ пичан ғарамига чўзилгандан сўнг ҳам негадир унинг кўнглида ҳеч қандай таҳлика йўқ эди. На узоқ келажакда қолган хотини ва уйининг ташвиши ва на эртанги кунгами безовта қиларди уни. Гўё қоп-қоронғи ғорда пай-



пасланиб бораётган кимсадек, ҳаётини тақдир измига топширди у. Ҳамма нарса худди шундай бўлиши керакдай, бу воқеаларни табиий бир ҳол деб қабул қилмоқдан ўзга чора йўқ. «Ташвишланганим билан нима ўзгарарди, — дея алам билан ўйлади у, — пешонамда борини кўрарман...»

Қизнинг титраётган қўллари қоронғида уни излаб топди, момиқ билаклар бўйнига чирмашди. «Ажабо, сочларининг ҳиди ҳам, эркалалари ҳам ва ҳатто, ўпишлари ҳам худди Маҳзунаникидай!» деган ўй уни бир лаҳзагина ҳайратга солди, холос. Сўнг борлиқни унутиб, қизнинг қайноқ оғушига сингиб кетди. Висол лаззатлари ўзининг олий нуқтасига етган чоғда эса ногаҳон ваҳимали гумбурлаш еру кўкни силкитиб юборди. Ўша бемисл, қудратли куч уни тагин кўтариб отди...

Куй жуда ёқимли ва роҳатбахш эди. Қалбининг туб-тубларида унут бўлган хотиралар тебраниб кетди. У гўё гўдаклик чоғларида онасининг қучоғида ётгани каби эркаланиб ётар, сира кўз очгиси келмасди. Руҳи ва жисмини аллалаётган илоҳий куй эса тобора пасайиб борарди. Мана, ниҳоят, буткул тинди. У эринибгина кўзларини очди, тепасида энгашиб турган аёлни қаерда кўрганини эслашга урина бошлади. Бироқ, ҳаддан зиёд чарчаган онги унга итоат қилишни истамасди. Ҳарқалай, жудаям таниш бу аёл. Ва бирдан эслади: ахир, бу ўша қиз-ку! Ёлғизлик Водийсидаги гўзал асира қиз!

— Мен қаердаман? — деди у зўрға ўрнидан кўзгалиб, бошини кўтараркан...

— «Туркистон» кемасида, — деди аёл дона-дона қилиб.

— А-а? — у ўрнидан сапчиб турди. Атрофдаги ялтироқ жиҳозлар, қордай оқ тўшак, аллақандай кўринмас манбадан таралаётган ипакдай майин нур... Нималар бўляпти ўзи, у ақлдан озди шекилли?!

— «Туркистон» фазовий кемасида, — кўзига тушган бир тутам сочини тўғриларкан, ширин жилмайиб такрорлади аёл, — Андромедадан қайтапмиз.

— Лаббай?! — у яна тўшакка ўтириб қолди. Йўқ, бу харқалай туш!

— Андромеда туманлигидан қайтыпмиз. Мен ўн йил олдин ўша ёққа махсус топшириқ билан учгандим. Сафар тугади, энди уйга қайтыпман. Ў-ў, қадрдон она еримизни соғиниблар кетдим ўзиям.

«Тамом! — деган фикр ўтди йигитнинг хаёлидан. — Гап-сўз бўлиши мумкин эмас, Маҳзуна бу! Аммо...»

— Сен... Сиз кимсиз? — сўради у аста, деярли пичирлаб.

— МС+7777, — деди аёл тагин кулимсираб, — амалиётчи фазогир МС плюс тўртта етти. Шартли код рақамим Т-3 «Т» — Туркистон дегани, бу кеманинг номи. Уч эса фазовий сафарлар миқдорини билдиради. Менинг учинчи сафарим бу. Хўш, ўзингиз кимсиз?

— Мусаввирман, — деди йигит тагин пичирлаб. Фикрлари айқаш-уйқаш бўлиб кетган, нима қилишни, нима дейишни билмасди у. Фақат бир нарса аниқ: бу — йигирманчи аср эмас!

— Қаердан келиб қолдингиз бу ерга, боягина йўқ эдингиз-ку! — сўради аёл кўзларини пирпиратиб. Ў-ў, нақадар қадрдон бу киприк қоқишлар!

— Билмайман, — хўрсинди йигит ҳорғин, —худо ҳаққи, билмайман. Бошим ёрилиб кетай деяпти...

— Бўпти, — МС қўл силтади, — ким бўлсангиз ҳам ёмон одамга ўхшамайсиз. Ҳарқалай, бирдан кўра икки яхши, Ёлғизлик эса даҳшат! Сиз менинг йўлдошим бўласиз. «Туркистон» бизни она-Ерга, уйимизга олиб боради.

Аёлнинг баданига ёпишиб турган, ғаройиб ялтироқ матодан тикилган тугмасиз кийими сарвдай қоматини кўз-кўз қилиб турибди. Шаҳло кўзлари, очилиб турган гунчадай дудоқлари нақадар таниш... «МС... Маҳзуна Собирова. Ҳа, бу ўша!» дея ўйлади йигит ва ишонч билан унга қўл узатди. Ундан кўз узмай тикилаётган, нигоҳларида интизорлик балқийётган аёл ҳам учиб келиб оғушига кирди.

— Маҳзуна!..

— Соғинтирганим, халоскорим менинг... — дея пичирлади аёл, — қаердан келганингниям, кимлигингниям биламан аслида. Сени мен чорлагандим. Йиллар бўйи давом этган ёлғизлик мени ақлдан оздирай деди. Ярат-

ганга минглаб марта илтижолар қилдим, дардкашимни, йўлдошимни, халоскоримни юборгин деб... Ўзига шукур, минг бор шукур... Сен меникисан... — унинг юмуқ кўзларидан оқаётган ёшлар олмадай яноқларидан пастга думалар, титраётган нозик бармоқлари йигитнинг сочларини, юз-кўзларини тинмай сийпаларди.

Само қароқчиси — дайди комета кемага келиб урилганда Эркак ва Аёл ҳали бир-бирларига тўйиб улгуришмаган эди. Тагин ўша даҳшатли гумбурлаш такрорланди, яна сарҳадсиз коинот иккига бўлиниб кетгандек бўлди...

... Олмониялик сайёҳларни кузатиб, Хивадан қайтган Маҳзуна юрагининг остида митти бир вужуд безовта қимирлаб қўяётгани ҳақидаги хушxabарни эрига тезроқ етказишга шошиларди. У эрини устахонанинг бир бурчагида эски чопонга наридан-бери ўранганча ухлаб ётган ҳолда кўрди. Хона ўртасида эса ҳали бўёғи қуримаган сурат турарди. Унда жимирлаб оқаётган сой, тоғлар орасидаги водий, қийшиқ чайла, қанотли аждаҳо, ғалати фазовий кема ва унга келиб урилаётган учар юлдуз тасвирланганди. Сурат марказида эса унинг, Маҳзунанинг сиймоси акс этган. Қўлида чақалоқ кўтарган сулув Аёл... Гўдак қиқирлаб кулади, қоп-қора қўнғироқ сочлари шуълаланади. Буларнинг бари шу қадар маҳорат билан тасвирланган эдики, манзаралар гўё жонлидай, бир оздан сўнг ҳаракатга келиб, аллақаяёққа учиб кетадигандай, ҳадемай хонани гўдакнинг шодон кулгуси тўлдирадигандай. Бола кўтариб турган гўзал Аёлнинг кўзларида замонлар, олис ўтмиш ва сирли келажак шарпаси жимирлайди. Сувратнинг бир чеккасига билинар-билинемас қилиб «ВАҚТ ДАРЁСИ» деб ёзиб қўйилган.

Аёл нарироқдаги стол устида очиқ турган қалин дафтарни олди. Бу — эрининг кундалиги. Маҳзуна охириги ёзувларга кўз ташлади. Ҳарфлар қийшиқ, титроқ кўллар билан битилгани кўриниб турибди: «Маҳзуна! Ўша иккала аёл ҳам сен эдинг, буни аниқ биламан. Аждаҳо ва учар юлдуз эса — мени таъқиб қилиб юрган гуноҳларим...»

Маҳзуна аста юриб эрининг тепасига келди, шу пайт йигитнинг бошини ёпиб турган чопон сирғалиб ерга тушди.

Аёлнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди: эрининг елкаларини қоплаган, бир ҳафта бурун ҳам сақичдай қоп-қора бўлган сочлари ҳозир оппоқ эди!

Аёл энгашиб, эри қўлларида маҳкам чангаллаб ётган нарсаларни авайлабгина олди. Буларнинг бири тошдан йўнилган, ўткир учли пичоқ, иккинчиси эса ғалати зангори шуъла таратиб турган, нотаниш маъдандан ясалган тилла занжирли тумор эди. Нурланиб турган туморнинг бир ёғидан унинг, Маҳзунанинг чеҳраси маъюс боқиб турар, орқа тарафида эса «МС+7777» деган тушунарсиз ёзув кўзга ташланарди...



## ИККИЛАНГАН

Мен уни ўлдиришим керак! Қанча тез бўлса, шунча яхши! Бу кеча ёки бугун туғилган фикр эмас, кўнглимининг бир бурчида бош кўтарганига анча бўлди. Худди ойсиз тунда қоронғи зулмат ичидан бош кўтарган кўзойнакли илондай бўй кўрсатди бу нажоткор фикр. Тўғри-да, ўлдириш керак, вассалом! Чўзиб юришнинг нима кераги бор. Ўзимни бу йўлдан қайтаришга қанча уриндим, ахир! Бўлмади. Бу фикр асалга ёпишган пашшадай онгимда гингиллаб айланаверди. Ва мен қатъий бир қарорга келдим: ўлдираман Уни! Беқарор кўнглим ўз қасридан бу фикрни қувиб чиқармай, тезроқ амалга оширмақ керак режани. Аслида мен бунчалик бағритош одам эмасман, умрим бино бўлиб бировни ўлдириш у ёқда турсин, ҳатто черганим йўқ. Аммо, сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бўлади. Токай чидаш мумкин?! Сабр косам тўлиб, ҳатто тошиб ҳам кетди. Сўнгги чора — ўлдириш!

У менинг умримни заҳарлади, ҳаётимни жаҳаннамга айлантирди. Кунларим ит азобида ўтди. Ўттиз беш ёшли йигит сувсираган ниҳолдай қуридим. На уйқумда ҳаловат бор, на еб-ичганимда. Тунлари мижжа қоқмай уни кута-

ман, нафасимни ичимга ютиб пойлайман. У аблах бўлса, худди мени мазах қилгандай, кутавериб чарчаганимдан сўнг, ўғри мушукдай, хаёлот ва хобнинг идрок этиб бўлмас сарҳадлари аро ногоҳ намоён бўлади. Бамисоли шарпадай, адашган дайди руҳдай эшик-деразалари маҳкам ёпилган, беркитилган хонамга кириб келади. Мен эса қўл-оёғимни қимирлатишга ҳам ожизман, фақат тишларимни қисганча қичқираман:

— Йўқол! Даф бўл!

У менга илк бор ўсмирлик йилларимда дуч келганди. Ўшанда Унга унчалик эътибор бермадим, шунчаки бир ўткинчи воқеа деб ўйладим. У пайтлар мен ўн олти яшар ўсмир эдим. Синфимиздаги Камола деган қиз менга жуда ёқарди. Фикримча, уям менга бефарқ эмасди. Бир куни адабиёт китобимнинг орасидан тўрт буклоғлиқ қоғоз чиқди. Унда шеър бор эди. Яхши шеър, самимий шеър!

... Ўзга нигоҳларга парво қилмайман  
Билмам, қарашларинг дилга ҳокимми,  
Сенга талпинаман, аммо билмайман:  
Сен менинг бахтимми, бахтсизлигимми...

Мен аҳмоқ, мен ярамас эртасигаёқ бу шеърни, ёлғиз МЕНГА АТАЛГАН шеърни Нор пакана, Жалил қитмир каби синфдош дўстларимга мақтаниб кўрсатибман! Ўша куниеқ бу воқеа бутун мактабга ёйилди. Камолани директор кабинетига чақирди, бир оздан сўнг у кўзлари йиғидан қизарганча қайтиб келди. Жойига ўтираётди менга бир қайрилиб қаради. «Нимага бундай қилдинг, ахир?.. Мен сенга, фақат сенга атаб ёзгандим буни...» деган аламли маъно, таъна ва нафрат бор эди нигоҳларида. Партанинг остига кириб кетгудай бўлдим.

Синфдош болалар Камолани энди Шоира деб чақира бошлашди. У мазах қилишларга, пичир-пичирларга мардона чидади. Мен эса унинг кўзларига қаролмасдим. Пайтини топиб, ундан ахийри кечирим сўрадим, аммо у индамади. Менга худди деворга гапирётгандек эътибор бермади. Алам қилди, бироқ нима қилишимни билмасдим. Ўша кечаси анчагача ухлолмай тўшакда ағанаб ёт-

дим, кўзим илинай деганда эса тепамда кимдир турганини сезиб қолдим. У бошим узра эгилди, кўзларида нафрат учкунлари чақнарди. Уни қаердадир кўрганман... Эслол-мадим. Ўрнимдан турмоққа уриндим, лекин қўл-оёғимда мадор йўқ эди. У бўлса тобора пастга эгилар, совуқ чақнаётган кўзлари вужудимни музлатиб борарди. Ниҳоят, юзимга унинг иссиқ нафаси урилди. У тишларини гижирлатганча нафрат билан пичирлади?

— Аблаҳ!!!

— Кимсан, нима истайсан мендан? — шундай деб сўрамоқчи бўлдим, аммо гапира олдимми ё йўқми, аниқ билмайман. Вужудимни уят ва хижолат тери босди, устимдан совуқ сув қуйилгандек бўлди. Шу лаҳза кўз олдимда Камоланинг жовдираган масъума нигоҳи пайдо бўлди. Сўнг бирдан кўз олдим қоронгилашди. Бир оздан сўнг ўзимга келганимда эса тепамда бояги нусха йўқ эди. У гўё кўкка учгандек ғойиб бўлганди.

Бора-бора бу «тунги меҳмон» хаёлимдан кўтарилди, уни батамом унутдим. Дорилфунунга ўқишга кирдим, ишларим юришиб кетди. Ўқишим мақтанарлик бўлма-са-да, ўзим хушбичим ва келишган йигит бўлганимдан, қизлар атрофимда парвона бўлишарди. Уларнинг бир нечалари билан анча вақт яқин бўлиб юрдим, сўнг жонимга тегишди. Сўзамоллигим, ҳар қандай қийин шароитдан ҳам йўл топиб чиқиб кета олиш «иқтидорим» туфайли таниш-билиш орттирдим, талабалар орасида обрўйим жойида эди. Учинчи курсда ўқиб юрган пайтларимизда бир ёш ёзувчининг қиссаси оммабоп журналда босилиб чиқди. Қиссани бир кечада ўқиб чиқдим. Чунки, жамиятда янгиланиш юз бераётган ушбу кунларда матбуот турли услуб ва йўналишдаги асарларни пайдар-пай эълон қилар, узоқ йиллар давомида бир хил қолипдаги тумтароқ асарлардан тўйган китобхон бу янгича руҳдаги асарларни ташналик билан ўқирди. Бу қисса эса ҳақиқатан ҳам ажойиб эди. Унда соф ўзбекона характерлар ярқираб турар, тили эса ғоят ширали ва бахшиёна эди. Ўша кеча ухлолмай тўлғониб чиқдим. Ёзувчининг ноёб истеъдоди, халқ руҳи ва дардини бу қадар чуқур билиши мени лол қолдирди.

Эртасига дарсдан сўнг мени ҳурматли адабиётшунос домлаларимиздан бири чақиртириб қолди. Бордим, домла билан ҳол-аҳвол сўрашдик. У газеталарда эълон қилинган бир-иккита ҳикояларимни эсга олиб, мақтаб қўйди. Сўнг суҳбат йўналиши кечагина мен ўқиган қисса томон бурилди. Маълум бўлишича, домла ўша ёш ёзувчини яхши танир экан. У бизнинг дорилфунунни ўтган йили битирган, ҳозир ўз қишлоғида муаллимлик қиларкан. «Жуда ўзига бино қўйган, ҳавоси баланд йигит. Талабалик йилларидаям биз билан кўп талашиб-тортишган. Бунақаларни яхши биламиз: тўрт сатр нарсаи босилиб чиқса, ўзини даҳо санай бошлайди, одамман деганни писанд қилмай қўяди. Мана, қиссасини қаранг. Нақадар бўш ва гализ! На маъно бор, на ғоя! Нима бу ўзи? Вой жўжа-хўроз-ей, буюкликни даъво қилиб қоптилар-да!» Домланинг бу гаплари аввалига мени ҳайрон қолдирди, чунки мен яқин орада бундай яхши асар ўқимагандим. Сўнг бирдан домланинг фанидан қолган «қарзим» эсимга тушди. Бунинг устига, қалбимнинг туб-тубларида ўзимдан атиги икки-уч ёш катта бўлган бу йигитга нисбатан ҳасад ўти сездирмай аланга олмоқда эди. Домланинг гаплари бу оловга қуйилган мой бўлди.

Хуллас, гапни бир жойга қўйдик: мен ушбу асарнинг авра-астарини ағдариб ташлайдиган бир мақола ёзадиган, домла эса уни обрўли нашрлардан бирида чоп қилдирадиган, бундан ташқари ўз фанидан қолган «қарзим»ниям қўйиб берадиган бўлди.

Мақолани бир кечада ёзиб ташладим, чунки асосий зарбани берадиган салмоқли «камчиликлар»ни домла менга тушунтиргандилар. Мақола анчагина кескин чиқди, ҳатто домла ҳам уни ўқиб кўриб «Бай-бай, тилингиз нақ заҳар-а! Ҳар гапингизга илон пўст ташлайди» дея кулимсирадилар. Кўп ўтмай мақола чоп этилди. Бу орада бир-иккита танқидчи ва адабиётшунослар қисса тўғрисидаги ўз ижобий фикрларини матбуот орқали билдиргандилар. Менинг мақолам эса ёз осмонидаги момақалди роқдай гумбурлади. Адабий муҳит остин-устун бўлиб кетди, рўзнамаларда бирин-кетин қарама-қарши йўналишдаги мақолалар чиқа бошлади. Домланинг обрўи ва

таъсири кучли эди, бечора ёш ёзувчининг попуги пайсайиб қолди...

Курсдошларим энди менга бошқача қарай бошлашди. Уларнинг наздида мен синчков ва шафқатсиз, айни пайтда қилни қирқ ёрадиган доно танқидчи эдим. Менинг оғзим қулоғимда, хаёлим еттинчи осмонда парвоз қиларди.

Ўша сармаст кунларимнинг бирида, навбатдаги «маъшуқам»нинг ҳузуридан қайтиб келиб, қоқ ярим тунда уйқуга ётдим. Кўзим энди илинган пайтда ўша «тунги меҳмон» пайдо бўлди. Бу сафар у олдинги сафаргидай бошим устига эгилгани йўқ, умуман кўзга кўринмади. Лекин, мен УНИНГ борлигини, шу хонада эканлигини аниқ сезиб турардим. Уйқу тўрига ўралаётган кўзларим ногоҳ очилиб кетди, шишинқираган қовоқларимни ишқалаб, ёстикдан бош кўтардим. Бевақт уйғотган нарса нима ўзи? Ким у, қаттол ёвдай сездирмасдан келган кимса?! Кузнинг охири эмасми, дераза ортидаги яланғоч дарахтларнинг шоҳлари шамолда қисирлар, аллақайда дайди мушук чўзиб, зорланиб миёвларди. Вужудимга титроқ кирди, бир лаҳза нима қиларимни билмай қолдим. Даҳшатли қўрқув ҳисси жисмимни исканжага олар, мадорсизланаётган тиззаларим қалт-қалт титради. Қизиқ, нега бирдан уйғониб кетдим? Биров тортгани ёки силкитгани йўқ. Бироқ «туш» деб аталадиган сеҳрли салтанатнинг аллақайси бир муюлишида «Уйғон, кўзингни оч!» деб ёзилган қизил чироқ ялт этиб ёндию, бехос уйғониб кетдим. Ўрнимдан туриб чироқни ёқмоқчи бўлдим, аммо турмоққа на мадор бор, на юрак! У эса шу ерда, ёнгинамда турибди! Унинг борлигини сочимдан тортиб тирноғимгача, бутун ҳужайраларим билан ҳис этиб турибман. Биламан, ҳозир У худди ўлжасига ташланишга тайёр турган қоплондек нафас ютиб, пайт пойлаяпти. Туриш керак, қандай бўлмасин туриш керак! Чироқни ёқиш лозим! Афсуски, яна туролмадим. Қўлларим қалтираса-да, ишлаяпти, лекин оёқларим худди лойдан ясалгандек жонсиз. Минг машаққат билан чўзилиб, каравотнинг бош тарафидаги стол устида ётган гугуртни пайпаслаб топдим. Ёруғлик керак менга, нур керак! Ҳозир энг зарур нарса — НУР! Ёруғ-



ликдан, нурдан қўрқиши тайин Унинг! Қоронғилик эса Унинг содиқ дўсти!

«Чирт» этиб гугурт ёқдим, хона ичи олачалпоқ сояларга тўлди. Қўрқа-писа у ёқ-бу ёққа алангладим: ҳеч ким йўқ эди. Гугуртнинг чўпи ёниб битгунча бутун хонани кўздан кечириб улгурдим. Хонада ёлғиз эдим мен, бу даҳшат ва зулмат қоплаган хонада мен танҳо эдим! Лекин... Гугурт чўпининг ожизгина алангаси сўниш олдидан сўнги бор липиллаганда нақ рўпарамда аллақандай шарпаннинг турганини кўриб қолдим! Ў-ў, даҳшат!!! Унинг кўзлари нақадар қўрқинчли эди! Бу қаҳру ғазаб, аламу нафрат тўла нигоҳга қараш қанчалик оғир! Шу пайт гугурт чўпи ўчиб қолди. Жонсизланиб бораётган бармоқларимни зўрға қимирлатиб, минг машаққат билан иккинчи чўпни ёндирдим. Нима бўлса-да, бу нусха билан гаплашиб олиш керак! Нима керак экан унга бу ерда, нега мени таъқиб қилади?! «Пов» этиб ёнган чўпнинг ёруғи рўпарамда турган башарани ёритди. ЎША! Менга таниш нусха! Сочлари тўзғиган, кўзлари қизариб, қовоқлари шишган, аммо қарашлари!.. Ўқдай қадалган нигоҳига бардош беролмай кўзимни олиб қочдим, қўрқувдан тишларим такиллай бошлади. У бўлса ҳамон еб қўйгудай тикилади. «Нима керак ўзи сенга? Кимсан ўзинг? Мени тинч қўй!» деб бақирмоқчи бўлдим, лекин томоғимдан биров бўғиб тургандек сас-садо чиқмади. Бирдан ғазабим аланга олди: падарига лаънат бу ярамаснинг! Кўрсатиб қўяман таъқиб қилишни! Шу пайт у қизарган кўзларини истеҳзоли қисиб, пичирлади:

— Иймонсиз! Ўша қиссанинг зўрлигини била туриб, мақола ёздинг-а! Домланинг ноғорасига ўйнадинг! Пайдан фойдаланиб, ишингни битириб олдинг! Ё ўша ёш ёзувчига ҳасад қилдингми?! Ҳа, сен ҳасадгўйсан! Икки пулга қиммат, тутуриқсиз шеърларингу ҳикояларингдан бошқа нима бор сенда ўзи? Ҳеч вақо йўқ! У йигит эса зўр! Сен кўролмаслик касалига, худбинлик дардига мубтало бўлгансан. Сени, сендақаларни даволаш керак, ҳа-ҳа-ҳа!!!

Унинг жон ўртовчи, ваҳшиёна қаҳқаҳаси хонани титратди. Сабр косам тўлиб, стол устини пайпасладим. Қў-

лимга пиёла илинди. Тишларимни қисиб, пиёлани зарб билан отдим. У нақ мўлжалга, фанимимнинг икки қоши ўртасига бориб тегишига бир сония қолганда чап қўлимдаги гугурт чўпи лип этиб ўчди, икки бармоғим жизиллаб куйди. Бу мудҳиш хонани зулмат яна ўз қаърига тортган лаҳзада нимадир қарсиллади, алланима жаранглаб синди. Ва ана шу нажоткор товуш янграши баробарида оёқларимга жон кирди! Сакраб ўрнимдан турдимда, гандираклаганча бориб чироқ тугмасини босдим. Хона нурга кўмилди, вужудимни бурувга олаётган қўрқув ва ваҳима қайгадир чекинди. Атрофимга алангладим: ҳеч ким йўқ ... Ҳеч ким! У аблаҳ яна яширинишга улгурди! Фақат каравот рўпарасидаги кўзгу чил-чил синган, ерда ойна парчалари ва пиёла синиқлари сочилиб ётарди...

... Ўшандан бери кўп сувлар оқиб ўтди. Ўқишни би-тириб, ўша домланинг қизига уйландим. Уч-тўртта китобларим чоп этилди, анча танилиб қолдим. Обрўли бир таҳририятда ишлайман, ўзимга яраша дўст-ёрларим бор. Қайнотамнинг ёрдамида шаҳардан уй сотиб олдим. Турмушим жойида, «тунги меҳмон» анчадан бери мени таъқиб қилмай қўйганди, мана, бир йилдан бери онда-сонда «ташриф буюрадиган» бўлиб қолди. Энди аввалгидай фақат тунда пайдо бўлмайди, кечасими-кундузими, хоҳлаган пайтида бирон бурчакдан лип этиб чиқиб қолади. Шуниси ғалатики, УНИ мендан бошқа ҳеч ким кўролмайди. Анови куни хонамда ишлаб ўтирувдим. Хонамиз икки кишилик, рўпарадаги стол ортида Шодиев деган бир кимса ўтиради. У столга бурнини тираб, алланималарни қитирлатиб ёзиб ўтирибди. Шу пайт дераза сассиз очилиб, ЎША НУСХА хона ичига сакраб тушди! Унинг истеҳзоли чақнаб турган кўзларига қараб, этим жимирлаб кетди. «Тавба, таҳририят учинчи қаватда жойлашган бўлса, деразадан қандай кирди экан?» деган ўй хаёлимдан лип этиб ўтди. Ва бирдан Уни қаерда кўрганганимни эслаб қолдим: суратда кўрганман Уни! Ўзимнинг суратимда! У қуйиб қўйгандек менга ўхшайди, ахир! Фақат ёшроқ. Йигирма-йигирма беш яшар пайтларимдагидек. Ўша ўткир нигоҳ, қалин жингалак сочлар, қирра бурун,

маҳкам қимтилган лаблар... Икки томчи сувдай ўхшай-миз бир-биримизга!

— Ҳа, иймонсиз, ўтирибсанми? — деди у заҳаромуз жилмайиб.

— Сен... Кимсан ўзи? Қаердан келиб қолдинг бу ерга?! — дея пичирладим ва Шодиев тарафга ўгринча қараб олдим.

— Ишинг бўлмасин. Сен ярамас, виждонсиз одамсан! Сендақалар — жамиятни ичдан кемирувчи қуртлардир! На инсофни биласан, на диёнатни! Ўз манфаатинг учун туққан онангниям сотишга тайёрсан сен мараз!

— Оғзингга қараб гапир! — дедим овозимни бир оз кўтариб.

— Нима, ёлғонми? Қизига уйланиш учун домланинг оёғини яладинг-ку! Уй олмоқчи бўлганингда, мана шу ерга ишга жойлашмоқни ният қилганингдаям унинг олдига эмаклаб қолдинг! Ёлғонми шулар?

— Ёлғон! Нимагаки эришган бўлсам, ўз кучим, истеъдодим билан эришдим!

— Истеъдод дейсанми? Сенда истеъдод нима қилсин, аблаҳ?! Сен фирт ўғри, кўчирмачисан! Ундан олиб бунга ёпиштирасан, бундан олиб унга ямайсан. Сен ана шунга устасан, холос, — деди у яна заҳарханда қилиб.

— Ҳақорат қилма! Даф бўл ҳозироқ! Бўлмаса... — нима дейишимни билмай қолдим.

— Нима қиласан бўлмаса? — мазах қилди у, — дод соласанми? Мар-ҳа-мат!

— Падарингга лаънат сен ярамасинг, — дедим ғижиниб.

— Лаббай? Бир нарса дедиларми? — Шодиев бошини кўтариб, менга кўзойнак устидан қаради.

— Йў... йў-ге... — дея дудуқландим.

— Алланимани гапиргандай бўлдиларми дейман, укам?

— Сизга шундай туюлгандир, ака, — дедим ўлганинг кунидан тиржайиб, — мана, тинчгина ишлаб ўтирибмиз.

— Шунақами? Да-а ...узр, укам, қарилик-да, қарилик, — у шундай деб лабига сигарета қистириб, эшикка йўналди, аммо охирги қарашидан менга ишонмаётгани кўришиб турарди. Шубҳасини тарқатиш учун унга яна бир

бор тиржайдим. Эшик ёпилгач, шартта дераза тарафга ўгирилдим. Не кўз билан кўрайки, хонада ўзимдан бошқа ҳеч зот йўқ, дераза илгичлари ичкари тарафдан (!!!) солинган, ташқарида эса қишнинг рутубатли нафаси уфурарди...

Сурбет қиёфадодимнинг мақсадини билолмай қийна-либ кетдим. У ҳар гал кутилмаган пайтда, кутилмаган жойда пайдо бўлар, кўпчилик ичида мени ноқулай аҳволга солиб қўярди. Гоҳ таҳририят ошхонасида пайдо бўлиб, олдимдаги овқатни тортиб олар, гоҳ маош тарқатаётган кассир аёлнинг олдига мenden илгарироқ етиб бориб, ойлик иш ҳақимни илиб кетарди. Бир куни эса Унинг касофати билан нуфузли бир анжуманда иштирок этолмай қолдим. Машҳур классик шоиримизнинг юбилейида қатнашиш учун чет эллардан бир талай меҳмонлар ташриф буюришди. Ёш ёзувчи сифатида мен ҳам Санъат саройида ўтадиган тантаналарга таклиф қилингандим. Бордим, аммо, афсуски, залга қарасам, менга аталган жойда У ялпайиб ўтириб олганди. Менинг довдираб қолганимни кўриб, тиржайиб қўйди. Нима қилишимни билмай, бирпас каловланиб турдим-да, ноилож чиқиб кетдим.

Аҳвол кундан-кунга мураккаблашиб борарди. У мени тинмай таъқиб қилар, унинг дастидан йироқ-йироқларга бош олиб кетгим келарди. Ҳаётимдан ҳаловат кетди, сочларим бирин-кетин оқара бошлади. Одамлар менга галатироқ қарай бошлашди, ишхонадаям узоқ ўтиролмайдиган бўлдим. Қорли-қировли кунларда кўчага чиқиб, узоқ тентирайман. Сўнгги пайтларда тез-тез ўша синфдош қиз, маъюс нигоҳли Камола тушимга кирадиган бўлди. Кўзларимдан беихтиёр ёш тўкилади, бошимни ёстиққа буркаб оламан. Хотиним шифокорга кўринишни ялиниб сўрайди, мен эса уни жеркиб бераман. Сўнг унинг сочларини силаб овутаман, ўн икки йилдан бери мен билан яшаб, тирноққа зор ўтаётган бу мунис, фариштадай аёлга раҳим келади, эркалаб кўнглини олган бўламан.

Йўқ, хотинимнинг «мусичаи беозор» эканлигига авваллари ишонардим, сўнгги пайтларда бу ишончга дарз кета бошлади. Бир куни таҳририятдаги навбатчиликдан ярим тунда қайтдим. Хотиним ухлаб қолган эди, уни

уйғотгим келмади. Ўлгудай чарчагандим, бир бурда нон кавшаб, устидан совуқ чойни симирдим-да, ўринга чўзилдим. Қанча вақт ухлаганимни билмайман, бир пайт нимадандир уйғониб кетдим. Тунги чироқнинг хира ёруғида аниқ кўрдим: девордан бир шарпа ажралиб чиқди-да, тўғри биз ётган икки кишилик каравот томон келаверди. Тахта бўлиб қолдим! Ана, у сассиз юриб келиб каравотнинг нариги томонига, хотинимнинг ёнига ётди. Кўзлари юмуқ, сочлари паришон хотиним ҳам Уни силаб-сипалай бошлади!.. Жоним нақ бўғзимга келиб тиқилди. Буниси энди ҳаддан ортиқча эди! Ҳар қандай камситишга чидаш мумкин, бироқ бунга чидаб бўлмайди! Ярамас, аблаҳ! Шошмай тур ҳали, ҳозир сени тилкалаб ташлайман! Сен умримни эговлаб, мени адойи тамом қилдинг! Мана бу суюқоёқ хотиннинг аҳволини кўринг! Уялмайнетмай УНИ ўпишларини қаранг! Анови ярамас ҳам хотинимни тинмай эркалаб, оғушига тобора маҳкамроқ тортаётир. Ифлослар, бузуқилар! Қимирлашга мажолим йўқ, кўзларимдан дувиллаб ёш қуйилади. Сўнгги кучимни жамлаб, ҳайқирдим:

— А-а-а! Нима қилипсан, аблаҳ!

Хотинимнинг кўзлари чарақлаб очилди, у сакраб туриб чироқни ёқди. Чироқ ёниши билан менга ҳам жон кирди. Ҳовлиққанча туриб каравот остини, пардаларнинг ортини қарай бошладим. Йўқ... Аллақачон жуфтакни ростлабди, палид!

— Қани у?! — дедим хириллаб.

— Ким? — хотинимнинг ранги пахтадай оқариб кетганди.

— Ўзингни гўлликка солма! Қани ҳалиги ярамас?!

— Ким, ахир? Кимни айтяпсиз? Ярим тунда нега бақирасиз?! — у менга ҳайрон бўлиб тикилди, кўзлари ёшлана бошлади. Ана, тагин дийдиёсини бошляпти.

— Менга қара! Бундан сўнг ҳеч қачон қилма БУ ИШНИ! Тушундингми, ҲЕЧ ҚАЧОН! Мен у аблаҳни барибир топаман, аммо сен... Сен ёдингда тут: мен сенга суйиб уйланганман. Онт ичиб айтаманки, бирон марта сенга хиёнат қилганим йўқ. Сен бўлса бугун... Кўз олдимда ... Оҳ-ҳ!

— Эй худойим, бу нима кўргилик тагин, — у пиқиллаб йиғлаганча ўзини тўшакка отди. Мен эса бармоқларим қалтириб, зўрға тамаки тутатдим. Ана ўша машъум тунда менинг хаёлимда илк бор умримни жаҳаннамга айлантирган бу аблаҳни ўлдириш фикри туғилди. Ростда, шунда Ундан биратўла қутуламан.

Эртасигаёқ бозорга бориб, узун, тиғи олмосдай ўткир чуст пичоғини сотиб олдим. Пичоқни ҳамиша ёнимда олиб юраман. Чунки, у исталган пайтда осмондан тушгандек пайдо бўлиб қолиши мумкин. Ана ўшанда пичоқни шартта суғураману!.. Сўнг мени қамайдиларми, отиб ташлайдиларми, барибир! Ҳарқалай, қамоқхонада тинчгина ётаманку.

Мана, бугун якшанба, шу боис эрталаб кечроқ уйғондим. Рухим энгил, кайфиятим жойида. Наридан-бери чой ичиб, ижодхонамга ўтдим. Кўпдан бери чала ётган ҳикоямни бугун тугатиш ниятидаман. Ҳафсала билан ёза бошладим. Сатрлар қуйилиб келар, фикрим жуда тиниқ эди. Ўзи, илҳом билан ёзган кунларим камдан-кам бўлади. Бугун хосиятли кун экан шекилли, хотинимнинг ҳам чеҳраси очиқ. Ана, ошхонада бир нарсаларни хиргойи қилиб, тушликка уриниб ётибди. Мен эса саҳифаларни бетма-бет тўлдирияпман. Ҳикоя битай деб қолди. У олис қишлоқда яшовчи, маънос нигоҳли, қалби пок, фариштадай беғубор Камола исмли бир қиз ҳақида. Режам бўйича, ҳикоя сўнгида қиз суйганига тегиб, бахтини топиши керак. Мен бахтли якун топган тақдирлар ҳақида ёзишни яхши кўраман. Пок муҳаббат ҳақидаги гўзал ҳикоя бўлади бу. Бўёғи оз қолди, ҳадемай битади.

Ногоҳ бўйнимда кимнингдир иссиқ нафасини сездим, сўнг омбурдай кучли ва совуқ қўллар бўғзимга ёпишди. Бир амаллаб ўрнимдан турдим-да ортимга ўгирилдим. Қаршимда У турарди! Кўзлари ёвуз чақнайди, ҳозиргина менинг қаршилигим туфайли бўғзимдан зўрға ажраган темир панжалари тагин аждаҳонинг оғзидай очилиб, мен томон чўзилаётир!

—А-ҳа! Ахийри кепсан-да, аблаҳ! — дедим тишларимни гижирлатиб, — ўзим сени кутиб турувдим! Сен менга йиллар бўйи тинчлик бермадинг, ҳар келганингда ум-

римнинг бир парчасини ўғирлаб, ғойиб бўлавердинг. Аммо, бугун сени бу ерга ажал ҳайдаб келибди! Кунинг битди сен ярамаснинг!

Шундай деб қўйнимдан пичоқни суғурдим-да, Унинг чап кўксига зарб билан урдим. Қон тизиллаб отилиб кетди, Унинг кўзлари олайиб, хириллай бошлади. Менинг қўлим жуда кучли, пичоқ сопиғача кириб кетганди. У оёғим остига гурсиллаб қулади. Ва шу лаҳза менинг ҳам чап кўксимда чидаб бўлмас оғриқ уйғонди, мадорим қуриб, кўз олдим қоронгилаша бошлади. Ҳаво етишмай қолди, оғзим катта очилди, кўксимни чангаллаган қўлларим эса иссиқ ва ёпишқоқ бир нарсага тегди. Қўлимни минг азобда сал кўтариб, нур сўниб бораётган кўзларимга яқинлаштирдим: қон! Бармоқларим қон эди! Онгим хиралашиб борарди. Атрофга сўнгги бор қарадим. Стол устидаги қозғозлар бетартиб сочилиб ётар, мен умримда илк бор илҳом билан ёзаётган асар, Камола исмли маъюс нигоҳли қиз ҳақидаги битмай қолган ҳикоя саҳифаларига қон сачраган эди! Гиламга йиқилдим, бўғзимдан ҳам қон варақлаб отилиб чиқди. Шуурим бутунлай хиралашиб, йўқлик дунёси сари кетишимга саноқли лаҳзалар қолганини қийинчилик билан англадим. Сўнгги кучимни жамлаб, кўзимни очдим. Тепамда менга жудаям таниш бир аёл (аммо кимлигини эслолмадим) ўтирар, алланималар деб додлаганча кўксимга чуқур санчилган пичоқни суғуриб олишга уринарди. Бирдан у ёш, навниҳол, маъюсгина, қоп-қора кўзли қизга айланди. Ичимдан иссиқ, кучли бир пўртана кўтарилиб кела бошлади, кўзларимдан тирқираб чиққан икки томчи ёш ёноқларимдан пастга думалади. Бемажол шивирладим:

— Камола... Мени кечир...

Ва унинг тўзғиган қора сочларини, қон сачраган оппоқ кўйлагини, аччиқ кўзёши билан ювилган мунгли нигоҳларини, битиб қолган қулоқларимга етиб келмаётган аламли фарёдини — барини нур сўниб бораётган қорачиқларимга жойлаб, ўзим билан АБАДИЙЛИК ОЛАМИГА олиб кетдим...

## ТАЗАРРУ БУЛОҒИ

Хаддан ташқари толиқдим. Юриш у ёқда турсин, ҳатто кўзимни очишгайм мадорим қолмади. Бу сарҳадсиз саҳрога етиб келгунча минг бора ўлиб-тирилгандирман. Не-не водийлар, шаҳару қишлоқлар ортда қолди. Кунлар, ойлар ва йиллар бир-бирини қувлаб ўтаверди, мен эса нақд ўлимни бўйнига олган, аммо, барибир мўъжиза содир бўлишига умид боғлаётган телбадек қайсарлик билан олдинга интилавердим. Йўлга чиққанымдан бери қанча вақт ўтганини аниқ билмайман, бироқ, тахминимча, мен сафарга отланган пайтимда туғилган гўдаклар ҳозир бўй етиб қолишгандир. Бунга исботлаш унчалик қийин ҳам эмас, чунки бир неча кун олдин ҳув анови тоғ этагидаги қишлоқ кўчасидан ўтаётиб, ортимдан болаларнинг «Бобо, қаёққа кетяпсиз, тўхтанг! У ёқда саҳро бор, холос!» дея қичқирганларини эшитдим. «Бобо» дейишгани менга эриш туюлгани йўқ, чунки нақ киндигимгача тушган соқолимнинг оппоқ эканлигини ўзим ҳам кўриб турардим.

Менга ўша саҳро, улар айтишган саҳро керак эди. Мен ана шу саҳрони топиш умидида йўлга чиққанман. Бу саҳро — менинг сўнгги илинжим. Жазирама саҳро ўртасидаги қадимий шаҳар қолдиқларини топиш, у ердаги Тазарру Булоғи сувида покланиш ва хотиржам жон бериш...

Булоқ тўғрисида менга кўп йиллар бурун қари Дарвеш ҳикоя қилиб берганди. У пайтлар мен улкан мамлакатнинг ҳукмдори эдим, қиличимдан қон томарди. Бир неча қўшни мамлакатлар менга бож-хирож тўлашар, лашкарларим мана шу саҳродаги қум зарраларидек беҳисоб, кўнглим янги ғалабалар иштиёқи билан ёнарди. Навбатдаги юришга ҳозирлик кўрилатган олатасир кунларнинг бирида саройга жулдур кийинган бир чол кириб келди. У мен босиб олмоқчи бўлаётган юртнинг элчиси сифатида ташриф буюрганди. Мен уни обдан мазах қилиб кулдим. Тўғри-да, элчи деганлариям шунақа жулдурвоқи бўладими! Бу чол фирт телбага ўхшайди! Айниқса, унинг сўзлари жуда ғалати эди. Айтишича, уни бу ерга қўшни подшоҳ жўнатмаган, аксинча, шоҳ уни йўлдан қайта-



ришга уринган, бироқ чол қайсарлик қилавергач, ноилож рози бўлган. Менинг одам зотига раҳм қилмаслигим етти иқлимга маълум эди-да. Қўшни подшоҳ эса бечора чолни аяган, албатта. Қолаверса, ўз юртида чолнинг яхшигина обрўси, машҳур Шоир деган номи бор экан. Мен эса буни эшитиб тагин қаҳ-қаҳ урдим. Кулмай бўладими! Ахир, мен ўз мамлакатимдаги охирги шоирни уч йил бурун осувдим-да! Олим, ҳофиз ва мунажжимларни эса олдинроқ қатл қилувдим. Бу тоифа кишилар салтанат учун ортиқча дахмаза бўлишади. Фингшишгани-фингшишган, уларга нима кераклигини ҳатто ўзлариям аниқ билишмайди. Ўшандан кейин мамлакат анча тинчиб қолувди. Бекорчи ғалағовурлар йўқ, одамлар кун ботиши билан уйларига кириб, эшик-деразаларни ёпиб олишади. Кўчаларга қабристон сукунати чўкади, ҳатто итлар ҳам воуллашмайди. Тартиб-интизом яхши нарса-да.

Хуллас, қари Дарвеш ўз ихтиёри билан мени огоҳлантиргани келибди. «Сен бу жангда мағлуб бўласан, лашкаринг тор-мор этилади. Пойтахтинг ер билан яксон бўлади, аҳли аёлинг, фарзандларинг қирилади. Мамлакатинг яйдоқ даштга айланади. Сен бир ўзинг қоласан. Бир ўзинг! Фалакнинг иродаси шу!» деди кўзларимга тик боқиб. Унинг бу дадиллиги мақтовга сазовор, албатта, аммо қуруқ сўздан не фойда? Аслида мен уни азбаройи қизиқувчанлигимдан саройга киритувдим, бўлмаса менинг рухсатимсиз сарой остонасидан чумоли ҳам ўтолмайди. Чолнинг гаплариниям азбаройи эрмак учун эшитдим ва суҳбат тугагач, уни азбаройи эрмак учун ... дорга остирдим. Аммо, омад мендан юз ўгиргани рост экан, чолнинг барча башоратлари тўғри чиқди: лашкарим қирилди, юртим таланди, яқинларим оламдан ўтишди, мен бир ўзим қолдим. Шаҳар четидаги қабристонда эски гўрларга яшириниб жон сақладим. Беш-олти кун ўтгач, бутун имконият бой берилганини англаганимдан сўнг ногаҳон кекса Дарвешнинг сўнги сўзларини эсладим. У ўлим олдидан, дор сиртмоғи бўйнига илинган пайтда айтганди бу гапларни: «Бу юртдан жуда олисда, водийлару тоғлардан нарида, кунчиқар тарафдаги улкан саҳронинг ўртасида Тазарру Булоғи бор. Ўша ерга бор, поклан. Шунда хотиржам жон берасан. Агар

булоқни топиб, покланмасанг бу дунёдан кетолмайсан. Юзлаб, минглаб йиллар шарпадай судралиб юраверасан, яшаш сен учун ҳақиқий азобга айланади. Булоқни топ!»

Жанг суронлари тиниб, атроф бир қадар тинчиган баҳор кунларининг бирида адашган арвоҳдай қабристондан чиқдим. Тонг бўзариб келаётган пайт. Ён-атрофимга минг аланглаб, йўлга тушдим. Ёндирилган уйларнинг харобаларидан ҳамон тутун буриқсийди, итлар ва ўлаксахўр кузғунлар байрам қилишаётир. Шаҳар теп-текис қилинган, на минораю гумбазлар ва на саройлар кўринади. Ҳатто, дарахтлар ҳам қурий бошлабди. Бу ўлик ва даҳшатли шаҳар оралаб ёлғиз мен, йигирма беш ёшли навқирон Шоҳ шарпадай кездардим. Шоҳ... Ватансиз, фуқаросиз, салтанатсиз, дўсту ёрсиз Шоҳ...ўз қисматимга аччиқ-аччиқ йиғладим, сўнг надомат ила кулдим. Мурдаларни еб, тўнғиздай семирган қонхўр итлар ва ўлаксахўр кузғунлар — менинг фуқароларим! Нақадар кулгули ва даҳшатли бу! Қарғиш теккан бу жойлардан тезроқ кетиш керак!

Йўлга тушдим. Кунлар кетидан кунлар ўтаверди. Одамлар яшайдиган манзиллардан, қўшни мамлакатлар ҳудудларидан ўтдим. Ажабки, шаҳар-қишлоқлар оралаб борарканман, ҳеч ким менга эътибор бермасди. Жулдурвоқи йўловчи билан кимнинг нима иши бор! Онда-сонда бирон кентда тўхтаб, нон-сув оламан, сўнг яна йўлга тушаман. Бир куни аллақайси қишлоқдан ўтаётганимда қандайдир йигит одамларга мени кўрсатиб, бақриб қолди: «Ановини қаранглар! Соясин йўқ! Соясиз бу! Арвоҳ бу, арвоҳ!» Одамлар худди моховдан қочгандек ўзларини четга олишди. Мен эса ортимга ўгирилиб қардим: дарҳақиқат, қуёш нақ пешонамдан тушаётган бўлса-да, ортимда соям йўқ эди! Соясиз... Ва бирдан Дарвешнинг гаплари ёдимга тушди: «Сен бир ўзинг қоласан. БИР ЎЗИНГ!» Бир ўзим қолдим, ҳатто соям ҳам мендан ҳазар қилди. Соям йўқ, демакки, мен ҳам йўқман. Унда бу ким? Ўлимтик чувалчангдай судралиб бораётган кимса ким ўзи? Ахир, мен бор эдим! Кўзим очиқ, қўл-оёғим бутун, куч-қувватим ҳали етарли. Мен ҳали навқирон йигитман! Улкан мамлакатни етти йил бошқардим. Ўн саккиз ёшимда ҳукмдор акамни қатл этиб, тож-тахтни ундан тортиб олганман.

Ўшандан бери етти йил ўтди, демак ҳозир йигирма беш-даман. Бўз йигитман, ахир! Бироқ, нега соям йўқ?!

Вақт шамоли эсиб ўтаверди. Кавушим тўзиб, пиёзнинг пўстидай юпқалашди, қўлимдаги ҳасса игнадек кичрайиб қолди, мен эса ҳамон олдинга интилардим. Тоғтошлару водийлардан, айқирган дарёлардан ўтиб, кунчиқардаги сахро сари боравердим. Озиб-тўзидим, сочсоқолим оқарди, кўзларимдан нур кета бошлади. Энди аввалги куч-қувватим йўқ, сал юрсам чарчаб қоламан. Охирги бурда нонни қачон еб, сўнги қултум сувни қачон ичганимни эслолмайман. Зеро, энди еб-ичмоққа ҳожат ҳам йўқ, чунки барибир ўлмаслигим аниқ. Энг муҳими, ўша сахрога етиб келдим! Дарвеш айтган сахро мана шу, юрагим сезиб турибди. Ботаётган қуёшга термулганча оҳ уриб, қумга қуладим. У илиққина эди, қақшаётган вужудим ором ола бошлади. Майли, энди дам олсам бўлади. Бу — охирги кечадир балки. Эртага ўша қадимий шаҳар харобалариниям, булоқнияма топаман. Сўнг эмин-эркин оёғимни узатиб, хотиржамгина омонатни топширсам бўлади. Ҳозир эса ухлаш керак.

... Қадимий шаҳар харобасини қийналмай топдим. Асрлар давомида шамолу ёғинлар таъсирида нураб, пастаккина бўлиб қолган қалъа деворларидан ошиб ўтдим. Дарвозани қидириб юришга вақтим йўқ. Кўз олдимда кенг майдон ястаниб ётибди. Атрофда дарахтлар, анвойи гуллар барқ уриб яшнади. Жонсиз саҳронинг ўртасида бундай баҳаво, хушманзара жойнинг бўлиши ҳеч ақлга сиғмайди. Ўн қадам наридаги деворлар ортида муттасил гувиллайдиган қум бўронлари, жазирама офтоб ва тирик жоннинг офати бўлмиш гармсел гўё тушдек... Майдон ўртасида атрофига тош терилган булоқ вақирлаб қайнаб ётибди. Сув булоқ теварагини яшил майсазорга айлантирган, шилдираган жилғачалар кўринмас йўллар орқали тагин ер остига сингиб кетаётир. Сўнги кучимни сарфлаб, судралганча булоққа яқинлашдим, юзимга салқин шабада урилди. Титраётган қўлларимни сувга чўздим, кўп йиллардан бери сув тегмаган ирkit бармоқларимга қумуш томчилар қўнди. Сесканиб кетдим, илон чаққандек сапчиб, қўлларимни тортиб олдим: ажабо, мен сувдан

қўрқардим! Гўё бу сув эмас, алангадек... Борлиғим, аъзойи баданим, онгим сувни унутган эди! Шуурумнинг туб-тубларидан юзага қалқиб чиққан ҳақиқат эса бу фикрни рад этди. Йўқ, аслида мен сувдан эмас, ўз-ўзимдан қўрқаман! Гуноҳларимни тан олишдан, покланишдан қўрқаман! Унда бунчалик машаққатли сафарга не ҳожат эди? Нега келдим бу ерга? Бу саволга энг тўғри жавобни мардона тан олиш қийин эди, бироқ иложим қанча? Дарвешнинг устидан сўнги бор кулиш, ҳеч қандай Тазарру Булоғининг йўқлигини исботлаш учун чиқмаганмидим аслида бу сафарга?! Ҳа, кирланган қалбимнинг олис бурчига яширинган ёвуз бир ишонч, булоқнинг йўқлигига бўлган ишонч бошлаб келди мени бу ерга! Лекин булоқ бор эди! Мана у, вақирлаб қайнаб ётибди! Дарвеш ҳақ экан, мен ютқаздим...

Минг машаққат билан, қўрқа-писа яна сувга қўл чўзим. Муздай томчилар бу сафар сескантирмади, аксинча, вужудимга ором бахш этди. Аста-секин қўлларимни билагимгача сувга тикдим. Борлиғим роҳат оларди. Увадага айланган кийимларимни ечдим, эски кулоҳимни бошимдан олиб, сувга тўлдирдим-да, устимдан қўйдим. Сув сочларимни, бўйним ва елкамни ҳўл қилди. Қулоҳни қайта-қайта тўлдириб бошимдан қуявердим. Ва бирдан ғалати бир ҳол содир бўлди: баданимнинг сув теккан ерларидан парча-парча бўлиб тери кўчиб туша бошлади! Худди илон пўст ташлагандек пўст ташлаётгандим! Воажаб, бу қандоқ мўъжиза! Кўчиб тушган тери остидан эса тоза, оқ-қизилга мойил соғлом, ялтироқ тери кўри-ниб турибди. Сочларим, соқол-мўйловим ўз-ўзидан тўки-либ, бир кучоқ похолдек оёғим остига тушди. Мен яшармоқда эдим! Шу топда гўё янги туғилган чақалоқдек бегуборман. Кўзларим равшанлашди, вужудимга қувват оқиб кирди. Бирдан ташналигим эсимга тушди, ҳовучимни тўлдириб сеҳрли булоқ сувидан қониб ичдим. Ва шу пайт... очлигим ёдимга келди. Демак, асл ҳолатга қайт-япман. Дарвеш айтганидек, энди бемалол ўлсам бўлади. Бироқ, қизиғи шундаки, кечагина бутун фикри-зикримни банд этган ЎЛИМ ИСТАГИ энди йўқ эди. Мен энди яшашни истардим!

Ўрнимдан турдим. Йиртиқ-ямоқ кийимларимни эгнимга илиб, булоқдан нарига кетдим. Ва ногоҳ... соямни кўриб қолдим. Соям бор эди! Ана у, бўйим билан баробар бўлиб чўзилиб ётибди. Демак, энди мен БОРМАН! ТИРИКМАН! Бироқ, бу тирикликдан не фойда? Бу ерда қолсам очликдан ўламан, ёлғиз сув билан тирикчилик қилиб бўлмайди. Борингки, қурт-қумурсқа, ҳашарот ва қушларни тутиб едим ҳам дейлик. Хўш, оқибат нима бўлади? Мен яна қонхўр ва ёвуз бир ёввойига айланаман. Қалъа деворларидан нарида эса ўша сарҳадсиз, жазирама саҳро ястаниб ётибди. У ерда уч кунга етмай ҳалок бўлишим аниқ. Бир нарсани юрагим сезиб турибди: тақдир мени то сирли булоқ бўйига етиб келгунимча омон сақлаб келди, энди эса унинг қафолат муддати тугаганди. У ўз масъулиятини зиммасидан соқит қилди. Саҳрода мени муқаррар ҳалокат кутаётир. Демак, биттагина чора қолди: ясси девор устида, ўлик саҳро билан тирик кўкаламзор чегарасида тинчгина ётиб, қазойи муаллақни кутиш...

Шу қарорга келиб, нураган деворга тирмашдим ва бирдан... уйғониб кетдим! Ҳайҳот, туш экан буларнинг бари! Туш! Ў-ў, ёмон алам қилди! Кўзимни ишқалаб, атрофга боқдим. Тонг отибди, мен саҳро этагида, туни билан совиган қум устида ётибман. Эгнимда жулдур кийимлар, соч-соқолим оппоқ, таёқдай озғин вужудим қалт-қалт титрайди.

Минг азобда ўрнимдан турдим, салқин шабада этимни жунжиктирди. Қаёққа, қайси тарафга юришни билмасдим. Олға юрай десам оёғим тортмайди. Мен ўша Тазарру Булоғини тополмай қолишдан қўрқмайман. Унинг борлиги ҳам, уни топишим ҳам аниқ. Уни топганимдан сўнг нималар бўлиши ҳам энди менга аён. Демак, олдинда мен учун ҳаловат йўқ. Ортга қайтайми? Шу ўй билан ортимга ўгирилдим. Кечагина олисда юксалиб турган тоғ ҳам, элас-элас кўзга чалиниб турган водийлар тархи ҳам энди йўқ эди. Буларнинг ўрнида қоп-қора, қуюқ туман девори қад ростлаганди. Бундан чиқди, ортга ҳам йўл йўқ. Олдда — тириклик булоғи ёнида очликдан ўлиш ваҳимаси, орқада эса сирли мавҳумлик. Қани мен излаган ҳаловат? Тинчгина ўлиш наҳотки насиб этмаса?!

— Йўқ, насиб этмайди! — деди кимдир амирона товушда. Чўчиб тушдим, атрофга алангладим. Ён томондаги кичикроқ бархан устида бир чол чордона қуриб ўтирибди.

— Дарвеш?! Ахир сен... сени осгандимку?!

— Ҳай нодон, — деди у бош чайқаб, — мени сенга ўхшаган юзлаб шоҳлар минглаб маротаба осишган, чопишган, ёқишган! Аммо, ҳозир гап бунда эмас. Муҳими шуки, энди сенга ҳаловат йўқ, тинчгина ўлолмайсан. Сен **ЎЗИНГНИ ЕНГОЛМАДИНГ**. Қулогинггача гуноҳга ботган бўлсанг-да, булоқ бўйига боргач дилингдан бир маротаба истиғфор туйғулари кечмади, тилингдан бирон марта «тавба» деган сўз учмади. Қилган гуноҳларингга пушаймон бўлмадинг, ўтмишингни, ёвуз кирдикорларингни бир зумда унутдинг. Булоқ сувидан ичгач яна **ЯШАШНИ ИСТАБ ҚОЛДИНГ**, ўлим ваҳимаси дилингни чулғаб олди. Кечагина сен Ажални интиқиб кутардинг, булоқ сувидан ичгач...

— Ахир мен ҳали булоқни топганим йўқ! — дедим титраб-қақшаб, — бу туш эди, туш!

— Бунинг энди аҳамияти йўқ, — деди у бамайлихотир, — топсанг-топмасанг натижа ўзгармайди. Оқибат маълум: булоқ бўйига боргач, қалбингни қатъият тарк этади, яшашни истаб қоласан. Орқага эса йўл йўқ. Тўғри, ортга қайтиш мумкин, бироқ келган йўл билан эмас... Демак, олдга ҳам, ортга ҳам юрмайсан. Ё булоқ бўйига борасанми?

— Йўқ-қ... — дедим дудуқланиб, — у ерда очликдан ўламан...

— Тўғри, — деди дарвеш кулимсираб, — олдинга ва орқага юрмайдиган одам эса фақат ён томонга юриши мумкин. Бу — оддий мантиқ. Сен менинг ортимдан **ЁН ТОМОНГА** юрасан. Буни тақдир чизиғи дейдилар. Энди сенинг нажотинг **АЖАЛДА** эмас, **ҲАЁТДА!** Энди сен тириклик мазмунини **ЎЛИМДАН** эмас, **ЯШАШДАН** қидириб кўрасан. Кетдик.

— Тўхта! — дедим унга қўл чўзиб. — Сен кимсан ўзи?

— Ҳалиям англамадингми? — аччиқ кулди у. Мен, бу — сен! Сенинг **КЕЛАЖАГИНГ!**

— А-а? Унда... Мен кимман?

— Сен олдин Шоҳ эдинг, энди Шоир бўласан. Охири бориб сени Дарвеш деб аташади. Бирор юз йиллар Шоир бўлиб саройларда, катта шаҳарларда яшайсан, ҳаёт мазмунини қидирасан. Топганингдан кейин эса Дарвеш бўлиб, қонхўр ва босқинчи Шоҳ олдига борасан. Огоҳлантиришингга жавобан у сенинг устингдан кулиб, дорга остиради. Сўнг у жангда мағлуб бўлиб, Тазарру Булоғини излаб йўлга тушади, сен унга худди шу ерда тагин дуч келасан. Тушуняпсанми?

— «Ортга қайтиш мумкин, фақат келган йўл билан эмас...» — дея унинг бояги гапини гўлдираб такрорладим.

— Баракалла, — мақтаб қўйди у, — қани, Шоир, кетдик.

— Кетдик... — дедим аста пичирлаб. Тилимга шеърий мисралар қўйилиб кела бошлади, боягидан-да секинроқ қилиб, илк шеъримнинг илк мисраларини ўқидим:

Билки, боқийлик йўлинда УМР — Карвон айланур  
Ким келар, кимлар кетар, ўткинчи даврон айланур...



## СУВОРА

— «Сувора»ни айтмоқчиман, — дедим Самандар отанинг кўзларига қарашга ботинолмай, ерга тикилганча. Унинг қорачиқлари бирдан кенгайиб кетгандек бўлди, пастки лабини қимтиб, бош чайқади.

— Сен бола... ўйлаб гапиряпсанми?

— Нима, катта авжини ололмайди, деб ўйлаяпсизми? — юрагимнинг тубида бир қайсар туйғу бош кўтарди, унинг гап оҳангидан мени камситадиганми ё ҳимоялайдиганми бир нарсани сезгандек бўлдим.

— Ундай деб ўйлаганим йўқ, ука, — деди Самандар оға ярмидан кўпи оқариб улгурган сочларини бармоғи билан тараб, — лекин... кел, қўй шу ашулани! Агар мақом

айтгинг келаётган бўлса «Дугоҳ» ними, «Ушшоқ»ними айтақол.

Қўлимга тор ушлаб, қўшиқ айтишни бошлагандан бери «Сувора»ни эл орасида айтмаган эдим. Бугунги концертда негадир айтгим келди. Юрагимни эрталабдан бери нотаниш бир ҳис ўртайди, ҳеч қандай сабаб бўлмаса-да, йиғлагим келаверади. Тўғри келган кишини қучиб, елкасига бош қўйгим, қалбимнинг қоронғи бурчакларида яшириниб ётган аллақандай номсиз дардларни изҳор этгим келаверади. Олдин ҳам бир-икки бор шу ҳолатга тушганман, лекин бу сафаргисига чидашим қийин бўлаяпти. Самандар оғанинг ўжарлиги ярамга туз сепгандек бўлди. Нима, менга ишонмаяптими? Тўғри, «Сувора»ни айтиш осон эмас, аммо мен уни аввал ҳам айтганман-ку! Рост, саҳнада, халқ олдида айтганим йўқ, уйда ўзимча уч-тўрт марта машқ қилдим. Тўхта-тўхта, анови кунги икки воқеа... ўшанда жўрам Азиз доирада усул бериб турди, мен «Сувора»ни бошладим. Бир пайт Азиз сакраб туриб кетди.

— Ҳа, нима бўлди? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Билмадим, тўсатдан санчиб кетди, — дея кўксини гижимлади у.

Ўша кунни тушдан сўнг яна машқ қилиб ўтирувдим, нарироқда бир нарсаларни ямаб ўтирган момом уришиб берди:

— Э-э, қўясанми сен бола шуни ё йўқми? Айтсанг шўхроғидан айт!

Ҳозир Самандар оғанинг эътирозини эшитиб, ана шу воқеалар хаёлимдан ўтди. Демак, мен бу қўшиқни маромига етказиб айтолмас эканман-да! Азизнинг тўғриси айтишга бети чидамаган, бир баҳона топиб туриб кетди. Ундай бўлса, момом-чи? У «Сувора»ни, қочиримлару авжни қаердан билсин? Балки билар, балки менга момомдан ўтгандир қўшиққа меҳр. Хўш, Самандар оға нега қаршилиқ қиляпти, ё уям тўғриси айтишга тортиндимикан...

— Уста, айтақолай шуни... Камчиликсиз бўлади, қўрқманг, — дедим яна.

— Бекаму кўст айтишингга ишонаман ука. Мен бошқа нарсадан чўчиб турибман. Кел, гапимни қайтарма...



— Нима учун, ахир?  
— Эртага, бир жойга олиб бораман сени, ўшанда тушунасан.

Концерт тугагунча кайфиятим жойига тушмади. Самандар оғанинг машинасида уйга қайтдик. Йўл бўйи у чурқ этмади, бир-икки берган саволларимга ҳам қисқагина жавоб қайтарди. Машина дарвозамиз олдига келиб тўхтагач, у менга синовчан тикилди:

— Хафа бўлдингми? Айтдим-ку, мен сенинг яхши айтишинга ишончим комил, аммо... Хуллас, эртага тушдан олдинроқ келиб, олиб кетаман, уйда бўл. Хайр энди.

Хонамга киргач, энг биринчи қилган ишим магнитофонни қўйиш бўлди. Комилжоннинг шикаста, лекин шиддаткор овози юрак-юрагимга оқиб кирди. Ечиниб, ўзимни каравотга ташладим. «Сувора» мени ўзининг сеҳрли оҳанги билан ўрай бошлади:

... Фигонким, даҳри дун ичра рафиқе топмадим огоҳ,  
Қаён борсам бўлурлар гулувашлар ҳамдаму ҳамроҳ,  
Тиларлар баҳра мандин, ман тилаб топмам биридин, ваҳ  
Не баҳра топқаман андинки, мандин истагай баҳра,  
Ўзи ҳам баҳраманд ўлмас, мани ҳам баҳраманд этмас.

Нечун бундай бўлаётир, э худойим! Вужудим лаҳза сайин майдалашиб, ер бағрига сингиб бораётирман. Манови кўзларимдан оқаётган ёшми ёки қонми? Ўзимни кимнингдир оёғи остига отгим, ер ўпиб тавалло қилгим келди: раҳм қил менга, шафқатингни дариф тутма! Мен кичкинаман! Э, майдаман, хокисору камсуқумман, ахир! Мен сенга бош эгаман, у дунёю бу дунё бетингга тикланиб қарамайман. Раҳм қил, шафқат қил менга... Э худойим, мен ўзи кимман, кимнинг фарзандиман!? Қайси элнинг боласиман, менинг миллатим не ўзи? Нечун бунча титраб-қақшаётирман, не учун йиғлаяпман?! Туриш керак, ҳозироқ ўчириш керак бу матоҳни!

Қалтираётган бармоқларим магнитофон тугмачасига етиб боргунча бир аср вақт ўтгандай бўлди. Минг азобда кассетани суғуриб олиб, бошқасини қўйдим. Висоцкийнинг ўжар ва ўктам овози қулоқларимга етиб келгачгина вужудимга қувват ва ғайрат қайтиб кела бошлади. Қал-

бимнинг аллақайси бир бурчида минг йиллардан бери мудраб ётган қайсар исён оби ҳаёт ичган илондек аста бош кўтара бошлади. Боягина жисму жонимни ўртаган ёқимли ва ҳузурбахш титроқ қайгадир йўқолди. Қўлларим мушт бўлиб тугилди, атрофдаги барча нарсани синдириб, остин-устун қилиб ташлагим келди. Шу алпозда яна бир оз ўтирсам, қичқириб юборишимни ногоҳ сезиб қолдимۇ газаб билан магнитофон тугмасини босдим. Шиддатли ва исёнкор овоз тинди, бўғзимни чангаллаётган кўринмас панжалардан қутулиб, каравотга қуладим...

Самандар оға келганда ҳам, кетганда ҳам момом ундан кўз узмай тикилиб ўтирдилар. Мен кийиниб машинага чиқаётганимда момом Самандар оғани имлаб ёнига чақирди.

— Самандар, болага унақа оғир қўшиқларни ўргатма. Кўнглим бир ёмон нарсани сезгандай бўлаяпти.

Мен Самандар оғанинг «Э-э, қўйсангиз-чи!» деб эътироз билдиришини кутгандим, аммо у қўлини кўксига қўйиб:

— Хўп, момо. Биламан, — деди жиддий.

Йўлда қанча сўрамай, биронта тайинли гап айтмади. Қўшни Қорақўл тумани ҳудудига ўтганимиздан сўнг, гайратим янада кучайди.

— Қаёққа кетаяпмиз ўзи?!

— Ҳозир биласан, — деди у кулимсираб, — бир оз шошма!

Йўл четидаги қийшайган симёғочни кўриб, бир нарсаларни эслагандай бўлдим.

— Шу қишлоққа бир тўйга келувдик-а, тўғрими? — дедим.

— Баракалла, эсингга тушибди. Келувдик, олти ойча бўлди шунгаям.

Икки тарафи тераклар билан ихоталанган тор кўчага бурилиб, девори нураган пахса уй олдида тўхтадик. Ҳовлидаги кекса тут остига ёғоч кат қўйилган, нуроний бир чол тасбеҳ ўгириб ўтирибди. Салом-алиқдан сўнг чол навбати билан иккаламизнинг ҳам кўзимизга қаттиқ тикилди. Сўнг пиёладаги совуқ чойдан хўплаб, яна кўзларини юмди. Бир оздан сўнг сўради:

— Самандаржон, болани кимгадир ўхшатыпман...  
Қарилик қурсин...

— Бова, бу укамиз қўшиқ айтиб бермоқчи сизга. Ҳозир... — у шундай деб торни қўлимга тутқазди. Бу қанақаси бўлди? Шундан шунга бир нотаниш чолга қўшиқ айтиб берамиз, деб келган эканмиз-да! Самандар оға бўлса қатъият билан шивирлади:

— Бошла!

«Феруз»ни бошладим. Тўрт қаторгина айтувдимки, чол қўли билан «тўхта» дегандек ишора қилди. Сўнг кўзимга яна боягидай қаттиқ тикилиб сўради:

— Шоҳмуродбойнинг неварасимисан?

— Ҳа, — дедим чолнинг синчилигига қойил қолиб.

— Айтдим-ку, танишга ўхшайди деб. Бованг худо раҳматли қалин жўрам эди. Эҳ-ҳе, қандоқ одам эди! Овози-чи, овозини айтмайсанми! Сениям овозингдан танидим-да, болам. Шоҳмуроднинг овози бу, айнан ўзи!

Қизиқ бўлдику, демак, бобом ҳам ашула айтган эканлар-да! Қўшиқ айтишни бошлаган кезларим момом бир-икки марта «Бобонгга тортдинг сен бола, уям финғиллаб юрарди» деб қўювди, аммо манови чол таърифлаганчалик зўр ҳофиз бўлганликларини билмаган эканман.

— Бова, бу бола «Сувора»ни айтаман деяпти, — деб қолди бир пайт Самандар оға.

Хаёлга чўмиб ўтирган чол бирдан бошини кўтарди, хиралашиб қолган кўзларида ҳайрат ва қўрқув экс этарди. Тавба, нимадан бунчалик чўчиди экан? «Сувора»нинг нимаси ёмон? Умуман, бу қўшиқнинг бобомга ва манови қарияга нима алоқаси бор?

— «Сувора»ни?! — чол ҳамон қулоқларига ишонмагандай менга ҳайратомуз тикилди. Кейин оҳиста қўшиб қўйди. — Ҳай, майли. Айтсин! Айт болам!

— Бова! — боягина чолнинг кўзларини тўлдирган қўрқув шарпаси энди Самандар оғанинг қорачиқларига кўчди. — Нималар деяпсиз?!

— Қўй, Самандар, айтаверсин. Керак жойида ўзим тўхтатаман, — чол кўзларини юмиб, бошини қуйи солди. Уларнинг нега тортишаётганликларини тушунмасам-да, ўртада бир сир борлигини қандайдир савқи табиий билан

англадим. Шу пайт қария айт дегандек ишора қилди. Товушим титраб, қўшиқни бошладим:

На гурбатларни чекдим чархи бибунёд, дастингдан,  
Давом мотамда бўлдим, бўлмадим дилшод дастингдан,  
Тамоми хонумоним ўлди чун барбод дастингдан,  
Ки ман ҳар қайға борсам дод этарман, дод дастингдан,  
Ҳамма обод бўлди, бўлмадим обод дастингдан...

Қўшиқ айтяпман-у, кўз олдим хиралашиб бораяпти. Қулоғимга ўз овозим эмас, аллақайлардан отларнинг дупури, қиличларнинг шарақ-шуруғи ва кимларнингдир инграган хаста товушлари эшитилади. Кўксимни биров оғир босқон билан босар, юрагимни темир омбур билан суғуриб олмоқчи бўларди. Минг машаққатлар билан кўзимни очиб, Самандар оғага қарадим. У пастки лабини маҳкам тишлаб ўтирарди, икки томчи ёш юзларидан пастга юмалаб туша бошлади. Бир пайт чол титраётган қўллари сал кўтарди. Қўшиқни тўхтатдим. Қария манглайига қалқиб чиққан терни қўлидаги рўмол билан артиб, беҳол ёнбошлади.

— Бова, нима бўлди, мазангиз қочдими? — дея кўзгалди Самандар оға.

— Йўқ, болам, ўтиравер, — деди чол хаста товушда, — қариликда, қарилик. Унча-мунча нарсани юрак кўтаролмайди энди.

У шундай деб, қадини сал кўтариб, ўнгланиброқ ўтирди. Сўнг қўли билан оппоқ соқолини тутамлаб, менга юзланди.

— Бобонгнинг қандай ҳофиз бўлганини айтдим-ку сенга. Овозига ҳар қандай юрак ҳам дош беравермасди. Энди қулоқ сол, сенга бир воқеани айтиб бераман. Ўттизинчи йил эди, янглишмасам. Иккаламизнинг ҳам йигирма яшар бўз йигит пайтларимиз. Ўша йили мен уйландим. Тўйда бобонг қўшиқ айтди. Иккита ашуладан сўнг «Сувора»ни бошлади. Вағир-вуғур қилиб ўтирган хотинхалаж, бола-бақра — ҳаммаси жим бўлиб қолди. Қўшиқнинг бир жойига келганда Султон чўлоқ деган одамнинг юраги санчиб, йиқилиб қолди. Аввалига ҳеч ким эътибор бермади, чунки юраги чатоқроқлигини ҳамма биларди-

да. Кичик авжида яна бир кампир ўзидан кетиб қолди. Бу сафар ҳам кўпчилик ҳеч нарсани тушунмади, кампирни суяб олиб чиқиб кетишди. Аммо менинг қўнглим бир нарсани сезгандай бўлди. Шоҳмуродни тўхтатай десам, ноқулай: куёвман ахир! Бунинг устига вужудимга ғалати бир титроқ югурди. Билмадим, буни қандай ифода-далаш мумкин? Қалбимни ўртаб бораётган бу дард, бу ширин азоб шунчалар роҳатбахш эдики... Қўшиқнинг катта авжига етганда ёнимда келин бўлиб ўтирган Қирмизой гуппа қулади. Тўс-тўполон бўлиб кетди, кимдир сув келтириб келиннинг юзига пуркади. Аммо Қирмизойнинг жони чиқиб улгурган экан... Тўй азага айланди. Шоҳмурод ўзини ерга отиб, фарёд чекди, сўнг ўзини ўлдирмоқчи бўлди. Одамлар ҳай-ҳайлашиб, қайтариб қолишди. Шундан кейин у ҳеч қаерда қўшиқ айтгани йўқ. Бу орада иккаламиз ҳам урушга кетдик, манглайда бор экан, қайтиб ҳам келдик. Шоҳмурод бир умр ўзини менинг олдимда гуноҳкор санаб юрди. Аммо мен уни айбламайман, болам. Овозни одамзотга худо беради. Қўшиқнинг ҳам одамни ўлдирганини ҳеч ким эшитмаганди. Бунинг устига, бобонг қиёматлик жўрам эди... Кўп йиллар ўтиб, ўлар чоғи мени чақиртирди. Борсам сўнгги нафасларини олаётган экан.

— Жўра, — деди шивирлаб, — мен сенинг олдинда... кечир мени...

— Қўй энди шу гапларни, Шоҳмуродбой, — дея уни юпатдим. Сенинг айбинг йўқ. Мана, яна уйландим, болачақа, уй-рўзғор қилдим. Қирмизойнинг жони Яратганининг ўзига керак экан, омонатини сен орқали, сенинг овозинг орқали олди... Хотиржам бўл, жўра, сендан хафа эмасман!

— Ўғлимни сенга... уни авайла, жўражон. Қўшиқ айт-тирмадим шу пайтгача, сенам хабардор бўлиб юр... Айтмасин. Айниқса, «Сувора»ни... Унинг овози унчалик эмас, аммо уям фарзанд кўради бир кун... Бу нарса суяк суради барибир... Невараларимдан биронтаси ҳофиз бўлиб етишса.. Қараб юр, жўра... Худо сенга узоқ умр берсин... «Сувора»ни айтишмасин... Хуш қол, жўра... Рози бўл мендан...

— Мингдан-минг розиман, жўражон, — дедим йиглаб. Ана шундай бўлувди, болам. Дарвоқе, унинг ўзини ҳам шу қўшиқ олиб кетди оламдан.

— Қандай?.. — дедим ҳайратим баттар ошиб.

— Қасамни бузган экан-да у, қўшиқ айтмасликка, айниқса, «Сувора»ни айтмасликка қасам ичувди. Боя айтдим-ку. Аммо Қарши тарафга бир тўйга борганда қариндошлари қистаб, ҳеч қўйишмабди. Ўзиям сал-пал ичган эканми, билмадим, ишқилиб, «Сувора»ни йиглаб-йиглаб айтибди. Қўшиқни тугатгач, кўксини ғижимлаб қолибди. Бир оз ўзига келгач, «кетаман-кетаман»га тушиб қолибди. Умр поёнига етганини юрак сезади-да, болам. Уйини, аёлини ва ўғлини кўриб ўлай деган. Қишлоққа келгач, уч кун ҳам яшамади раҳматлик. Нақ қирқ ёшда кетди-я... Ундан бир ўғил қолди, сенинг отанг. Уям ёшлиқда унда-бунда хиргойи қилиб юарди, аммо бобонг ташвиш қилганчалик ҳофиз чиқмади ундан. Ана, бўй етибсан сенам, қўлингга саз олибсан. Бобонг тўғри айтган экан, суяк сурибди. Боя овозингни эшитган заҳотим вужудимдан ўт чиқиб кетди. Раҳматлик Шоҳмурод жўрам тирилиб келдимикан деб ўйладим. Қонда бўлса ўтар экан-да. Оллоҳнинг қудрати чексиз, буюм унинг бир мўъжизаси-да. Дарвоқе бобонгнинг ўзиям отадан бир ўғил эди...

— Менам бир ўғилман ота-онамдан, — дедим пичирлаб. Эшитган гапларимни ақлимга сиғдиролмай анчагача чурқ этмадим.

— Энди тушунгандирсан кеча қаршилик қилганимнинг сабабини? — дея сўради Самандар оға бир оздан сўнг. Индамай бош қимирлатдим.

— Ҳа-а, болам, сенинг овозингни бобонгникидан ажратиб бўлмайди, — деди чол салмоқлаб, — шунинг учун «Сувора»ни, умуман, оғирроқ қўшиқларни айтмаганинг маъқул...

Уйга қайтаётиб ҳам анчагача қариянинг гапларини қайта-қайта тарозига солиб кўрдим. Бир пайт Самандар оға гап бошлаб қолди.

— Боя ўзинг айтдинг-ку, шу қишлоққа тўйга келганмиз деб. Ўшанда чол овозингни эшитган экан, тўйхона унинг қўшнисиникида эди. Тўйдан сўнг мени чақиртирди,

сўраб-суриштирди, сўнг ҳамма гапни айтиб берди. Қария асли ўз қишлоғимиздан, бир сабаб билан Қоракўлга кўчиб келган. Отанғиям яхши танийди.

— Мен бир нарсага тушунмай турибман, — дедим у гапини тугатгач, — қўшиқ, овоз кишини ҳушидан кеткизиши, ўлдириши мумкинми? Бунақасини эшитмаган эканман, товба!

— Умуман, — деди Самандар оға ўйчан, — ана, чол тирик гувоҳ. Оппоқ соқоли билан сенга ёлғон гапирмас, ахир! Умуман, одамзод деганинг бир мўъжиза, чол тўғри айтди. Худо одамзодни яратганда унга ҳамма нарсани берган. Овоз ҳам бир қурол аслида. Аллақаерда ўқигандим, қайсидир бир асрда Самарқандга ёв бостириб келади. Подшоҳ қарасаки, душман мўр-малахдай кўп, бас келиш қийин. Амирларини, уламоларини тўплаб маслаҳат қилибди, лекин ҳеч кимдан жўяли бир гап чиқмабди. Шунда бир ҳофиз ўртага чиқиб, ёвни ўзи қайтаражагини айтибди ва масхаралаб қулувчиларга эътибор бермай, душман қароргоҳига йўл олибди.

Ёғий сарқардаси эрмак топилганидан хурсанд бўлиб, аскарларини бир ерга тўплабди-да ҳофизни ўртага чиқариб, қўшиқ айтишни буюрибди. Ёз пайти, ой кундуздай ёритиб турган бир кеча экан. Ҳофиз қўшиқни-қўшиққа улайверибди, тонг отгачгина тўхтатибди. Қарасаки, ёвларнинг бари кўксини чангаллаб жон таслим қилишган! Бир ўзи катта бир қўшинни енгиб, Самарқандга қайтибди. Воқеадан хабар топган шоҳ ҳофизга умрининг охиригача етгулик мол-дунё ҳадя қилибди-ю, бундан сўнг қўшиқ айтмасликни буюрибди. Сенинг овозинг ҳам ана шунақа хавфли овоз, эҳтиёт бўлмасанг, кимнингдир умрига зомин бўлишинг мумкин.

— Қўйсангиз-чи, — дедим қулимсираб, — бу бир афсона-да!

— Ҳар қандай афсонанинг тагида ҳам ҳақиқат ётади, шуни унутма. Умуман, халқ бир нарсани билмаса гапирмайди. Овознинг қудрати зўр, у ҳатто ўликни тирилтириши ҳам мумкин. Ана, Исо пайғамбар нафас қилиб, мурдаларга жон бағишлаган-ку! Эсингдами, «Гиря»да шунақа бир сатр бор: «Масихдек бир боқишда мурда жисмим зиндалар қилдинг...» Ана шу гап Исойи Масих ҳақида.

— Демак, овоз билан кўп ишлар қилиш мумкин экан-да...

— Ҳа, аммо уни фақат яхшиликка ишлатиш керак. Худо бундай овозни ҳар кимга ҳам беравермайди. Овозни тарбиялаш ҳам керак, тарбияда гап кўп. Лекин илоҳийдан бермаса минг уринсанг ҳам бекор. Овоз деган нарсанинг тўқсон фоизи Яратганининг марҳамати, қолгани ўзиники. Менам бир пайтлар кўшиқ айтардим, биласан-ку. Қарасам, бўлмайдиган. Аккордеонга ўтиб кетдим...

— Энди, мен нима қилишим керак? — дедим анчадан сўнг, — енгил кўшиқларни жиним суймаса, мақом айтиш мумкин бўлмаса...

— Нимага мумкин эмас, мумкин. Фақат «Сувора»ни, яна бир-иккита оғир кўшиқларни айтмайсан. Сен ўзинг сезмайсан, овозингда одамнинг юрагини ёндирадиган бир нарса бор. Қандайдир товланиш, титроқ, каттакон бир дард бор. Кеча концертда «Ушшоқ»нинг катта авжига чиққан пайтинг бу ёқда мени титроқ босди. Бармоқларим пардаларга ёпишиб қолгандай бўлди... Ўша йиллар, бобонг кўшиқ айтган замонларда одамлар қийналиб яшаган, уларнинг сабр косаси тўлиб турган, бобонгнинг овозидаги нолаю фиғон ўша косани тошириб юборган. Бир имо, бир туртки етишмай туради баъзан...

— Оға, кеча Комилжонни бирпас эшитдим. Ўлиб қолишимга сал қолди. Эзилиб кетдим. Негадир ҳар сафар шундай бўлади. Висоцкийни тинглаб, бир оз ўзимга келдим, аммо у ҳам ақлдан оздиради мени бир кунмас бир кун.

— Энди-и, кўшиқни тинглай билиш учун нозик таъб, ҳассос қалб ҳам керакда, жигар. Ана, Комилжоннинг ёки Шералининг ашулаларини эшитиб, бемалол ароқ сипқориб ўтирадиганлар ҳам кўп. Лекин сен билан биз бифарқ эшита олмаймиз. Ўзи бизнинг мақомларимиз одамни эзиб юборади-да... шунча дард, алам, нола...

Ишқилиб, бизнинг кўшиқларимизда шарқона одоб, вазминлик, сокинлик кўпроқ. Ўрисларда эса жангарилик, шиддат, исён кучлироқ. Висоцкийни энди, айтмасаям бўлади. У йигирманчи асрнинг Девонаи Машраби!..

Бир ҳафта иситманинг зўридан алангайи-оташ бўлиб ётгач, кўзимни очдим ва ўша тонгда дилимга чуқур



ўрнашган қарор мени тузатганига имон келтирдим: мен «Сувора»ни ҳеч бўлмаса, бир маротаба айтмасам бўлмайди!

Тушдан сўнг Самандар оғани излаб бордим. Сўрашиб бўлгач, у ниятимни сўзсиз англади-ю, индамай торни қўлимга тутқазиб, ҳовлига чиқиб кетди.

Қўшиқни тугатгач, қалтироқнинг зўридан тарақлаётган тишларимни маҳкам қисиб, судралиб кўчага чиқдим. Жисми-жонимни эритган бояги оташдан қутулиш учун йўл бўйидаги қудуқнинг муздай сувидан тўйиб сипқордим. Кўзларим равшанлашди, вужудимни забтига олаётган титроқ босилгандай бўлди ва шунинг баробарида шууримга теран бир ҳақиқат нури оқиб кирди: бу биринчи ва охири айтишим. Энди қалб чидамайди. Чидаганда ҳам, мени тинглайдиганлар орасида дилхаста одамлар кўп...



## ХИЁНАТ

Ётиб қолганимга бугун қирқ кун бўлди. Шу кунлар ичида ўзимдан ўтгани ўзимгаю худойимга аён. Ёндим, оташ бўлиб ёндим! Бир қудуқнинг сувини ичиб тугатдим-ов! Гўё ичимда етти бошли аждар бору етти оғзидан баравар аланга пуркайди.

Сал ўзимга келган кунларим барини эслаб кўришга ҳаракат қиламан, аммо иситманинг зўридан хаёлларим туш билан, алаҳсираш билан аралашиб кетаверади. Қайта-қайта зўр бериб, ахийри бу чигал ипнинг бир учини топгандек бўлдим.

Ўшанда бундан роса қирқ кун олдин мен биринчи бор катта саҳнага чиқдим. Томошагоҳ лиқ тўла, одамларнинг қўлларида гул. Менга аталган гуллар. Олдинги қаторда ота-онам, хотиним, дўстларим ўтиришибди. Отам хотиржам, у менга ишонади. Онам бечора ҳадиксираб, юрак ҳовучлаб ўтирибдилар. Биринчи қўшиқни тугатдим,

қарсақдан зал ларзага келди. Гуллар ёғилди, одамлар, мухлисларим мени олқишлашаётир. Хотиним биринчи бўлиб гул келтирди. Кўзлари жиққа ёш, кўкси ҳаяжондан кўтарилиб тушади.

— Акмал ака сиз, зўрсиз! — деди у қўлларимдан маҳкам ушлаб.

Негадир шу топда унинг тезроқ саҳнадан тушиб кетишини истадим. Юзлаб бегона кўзлар, ҳирсу ҳавас, орзу ва ҳасад тўла нигоҳлар унга қадалганда юрагимга минглаб игналар санчилгандек бўлди.

«Чоргоҳ»ни айтиб бўлгач, онамга қарадим. Онагинам энди қадларини тиклаб, ифтихор туйғуларидан маст бўлиб ўтирибдилар. Дадиллашдим, тиззаларимдаги қалтироқ босилди. Энди залнинг орқа деворига эмас, одамларнинг кўзларига қарадим. Тор бирдан енгиллашди, бармоқларим пардалар узра равон суза бошлади. «Феруз»нинг катта авжига қийналмай чиқдим, қалбимнинг туб-тубларига бир ҳаловат оқиб кирди. Оҳанг ўз домига тортган сайин кўзларим юмилиб борарди.

... Ул гул юзинг шавқи билан шайдо кўнгил шому саҳар,  
Булбулдек айлар минг наво юз навъи фарёд устина.

Йиллар, ойлар ва кунлар кўз олдимдан бир-бир сузиб ўтаверди. Наргиза билан илк учрашув, ниҳоясиз суҳбатлар, энтикишлар, талпинишлар, бўсалар... Сўнг ота-онамнинг қаршиликлари, изтироблар, менинг уйдан чиқиб кетишим, тоғамнинг насиҳатлари... Кейинроқ эса тўй ва ниҳоят, илк висол кечаси... Мисралардаги ҳар бир сўз оҳанг ва дард билан қўшилиб, жон-жонимга сингиб борарди. Суякларим симобдай эриб оқди, ҳар бир нола, қочирим ва титроқ томчи-томчи бўлиб ўша симоб денгизига бориб қуйилди. Жисмим эса ана шу нур дарёсида олис-олисларга оқиб кетди...

Кўшиқнинг сўнгги байтида кўзим очилди. Очилдию, залнинг ўртасида икки юлдуздай порлаб турган кўзларга тўқнашди. Атлас кўйлақда бир қучоқ гулдай бўлиб ўтирган фариштанинг кўзларидан таралаётган илоҳий ёғду қорачиқларимни куйдириб юборди. Бу қарашда ғурур, кибру ҳаво, сўнгсиз меҳр ва садоқат, хокисорлик ва му-

телик, шу билан бирга таърифга сиғмас бир нафрат му-  
жассам эди. Икки юлдуздан нурланиб-нурланиб келаёт-  
ган жоду қўшиғи менинг қўшиғимни ерпарчин қилиб  
ташлади. Ўзимга ўзим ачиниб, кўзимни олиб қочмоққа  
уриндим, аммо кўзларим менга бўйсунмадилар. Бу қараш  
ичимни куйдириб юборди, гўё энг азиз нарсамдан ай-  
рилгандек, энг яқин кишимга хиёнат қилгандек, вужу-  
димдан хижолат терлари булоқдай қайнаб чиқди. Хотир-  
рам қасрининг чанг босган бурчакларини титкилай бош-  
ладим, аммо бу кўзларни қаерда ва қачон кўрганимни  
эслай олмадим. Ҳарқалай, у менга жудаям таниш, уни  
яқиндагина кўрганман. Лекин қани энди эслай олсам!..

Қўшиқни зўрға тугатдим. Концерт охиригача парда  
ортида қандай ўтирганимни билмайман. Ота-онам, Нар-  
гиза ва ўртоқларимнинг қуршовида кўчага чиққанамда  
бояги қиз дугонаси билан нарироқдаги мажнунтол тагида  
турганини кўрдим. Мени кутиб турибди, бу аниқ. Яна  
кўзларимиз тўқнашди, яна жон ипим «ширт» этиб узи-  
либ кетгандек бўлди.

— Акмал ака, сизга нима бўлди? — дея шивирлади  
Наргиза. — Нима бало, анови қизни...

— А-а? Ҳа-а, қўйсангчи, Наргиз... — шундай деб  
ғўлдираганча машина эшигини очдим. Шу пайт дугонаси  
бояги қизнинг қўлидан торта бошлади.

— Бўлди, энди, Гулойим, юрақол! Кетайлик!

Миямда чақмоқ чаққандай бўлди. Гулойим деган исм  
қулоқларимдан кирдию хотира гулханларининг куллари  
орасидан ўчай-ўчай деб турган чўғларни топиб, пуфлаб  
ёндириб юборди. Жисму жоним аланга олди, қалбимнинг  
қоронғи бир бурчагида яшириниб ётган кўзгу «ярқ» этиб  
ёришди. Ҳаммасини эсладим, ҳаммасини!

Уйланишимдан уч ой олдин кўрувдим бу тушни. Ота-  
онам Наргизага уйланишимга рози бўлмай, икки ўт ора-  
сида қоврилиб юрган кунларим эди. Аразлаб, беш-олти  
кун тоғамларникида ётиб юрдим. Худди ўша кунларнинг,  
тўғрироғи, тунларнинг бирида ғалати бир туш кўрдим.

Жазирама сахронинг ўртасида катта бир дарё айқириб  
оқаётганмиш. Мен дарёда чўмилиб, офтоб қиздирган қум-  
да роҳатланиб ётганмишман. Дарё шовуллаб, ўз тилида

алланималарни куйлади. Бир пайт сахро осмонида улкан калхат пайдо бўлди, унинг устида... бир қиз бор эди! Калхат пастлаб, дарё бўйига қўнди. Атлас кўйлакли, сочлари белига чирмашган, оху кўзли гўзал қиз калхатнинг устидан тушди. Тавба, одамни кўтарадиган калхат ҳам бўлар экан-да, дея ҳайрон бўлдим. Сулув қиз эса бир-бир босиб менга яқинлашди.

— Исиб кетдим, чўмиламан, — деди у менга жилмайиб ва ечина бошлади.

Аввал атласдан тикилган кўйлак-лозимини, сўнг тун-кўйлагини ечиб ташлади. Анграйиб қолганимни кўриб яна кулди. Сийнабандини ечмаса керак, ҳарқалай, тортинар деб ўйлаб турувдим, бир буралиб унияма ечиб қумга отди. Эй, худойим, шуям одам боласимикан, дейман ўзимга-ўзим. Беихтиёр унга қўл узатдим, уям шуни кутиб тургандай учиб келди-да, оғушимга кирди. Сочлари бўйнимга ўралди, дунёни унутдим... Бир оздан сўнг ҳолсизланиб қумга чўзилдим. У эркаланиб сўради:

— Наргиза яхшими, менми?

— Сен яхшисан! — дедим ҳансираб. — Сен ҳаммадан яхшисан жоним!

— Гулойим деб айт, менинг отим Гулойим.

— Гулойим, — дедим унинг кўзларидан ўпиб, — қандоқ чиройли исм!

— Мен сени кўп изладим, — деди у шивирлаб, — ахийри топдим...

Момиқ оёқлар яна оёқларимни қитиқлай бошлади, нозик қўллар бўйнимга ўралди. Тағин туйғулар сел бўлиб оқди, борлиқ ажиб бир қўшиққа тўлди. Бир-биримизга тўймай туриб, қош қорая бошлади.

— Мен кетаман энди, — деди Гулойим кийинаркан, ҳўл сочларини силкитиб жилмайди. — Қўй ўша Наргизани, менга уйлан. Кўрдингми, мен қандоқ яхшиман! Сенга ёқдимми?

— Ажойибсан! — дедим унга ёпишиб. — Кетма, яна бирпас қол!

— Уйланасанми менга?! — деди у охирги марта кўзларимга тикилиб.

— Албатта, уйланаман! Эртага яна кел!

— Йўқ, эртагамас, кейинроқ... Сўз бер менга!

— Сенга уйланмасам йигит эмасман, Гулойим! Сени топаман, барибир топаман! Мени ташлаб кетма!

— Агар сўзингдан қайтсанг, ўзингга ёмон бўлади. Хайр энди.

Калхат қизни миндириб учиб кетди, мен эса саҳро-нинг қоқ ўртасида ёлғиз қолдим. Дарё ҳам ғойиб бўлди. Атрофда сонсиз барханлар, қумлар орасидан бош суяк-лари оқариб кўринади. Бошим оққан томонга кетавердим, охири тинкам қуриб, юзтубан йиқилдим...

Уйғонганимда бошим лўқиллаб оғрир, ташналикдан томоғим қақраб кетганди. Икки-уч кун ўйлаб юрдим-у, сўнг ғалати туш ҳам, гўзал қиз ҳам хаёлимдан кўтарилди. Кўп ўтмай ота-онамга худо инсоф бердию мен Наргизага уйландим.

Ўша куни концертдан уйга қайтгач, кечгача гарангсиб юрдим. Овқат томоғимдан ўтмади, хобгоҳга кириб ётдим. Хаёллар минг тарафга тортқилади, бошимда санчиқ турди. Бунақа тасодифни умримда биринчи бор учратишим. Ақл бовар қилмайди. Наргиза ёнимга келиб ётганида аҳволим тобора оғирлашиб борарди. Унга ҳаммасини айтиб бермоқчи эдим, аммо нимадир йўл бермади. Жонсиз ҳайкалдай шипга қараб ётавердим. Хотинимнинг эркалашлари юрагимда сўниб бораётган ўтни сал кучайтиргандек бўлди. Кўзларим олдида қумлоқ соҳил, Гулойимнинг келишган қомати ва аллаловчи нигоҳи пайдо бўлди... Наргизани ютоқиб ўпа бошладим.

— Секинроқ, Акмал ака, нафасим қайтиб кетди, — деди у бир пайт нозли товушда. Шилқ этиб тушдим, қумлар орасида тиржайиб турган бош суяклари кўзимга кўриниб кетди. Ҳеч нарсага ярамай қолдим. Икки томчи ёш юзларимдан пастга думалади.

— Жиннилик қилманг, нега йиғлайсиз, Акмал ака, — деди хотиним кафтлари билан кўз ёшларимни артиб. — Бугун чарчадингиз, кўп ҳаяжонландингиз. Мен хафа эмасман... Ажойиб қўшиқлар айтдингиз, мен сиз билан фахрланаман, жоним... Сиз яхшисиз... Майли, ухланг, бугун бўлмаса... эртага...

Хотинимнинг иссиқ кўксига бошимни қўйиб йиғладим, у эса сочларимни, юзларимни меҳр билан сийпаларди...

Эртасига кеч уйғондим. Наргиза туриб кетибди. Отам ҳозир «Кун тепага келди, шу пайтгача ётадимиз одам» деб тўнғиллаётгандир. Юрагим ҳаприқиб, ўрнимдан турмоқчи бўлдим, аммо на оёқларим ва на қўлларим ўзимга бўйсунарди. Негадир қўрқмадим, ҳаммаси худди шундай бўлиши керакдек, хотинимни чақирдим. Лекин, афсуски, томоғимдан овоз ўрнига тушуниб бўлмайдиган бир хирқираш чиқди, холос...

Мана, шунга ҳам қирқ кун бўлди. Ётибман. Беш-олти кун иссиғим кўтарилади, уч-тўрт кун тушгандай бўлади, шунда ўзимни сал енгил сезаман. Ота-онам бир неча дўхтирларни олиб келишди, аммо биронтаси ҳам маънилироқ гап айтгани йўқ. Бу дардни оламдаги ҳеч қайси табиб даволай олмаслигини ёлғиз ўзимгина биламан. Наргиза йиғлай-йиғлай озиб, чўп бўлиб кетди. Унга раҳмим келади, юпатмоқчи бўламан, бироқ товушим чиқмайди. Ана синиқ жилмайиб, эшикдан кириб келди.

— Кўчада бир кампир турибди, сал ғалатиноқ. Бу ерликка ўхшамайди. «Эринг қирқ кундан бери тўшакда ётибди, мен уни кўришим керак» дейди. Кўзлари ёмон, Акмал ака...Аммо товуши... бир майин...

«Бошлаб кел» дея ишора қилдим. Бир оздан сўнг у бошдан-оёқ қора кийинган бир кампирни бошлаб кирди.

— Сен энди чиқиб тур, қизим. Биз икки оғиз гурунглашамиз, — деди у.

Наргиза истар-истамас чиқиб кетди. Кампирнинг учи пастга қайрилган бурни, ичига чуқур ботган кўзлари жуда таниш кўринди. Сон-саноқсиз ажинлар юзини тўрдай ўраган, тишсиз оғзи ҳар очилганда ўрадай қорайиб кўринади. Аммо, овози ростдан ҳам одамни аллалаётгандек эшитилади.

— Кўп гапирмайман, болам, қулоқ сол, — дея гап бошлади у, — қирқ кун ётдинг, ўйлаб кўриб, қилган гуноҳингга иқроор бўлгандирсан. Бу дардга даво йўқ. Ўлмайсан, узоқ умр кўрасан, лекин тўшакдан туролмай, бошқаларга дардисар, тирик мурда бўласан. Бу дарднинг ёлғиз чораси бор — хотинингни қўйиб, ўша тушингда кўрган қизга уйланасан! Қирқ кун олдин сен уни кўрдинг, у бор бу ҳаётда, у тирик. Бир қарорга келиб, кўнглинг

УНИНГ ИШҚИ БИЛАН ТЎЛГАН КУН қўл-оёғинга дармон кириб, тилиннинг тушови ечилади. Мени танимадинг, қўзларингдан сезиб турибман. Гулойимни дарё бўйига миндириб борган, сизларнинг висол онларингга гувоҳ бўлган ўша Калхат менман. Энди мен қайтдим, болам, яхшилаб ўйлаб кўр.

Кампир чиқиб кетди, Наргиза йиғлаб келиб ўзини менга отди.

— Ҳаммасини эшитдим, Акмал ака, эшик ортида туриб эшитдим. Мен... розиман, жоним... Тузалиб кетсангиз бўлди. Розиман... Узоқдан бўлсаям соғ-саломат юрганингизни кўрсам бас... Қўшиқларингизни эшитиб юраман. Бир умр... Хўп денг, Акмал ака, хўп денг...

Наргиза узоқ йиғлади. Аммо, уни юпатай десам овозим чиқмайди, сочларини силай десам, қўлларим қимирламайди.

Қош қорайиб бораётир. Умримдан яна бир кун ўтди. Юрагимда икки ҳис талашади, бу кураш қачонгача давом этиши эса ёлғиз Яратган Эгамгагина аён...



## ЖАЗО КУНИ

*Аниқ Рўй Бергувчи... Ўша Аниқ Рўй Бергувчи  
нимадир? Эй Муҳаммад, Сиз Аниқ Рўй  
Бергувчининг нима эканлигини қаердан  
билурсиз?*

(Қуръони карим, «Ал-ҳоққа» сураси)

Товуш бемисл эди, бетимсол эди, сарҳадсиз Коинотни қоқ иккига бўлиб юборгудай кучли ва даҳшатли эди. Тоғлар ларзага келиб, портлади, уваланиб, кулдай совурилди. Кўз илгамас уммонлар қайнади, куйдиргувчи томчилар осмонга сапчиди. Тўлин ой парчаланиб, чексиз фазонинг олис бурчакларига сочилиб кетди. Юлдуз тўла

осмон кўздан йўқолди, унинг ўрнида тунд, қоп-қора бўшлиқ пайдо бўлди. Замин тўлғоқ тутган аёлдек тўлғанди, оҳ тортди, бағридан оловли фавворалар отилиб чиқди. Кўз илғамас култепалар, харобалар аро юракларни вас-васага тўлдиргувчи бир фарёд кезарди. Ниҳоят, ер ёрилди! Бошдан-оёқ қизил либосга ўранган Суворий алвон рангли тулпорда, қўлида ялтироқ шамшир тутганча чиқиб келди. Чеки-чегараси йўқ кенгликлар узра чалажон чумолилардай гимирлашиб юрган одамлар нигоҳи унга қадалган бир лаҳзада... фалак ҳам қарсиллаб овоз берди! Хўмрайган қоп-қора бўшлиқ оралаб нурли чизиқ кўринди. У зум ўтмай заминга етиб келди-да, ёйила бошлади. Эсдан оғиб, гоҳ ерга, гоҳ кўкка боқиб турган одамлар нигоҳи олдида оқ кийимли Суворий пайдо бўлди. Сочлари елкасини қоплаган, соқоли кўксига тушган Оқ Суворий қўлидаги узун асони баланд кўтарди. Тутаб ётган далалар, қуриган дарёлар оша учиб келган Қизил Суворий лаҳза ўтмай унинг ёнида пайдо бўлди. Энди улар ёнма-ён туриб, ғарб томонга боқишарди. Офат ўзини кўп қуттирмади: уфқ қонталаш тусга кирди, сўнг қорайди. Ўша ёқдан бир балои азим бостириб келаётгани аниқ эди. Икки Суворий, икки биродар елкама-елка туришиб, балони қаршиламақда эдилар. Бўрон ўкирди, тупроқ, қум ва кул бамисли сел каби одамлар устига ёпирилди. Тирик жон борки, бошини тўғри келган кавакка тикмоққа шошилди. Улуғ Жанг, Сўнгги Олишув бошланмоқда эди. Бағриқон, жафокаш замин охирги маротаба титраб, жон ҳовучлаганча тек қотди. Аммо, у биларди:

Бу ИНТИҲО эмасди.  
Бу — ИБТИДО эди...

... Сукунат улкан тегирмон тошига ўхшарди. У ҳар қандай ғала-ғовурдан кўра шафқатсиз бўлиб, ер узра тинмай айланар, Улкан Муҳорабанинг хотимасини кўришга идроклари, руҳлари бардош беролмай, яримжон кўрсич-қонлардай миллионлаб тешик-туйнукларга беркинган одамларни ақдан оздирарди. Сукунатнинг совуқ бармоқлари юракларниғижимлар, эзилган анордай диллардан



чак-чак қон томчиларди. Вақт туйғуси йўқолган, зеро Сўнгги Кураш учун ажратилган муҳлат Макон ва Замондан холи эди. Қанчалик қўрқинчли бўлмасин, ҳарқалай, сукунат бағрида умидбахш нимадир бор эди. Чунки, қасирғалар тинган, майин бир шабада талотўплардан зада бўлган заминнинг бетларини сийпаламоқда эди. Улуғ Жанг қачон тугаганини ҳеч ким билмаса-да, унинг қандай яқун топгани тўғрисида ана шу илиқ еллар хабар келтиришганди. Аммо, узоқ давом этган ғалаёнларни ҳушёр ақл билан кузатишни эплаган одамлар сезиб туришарди: бу Сукут замирида нимадир бор...

Ниҳоят, кўпдан кутилган нур ёмғири бошланди. Заррин қатимлардай чўзилган нурли ёмғир заминга сингар, нур келиб тушган ерда эринчоқ бир ҳаракат бошланарди. Ер кўтарилиб-тушар, тупроқ жон киргандай қўзғалар, гўё қиш бўйи заминнинг илиқ бағрида ётган уруғлар ёрилиб, офтобга талпинаётгандек эди. Атрофда эса ажиб бир ҳарорат, ғалати бир ҳолат ўз ҳукмронлигини бошлаётганди. На иссиқ, на совуқ, на қуруқ ва на нам бўлган бу уйғунликни ҳали ҳеч ким кўрмаганди. Минг йиллар давомида юз минглаб олиму уламолар ҳам ўз тажриба-хоналарида ярата олмагандилар уни. Бу сеҳрли мутаносиблик, бу сирли мувозанат Одам Ато замонидан бери кўрилмаган, бироқ, кутилган эди. Ваъда қилинган иш амалга ошди. Ишониб кутганлар бахтиёр, ишонмаган ва кутмаганлар лол эди.

Заминнинг кўзи ёриётганди. Нурли томчилар келиб тушган ерлар кўпчиди, буғланди ва ер бағридан бўлажак янги ҳосил нишонлари кўринди. Эндигина қаваклардан чиқиб келган одамларнинг кўпчилиги ишонч ҳосил қила бошлашди:

Бу ҳали ИНТИҲО эмасди.

Бу — ИБТИДО эди...

... Уйғониш азоби оғир эди. Тупроқ оралаб сизиб кирган олтин ёмғир суви гўё ақлли жонзотдек, устухоннинг ўзига керак қисмини зумда топди. Умуртқа поғонасининг нақ ўртасидаги думалоқ суяк қобиқ, миллион йил ўтса-да, тупроқ остида бутун турганди. Асрларнинг шафқатсиз

намлари, тузлари ва шамоллари емиролмаган суяк қо-биқни олтин ёмғир томчиси бир лаҳзада эритди-да, ичка-рига кирди. Жавҳар, тириклик жавҳари уйғонди. Бироқ, уйғониш азоби қаттиқ эди. Бўртиб турган куртак барг ёзгандек, олтин томчидан нурланган жавҳар ёйила бош-лади. Бу ерда мураккаб формулаларга ва ёки узундан-узоқ илмий шарҳларга ҳожат йўқ эди, барча иш олдин-дан белгилаб қўйилганди. Куртак ёрилди, дастлаб ғунча, сўнг япроқ пайдо бўлди: аввал бош, сўнг тана ва қўллар, ниҳоят, оёқлар кўринди. Вақт туйғуси йўқолди, зеро, ушбу жараён маконда кечаётган эса-да, Замондан холи эди...

... У ўзининг кимлигини ҳали билмасди. Ниш урган гиёҳ ерни ёриб чиққандек, у ҳам тупроқдан аста бош кўтарди. Кўзлари илк бор оламга боқди. Олам харобазор эди, аммо у чиройлию хунук, ободу барбод нималигини ҳали билмасди. Атрофга қаради: бийдай далада кўкариб чиққан майсалар янглиғ бошлар заминдан изма-из, бе-тўхтов чиқишарди. Унинг ўзи каби янги вужудлар, сиёҳ тегмаган оқ қоғоз мисол тоза юраклар... Чексиз-чегарасиз кенгликларда, бир пайтлар шаҳар ё қишлоқ, уммон ёки тоғ бўлган, ҳозир эса сарҳадсиз текисликка айланган бор-лиқда оламлар ўсиб чиқишарди. Улуғ Жангни кўрган, сонсиз каваклардан чиқиб келиб, бу мислсиз жараёни томоша қилаётганлар эса лол эдилар. Қариб-чириган, шал-вираб қолган тирик мурдалар галаси бу навқирон, дур-қун вужудларга ҳавас ва ҳасад билан боқишар, тупроқ ёриб чиққанлар эса эндигина оёққа турган болакайлар-дай қимирлаб туришарди. Аслида уларни ҳали бола деса ҳам бўларди, уларнинг барчаси ўн тўрт — ўн беш ёшлар-даги ўсмирлардай бўйсира эдилар. Елкалари кенг, му-шакдор йигитчалар ва нозик қоматли, сийналари бўртиб қолган расида қизлар...Улар ҳали ҳеч НАРСАНИ билиш-масди. Бироқ...

... Бу ёмғир олдингисидан ҳам ғалатироқ эди. Нуқра рангли нур ёмғири ўспиринлар бошига тушар, нур тек-кан вужудлар ҳаракатга келишиб, айланишни бошлаш-моқда эди. У ҳам кўп қатори у ёқдан-бу ёққа юрар, вақт ўтган сари, нур теккан сайин онгини қоплаган зулмат чекиниб, мавҳумлик пардаси кўтариларди. У тобора ўсар,

куч-қувватга тўлар, бироқ, тафаккури ёришиш баробарида узук-юлуқ туш каби хотиралар кўз очмоқда эди. Атрофида ҳам ўзи каби бўй чўзаётган, аммо аламли хотиралар исканжасида қийналаётган одамларни кўрди. Идроки тиниқ тортди, унут бўлган воқеалар қайта юз кўрсатди, уни уят, надомат олови жизғанақ қила бошлади. Бутун умри бир лаҳзада кўз ўнгидан ўтди, қилган ўнлаб, юзлаб гуноҳлари юрагини омбурдай исканжага ола бошлади. Кўзларидан дувиллаб ёш қуйилди, у омоч билан ағдарилгандай ўйдим-чуқур ерга ўзини отди. Бошидан тупроқ сочиб, дод сола бошлади. Ниҳоят, у ўзининг КИМЛИГИНИ англаганди...

— Маҳ-шар-гоҳ-га!!!

Бу гулдираган товуш оламини ағдар-тўнтар қилиб юборди. Увадаларга ўранганча каваклардан чиқиб келганлар ҳам, фарёд қилганча ерда тўлғанаётганлар ҳам бир зум нафас ютишди. Юракларга совуқ ваҳима ўрмалаб кирди, кўзёшлар тинди. Тақдир ҳукми қаттиқ эди, ҳамма нарса олдиндан белгилаб қўйилганди. У атрофга қўрқинч билан аланглади: одамлар йўлга тушишмоқда. Эскилар ҳам, янгилар ҳам итоаткор эдилар. У кетишни истамасди, даҳшат қалбини ҳам, томирларию миясидаги ҳужайраларни ҳам забт этганди. Кошки эди қайтадан замин бағрига кира олса! Бироқ, ер энди теп-текис, зарангдек қотган эди.

Издиҳом йўлга тушди. Миллиардлаб жон сарҳадсиз кенгликларни тўлдириб боришар, кўзга кўринмас бир куч уларни олдинга тортарди. У ҳам ғимирлаб бораётган гуноҳқорлар сафига қўшилди. Улуғ Сафар бошланди. Аммо...

... Бу ҳали ИНТИҲО эмасди.

Бу — ИБТИДО эди.

Қабул қилишга тасаввур ожиз бўлган, ҳатто хаёлот ҳам қамраб ололмайдиган сўнгсиз издиҳом худди ўзидай бетакрор ялангликни банд этди. Беҳисоб жонлар юрак ютиб ниманидир кутишарди. Балки ҳозир осмондан чақмоқ тушиб, барчани кул қилар? Эҳтимол, миллиардлаб юракларни ваҳимага тўлдираётган, вужудларни ипсиз боғ-

лаган сеҳрли куч йўқолиб, ҳар ким ўзига бир макон излаганча тарқалиб кетар? Ҳа, ростдан ҳам чақмоқ чақди. Фақат осмонда эмас, онгларида. Зеро, бу тўдага овоз, садо ҳайф эди. Тасаввур ва идрок оламини ерпарчин қилиб, таҳлика исканжасида турган онглари мағлуб этиб, СЎЗ чақмоғи гулдуради.

— АЙТИНГЛАР-ЧИ, МЕН СИЗНИНГ РОББИНИЗ ЭМАСМАНМИ?!

Маҳшаргоҳ уввос тортиб юборди. Энди шубҳага ўрин қолмагани, бу КУН муҳаққақ эканлиги аниқ бўлди. Миллиардлаб юракларда, онгларида бир пайтнинг ўзида янграган бу сўзсиз САВОЛ, бешафқат зарба урган бу чақмоқ барча иккиланишларни забун этиб, гумонларга сўнгги нуқтани қўйди.

Фақат, бу ҳам ИНТИҲО эмасди.

Бу — бор-йўғи ИБТИДО эди, холос...



## АЖАЛ ШАРОБИ

«Чиройли йигит экан... — дея хаёлидан ўтказди у рўпарасида қимтинибгина ўтирган йигитга боқиб, — қошқўзлари, киприklarини қаранг... Худди қиз боладай... Раҳматли Собир акамга ўхшаб кетар экан...» У беихтиёр бундан олти ой бурун автомобиль ҳалокати туфайли ҳалок бўлган эрини эслади. Ҳа, Собир акаси уни чексиз гамандуҳ ва айрилиқ комига ташлаб кетди. Ёлғиз ўзини... Уч ойгина турмуш қуришди, холос. Ҳатто бўйида ҳам бўлмайд қолди. Агар биттагина фарзанди бўлганида ҳам ... Дунё шу экан-да...

— Уйга қайтыпсизми? — сўради у поезднинг юришига монанд тебраниб ўтирган йигитдан.

— Ҳа, хизмат сафаридан. Ўзингиз-чи?

— Ўқишдан қайтыпман, малака ошириш курсидан. Шифокорман. Сиз...

— Фирмада ишлайман, — деди йигит жилмайиб, — Россиядан келяпман. Компьютер техникасини келтириб сотиш билан шуғулланаман.

— Ҳа-а... — аёл жимиб қолди. Қош қорая бошлади. Поезд бир маромда илгариларди. Йигит чўнтагидан газета олиб ўқий бошлади.

— Қани, нима гап экан оламда, нималар ёзишибди? — аёл кўйлаги ёқасидаги боғични бир оз бўшатди. — Иссиқ бўлди-ей!

— Бу ўрисча газета, Москвадан олувдим. Шу-у, ҳар хил гаплар... Ўқишни яхши кўраман.

— Менам кўп китоб ўқиганман... қизлигимда.

— Ҳозир-чи? — йигит унга синовчан тикилди.

— Ҳозирам ўқийман-у, олдингидай эмас. Иш кўп, вақт йўқ.

Эшик очилиб вагон назоратчиси кўринди.

— Ассалому алайкум, яхши келяпсизларми? Билетларни бир кўриб қўяйлик...

— Марҳамат, — йигит чиптасини узатди. Аёл ҳам сумкасини очди. Назоратчи кетиш олдидан сўради:

— Бирон нарса керак бўлса, тортинмай айтаверинглар? Негадир йўловчилар кам бугун, вагонлар қарийб бўш.

— Чойнинг иложи борми? — деди йигит.

— Албатта, ҳозир олиб келаман.

— Сиз овора бўлманг, ўзим бораман.

Йигит чой дамлаб келгунча аёл кийимини алмаштириб, дастурхон тузаб улгурганди. Нон, пиширилган товук, помидор, бодринг — буларнинг барини бежиримгина қилиб териб қўйди.

— Ўҳ-ҳў, зўрку! Нақ ресторан-а! — йигит шундай деб чойнакни столчага аста қўйди...

— Чой ичадиган бўлсак ростакамига ичайлик-да.

— Яшанг, опа! Кечирасиз, отингизни айтмовдингиз...

— Феруза менинг исмим... — аёл унга синовчан тикилди.

— Раҳмат, меники Латиф. Аслида Абдуллатиф, лекин ҳамма Латиф дейди.

— Осонроқ-да шуниси. Пичоғингиз борми?

— А-а? — йигит бир нимадан чўчиб кетгандай илкис бошини кўтарди.

— Пичоқ дейман. Мановиларни тўғрашга-да, — аёл унинг содалигидан кулиб қўйди.

— Ҳа-а... Бору, сал... бошқачароқ-да, — йигит кўзларини пирпиратиб, «дипломат»ни ковлай бошлади.

— Қандай «бошқачароқ»?

— Мана, — у пичоқни ғилофдан суғурди.

— Вой! — дея хитоб қилди Феруза, — Ханжарку!

— Ҳа, ханжар. Москвада туғилган кунимни нишонлагандим, Кавказдан келган дўстларим совға қилишди.

— Беринг-чи... — аёл пичоқни авайлабгина олди, бир оз томоша қилгач, гўшт тўғрай бошлади.

— Эҳтиёт бўласиз-да ... — деди йигит аллақандай хорижий ёрлиқ ёпиштирилган ароқни столга қўяркан.

— Ўткир экан... Ия, ароқми? Мен ичмайман, — аёл шундай деб бодринг тўғрашга тутинди.

— Эрмакда бу, вақт ўтказиш учун. Йўл олис, иш йўқ, — йигит унга синовчан тикилди, сўнг икки дона апелсин чиқарди.

— Эҳ-ҳе, буёғи хорижий бўпкетди-ку!

— Ҳали яна бор, — деди йигит кулимсираб ва бир бўлак колбаса билан гулдор қутида шоколад чиқарди.

— Ўн кишига етадиган бўлди, — аёл пиёлаларга чой қуйди. Латиф аллақайдан бир жуфт жажжи қадаҳ олди, ароқни очиб, қуя бошлади.

— Менга қуйманг.

— Э-э, шунақамас-да энди, — у Ферузага ўпкалагандай қаради, — нима мен сизга, бир ўзим ичиб...

— Ичолмайман-да... — аёл нима қиларини билолмай, деразага боқди. Қоронғу тушиб қолган, симёғочлардаги чироқлар лип-лип ўтарди.

— Ароқ эмас бу, виски. Жуда хуштаъм, озроқ ичиб кўринг.

Феруза қўллари титраб қадаҳни олди. Гарчи гап-гаштакларда сал-пал ичиб юрган бўлса-да, ҳозир кўнгли бир оз гашлангандай бўлди. Бегона одам, эркак киши, бунинг устига, ёлғиз иккови... Ёш йигит, ким билсин, кўнглида нима бор? Тўғри, у раҳматлик Собир акасига

жуда ўшар экан. Ҳатто овози, қилиқлариям! Тавба, худонинг қудрати-да бу. Кўзлари жуда самимий, меҳрибон боқади. Бундай нигоҳ эгасидан ёмонлик чиқмас...

— Қани, олдик. Саломат бўлайлик! — йигит бир кўтаришда қадаҳни бўшатиб, товуқ гўштидан газак қилди. Феруза қўрқа-писа икки қултум ичди, сўнг «нима бўлса бўлар» дедию охиригача сипқарди.

— Оҳ-ҳ! — у жонҳолатда колбасага қўл узатди.

— Шунчаликми? Аччиқ эмас-ку. Мана, шоколад.

— Раҳмат. Олинг, оч қолгандирсиз.

— Оляпман, — йигит ростакам овқатланишга киришди. Кейинги қадаҳда Феруза унча ялентирмади, у сархуш бўла бошлади. Дастурхон йиғиштирилгач, йигит яна кўлига газета олди. Аммо ер остидан аёлга бот-бот қараб кўяр, кўзлари унинг дуркун қомати, очилиб қолган этакларидан кўриниб турган оппоқ оёқларига тушганда беихтиёр пастки лабини тишлаб кўярди.

— Намунча ёпишдингиз шу газетага, менга берингчи! — деди аёл эркаланиб ва унинг кўлидан газетани олиб, варақлай бошлади. Тўртинчи бетни бир оз ўқиб, кулиб юборди.

— Ўқидингизми?

— Нимани?

— Мана бу хабарни-да. Аллақандай маняк ҳақида ёзибдиларку. Тавба, шу Россия газеталарида ғалати нарсаларни ёзишади-да. «Сексуалний маняк» эмиш! Ғирт уйдирма!

— Ким билади, балки ростдир.

— Кўйсангиз-чи, Латифжон! Кўриниб турибди-ку ёлғонлиги. Рост бўлса нега шу пайтгача ушлашмабди ўша учарни?

— Осон деб ўйлайсизми? — йигит жилмайди.

— Ҳозир милиция кучайиб кетган, «бир» дегунча ушлайди бунақаларни. Қаранг, зап ёзишади-да. Унга олтинранг сочли аёллар ёқар экан, чунки ўлдирилган етти аёлдан олтитаси олтинсоч экан!

— Сиз қорасоч бўлсангиз ҳам жуда гўзалсиз...

— Йўғ-ей..? — аёл карашма билан кулди. — Бошим айланяпти. Кўп ичвордим-да...

— Қўйсангиз-чи, жиндай ичдингизку! — йигит унинг ёнига ўтди. Аёлдан сеҳрли бир ҳарорат тараларди. Унинг қўшиқ айтгиси, рақсга тушгиси, йиғлагиси келарди. Юраги тўрида вулқондай портлаб бораётган туйғуларини сиртига чиқармасликка уринар, бироқ йигитнинг қўлларидан баданини сийпалаган сайин бўшашиб, кўзлари юмилиб борарди.

— Латифжон, қўйинг...

— Жоним... — йигит унинг халати белбоғини аста ечди.

— Латифжон, эшик...

— Қулфладим, биз ёлғизмиз... Бунча чиройлисиз, Феруза!

— Сиз...Сиз чиройлисиз... Худди Собир акамдай... Оҳ-ҳ, Собир акажон... — аёл бошини ёстиққа ташлади...

Ярим соатлардан сўнг улар бир-бирларини маҳкам қучганча беҳол ётишаркан, аёл аста кулди.

— Ҳм-м, нима бўлди? — сўради йигит.

— Анови маняк...у ҳам аввал аёлларнинг... васлидан тўйиб, кейин ўлдирар экан...

— Қўйинг энди ўшани, — Латиф шундай деб уни аста ўпди.

— Нимага ўлдираркан-а, Латифжон?

— Пул учун-да. Аввал айш қилади, сўнг ўлдириб, пулини, тақинчоқларини олиб кетади... Ҳозир, бир чекиб олай, сиз ётаверинг.

У аста ўрнидан туриб, сумкасини ковлай бошлади. Жисми ҳам, қалби ҳам ором олаётган, олти ойдан буён эркак вужудини соғиниб ўртанган аёл ширин керишди:

— Ишқилиб, уста экан.

— Нега?

— Ҳалигача қўлга тушмабдику.

— Қўлга тушмайдиам.

— Қандай?..

— Айтдим-қўйдим-да, — Латиф тамаки тутатди, сўнг яна сумкасини кавлай бошлади.

— Унга олтинсоч аёллар кўпроқ ёқаркан... — деди Феруза хаёлчан.

— Мақолани ёзган журналист адашган.

— Нега энди?



— Чунки, менга қорасоч аёллар ҳам ёқади!  
Деразадан тушган ой нурида кавказча ханжар совуқ  
ялтиради...



## ФАРИШТА ҚЎЛИ БИЛАН

— Тўхта! Қўлингни кўтар!

У қоққан қозикдек қотиб қолди. Дақиқанинг мингдан бир улушичалик вақт ичида миясидан милёнта фикр ўтди. Ниҳоят, сал ўзига келиб, ўгирилди: кекса тут дарахти панасидан аввал тўппончанинг учи, сўнг кичкина қўл ва охирида ўғилчасининг жилмайиб турган чеҳраси кўринди. Миясига қон тепа бошлади, бироқ ўзини босди: нима десин бу бегуноҳ гўдакка? «Ўғлим, ўтакамни ёрдинг! Бунақа бемаъни ҳазилни энди такрорлама!» десинми? Унга қаттиқ гапиролмайди. Мумкин эмас. Дўхтурлар огоҳ-лантиришган: бир оғиз қаттиқ гап ёки ҳаяжон боланинг хаста юрагига машъум таъсирини ўтказиши мумкин. Бола эса... Бола барибир бола-да, бунинг устига, яккаю ёлғиз фарзанд. Эрка бўлиб ўсди.

— Қани, тўппончангни бир кўрай-чи? Ким олиб берди бунни? — у чўнқайиб ўтирганча қучоғини очди. Болакай чопқиллаб келиб, унинг бўйнидан қучди.

— Онам обердилар! — деди тўппончани узатаркан.

— Онанг? Ўҳ-ҳў, зўрку! Қурғур, худди ростакамдай!

Ҳақиқатан ҳам тўппонча ростакамига ўхшарди. Унинг кўз олдида қамоқхона, маҳбусларни ҳайдаб бораётган мелисаларнинг қўлларидоги тўппонча гавдаланди.

— Ма, ўйнайвер, — деди у ўғлини ўпиб, — эҳтиёт бўл, ҳаммани кўрқитма.

— Кўрқингизми? Ур-рей, эртага яна кўрқитаман!

Бола чопқиллаб уйга кириб кетди. У жилмайиб, гараж томон юрди. Машинани юргизиб, кўчага чиқаркан, сўнгги

ойда бўлиб ўтган воқеалар беихтиёр бир-бир ёдига тушаверди.

Ўшанда, тўрт йил олдин, уни суд қилишганда Қайтмас ҳам залда ўтирувди. «Сени барибир ўлдираман, — деди Қайтмас эшик олдида турганча. — Агар сўзимдан қайтсам, отамнинг арвоҳи урсин!» Унинг эса омади келди: енгил жазо, бунинг устига икки йилдан сўнг чиққан амнистия. Мустаҳкам алоқалар ўз ишини қилди-да, бўлмаса у ҳали-бери турмадан чиқолмасди. Суд ҳам ишни роса кавлади бошида. Ва охирги хулоса шу бўлдики, агар қиз ўзи рози бўлмаганида, уни зўрламасди ҳеч ким. У эса «Уйланаман, боқаман, қарайман» деди. Хуллас, иш енгил кўчди. Мана, эсон-омон қайтиб ҳам келди. Оила-сига ҳам қараяпти, Назокатга ҳам.

Бундан тўрт йил олдин у номи чиқиб бораётган тижоратчи эди, пули кўп, алоқалари кенг, кайфу сафони яхши кўрарди. Назокат унга котиба эди. Қизнинг ўзида ҳам гап бор-да, «юр» деса бўйнидан боғлангандек изидан бораверадим. Ёш йигит, мағрур, орқа-олдини ўйламайди. Бунинг устига, ресторандаги ўтириш, сўнг яширин квартирадаги лаззатли онлар... Ишқилиб, қиз лаққа тушди. У эса кўп ўтмай қарамай қўйди. Ниҳоят, ишдан бўшатди. Ҳақиқий томоша ана шундан сўнг бошланди.

Қизнинг Қайтмас деган акаси бор экан, ҳамма тўполонни ўша кўтарди. Арзу шикоят, тергов, ниҳоят суд ва турма... Хўп, у-ку бориб ўтириб келди, жазосини олди, Назокатнинг ҳамма нарсаси бор, аммо, Қайтмас уни нега тинч қўймапти?

У шаҳар кўчалари бўйлаб, машинасини елдириб бораркан, биринчи суиқасдни эслади. Ўша куни кечки пайт у ишдан қайтаётувди. Фирмани қайта очган, иш маромига туша бошлаган, унинг кайфияти яхши эди. Чорраҳадан ўтгач, улкан «КамАЗ» уни қисиб кела бошлади. Нақ мўъжиза билан тирик қолди-да ўшанда! Агар бир оз ҳаяллаганда, агар чаққонлик қилиб, кичкина ён кўчага бурилмаганида, филдек юк машинаси унинг «ТИКО» сини қурбақани босгандек эзфилаб ўтиб кетарди...

Оқшом чоғи Қайтмас унинг уйига биринчи бор қўнғироқ қилди.

— Мени танидингми, аблаҳ!? — деди у хирилдоқ овозда. У таниди. Дарҳол таниди. Гарчи ўша машғум суд кунидан сўнг Қайтмасни кўрмаган, унинг товушини эшитмаган бўлса-да...

— Нима истайсан мендан? — сўради у томоғи қуриб.

— Бу сафар осон қутулдинг... — деди Қайтмас, — аммо кейинги сафар албатта ўласан!

— Менга қара! — деди у қони қайнаб. — Мен у ёқда керагимни олиб келдим. Синглинг бўлса тинч, у ҳаётдан рози. Сенга яна нима керак?

— Қасам...

— Нима?

— Қасам ичганман. Эсингдами?

— ...

— Агар сен бўлмаганингда, сен... бундай қилмаганингда отам ўлмасди! Уни номус ўлдирди! Сен ҳам ўласан!

У гўшакни аста жойига қўйди. Нима дейиши мумкин?..

Назокатнинг отаси ўша воқеа ошкор бўлганидан сўнг ётиб қолди, бир ой ўтар-ўтмас омонатини топширди. Ким билсин, балки Қайтмаснинг гапи тўғридир, балки чол аламини ичига юта-юта, зардобга тўлиб ўлгандир. Шундай бўлгандаям энди унинг қўлидан нима келарди. Буни тақдир дейдилар.

Иккинчи суиқасд ўзини кўп куттирмади. Янги «Нексия» олган илк кунлари эди. Ҳаёти изга туша бошлаган, фирма фаолияти кенгайиб борарди. Тушдан сўнг иш билан шаҳарга чиқди. Катта кўчадан янги машинани елдириб борар, димоғида аллақандай қўшиқни хиргойи қиларди. Ногоҳ бир қизалоқ кўчани кесиб ўта бошлади, у жон ҳолатда тормозни босди. Бироқ, оёғи ҳеч қандай қаршиликка учрамай, бориб полга ёпишди. Тормоз... йўқ эди! Умуман! Кейин нима бўлганини у ғира-шира эслайди. Бир амаллаб рулни четга бурди, йўлакдаги савдо айвончасига бориб урилди. Ойналар шарақлаб синди, шиша бўлаклари шовиллаб тўкилди, кимдир қичқирди. У эса ҳушидан кетди.

Ишқилиб, бу сафар ҳам жони омон қолди. Бировларга етказган моддий зарарини тўлади, унча-мунча сарфлаб, машинани қайта таъмирдан чиқарди, ўзига эса балоям урмади. Ўша тунлардан бирида Қайтмас унга яна қўнғироқ қилди.

— Омадинг бор экан сен аблаҳнинг! Яна тирик қолдинг-а! Майли, кейинги сафар тузукроқ йўл топаман.

— Менга қара, тинч қўй мени! Сенга пул керакми? Истаганингни бераман, фақат тинч қўй!

— Пулингни ... керак жойингга тиқ, тушундингми! Сени ўлдираман барибир!

— Нимага тушунмайсан?! Мен жазоимни олганман. Синглинг тинчгина яшаётган бўлса, нима керак сенга яна..?

— Қасос! Қасам!

Бу сафар гўшакни Қайтмас биринчи бўлиб қўйди. Унинг эса қўнғилида номсиз, шаклу шамойилсиз бир бўшлиқ юз очди. Бу қоп-қора, ваҳимали салтанат ичидан ногоҳ нурли бир фикр, сўнги имкон сузиб чиқди: кўчиб кетиш керак бу ердан! Бошқа туманга, бошқа шаҳарга! Иложи бўлса, бошқа мамлакатга! Бу бола энди уни тинч қўймайди.

Ўшандан бери ўйлайди, хомчўт қилади, режа тузади. Ниҳоят, вилоят марказидан уй сотиб олди. Бу ердаги ишларни ими-жимиди битириб, бир кунда кўчиб кетади. Қайтмас ҳам, бошқаси ҳам бармоғини тишлаб қолаверсин. Бир неча милён киши яшайдиган улкан шаҳарда уни топиб бўпти!

У ана шундай хаёллар оғушида кунни кеч қилди. Идорадаги ишларини битирди, ҳужжатларни тартибга келтирди, банкдаги оғайнилари билан гаплашди. Ҳа, эртаиндин ҳисоб рақамидаги барча маблағни олади, уй-жойни шартта сотадию жўнайди. Кўчса, ҳаво алмашса, иқлим ўзгарса, балки ўғлининг соғлигига ҳам фойдаси тегар. Бундай юрак ўйноғи бўлиб яшагандан кўра...

Машинани гаражга қўйиб, ҳовлига чиқди. Шу пайт бехосдан янграган амирона товуш уни жойига михлади:

— Тўхта, қўлингни кўтар!

Дарахт ортидан аввал тўппонча учи, сўнг кичкинагина қўллар ва ниҳоят, ўғлининг жиддий чеҳраси кўринди.

— Э-э, яна ўша гапми? — деди у кулиб қўлларини кўтараркан, — майли, отсанг отақол.

Жажжи бармоқлар қатъият билан тепкини босди. Негадир бу сафар эрталабкидан қўра бир оз бошқачароқ кўринаётган тўппончанинг учидан гўё илон тилидай бўлиб, аланга отилиб чиқди. Ва бу олов учиб келиб, унинг чап қўксини жизиллатиб куйдирди. Қон фавворадай отила бошлади. Унинг тиззалари букилиб, нигоҳлари хиралашиб борарди. Кўзларини тарк этиб бораётган нур охириги дақиқаларда қари тут ортидан чиқиб келган Қайтмаснинг голибона жилмайиб турган чехрасини излаб топди.

— Зўр усулни... ахийри топибсан-да... — дея сўнгги нафасда пичирлади у.

— Ҳа! Энг оригинал усул! — йигит шундай деб девордан сакраганча ғойиб бўлди.



## УЧИНЧИ ОДАМ

(фантастик ҳикоя)

*... Сенга инсоф берсин, Учинчи Одам!*

А.Орипов

Тикучар чоғроққина тошлоқ майдончага оҳиста кўнди. Изма-из сакраб тушишган аскарлар бир зумда тизилдилар.

— Қулоқ солинглар! — бўкирди командир айиқдек лапанглаб саф олдига чиқаркан. — Душман шу яқин ўртада. Бир соатдан сал кўпроқ вақтимиз бор, сўнг куёш тиккага келиб, унинг фаол фазаси бошланади. Кимки шу вақт ичида қайтиб келмаса ўзидан кўрсин, радиоактив бўрон остида қолиб, ҳалок бўлади. Вазифа — душманни топиб, йўқ қилиш! Раҳм-шафқат, кўнгилчанлик, муло-

ҳаза — булар бари эртак! Душман йўқ қилиниши шарт!  
Тушунарлими?!

— Ҳа! — дея ҳайқиринди аскарлар бир овоздан.

— Унда вақт кетди, ишга киришинглар!

Беш километрча келадиган радиусда жойлашган ҳудуд — душман яшириниши мумкин бўлган жой. Тахминларга қўра, у ана шу тоғлар бағридаги горлардан бирида макон топган. Кўнгилчан Қайсар тарқалишаётган шерикларини кузатаркан, командирнинг ҳайқиринидан чўчиб тушди:

— Анқайма! Тез бўл!

У командирнинг ўзига шубҳа билан тикилиб қолганини ҳис этди, бироқ, кўп ўтмай бу ҳиссиёт олдиндаги хавф-хатар ваҳимаси қаршисида унут бўлиб кетди. Кўнгилчан Қайсар тошдан-тошга сакраб, ҳар бир тешик-туйнукни титкилаб, олдинга интилди.

Биороботларнинг ўн учинчи авлоди — Қайсарлар сулоласи уч йил ичида ўзидан олдинги салафлари йўл қўйган хатоларнинг қарийб барчасини тўғрилаб улгурди. Мукамал тизим ишга тушди, ер юзи бутунлай биороботлар ҳукмронлиги остига ўтди. Шимолий ва Жанубий қутбларгача назорат остига олинди. Антарктида музликларида, Саҳрои Кабир қумликларида, Африка чангалзорларида биронта қимирлаган жон қолмади. Ҳайвонлар, паррандаю даррандалар, ҳатто қурт-қумурсқаларгача қириб ташланди. Сўнгсиз уммонлар бағри тит-пит қилиниб, сув остидаги тирик жонзотлар, амёбаларгача йўқотилди. Сунъий йўлдошлар бошқарадиган «Лочин» русумли қирувчи-учувчи роботлар осмон сатҳини қушлардан тозаллади. Рўйи заминда фақат икки тоифадаги тирик мавжудот — ҳукмрон биороботлар ва қўриқхоналарга қамалган инсонларгина қолишди. Куни-кеча ҳам аҳвол шундай эди. Бироқ, ўн учинчи авлод ҳокимият тепасига келгач, сиёсат ўзгарди. Ўн иккинчи авлод бўлмиш Мулоимлар салтанати одамзодни эрмак учун, кўнгил очиш учун тирик қолдирганди. Лекин, одам боласи тинч юрармиди? Ер юзининг гоҳ у ерида, гоҳ бу ерида биороботларга қарши қўзғолонлар бошланди. Гарчи, бу ачинарли уринишлар икки пуллик фойда бермаган,

жанговар биороботлар гуруҳлари томонидан тезда бостирилган бўлса ҳам, юқори доираларда сезиларли ташвиш туғдирди. Мулойим Президент одамзодни қирғин қилиш тўғрисидаги фармонга имзо чекиш ё чекмаслик тўғрисида ўйлаб, иккиланиб юрган кунларнинг бирида яқиндагина Ҳарбий Ишлар Вазири қилиб сайланган, янги, ўн учинчи авлодга мансуб Қайсар Генерал унинг ўзини тахтдан ағдариб, бир кечада ҳокимиятни эгаллади. Ва эртасигаёқ Инсон деб аталган жонзотни ер юзидан йўқотиш ҳақидаги буйруққа иккиланмай имзо чекди. Оммавий қатағонлар бошланди.

Бир йил ичида сайёранинг барча бурчакларида яшаётган, қўриқхона ва резервацияларда сақланаётган, театр ва циркларда биороботлар қўнглини хушлаш учун хизмат қилаётган одамлар қириб ташланди. Тараққиётнинг биринчи рақамли душмани дея эълон қилинган одамзод бутунлай йўқ қилинди. Зеро, янги ҳаётда унга ўрин ҳам йўқ эди. Қариб бораётган, ожизлашиб қолган Қуёш тирик жон учун тобора хавfli тус олар, ҳар томонлама инсонга ўхшаш қилиб яратилган биороботлар ундан таралаётган заҳарли нурлар олдида беимкон эдилар. Шундай шароитда Одамзод деб аталган махлуқни тирик қолдириш, уни боқиш ва кийинтириш дахмаздан бошқа нарса эмас. Қолаверса, бу инсон деган зот тез кўпаяди, ким билсин, эрта-индин ер юзини босиб кетиши ҳеч гап эмас. Унда яна ҳукмронлик даъво қилиб қолади. Шундай экан, инсонга умуман эҳтиёжи бўлмаган, компьютер ва роботлар барча ишни бажарадиган жамиятда уни сақлаб туриш — фирт тентаклик.

Одамзод қириб ташлангач, Қайсар Президент эркин нафас олди. Энди у ҳатто биороботларнинг янги, ўн тўртинчи авлодини яратиш устида олиб борилаётган ишларни ҳам тўхтатишни ўйлаб қолди. Тўғри-да, кейинги авлодда қандай хусусиятлар етакчилик қилишини ким билиб ўтирибди? Таваккал қилишга ҳожат бормикан? Ундан кўра Қайсарлар сулоласининг ирсий белгиларини такомиллаштириш, уларнинг сунъий қонларидаги барча беқарор генларни йўқотиш ва қайсарлик, бағритошлик,

қатъийлик каби фазилатларни ташувчи унсурларни кучайтириш ҳақида ўйлаш маъқулроқ эмасми? Ана шундагина Қайсарлар сулоласи абадий яшайди, ер юзида мангу ҳукмронлик қилади!

Ана шундай кунларнинг бирида сайёранинг Осиё қисмида, аниқроғи, Марказий Осиё тоғларидан биридаги кузатув ва назорат масканлари компьютерлари ёрлардан бирида икки нафар одам боласи яшириниб ётганлиги тўғрисида ташвишли хабар тарқатди. Махсус жанговар гуруҳ инсониятнинг охириги вакиллари қириб ташлаш учун йўлга тушди...

... Кўнгилчан Қайсар навбатдаги ёрга мўралади. Бу ердаям ҳеч ким йўқлиги аниқ, чунки ер юзида биороботлар ва хизматчи роботлардан бошқа қимирлаган жон қолмаганига анча бўлди. Бунга унинг ишончи комил, лекин бу ҳам расмиятчиликдай гап, қараб кўриш керак. Ким билсин, қайси бир тош панасида уни айғоқчилар кузатиб ўтирган бўлишиям мумкин.

Кўнгилчан ўз номи билан кўнгилчан эди, у бировга озор беришни ёқтирмасди, шу боис ҳам нимқоронғи ёр бурчагида тош деворга қапишиб турган Эркак ва Аёлни кўриб, дарҳол автоматни уларга тўғрилагани йўқ. Унда кўнгилчанлик ва қизиқувчанлик баб-баравар бор эди, у сочлари орқасини тўлдириб турган, сарвқомат Аёл ва қўлида каттагина сўйил билан жуфтини ярим пана қилиб турган бақувват Эркакка ҳайрат билан термулди. Мана, ҳеч ким ишонмаган ҳодиса рўй берди: сайёранинг охириги инсонлари тирик экан!

Яланғоч Эркак ва Аёл унинг қаршисида туришибди! Кўнгилчан Қайсар уларнинг белибос эканликларига эътибор ҳам бергани йўқ, зеро, биороботлар учун уят, андиша каби ҳиссиётлар бегона эди. Уни ҳайратга солган нарса одам болаларининг тириклиги. У ҳали тирик инсонни кўрмагани, конвейердан чиқиб, ҳаракатга келганида ер юзида одам зотининг қирилиб битганига анча бўлганди.

— Бизга раҳм қил! — пичирлади Аёл эрининг ортига яширинаркан.



— Яқинлашма! — деди Эркак калтакни боши узра кўтариб.

— Кўрқманглар, — жилмайди Кўнгилчан улардан кўз узмай, — сизларни ўлдириш ниятим йўқ. Ярим соатча бекиниб ўтиринглар, биз учиб кетганимиздан сўнг бу ерлардан кетинглар. Олисроққа, кузатув нуқталари, камералар йўқ ерларга, ўрмону чангалзорларга кетинглар. Мен сизларга тегмайман. Мен кетаман.

— А-ҳа, мана қаерда экансизлар, тараққиёт душманлари! — Орқадан янграган ҳайқириқни эшитиб, Кўнгилчан шаҳд билан ўгирилди. Командир бароқ қошларини чимириб, чақчайган кўзларидан ўт сочиб, нейробластерни одамларга тўғрилаганча ғор оғзида турарди.

— Командир...

— Жим бўл! — бақирди у лапанглаганча олдинга юриб, — Сен низомни буздинг, буйруққа итоат этмадинг, энди ўлимга маҳкумсан. Базага қайтиб борган заҳотим сени зарарсизлантириш бўлимига жўнатаман. Энди хомашёга айланасан! Буларни эса...

Бу орада орқага тисарилиб, командирнинг орқа томонига ўтиб улгурган Кўнгилчан унинг ниятини дарҳол англади. Нейробластернинг ўрадай оғзи нақ кўксини нишонга олиб турган Эркак сўйилни кўтариб олдга чиқди. Минг-минг йиллик инстинкт, жуфтани, наслини асраб қолиш туйғуси унинг қонида исён кўтарганди.

Қисқа гувиллаш янгради, тепкини босишга улгурмаган Командир Эркакнинг оёқлари остига қулади. Кўнгилчан эса қуролни четга улоқтириб, ғордан чиқди. Нима бўлганини тушунолмай қолган Аёл аста қичқирди, Эркакнинг кўзлари катта-катта бўлиб очилди.

Икки Одам — Эркак ва Аёл ғор оғзида турганча пастга термулишар, уларнинг миннатдор нигоҳлари кузатувида эса УЧИНЧИ ОДАМ тобора узоқлашиб борарди...

---

## ВАҚТ ДАРЁСИ МАНЗАРАЛАРИ

Олот — Бухоро вилояти жанубида, қўшни Туркменистон сарҳадларида жойлашган туман. Теграси чўл бўлсада, Аму яқинлиги туфайли олотликлар ўз заминларини бўстон қилишган.

Абдунаби Ҳамро шу тупроқда туғилиб ўсган. Ўқувчилик йилларидаёқ унинг кўнглида сўз санъатига кучли ҳавас ва муҳаббат уйғониб, қадрдон тумани табиати ва тумандошлари турмуши манзаралари бўлажак адибнинг илк шеър ва ҳикояларига мавзу бўлди. Гарчанд бу битиклар бадиий жиҳатдан ҳали у қадар пишиқ бўлмаса-да, уларда чуқур самимият ва турли касбу кор эгалари бўлган одамларнинг ички дунёси — орзу-армонлари, дарду изтиробларини тасвирлашга интилиш сезилиб турарди.

Йиллар оша унинг қалами чархланиб, ижоди адабий жамоатчилик томонидан эътироф этила бошланди. Абдунаби 1995 йилда Олот туманидан етишиб чиққан ижодкорлар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзоликка қабул қилинди. Бугунга келиб бир неча шеърӣй ва насрий тўпламлар муаллифи бўлган адиб ҳозирда ҳам ўз қадрдон туманида яшаб ижод этмоқда.

Ўтган XX асрда Олот туманидан ижодкорлар камроқ етишиб чиқди. Устозимиз, жонқуяр адабиёт ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси Жўра Ҳамронинг мўъжаз шеърӣй ва насрий тўпламларидан ифтихор ҳиссига тўлиб юрардик. Домла Республика ижодкор ўқитувчилар танловида голиб бўлганида ғоят қувонганмиз.

Адабиётга қизиқувчи учта тенгдош дўст — Абдунаби, Темир Қурбон ва камина туманимиздан деярли биринчи бўлиб ўз мақола, ҳикоя ва қиссаларимизни Республика

матбуотида чоп эттиришга муваффақ бўлдик. Эътироф этиш лозимки, Абдунаби бир неча ой олдинроқ туғилгани учунми, бизнинг мўъжаз сафимизда пешқадамлик қилиб келмоқда. Республика матбуотида илк бор 1986 йилда «Ёшлик» ва «Шарқ юлдузи» журналларида унинг шеърү ҳикоялари устоз адиблар оқ йўли билан чоп этилди. Нашрдан чиққан қиссаю ҳикоялар тўплами Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг назарига тушиб, Абдунабининг ўзини кўрмасданоқ, ёзганларини ижобий баҳолаб, ёзувчилар уюшмасига аъзоликка тавсия этади ҳамда бухоролик танишларидан «шу йигит бир келсин» деб айттириб юборади. Ажойиб кунларнинг бирида Абдунаби иккаламиз устоз хонадонига бордик. Бир неча соат давом этган суҳбатда Шукур ака Абдунабини ўзига яқин олиб, адабиёт соҳасида йўл-йўриқлар кўрсатди. Хайрлашаётганимизда пешонасидан ўпиб, ёзувчиликка оқ фотиҳа берди.

Камина ва Темир Қурбон «ижодий жасорат» кўрсатиш учун пойтахтда қолган бўлсак-да, Абдунаби Тошкентда Маданият институтида ўқиганию, Бухоро вилоят телевидениясида бир неча йил ишлаганини айтмаганда, ўзи туғилиб-ўсган Олот туманида муқим яшамоқда. Унинг Бухородан Олотга қайтиш қарорини эшитганимда, ҳайрон бўлиб дедим:

— Бухорода Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими котиби устоз Тошпўлат Аҳмад атрофида яхши адабий муҳит шаклланиб, «Бухоро мавжлари» журнали ва бошқа адабий нашрлар йўлга қўйилди. Сен эса яна туманга қайтмоқчисан. «Ёлғизлик» қисматини бўйнингга олмаяпсанми?

— Нима қилай? — деди у. — Биласан, барча асарларим мавзуси ўз туманимиз — унинг одамлари, замини, тарихи, далаю чўлларига оид. Менинг назаримда Олот ва олотликлар каттакон адабий мавзу бўлиб, уни умр бўйи ёзгим келади...

Дўстимнинг сўзлари мени ўйлантириб қўйди. Дарҳақиқат, туманимиз одамлари қандайдир ўзига хос хулқ-атвори, бир оз тўпорилиги, чўрткесарлиги ва самимияти билан ажралиб туради. Олот шеvasидаги ўзгача бир

ширадорлик, оҳори тўкилмаган мақолу маталлар ҳамда қочириму иборалар адабий асарларга бемалол зеб бўла олади. Абдунаби буларнинг барчасини катта адабиётга олиб киришга жазм этгани қанчалик қувонарли.

Абдунабининг ҳикоялари вақтли матбуот нашрлари ва турли тўпламларда чоп қилинган. «Бовасининг боласи» ҳикояси «Бухоро мавжлари» журналининг йиллик мукофотига сазовор бўлди.

Ниҳоят, адибнинг қарийб чорак асрлик ижодий фаолияти давомида яратилган сара ҳикоялари ягона жилдда нашр этилмоқда. Бу ҳикоялар мавзу ва услуб жиҳатидан ранг-барангдир. Тарихий ҳикояларда эрк ва озодлик учун курашган боболаримиз хотираси улуғланса, замонавий мавзудаги ҳикояларда инсон руҳиятининг турли товланишлари акс эттирилган. Бир неча ҳикоялар янгича усулда ёзилгани ҳамда сюжет ўткирлиги билан диққатга сазовордир. Уларда қаҳрамонлар тақдирининг бурилиш паллалари ўзига хос тарзда акс эттирилган.

«Бовасининг боласи» ҳикоясида бир йиғинда ҳофиз йигитнинг «босмачи» бобоси ҳақида суҳбат қўзғалади. Дастлаб, эҳтиёткорлик билан бошланган суҳбатнинг чўғи қизиб, гулхандек гуриллаб кетади. Йигитнинг бобоси Ҳамро босмачи деб эсланса-да, кўрган-билган одамларда ундан яхши хотиралар қолган. Ҳамро Ражаб пайти келганда жисмоний куч ишлатишдан, ҳатто мелисаларга ташланишдан қайтмаса-да, буни ўта заруратдан, масалан, бир гал халқнинг экинзорларини сувсизликдан қуриб кетишдан сақлаб қолиш учун қилади. Бобоси хотирасидан ифтихор туфайли қадди тикланган ҳофиз йигит авж пардаларда куйлар экан, тингловчилар кўз ўнгида адолатсиз равишда «босмачи» ёрлиғи ёпиштирилган Ҳамро Ражаб каби халқ фарзандларининг ҳақиқий сиймолари гавдаланади:

Кўринг, аҳли жаҳонда бир ажиб инсон эрур ўзбек,  
Ҳалол, танти, миришкор, заршунос деҳқон эрур ўзбек,  
Мислсиз боғу роғ этган азиз боғбон эрур ўзбек,  
Забардаст, Алпомишдек паҳлавон, полвон эрур ўзбек,  
Шарафли меҳнатидан бахтиёр, шодмон эрур ўзбек.

Шу ўринда ҳикоядаги шеърӣй парчалар Абдунабининг ўз қаламига мансуб бўлиб, дўстимиз дурустгина ҳофиз эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир. Умуман, адиб ўз ҳикояларида ҳофизлар ва бошқа санъаткорлар образларини алоҳида меҳр ва маҳорат билан яратиши бежиз эмас. Унинг жами оила аъзолари санъатга ошуфта. Рафиқаси Гулчеҳрахон туман маданият бошқармасида ишлаб, санъатга доир тадбирларга бош-қош бўлса, қизи Моҳичеҳра ўқувчилик йилларидаёқ Зулфия мукофотига сазовор бўлиб, ҳозирда консерваторияда мақом йўналиши бўйича таҳсил олмоқда.

Бир қатор ҳикоялар қаҳрамонлари — қишлоқ ёшлари. Улар қайсидир хислатларига кўра ўз тенгдошларидан ажралиб туришади. «Икковлон» ҳикоясида ўқувчи бола дарсда ўқитувчи билан Гитлер номининг бош ё кичик ҳарф билан ёзилиши хусусида тортишиб қолади. Ўқитувчи: «Гитлер атоқли от, шу сабабли у бош ҳарф билан ёзилади», — деб тушунтиради. Бироқ бу хусусда боланинг ўз мулоҳазаси бор: «Гитлер урушни бошлаган ёвуз одам. Шу сабабли унинг номи кичик ҳарф билан ёзилиши керак». Бу тортишувда ким ҳақу ким ноҳақлигидан қатъи назар, ўқувчи боланинг ўз мустақил фикрига эга бўлишига интильгани китобхонда унга нисбатан ҳурмат уйғотади.

Китобдаги айрим ҳикояларнинг ёзилиш услубидаги ўзгачалик дарҳол кўзга ташланади. Истиқлол йилларидаги ижод эркинлиги, жаҳон адабиётидан таржима қилинган турли адабий йўналишу оқимларга мансуб асарлар мутолааси ва ҳоказо ижобий ҳолатлар миллий насримиз уфқларини кенгайтириб, Абдунабининг ижодига ҳам баракали таъсир кўрсатди. Муаллифнинг янги услубдаги ҳикоялари қаҳрамонлари ҳам ўзбеклар бўлиб, уларда ўзбекона руҳнинг товланишлари акс этган.

«Телбалик фалсафаси» ҳикоясида юксак санъатнинг инсон руҳиятига таъсири бўрттирилган тарзда тасвир этилган. Истеъдодли актёр Суҳроб катта тайёргарликдан сўнг театр сахнасида Машраб ролини қойилмақом тарзда ижро қилиб, умумнинг олқишига сазовор бўлади. Бироқ санъат соҳасидаги бу катта ғалаба унинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборади. Суҳроб учун санъат ва ҳаёт ўрта-

сидаги чегара йўқолиб, у туну кун Машраб ёди билан яшай бошлайди: «Навбатдаги ролларини қандай талқин қилишга уринмасин, барибир, яна Машраб чиқиб қолаверарди».

«Иккиланган» ҳикоясида бир шахснинг руҳиятидаги қарама-қарши — мусбат ва манфий қутблар кураши акс эттирилган. Ҳикояга, инсон барча таъқиблардан қочиб қутулса-да, ўз виждони таъқибига чап бериши даргумон, деган ғоя сингдирилган.

Абдунаби Ҳамро ҳикоя, қисса ва роман жанрларида ҳормай-толмай ижод қилаётган фаол носирларимиздан бири. Унинг кенг китобхонлар оммасига ҳавола этилаётган ҳикоялар тўплами миллий насримизда қалами ўткир, тафаккури теран, услуби ўзига хос бир адиб камол топаётганидан далолат беради.

*Фулом КАРИМ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси*

## МУНДАРИЖА

Бовасининг боласи .....	3
Ватаним — икки кўзим .....	11
Бахшининг сўнгги кўшиғи .....	15
Оқ алвасти .....	20
Бир бошга икки ўлим .....	29
Ёлғиз бўри .....	36
Номаълум аскар .....	44
Орқага йўл йўқ .....	50
Дунёнинг бир чеккаси .....	57
Ёриб ўтиш .....	65
Охирги танк .....	69
Отасининг ўғли .....	73
Қайтар дунё .....	79
Ўғил .....	89
Икковлон .....	94
Кўнгли бўш одам .....	101
Телбалик фалсафаси .....	107
Вақт дарёси ёхуд тақдири азал .....	123
Иккиланган .....	132
Тазарру булоғи .....	144
Сувора .....	151
Хиёнат .....	161
Жазо куни .....	167
Ажал шароби .....	172
Фаришта қўли билан .....	177
Учинчи одам .....	181
Вақт дарёси манзаралари. <i>Фулом Карим</i> .....	186

**Ҳамро, Абдунаби.**  
Х 25 Вақт дарёси: ҳикоялар / Абдунаби Ҳамро. — Тошкент. —  
«O‘zbekiston», 2009. — 192 б.

ISBN 978-9943-01-464-0

**ББК 84(5Ў)6**

*Адабий-бадиий нашр*

*Абдунаби Ҳамро*

**ВАҚТ ДАРЁСИ**

*Ҳикоялар*

Муҳаррир *Б. Худоёрова*  
Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*  
Мусахҳиҳлар *Н. Умарова, С. Салохутдинова*  
Компьютерда тайёрловчи *Ф. Тугушева*

Босишга 12.08.2009 да рухсат этилди. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>.  
Офсет босма. Шартли босма табоқ 10,08.  
Нашр табоғи 9,72. Адади 2000.  
Буюртма № 09-218

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.